



SHARQSHUNOSIK
ВОСТОКОВЕДЕНИЕ
ORIENTAL STUDIES



3

2021

ILMIY JURNAL
ISSN 2181-8096



SHARQSHUNOSLIK
ВОСТОКОВЕДЕНИЕ
ORIENTAL STUDIES

TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI ILMIY JURNALI

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА ВОСТОКОВЕДЕНИЯ

SCIENTIFIC JOURNAL OF THE TASHKENT STATE UNIVERSITY
OF ORIENTAL STUDIES

№ 3, 2021



Журнал Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси
рўйхатидан қайта ўтган (№ 02-0053, 26.09.2014 й.) – ISSN 2181 – 8096

Бош муҳаррир – Рихсиева Гулчехра Шавкатовна
филология фанлари номзоди, доцент

Таҳрир хайъати

Н. Абдуллаев	<i>сиёсий фанлар номзоди, доцент (бош муҳаррир ўринбосари)</i>
Д. Мухиддинова	<i>филология фанлари доктори (масъул котиб)</i>
А. Маннонов	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Р. Ходжаева	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
А. Қуронбеков	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Ш. Шомусаров	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Қ. Омонов	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
У. Мухибова	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Х. Хамидов	<i>филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)</i>
Б. Абдуҳалимов	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
А. Ходжаев	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
М. Исҳоқов	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
А. Дониёров	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
Х. Файзиёв	<i>тарих фанлари номзоди, доцент</i>
Р. Жумаев	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
У. Идиоров	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
Ш. Ёвқочев	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
А. Ваҳобов	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
Р. Абдуллаев	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
И. Мавланов	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
Д. Пўлатова	<i>фалсафа фанлари номзоди, профессор</i>
Р. Баҳодиров	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
Э. Иззетова	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
Г. Глизон	<i>АҚШнинг New Mexico университети профессори</i>
А. Шоназарова	<i>АҚШнинг Колумбия университети профессори</i>
Оно Масаки	<i>Япониянинг Цукуба университети профессори</i>
Ли Джи Ин	<i>Корея Республикасининг Ханжук чет тиллар университети профессори</i>
В. Месамед	<i>Исроилнинг Қуддус университети профессори</i>
А. Гурер	<i>Туркиянинг Анқара университети профессори</i>
А. Воробьев	<i>Россия Фанлар академияси, Шарқшунослик институти катта илмий ходими</i>
Г. Авда	<i>Миср Араб Республикасининг Хелвон университети профессори</i>
А. Тохир	<i>Миср Араб Республикасининг “Ал-Ҳивар” сиёсий тадқиқотлар маркази директори</i>
Ли Синьвэй	<i>Хитой Халқ Республикасининг Шэньси университети профессори</i>
Х. Байдемир	<i>Туркиянинг Отатурк университети профессори</i>

Нашрга тайёрловчилар:

Ж. Исмоилов, А. Зиёдов, Ш. Аскарлова, Л. Хамдамзода, Х. Сулаймонова

Журнал докторлик диссертациялари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши
лозим бўлган илмий нашрлар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Олий
Аттестация Комиссияси томонидан киритилган.

e-mail: nashriyot@tsuos.uz

web-site: www.tsuos.uz



МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS

АДАБИЁТШУНОСЛИК // ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ //
LITERATURE STUDIES

- Имомназаров М.* Гўзал чехра – мактуб (Амир Хусрав Дехлавийнинг бир ғазали таҳлили) 4
- Абдуллаев С., Тўхтаев Н.* Араб насрининг тарихий илдишлари ва манбалари 15
- Арипов М.* Тилак, олқиш, дуоларда антонимларнинг бадий вазифалари 23

ТИЛШУНОСЛИК // ЯЗЫКОЗНАНИЕ // LINGUISTICS

- Нурматов С.* Ҳиндий тилидаги сон компонентли фразеологик бирликларнинг семантик-структур таснифи 33
- Миришарипова Б.* Замонавий корейс тилида фразеологик бирликлар 54
- Ҳасанова Ш.* Хитой ва ўзбек тилларида феъл фразеологизмлари тадқиқи доир 69
- Ходжаханов М.* Маркетинг: понятие, термины, формирование 80

МАНБАШУНОСЛИК ВА ТАРИХШУНОСЛИК // ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ
И ИСТОРИОГРАФИЯ // SOURCE STUDIES AND HISTORIOGRAPHY

- Умурзоқов Б.* Алий Сафий Ҳиравийнинг Тошкент қўлёзма фондларида мавжуд асарлари ва ижодкор қаламига мансуб янги топилмалар 95
- Чўтматов Ж.* Термизда астрономик билимлар ривож тарихидан 107
- Рискулов Ш.* Биринчи инглиз-афғон урушидан сўнг Афғонистонни бирлаштириш сиёсати 116
- Вахидов А.* Сведения «Цзю Тан Шу» и «Синь Тан Шу» о взаимоотношениях между народами Центральной Азии и Китая 121
- Ахмедов С.* “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида Хитой ва Ҳиндистондаги меъморий иншоотлар ва маданий ҳаёт 136
- Камолова Н.* Хива хонлигида ерга эгалик муносабатлари 151

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА СИЁСАТ //
МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ И ПОЛИТИКА //
INTERNATIONAL RELATIONS AND POLITICS

- Шозамонов Ш., Эшназарова Н.* Ўзбекистон-Туркия алоқалари 164
- Арипов Ш.* Янги Ўзбекистонда, янги ёш авлод истикболини амалга ошириш омиллари 172
- Sadibakosev Kh.* Modern Approaches to the Study of Modern International Relations 183



АДАБИЁТШУНОСЛИК // ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ // LITERARY STUDY

ИМОМНАЗАРОВ МУҲАММАДЖОН

Филология фанлари доктори, профессор, ТДШУ

Гўзал чехра – мактуб

(Амир Хусрав Дехлавийнинг бир ғазали таҳлили)

*Зиҳи намуда аз он зулфу холу орази хуб,
Яке саводу дувўм нуқтаву савўм мактуб¹ -*

деб бошланувчи ғазал дастлаб шоирнинг 1960 йили Душанбеда Тожикистон давлат нашриётида босилган “Мунтахабот” (“Танланма”) китоби 40-саҳифасида чоп этилган бўлиб, кейинроқ - 1975 йили яна “Ирфон” нашриётида бир гуруҳ тожик олимлари тайёрлаган Амир Хусрав Дехлавийнинг 4 жилдли “Осори мунтахаб” (Танланган асарлари) 4-жилди “Ғазалиёт, Қасоид, Муқаттаот, Рубоиёт” китоби 66-саҳифасида қайта босилган.

Шариф Ярашевнинг мақоласи шундай бошланади:

“Шоир девонида “яхши” (хуб), “мактуб” ва “ошўб” (ғавго) қофияси билан келтирилган алоҳида бир ғазали бошқа ғазалларга нисбатан ўзгача бир оҳанг ва услубда яратилган. Зеро унда ирфоний истилоҳлар маъно жиҳатидан мантиқий занжир каби бир-бирига чамбарчас боғлиқ тарзда ажойиб маъно товланишларини акслантириб, шоирнинг тасаввуфий ва ахлоқий тасаввуроти нақадар кенг ва теранлигини намоён этган. Ушбу ғазал шаклий жиҳатдан ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ундаги сўз-тимсолларнинг ўзаро мантиқий боғлиқлиги, мазмун ва мундарижанинг гоёвий уйғунлиги, бадий тимсоллар орасидаги ажабтовур боғланишлар, муродиф сўзларининг маъно жиҳатдан бир-бирига яқинлаштирилиши, сўзларнинг поэтик семантикасига хос мураккаб боғланишлар ва ноанъанавий маънолар касб этиши мазкур ғазални шоирнинг бошқа ғазалларидан ёрқин фарқланишига сабаб бўлган”².

Ғазал 7 байтдан иборат бўлиб, юзаки қараганда, дарҳақиқат, тасаввуфий-ирфоний мавзуда битилганга ўхшайди. Фаридиддин Атторнинг ушбу йўна-

¹ Амир Хусрави Дехлавий. Осори мунтахаб дар чаҳор жилд. Жилди 4. Душанбе: "Ирфон", 1975, с. 66.

² Ш.Ярашев мақоласи асли тожик тилида 2018 йилда илмий-амалий анжуман материаллари таркибида чоп этилган бўлиб, биз унинг шогирдимиз диссертацияси 2-боб 2-фасли сифатида келтирилган ўзбекча вариантдан иқтибослар келтирмоқдамиз. (Ш.Ярашев. Таҳлили лингвопоэтикаи истилоҳи «зулф» дар мисоли як ғазали Амир Хусрав. // “Филологиянинг долзарб муаммолари ва контрастив тилшунослик» мавзусидаги хорижий олимлар иштиок этган республика илмий-амалий анжуман материаллари. 1-китоб. Фарғона, 2018, 256-260.)



лишда битилган “Мантик ут-тайр” достонида ҳам соликнинг Ҳаққа интилишида босиб ўтадиган 7 водий ҳақида сўз боради. Қани шу 7 водий таърифи билан Амир Хусрав ғазалининг 7 байти мазмунини қиёслаб кўрайлик-чи?

“Мантик ут-тайр”даги биринчи “бекат” – “*талаб водийси*”¹. Ғазалимизнинг биринчи байти шунга мос келадими? Ҳар ҳолда “мос келмайди”, деб айтиш қийин. Чунки ҳарбий масаланинг бошланиши “*талаб*” эканлигини инкор қилиб бўлмайди. Бу, албатта, энг умумий ёндашув.

Аммо агар жиддийроқ қиёслашни бошласак, масала унчалик содда эмаслиги маълум бўлади. Аввало суфий шоир сатрларига эътибор қаратайлик:

*“Чун талаб водийсига етдингми, бас,
Юз бало сенга ёгилгай ҳар нафас.
Юз бало бошингга келгач дам сайин,
Тўти эрдинг, энди бўлгайсан чивин.
Жадду жаҳд юклайди йилдан йил сенга,
Юзланур қалбингда ҳолдин ҳол сенга.
Молни лозимдир отиб, иргитмогинг,
Мулкни лозимдир баса тарк этмогинг.
Бунда қонларга бўялгайсан расо,
Барча нарсангдан бўлурсан мосуво.
Ҳеч вақоинг қолмагач илкингда ул,
Покламоқ кўнгилни ҳам лозим бўлур.
Қолмагач кўнглингда борлиқдан сифот,
Юз очур даргоҳи Ҳақдин нури зот...”*²

Кўриниб туриптики, соф тасаввуф шеърлятида очиқ-ойдин Ҳақ ишқи (Дехлавий ибораси билан айтганда - “*ишқи ҳақиқий*”) куйланмоқда. Амир Хусравда эса жуда унчалик эмас.

Шеърнинг биринчи байти мазмунига эътибор қаратайлик.

Ш.Ярашев таржимаси:

*Хуб эрур ул зулфу холу зебо юзунг,
Бири саводу бири нуқтаву бири мактуб.*

Ярашев таржимаси жуда содда. Биз масалага жиддийроқ қараш учун ишни бирма-бир луғатга мурожаат қилишдан бошлаймиз. 1-мисра: “*Зиҳи*” (охирги “*и*” унлиси чўзиқ ўқилади.) – “*Фарҳанги забони тожик*” луғати 1-жилди 454-саҳифа – “*калимаи нидо – аҳсант!, боракалло!, хушо!, офарин!, таҳсин!, марҳабо!*” (ўзбек тилига таржима қилмасак ҳам тушунарли). “*намудан*” – 1. нишон додан, ишора кардан. 2. намоён шудан, зоҳир шудан, 3. ба назар омадан³. 2-мисра: “*савод*” - 1. сиёҳи, сиёҳранги 2. торики, зулмат. 3. сиёҳии чизе, ки аз дур

¹ Шайх Фаридуддин Аттор Нишопурий. Асрорнома. Т., “ТАМАДДУН”, 2012, с. 115.

² Биз ўзбек китобхонига малол келмаслиги учун Аттор матнини Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимасида бермоқдамиз, чунки бу ўринда умумий мазмунга эътибор қаратилади, бадий тасвир маҳоратига эмас.

³ Фарҳанги забони тожик. 1- жилд. М., 1969, с. 832.



намоён мешавад. 4. касрат, бисёри, анбухи. 5. нусха, рўнавис, навешта. 6. Сиёҳ-навис, мусаввад. 7. Хонда ва навешта тавонестан (бу маънода ўзбек тилида ҳам кўп ишлатилади - “савод” – *саводсиз, саводли, саводинг борми?* - каби) 8. Он чи дар ҳошия ва гирди варақ навешта мешавад 9. гирд, атроф 10. сатҳи замин, сарзамин, мамлакат. *саводи дида* - мардумакчи чашм¹. Бошқа сўзларнинг маънолари деярли маълум.

Энди тасаввуфий луғатларга қараймиз. Е.Э.Бертельснинг “Зулф ва рух” (“Локон и лицо”) мақоласида ушбу икки тасаввуфий атама қадим манбаларга таянган ҳолда батафсил таҳлил қилинган². Биз уни тўлиқ қайтаришимизга зарурат йўқ. Аммо бир ҳақиқатни қайд этиб ўтиш жоизки, шоир назариётчи эмас, ва ҳақиқий шеър ҳеч қачон қатъий назарий қолипларга тушиши мумкин эмас. Яна бир масала борки, шеърят тирик мавжудот ва у йиллар сайин ўсиб-улғайиб борар экан, кечаги кийими бугун тор келиб қолса, эртаги кун умуман сиғмай қолиши табиий ҳолат. Жумладан, ирфоний шеърят ҳам доимий ўсиш-улғайишда эканлигини бир зумга унутсак, демак, янглиша бошлаганимиз шу. Аттор XII асрда туғилиб, XII аср охирлари – XIII аср бошларида яшаб ижод қилган шоир. Деҳлавий эса XIII аср 2-ярмида дунёга келиб, XIII аср охирлари - XIV аср бошларида ўз асарларини яратган. Аттор ва Амир Хусрав орасида Жалолиддин Румий ва Саъдий Шерозийдек забардаст қалам эгалари турипти.

Ғазал таҳлилига қайтадиган бўлсак, биринчи байтдаги 2 мисраинг қиёси аниқ кўрсатиб туриптики, биринчи мисрадаги “зулф”, “хол” ва “оразини хуб” тимсоллари ҳозирча ўзининг том маъносида ишлатилган, сабаби улар кейинги мисрадаги “савод”, “нуқта”, “мактуб”га ишора қилмоқда. Шу қиёсланишнинг ўзиёқ устоз Е.Э.Бертельс мақоласидаги қиёслардан тамомила узоқлашиб кетиб бўлди. (“Миръот ул-ушшоқ”да “савод ул-важҳ” бирикмасига изоҳ бор³, “савод” сўзининг ўзига ҳеч қандай маҳсус тасаввуфий маъно юклатилмаган.)

Шеърятнинг яна бир сири шундаки, агар илмда ҳар бир сўз фақат бир маънода ишлатилиши шарт бўлса (чунки одатан илм кўп маъноликни кўтармайди) ҳақиқий шеърда ҳарбий ишлатилган сўз-тимсол чексиз маънолар силсиласига қараб интилади (ҳар бир тирик мавжудот чексиз кўп қирраликка интилганидек). Ҳар ҳолда мен умр бўйи ўрганишга ҳаракат қилиб келаётганим Шарқ мумтоз шеърятини шундай. Ғазалдаги “зулф”нинг “савод”га қиёс қилинишида бу ҳолат, айниқса, яққол намоён бўлиб турипти. Биринчи байт мазмунини охиригача шарҳлашдан ҳозирча тийилиб, энди 2-байтга ўтамиз:

*Саводу нуқтаву мактуби ўст дар дили ман,
Яке балову дувўм фитнаву саввўм ошўб.*

¹ Фарҳанги забони тожик. 2- жилд. М., 1969, с. 170.

² Е.Э.Бертельс. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. М., “Наука”, ГРВЛ, 1965, с. 109 - 125.

³ Шу китоб, с. 157.



Ш.Ярашев таржимаси:

(Қалбимда унинг саводу нуктаву мактуби,
Бири балову бири фитнаву биридир ошўб).

Ана энди кўринг! Бу дунё (“сарзамин”) ҳам, саводли бўлиш ҳам, қоралама (“мусаввада”) ҳам – “бало”, “нуқта” (агар уни –Аллоҳ сақласин! -ягоналик рамзи деб ҳисоблайдиган бўлсак - “Миръот ул-ушшоқ”да ҳеч қандай изоҳ йўқ) – “фитна”. Фақат учинчи сўз-тимсолни бироз тушуниш мумкин: “орази хуб” (гўзал чехра) – “мактуб” – “ошуб” (“шўру-ғавго”, “фитна”, “бетартиби”¹).

“Мантиқ ут-тайр”даги иккинчи “бекаат” – “ишқ водийси”². Амир Хусрав шеърининг давомидан энди очиқ маълум бўлмоқдаки, унда ҳам ошиқнинг туғёнли ҳолатлари ифодаланмоқда. Яъни умумий мазмунда икки ижодкор орасида деярли тўлиқ мувофиқлик бор. Фақат Аттор доимгидек ўта жўшқин:

*“Сўнгра ишқ водийси очгайдир варақ,
Унга етганлар бўлур оташга гарқ.
Ким демшиким, ул баса оташ эмас,
Оташ эрмас эрса, ушшоқ хуш эмас.
Ошиқ улдирки, баса оташ эрур,
Ёндириб, куйдиргучи саркаш эрур,
Оқибатандеш бўлолмас бир замон,
Фарқи оташ ул, яна барқи жаҳон.
Лаҳзае на куфр билгай ул, на дин,
Заррае на шакку шубҳа, на яқин...”*

Сўнги мисралар яна гап “ишқи ҳақиқий” (яъни, ишқи илоҳий) устида кетаётганига аниқ ишора қилмоқда. Суфий ошиқ шоирга қараганда, Амир Хусрав масалага анча-мунча босиқлик билан, ҳатто, айтиш мумкинки, четдан туриб, фалсафиёна ёндашаётгани сезилиб турипти. Аттор фақат биргина ташбиҳ – “гарқи оташ”лик ҳақида ҳайқирса, бизнинг шоир ишқ туйғусини “бири – бало, бири - фитна, - бири - ошўб” деб, маъшуқа хуснининг шеър биринчи сатрида санаб ўтилган ифодачиларига мувофиқ равишда тақсимлаб ташламоқда.

“Мантиқ ут-тайр”даги учинчи “бекаат” – “маърифат водийси”³ тасвирига эътибор қаратамиз:

*“Сўнг очилгайдир назарга бир улуг
Маърифат водийсиким, поёни йўқ.
Кимса борму, ҳаддига бул ҳавзанинг
Кўз солиб чун боши айланмас анинг?
Бунда йўллар айру, чандон ўзгадир,
Солики тан, солики жон ўзгадир.*

¹ Фарҳанги забони тожик. 1- жилд. М., 1969, с. 945.

² Асрорнома. Т., “ТАМАДДУН”, 2012, с. 119.

³ Асрорнома. Т., “ТАМАДДУН”, 2012, с. 123 .



*Жону танда баски нуқсону камол,
Ҳам тараққийдир уларда, ҳам завол.
Ложарам водийда йўллар қўп неча,
Ҳар бирининг йўлчиси бир ўзгача... ”
Амир Хусрав ғазалиниг учинчи байти:
Балову фитнаву ошўби ў бувад маро,
Яке муроду дувўм мўнису савўм матлуб.*

Ш.Ярашев таржимаси:

*(Мен учун унинг балову фитнаву ғавғолари,
Бири муроду бири мунису бири мақсуд).*

Агар яхшилаб қидирсак, ҳар икки шоир айтмоқчи бўлган фикрда умумийлик топиш мумкин, яъни арабча “*арафа*” феъли асосида ясалган “*маърифат*” тушунчасининг асл келиб чиқишида “*англаб етиши*” маъноси мужассам. Шоир шунга ишора қилмоқда, яъни гўзаллик ошиқликни туғдирган бўлса, ишқ машаққатлари, аслида англаб етилгач, ошиқнинг муроди, мақсади ва истаги эканлиги маълум бўлади. Аммо ҳар икки шоир мавзунинг турли қирраларига эътибор қаратаётгани ҳам мисоллардан очиқ кўриниб турипти.

Тўртинчи байтга ўтамир:

*Муроду мўнису матлуб ҳар се аз ман шуд,
Яке жудову дувўм голибу савўм мағлуб.*

Ш.Ярашев таржимаси:

*(Муроду мунису матлуб мендин бўлиб,
Бири айрову бири голибу бири мағлуб).*

Шариф Ярашев диссертациясидан:

“Юқоридаги байтлар анъанасига мувофиқ “мурод”, “мунис” ва “матлуб” (мақсад) сўзлари мазмун жиҳатдан “жудолик” (айрилиқ), “голиб” ва “мағлуб” сўзлари билан ҳамоҳанг тарзда келтирилган. “Мурод” лексик жиҳатдан ўзининг асл маъноси, яъни мақсад, талаб, хоҳиш, истак ва орзу маъноларини ифода этади. Маълумки “жудолик” ва ё ҳижрон (айрилиқ) сўзи “мурод” сўзига муқобил тарзда ишлатилган бўлиб, ҳажр, фироқ, жудолик, ноумидлик, хасталик ва машаққат манбаи сифатида ишлатилган.

Аммо “мунис” сўзи бошқа сўзларга нисбатан кўпроқ “голиб” сўзи билан таносубга эга ва юқорида келтирилган фикрларга зиддир. Зеро “мунис” сўзи маъшуққа ишора бўлиб, “голиб” сўзи маҳбубнинг ошиққа нисбатан мавқеи устунлигини англатади. Тасаввуфда “истиғно” деган тушунча, аниқроғи, ҳолат бор¹. Шу жиҳатдан “голиб” сўз-тимсолини маҳбуб ўзини бевафо, меҳрсиз, ошигининг оҳу ноаларига бефарқ ва эътиборсиз қилиб кўрсатишига қарамай солиқ ўз йўлида собит бўлиб, аҳдидан қайтмаслиги, яъни маҳбуб унинг дилида ҳануз ҳукмронлигини сақлаб турганлиги маъносида талқин қилиш мумкин. “Матлуб” ва “мағлуб” сўзларининг ўртасидаги

¹ Алишер Навоий. Лисонут тайр. Т., Ғафур Ғулом номидаги НМБ, 1991, с.202.



маънавий яқинлик ҳам айни шу талқиндан келиб чиқади. Яъни умидсизлик, маъюслик ва муроду мақсадга ета олмасликдир. Бошқа жиҳатдан “муроддан айрилиш” бу тариқатнинг барча ғам-ташвиш ва машаққатларидан сўнг буюк мақсадга ета олмаслик ҳамдир. “Мунис”нинг “голиб” бўлиши бу солиқнинг барча умидлари пучга чиққандан сўнг ҳам Оллоҳ билан ҳамроз ва ҳамдарад бўлишини ифодаласа, “матлуб”нинг “мағлуб”га айланиши бу солиқнинг бенаибликни бўйнига олиши ва ишқнинг самарасизлигига кўникиши, тан беришига ишорадир”.

Шогирдимизнинг талқини соф тасаввуфий руҳда бўлиб, “Мантиқ ут-тайр”даги тўртинчи “бекаат” – “истигно водийси”¹га мувофиқ келади. Агторда бу ҳолат ўта фожеъ бир тарзда таърифланади:

*“Сўнгра ул водийи истигно келур
Унда не даъво ва не маъно бўлур.
Бениёзликдан етишигай сарсари,
Йўқ бўлур бир зумда мулки, кишвари.
Етти денгиз битта тўлқин бўлгуси,
Етти дўзах битта учқун бўлгуси.
Бунда саккизта беҳиштинг ҳам ўлик,
Бунда етти дўзахинг муздир, сўник.
Бир чумолига бу ерда, не ажаб,
Юзта фил қурбон берилгай бесабаб.
Битта калхат ризқи бўлсин деб йирик,
Юзта карвон ичра қолмас бир тирик...”*

Агтор умрининг охириги йиллари мўғул босқини даврига тўғри келади. Ривоятларга кўра шоир ўзи ҳам мўғул лашкари кўлида шаҳид бўлган. Аллоҳнинг тақдирига чин дилдан имон келтирган суфий инсон тилидан бу шафқатсиз замонда, албатта, шундай умидсиз сатрлар кўчиши ҳайрон қоларли эмас эди. Амир Хусрав ҳам мўғуллар дастидан кам жабр кўрмади, 8 ёшида отаси мўғул босқинига қарши жангда ҳалок бўлди, ўзи ҳам айни навқиронлик йилларида шеърят ҳомийси шаҳзода Муҳаммадқоондан ажралди, икки йил мўғуллар кўлида асирлик азобини тортди. Аммо шоир салафи даражасида бадбинликка берилган эмас, у ҳаётга некбинлик назари билан боқади, “истигно” тушунчасига маъшукнинг ошиқ туйғулари қанчалик жиддийлигини синаш, имтиҳон қилиш маъносида талқин қиладики, бу фараз кейинги байтларда ўз тасдиғини топган.

Бешинчи байтга ўтамиз:

*Жудову голибу мағлуб рафту боз омад,
Яке гулому дувўм маркабу савўм маркуб.*

Ш.Ярашев таржимаси:

*(Айрову ғолибу мағлуб кетибон яна келди,
Бири гулому бири маркабу бири маркуб).*

¹ Асрорнома. Т., “ТАМАДДУН”, 2012, с. 124.



Ш.Ярашев фойдаланган матнда¹ шундай. Аммо бизнинг қўлимиздаги матнда² муҳим ўзгариш бор. Унда иккинчи ташбиҳ – “*маркаб*” ўрнида “*давлат*” сўзи келган. Яъни 2-сатр “*Бири ғулому бири давлату бири маркуб*” шаклидан чоп этилган. Бундай ўзгариш нашрга тайёрловчилар фойдаланган қўлёзмалардаги фарқми ёки муҳаррирнинг ишими – аниқлаш имкони бўлмади. “*Маркаб*” ва “*маркуб*” сўзларининг бугунги маъноси билан шоир яшаган муҳит ва даврдаги аслий ва мажозий маънолари орасидаги фарқни аниқлаш имкони ҳам ҳозирча мавҳумлигича қолди. Ҳар ҳолда гап ошиқнинг маъшукқа нисбати хусусида кетаётгани аниқ. Икки нашр орасидаги фарқни шарҳлайдиган бўлсак, олдинги байт ва мисралардаги “*мурод*”, “*мўнис*”, “*матлуб*” ва “*жудо*”, “*ғолиб*”, “*мағлуб*” ташбиҳ қаторлари билан қиёслаганда ўртадаги “*мўнис*” ва “*ғолиб*” сифатлари маъшукқа оид деб тасаввур қилингани билан боғлиқ бўлиши эҳтимол.

“Мантиқ ут-тайр”даги бешинчи “бекат” – “*тавҳид водийси*”³ бўлиб, Аттот унга шундай таъриф беради:

Сўнг эса ул водийи тавҳид келур,
Манзили тажрид ила тафрид келур.
Йўл сари юзланса юзлар дафъатан,
Бир яқодан бош чиқаргай барча тан.
Гар кўрарсан беадад, гар андаки,
Йўлда барча биттадилар бешаки...

Ана энди суфий шоир талқини билан “соҳири ҳинд”⁴ қарашлари орасидаги фарқ аниқ кўриниб қолди. Агар Амир Хусрав ғазалининг ушбу байтида “истиғно” ҳолатидан “тавҳид” ҳолатига ўтиш ифодаланган деб қарайдиган бўлсак, унда маъшукнинг истиғносига жавобан ошиқ ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини унга тўлиқ бўйинсунишини, ўзини “*ғулом*” ва “*маркаб*” деб тан олишини эътирофи сифатида талқин қилиши деб англашимиз керак бўлади. Агар гап “*Холиқ*” ва “*махлуқ*” (яратувчи ва яралмиш) муносабатлари ҳақида кетаётган бўлса, унда банда ва Парвардигор орасидаги “тавҳид” ҳолати фақат имон эгасининг тўлиғича Аллоҳ измига ўзини бўйсундириши ўз хою-ҳавасларидан буткул кечиб, ҳар бир хатти-ҳаракатини Яратган иродасига мувофиқ бўлишига эришиши назарда тутилади. Агар шоир “*шиқи ҳақиқий*” эмас, балки “*мажозий шиқ*” (яъни бир инсоннинг ўзга инсонга муҳаббати) назарда тутилган тақдирда ҳам худди шундай муносабат, яъни ошиқнинг иродаси тўлиқ маъшукнинг иродасига бўйинсунган бўлиши талаб этилади⁵.

¹ Амир Хусрави Деҳлавий. Мунтахабот. Душанбе, Тоҷдавнашр, 1960, с.40.

² Амир Хусрави Деҳлавий. Осори мунтахаб. Жилди 4. Ғазалиёт, Қасоид, Муқаттаот, Рубоӣёт. Душанбе, “ИРФОН”, 1975, с. 66.

³ Асрорнома. Т., “ТАМАДДУН”, 2012, с. 128 .

⁴ “Ҳинд сеҳргари” – Алишер Навоӣ таърифи.

⁵ Биз матнда “ошиқ” ва “маъшук” деб ёзишимиз сабаби мумтоз адабиётда руҳоний муҳаббат жинс ажратмаслиги ҳисобга олинган. Навоӣда Фарҳод ҳам, Ширин ҳам, Лайли ҳам, Мажнун ҳам



Олтинчи байтга ўтамиз:

*Ғулому маркабу маркуб бо се чиз хуш аст,
Яке хузуру дувўм шодиву савўм маҳбуб.*

Ш.Ярашев таржимаси:

(Уч нарса ила ғулому маркабу маркуб яхши,
Бири хузуру бири шодлику бири маҳбуб.)

“Мантик ут-тайр”даги олтинчи “бекат” – “*ҳайрат водийси*”¹.

Тасаввуф шоири гапни яна “дарду-ҳасратдан” бошлайди:

*“Сўнгра ул водийи ҳайрат келгуси,
Неки ҳайрат, дарду-ҳасрат келгуси.
Ҳар нафасда неча тиг келгай сенга,
Ҳар замонда во дариг келгай сенга
Оҳ бўлгай, дард бўлгай, сўз² ҳам,
Кеча бўлмайдир сенга, кундуз ҳам.
Ким кезиб ўтгай бу водий кўйидан,
Қатра-қатра қон оқур ҳар мўйидан...”*

Бизнинг некбин шоиримиз эса ошиқнинг “*ғулом*”, “*маркаб*”, “*маркуб*” тарзидаги ҳолатини “*ҳузур*”, “*шоди*”, “*маҳбуб*” сифатлари билан безатади, яъни ошиқнинг маъшук иродасига тўлиқ бўйинсуниши унга хузур ва шодлик бағишлайди, унга шу ҳолати хуш келади. Маҳбубига бўйинсуниш унга ёқади. Мана Амир Хусравнинг “тавҳид”га муносабати, талқини.

“Мантик ут-тайр”даги еттинчи “бекат” – “*фақру фано водийси*”³ деб аталади ва шундай бошланади:

*“Сўнгра келгай водийи фақру фано,
Сўзу тавсиф унга эрмишму раво?
Дема водий, ул фаромушлик эрур,
Кўрлику карлик ва беҳушлик эрур.
Неча юз минг сояким мавжуд эса,
Гум бўлур бир онда гар хуршид эса.
Баҳри куллий қайнаса, тошса ҳамон,
Унда қолгайму нақшдан бир нишон...”*

Кўриб турганимиздек, яна умумий руҳ тушкунлик, бадбин кайфият туғдирувчи мисралар. Аттот кичик ҳикоятлар устаси, моҳир тасвирчи. Аммо тасаввуфий ғоялар ифодасида некбинлик асари ҳам йўқ.

Ҳинд сеҳргари ҳам ҳаётга теран кўз билан қарайди, ижтимоий ҳаёт мураккабликларини асло хаспўшламайди. Сарой шоири сифатида ҳукмдор-

бир пайтнинг ўзида ҳам “ошиқ” (севгучи), ҳам “маъшук” (севилувчи). Аслида ислом динида ҳам Аллоҳни севган бандасини Парвардигор ҳам севади (ёки аксинча, Аллоҳ қайси бандасига меҳри тушган бўлса, ўша банда ҳам Парвардигорини севадиган бўлади.)

¹ Асрорнома. Т., “ТАМАДДУН”, 2012, с. 131.

² Таржимон форсча “сўз”ни (яъни “*куйиши*”, “*ўртаниши*” маъносидаги) ишлатган.

³ Асрорнома. Т., “ТАМАДДУН”, 2012, с. 135.



ларнинг феъли-атворини ҳам жуда яхши билади. Достонлари мазмуни бундан дарак. Тасаввуф сирлари ҳам унга бегона эмас. Аммо Амир Хусрав Фаридуддин Аттор ва Жалолоддин Румийлар йўлини эмас, Санойи ва Хоқоний, Низомий ва Саъдийлар йўлини маъкул кўради.

Еттинчи байтга ўтамиз:

*Хузуру шодиву маҳбуби ман бувад, Хусрав,
Яке шаробу дувўм соқиву савўм рухи хуб.*

Ш.Ярашев таржимаси:

(Менинг хузуру шодлику маҳбубимдир, Хусраво,
Бири шаробу бири соқиву бири рухи хуб).

Аслида тилга олинган “шароб” ҳам, “соқий” ҳам, *гўзал юз* (“рухи хуб”) ҳам аллақачон тасаввуфий маънолар касб этиб бўлган ва шоир уларни аллақачон ўзлаштирган¹. Тасаввуфий луғатларда шарҳланишича, шаробнинг маст қилиши “*фано*”, “*соқий*” – *файз бахш этувчи, гўзал юз* (“рухи хуб”) – илоҳий жамол мазҳари, яъни Тангри жамолининг аксланиши.

Маълумки, Навоий “*Маҳбуб ул-қулуб*”да Санойи ва Саъдийлар қаторида Амир Хусравни ҳам “*ҳақиқат асрорига мажоз тариқини махлут*” қилувчилар қаторида санайди. Шоирнинг ўзи эса, “*Ширин ва Хусрав*” достонининг муқаддима қисмида ўз асарларида “*ишқи ҳақиқий*”ни эмас, “*ишқи мажозий*”ни қуйлашини писанда қилиб ўтади. Демак, таҳлил қилинган шеърда ҳам *ишқи ҳақиқий* эмас, балки “*ишқи мажозий*” қуйланган. Уларнинг фарқи нимада?

Аввало, биламизки, тасаввуф тарихи ривожда зуҳд босқичи, ишқ босқичи, ирфон босқичи ажратилади. Аммо ирфоний шеърятнинг ҳам ўз такомил босқичлари бор. Агар форс мумтоз шеърятда Санойи, Анварий, Хоқонийлар ирфоний мавзунини бошлаб берган бўлсалар, Аттор ва Румий уни энг юксак босқичга кўтардилар. Лекин Саъдий Шерозийга келиб ирфоний шеърятда жиддий ўзгариш бошланди. Энди илоҳий ишқ инсоний муҳаббат билан омукта қуйлана бошланди. Шу билан бир пайтда инсоний муҳаббат замирида поклик, илоҳий туйғулар ўз аксини топа бошлади. Саъдий бани башарни яхлит мавжудот сифатида таъриф қилган бўлса, Амир Хусрав шеърятда буюк Навоий зукколик билан “*ҳақиқат асрорига мажоз тариқини махлут*” қилиш деб атаган маънавий юксалиш бошланди.

Бу ҳолатнинг изчил ва ихчам бадий тасвири биз таҳлил қилаётган ғазалда илк мартаба ёрқин намоён бўлганлигини эътироф этиш мумкин.

Юқорида батафсил баён қилинганидек, маънавий юксалишнинг Аттор асарида 7 водий сифатида тавсиф этилган босқичлари “*ҳинд сеҳргари*”нинг мўъжаз асарида 7 байт давомида буткул ўзгача ранг ва жилода васф этилади.

Аввало, 1-байтдаги тасаввуфий луғатларда аллақачон ўзининг аниқ талқинларини топган ул “*зулф*”, “*хол*”, “*оразини хуб*”(*зебо юз*) бадий тим-

¹ “Миръоти ушшоқ”да ҳар уч тимсол ҳам шарҳланган. Қаранг: Е.Э.Бертельс. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. М., “Наука”, ГРВЛ, 1965, с. 158, . 155, 152.



солларининг бу луғатларда мутлақо учрамайдиган “савод”, “нуқта”, “мактуб” ташбихлари билан таърифланиши дарҳол мумтоз шеър шайдосини ҳам мафтун этади, ҳам саросимага солади. Ёр зулфининг қаролиги, унинг ёр юзини яшириши, мажоз олами деб тасаввур қилинган бу ўткинчи дунё илоҳий жамолни тўсувчи эканлиги маълум эди, аммо “савод”нинг “нуқта” ва “мактуб” билан бир сафда келиши унинг бошқа маъноларига ишора қила бошлаши билан “гўзал чехра” ва “мактуб” боғланишлари ҳам янгича маънолар касб эта бошлади. Бу энди янгича ирфоний туйғулар оламига кириш, Аттор силсиласидаги “*талаб водийси*”нинг буткул ўзгача талқини эди. Шеър сеҳри бизни мафтун этишни бошлади. Табиийки, “*гўзал чехра*” бизга ғайб оламидан “мактуб” экан, иккинчи қадам, албатта, “*ишқ водийси*” бўлмай иложи йўқ. Бу ишқ энди илоҳийми, инсонийми, яъни “ҳақиқийми”, “мажозийми” нима фарқи бор, муҳими, “мактуб” поклик оламидан, руҳоният оламидан бизнинг қалбимизни поклаш, нурлантириш учун юборилганлиги шубҳасиз. Поклик оламида ғараз бўлмайди, фақат руҳий завқ, маънавий покланиш бўлади.

Аммо риндлар куйчиси Ҳофиз нима дейди:

“...*Кўринди аввал ишқ осону сўнгра тушти мушуқлар*”.

Шунга мувофиқ, ошиқлик бошга тушгани, энди - “*саводу нуқтаву мактуб*” “*балову фитнаву ошўб*”га айланиш хавфи пайдо бўлади. Дарҳақиқат, “*ишқи мажозий*”ни Навоий айтган “*авом ишқи*” даражасида талқин қилинса, яъни ғайб оламидан ўзимизнинг тупроқдан бино қилинган “*моддий олам*”имиз даражасига туширилса, иложсиз ўртада фитна бош кўтаради, турли ғавғо ва иғволар юзага келади, натижада меҳру муҳаббат ўрнига бошга бало ёғилиши мумкин.

Кейинги “*Маърифат водийси*”ошиқларни шундай хатарлардан огоҳ этади. Аммо ҳақиқий ошиқни, яъни Навоий тушунчасидаги “*хос ишқ*” эгасини бундай хатарлар парвосига келмайди, чунки унинг учун “*оразу хўб*” (гўзал чехра) илоҳий “мактуб”, яъни Халлоқи оламнинг қудратидан, санъатидан, мутлақ жамолдан бир нишона, қутлуғ хабар. Бу “мактуб” таъсирида ҳақиқий ошиқнинг пок кўнглида пок шавқ туғилади, бу шавқ унга яшаш, яратиш, инсонларга пок меҳр билан муносабатда бўлиш иштиёқини уйғотади. Шу сабабдан унинг кўнглида “*балову фитнаву ошўб*” ўрнини “*муроду мўнису матлуб*” эгаллайди.

Аммо бу ўзгаришлар билан масала ҳал бўлмайди. Энди ўзгалар эмас, ёр “истиғно”си бошланади. Бу жуда қаттиқ синов. Юқорида “*истиғно водийси*”

хусусидаги Аттор таърифини кўздан кечирдик. Яна бир марта қайд этиш керакки, айна шу босқичдан икки ижодкор ёндашувлари орасидаги тафовут жиддийлашади. Агар “*ишқи ҳақиқий*” куйчиси фақат солиқ билан Ҳақ орасидаги муносабатлар хусусида сўзласа, Амир Хусрав маъшукнинг истиғноси аслида “мактуб” жўнатган Зотнинг синови эканлигига ишора қилади ва кейинги водий – “*тавҳид*” айна шу талқинга мувофиқ ошиқнинг бир



пайтнинг ўзида ҳам мажозий машукқа, ҳам бу “мактуб”ни унга юборишни лозим кўрган Зотга ҳар қандай ҳолатда ҳам тўлиқ, асло тараддудга ўрин қолдирмай, бўйинсунишини англатади.

Ҳақиқий ошиқ агар шунинг уҳдасидан чиқса, “...сўнгра ул водийи ҳайрат келгуси...” унга атрофидаги инсонлар барчаси севимли бўлур, уларнинг оғирларини енгил қилиш унга ҳузур бағишлайдиган, ўзгаларнинг бахти унга шодлик келтирадиган, барча унга, у ҳам барчага “маҳбуб” бўлур. Ана шу Ҳақ ирода-сига тўлиқ бўйинсуниб, унинг “мактуб”ига чин дилдан, беғараз меҳр қўйиб, ” инсоният бахти учун яшашни чин дилдан ҳузур деб билган инсон фақру-фано водийсида ўтиб, илоҳий “соқий” тутган бахт “шароби”дан тотиниб, мутлак жамол эгаси васлига ноил бўлиб, ҳақиқий бақога эришади.

Шундай қилиб, моҳиятан олганда ушбу ғазал масалага янгича ёндошувнинг **дастурий баёноти** даражасида бўлиб, Аттор ғоялари Румий маснавийсида янгича қирралар касб эта бориб, Саъдийда узил-кесил ўзгаришга учраган бўлса, Амир Хусрав бу ўзгаришларнинг асл мазмунини ихчам, аммо шеъриятнинг бадий тилида изчил очиб берувчи лирик асарни дунёга келтирган эди. Шоир кейинчалик йирик эпик дostonларида ўз хулосаларини кенг ҳаётий лавҳаларда батафсил ёритишни ҳам уҳдасидан чиқди. Келгусида Алишер Навоий даҳоси бу йўналишни ҳам бадий, ҳам назарий мукамал шакллантиришга муваффақ бўлиб, унинг аниқ номини ҳам, ўзига хос етакчи хусусиятларини ҳам кўрсатиб бериб, инсониятнинг ҳам маънавий, ҳам сиёсий-ижтимоий баркамоллиги йўлида кашфиёт яратди. Шоир шеъридан биз тушунган маънолар шулар бўлди. Валлоҳи аълам бис-саваб.



АБДУЛЛАЕВ САРВАР

Фалсафа фанлари номзоди, доцент, ТДШУ

ТЎХТАЕВ НАСРУЛЛО

магистрант, ТДШУ

Араб насрининг тарихий илдизлари ва манбалари

Аннотация. Уйбу мақолада араб насрининг келиб чиқишига хизмат қилган манбалар ўрганилган. Уларнинг янги замон араб романчилиги вужудга келишига кўрсатган таъсири илмий таҳлил қилинган. Араб насрининг жаҳон адабиётидаги ўрнига илмий баҳо бериб ўтилган. Маълумки, мўзуллар босқини оқибатида таназзулга юз тутган аббосийлар халифалиги давлати ўрнида янги давлатлар шакллана борди. Улар орасида салжуқийлар, усмонийлар ортиқ даражада нуфузга эга бўла бошладилар. Усмонийлар даври араб адабиётида эски анъаналар давом этди. Асосан шеърят, жангнома, эртак ва қиссалар жанри мавжуд эди. Усмонийлар таназзули бошланган 16-17 асрлардан бошлаб, Европада кенг қулоч ёзган ренессанс янги ислохотларни бошлаб берди. Табиийки, бу Европа халқлари адабиётига ҳам янгилик олиб кирди. Айни шу даврда насрий ишқий ёки саргузаши асарлар – роман жанри пайдо бўлишига туртки бўлган. Бу эса бир неча сабаблар ортида ўз навбатида шарқ, хусусан араб адабиётига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Араб адабиётида романчилик мактабининг юзага келишига туртки бўлган манбалар ҳақида атрофлича фикр юритилган. Бундай ўзгаришлардан яна бири араб мамлакатлари ёшлари Европа университетларида таълим олиб, Европа адабиётига мансуб асарлар билан танишганлар. Мақолада ана шу масалалар ва замонавий араб адабиётида романчилик мактаби асосчиларидан бири сифатида тарихий асарлар устаси Журжи Зайдон ҳаёти ва ижоди тилга олинади. Унинг янги давр араб романчилигида тутган ўрни тадқиқ этилган, мақолада бу борадаги изланишлар ўрганилиб араб романчилиги мактаби ҳақида илмий таҳлиллар баён қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: Арабистон, муслмон-араб, бадиий безак, Муаллақот.

Аннотация. В данной статье были изучены источники, послужившие зарождению арабской прозы. Их влияние на появление нового современного арабского романа было научно проанализировано. Научная оценка места арабской прозы в мировой литературе. Известно, что на месте государства халифата Аббасидов, пришедшего в упадок в результате монгольского нашествия, начали формироваться новые государства. Среди них, сельджуков, османы начали завоевывать все больший авторитет. Османский период продолжался старыми традициями в арабской литературе. В основном это был жанр поэзии, боевых искусств, сказок и рассказов. С 16-17 веков, когда начался упадок Османской империи, набирали обороты в Европе, начали новые реформы. Естественно, это также принесло новости в литературу европейских народов. В то время проза послужила толчком к появлению романтических или приключенческих произведений – жанра романов. А это, в силу ряда причин, в свою очередь, повлияло на Восток, в частности на арабскую литературу. Существует исчерпывающее мнение об источниках, которые мотивируют возникновение школы романов в арабской литературе. Еще одно такое изменение заключается в том, что молодые люди из арабских стран учились в европейских университетах и знакомились с произведениями европейской литературы. В статье рассматриваются эти вопросы, а также жизнь и творчество мастера исторических произведений Джурджи Зайдона как одного из



основателей школы романов в современной арабской литературе. Изучена его роль в арабском романе нового периода, в статье рассматриваются исследования на эту тему и объясняется научный анализ школы арабского романа.

Опорные слова и выражения: Аравия, мусульман-араб, художественный украшение, муаллакат.

Abstract. In this article, the sources that served as the origin of Arabic prose were studied. Their influence on the emergence of a new modern Arabic novel has been scientifically analyzed. Scientific place of Arabic prose in world literature was evaluated. It is known that in place of the state of the Abbasid caliphate, which fell into decline as a result of the Mongol invasion, new states began to form. Among them, the Seljuks, the Ottomans began to gain more and more authority. The Ottoman period continued with old traditions in Arabic literature. It was mainly a genre of poetry, martial arts, fairy tales and short stories. Since the 16th and 17th centuries, when the decline of the Ottoman Empire began, Renaissance was gaining momentum in Europe being a trigger for new reforms. Naturally, it also brought news to the literature of European nations. At that time, prose served as the impetus for the emergence of romantic or adventure works - the genre of novels. And this, for a number of reasons, in turn, influenced the East, in particular Arabic literature. There is an exhaustive opinion about the sources that motivate the emergence of the school of novels in Arabic literature. Another change is that young people from Arab countries studied at European universities and got acquainted with the works of European literature. The article examines these issues, as well as the life and work of the master of historical works Djurji Zaidon as one of the founders of the school of novels in modern Arabic literature. His role in the Arabic novel of the new period is studied, the article discusses research on this topic and explains the scientific analysis of the school of the Arabic novel.

Keywords and expressions: Arabia, Muslim Arab, artistic decoration, muallakat.

Арабларнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётида тутган ўрнини аксар манбаларда Ислом дини вужудга келиб, юксалиши ва тарқалиши ҳамда халифалик давлатчилигининг ташкил топиши билан боғлиқ асосда белгиладилар. Бироқ таъкидлаш муҳимки, Арабистон Ярим оролининг исломгача бўлган тарихи ҳақида маълумот нисбатан камроқ ва энг муҳими мусулмон-арабларнинг ўзи исломгача даврга мафкуравий жиҳатдан танқидий қарашлари сабаб тортишуви жиҳатлар талайгина. Лекин шунга қарамай, жаҳон адабиётида ўзига хос ўрнига эга замонавий араб адабиёти вужудга келиши илдизлари исломдан олдинги даврларга бориб тақалади.

Бадавийлар лексик жиҳатдан жуда бой ва грамматик қурилиши бўйича мукамал тилда сўзлашганлар. Кейинчалик тилшуносларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли арабларнинг балоғат ва фасоҳат билан йўғрилган доно нутқлари ва тарихий ривоятларидан олинган намуналар бу тилнинг бошқа тилларда учрамайдиган мукамал хусусиятларидан дарак берувчи унсурларга эга эканлиги ва бу унсурлар исломгача бўлган даврда ҳам истеъмолда бўлгани аниқланди.

Шуни ҳам айтиш мумкинки, исломгача бўлган шеърятнинг руҳида бадий безаклар, сўзловчи ва тингловчи ҳолатидан келиб чиқувчи воситаларни қўлланиши жуда гўзал тарзда ифодалаган бўлса-да, исломдан кейинги даврда унинг даражаси кейинги ўринга ўтиб қолди.



Зеро, жоҳилият даври сатрларининг асосий қисми ўз-ўзини ёки қабиласини мақташдан ўзгаларни эса, ҳақоратлаш ва менсимасликдан иборат эди. Албатта севги, нафрат, қайғу қабилар ифодасига бағишланган асарлар ҳам бўлганлигини инкор қилиб бўлмайди. Уларда, соф муҳаббат, жасорат, ўқтамлик ва тантилиқ каби фазилатлар гўзал ифодасини топган. Тасвир воситаларининг ранг баранг ва ўз ўрнида қўлланилиши бадавий араблар тилининг ёрқин ифтихори десак хато бўлмайди.

Араб шеъриятининг энг қадимги намуналари милодий 6-аср бошларига тўғри келади, яъни уларни Ислом туғилишидан фақат бир аср ажратиб туради. Албатта, улар анча олдин шеърлар ёза бошлаганлар, лекин бу вақтга келиб, “мумтоз” услуб юксак даражада шаклланган бўлиб, ҳислар нозиклиги ва маълум қатъий қоидаларга бўйсунадиган ўлчамлар тизими асосида шеърлар битилган. Айтаётганимиз классик араб, кейинчалик форс ва туркий шеъриятдаги аруз санъати ўша даврдан араб орасида мукамал даражага кўтарилди ва айни мана шу услуб ўз хусусияти билан бошқаларидан ажралиб туради.

Кейинги давр филологлари узоқ ўтмишда бўлиб ўтган Араб шеъриятининг олтин даврига мансуб асарларни тўплашга жиддий киришдилар. Асарлар оша оғзаки тарзда етиб келган қасидаларга бир бутун “девон” тартибланди. Мазкур асарларга умумий тарзда баҳо бериб ипга терилган дуру жавоҳирларни англлатувчи “Муаллақот”¹ номини бердилар. “Муаллақот” таркибига алоҳида ҳар бир уруғ ёки шу қабиллага мансуб муаллифларнинг асарлари, ёки бошқача айтганда антологиялар шаклида териб чиқилган. Мазкур тўпламлар орасида “Муаллақот”дан ташқари “Асмаият”, “Муфаддалият”, “Музаҳҳабат” деб ном олган девонлар ҳам бор. Шоирлардан энг машҳури оташин жангчи-шоир Антара, ал-Мутанаббий, улардан ташқари Сурия ва Месопотамиянинг христианлашган подшоҳларини мадҳ этган, Имру-ул-Қайс каби муаллифлар асарларини алоҳида тилга олиш мумкин.

VII аср бошидан нозил бўла бошлаган Аллоҳнинг каломи – Қуръони карим араб шеърияти даҳосининг ҳар қандай намунасини ортда қолдирди. Қуръон шаклан ҳам мазмунан ҳам ўзидан олдинги ва кейинги давр сўзларидан устунлигини нафақат араблар балки бутун башариятга маълум қилди. Унинг нафақат мазмуни балки бетакрор бадиияти, фасоҳат ва балоғати ҳар қандай инсонни таслим этади. Зеро, Қуръон бу борада инсониятни очикдан очик мусобақага чақирди: **وَإِنْ كُنْتُمْ فِي رَيْبٍ مِّمَّا نَزَّلْنَا عَلَىٰ عَبْدِنَا**

¹ معلقات (муаллақот) жоҳилия – исломгача бўлган давр шеърий сатрлар намуналари жамланган девон номи. Уларни 8-асрда ровий Ҳамид томонидан тўплангани маълум. Муаллақот сўзи этимологияси борасида турли вариантлар бор. Жумладан, ўша давр Маккада шоирлар мусобақаси ўтиб турар ва ғолиб сатрлар қаъба деворига осилар эди. “Муаллақ” – “осиғлиқ” маъносида, яна айрим мутахассислар мазкур шеърий сатрларнинг гўзал дур жавоҳирлар иборат тақинчоқ маъноси билан атаганлар деган фикрни илгари сурадилар (Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона).



فَاتُوا بِسُورَةٍ مِنْ مِثْلِهِ وَادْعُوا شُهَدَاءَكُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ – “Агар бандамизга (Муҳаммадга) туширган нарсамиздан (Қуръондан) шубҳада бўлсангиз, бас, сиз ҳам унга ўхшаш (биргина) сура (ёзиб) келтиринг ва Аллоҳдан ўзга гувоҳларингизни чақиринг – агар ростгўй бўлсангиз” (Бақара: 23)¹. Оят мазмунидан кўринадики, илоҳий калом ҳар жиҳатдан араб бадий асарларидан ортиқдир.

Эътироф этиш лозимки, Қуръон бенуқсондир. Уни ислом таълимоти жиҳатидан қабул қилинганда ҳам, ё бўлмаса танқидий асосда ўрганилганда ҳам бундан бошқа хулоса бериш мумкин эмас. Қуръоннинг бенуқсон ва бетакрорлигини инкор этмоқчи бўлганлар тарихда ўз ақли қосирлари ордидан азият чекканлар. Улар орасида Ибн Ал-Муқаффа ва Абу Ала Ал-Мааррий² каби жоҳилият шоирларини эслашнинг ўзи кифоя. Улар куфр ва бидъатчи деб эълон қилинди. Диний туйғунинг энг юқори чўққиси бўлган тавҳид ва Аллоҳнинг буюклиги масаласи Қуръони карим бош мавзуси ҳисобланади.

Қуръоннинг нафақат маънавий устунлиги балки шаклан бетакрорлиги ҳам арабларни шошириб қўйган десак, муболаға бўлмайди. Сажъ (қофияланган наср) усули арабларда у кезлар маълум эмасди. Қуръон кейинги Араб услуби ривожига қатта таъсир қилди ва бу манба нафақат араб, балки Византия, Форс, Ўрта Осиё ва бошқа ҳудудларда нафақат дин, балки адабиёт ривожига тамал тоши қўйди. Қуръон сюжетлари турли тилларда ўзининг бадий талқинини топди. Араблардан ташқари, форслар, туркий халқлар ўз дидактик асарлари мундарижасига Қуръон оятларидан олинган ҳикматларни маҳорат билан киритиб улкан ютуқларга эришдилар. Биргина форсий ва туркий тилларда битилган “Хамса” дostonлар тўплами қатига яширинган ахлоқ ҳамда комил инсон тарбиясига оид фикрлар айна Қуръон таъсири десак хато бўлмайди.

Араблардаги бадий маҳорат ва сўз санъати қоидаларининг ўзига яраша чуқур илдизлари бор. У ҳам бўлса, табиат билан ҳамоҳанглик. Арабларнинг аксар қисми саҳровий бадавий кўчманчилар бўлиб, улар табиатан ҳассос бўладилар. Уларнинг фикр ўйлари, сўзлари ҳам шеъриятдир. Шу сабаб арабларда образ яратиш ҳамда уни ифодалаш усуллари хилма хиллиги барча тиллардан бир неча қарра устун бўлган. Баъзан оддий чўл ҳаётини тасвирлаш билан шоирлар маъно серқирралиги туфайли юксак эътирофга эришганлар, жумладан шундай шоирлар орасида – Умар ибн Абу Рабиё (в.711)³ шеърларини эътироф этиш мумкин.

¹ Қуръон оятлари мазмуни таржимаси Абдулазиз Мансурнинг “Қуръони карим оятлари мазмуни таржимаси” китобидан олинди.

² Абу Амр (Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ ибн ал-Муқафъ тахминан 721-757 йилларда яшаган араб ва форс тилида ижод қилган шоир; Абу ал-Аъла Аҳмад ибн абдуллоҳ ат-Танухий Ал-Мааррий 973-1058 йилларда яшаган машҳур шоирлардан. Зоҳидлик ҳаётини кечирган. Умидсизлик, скептик рационал дунёқарашга эга бўлган. Манба: Крачковский И. Ю. Избранные сочинения, т. 1—2. М.-Л., 1955—1956.

³ Умар ибн Абу Робиа 644-712. Араб шоири. Шеъриятда умарийлик йўналишига асос солган.



Аббосийлар сулоласининг дастлабки йилларида, Араблардаги кизикқон саҳровийлик хусусияти ўрнини анчайин босиқ янгича тамаддун эгаллади. Баъзи шоирлар исломгача мавжуд бўлган анъаналарга содиқ қолишса (Абу-Таммам., вафоти 845), ал-Бухтурий (в. 897), ал-Мутанаббӣ (в. 965)), баъзилари замон тақозоси билан янги таассуротларни ифодалаш учун янги воситаларни излаб топишар, айримлари эса, антик шеърият уфқларидан мутлақо йироқлашиб, ахлоқ, дин, фалсафа соҳаларига мансуб бўлган бадий шакл масалалари билан шуғулланишга киритишдилар. Янги услубнинг типик вакиллари сифатида Абу Нувасни (в. 813) тилга олиш мумкин. У асосан хирсий муҳаббат қувончлари, шароб ва ов ҳақида ёзган. Башар ибн Бурда (в. 784) шеъриятида Ислом ва насронийлик, эзгу ва ёвуз тамойиллар ўртасидаги абадий кураш тушунчаларини тараннум этган. Шунингдек, самимий кўтаринки кайфият, фалсафа ва диний туйғуларни ифодалашга муваффақ бўлган адиб сифатида Абу Атоҳияни¹ (в. 825) келтириш мумкин. Анча кейин эса кўр шоир Абу Ала ал-Маъаррий (в. 1057) жуда мураккаб тарзда барча динлар ҳақидаги қарашларини ифодалаган. Унинг барча жонзотларга бўлган эҳтиромидан фикрлари Ҳиндуийликдан таъсирлангани сезилади.

Бироқ бир неча асрлар давомида араб адабиёти стилистик анъананинг қадимий шаклларга ғайри ихтиёрий равишда кўр-кўрона тақлид қилиш даврини бошидан кечирди. Кейинги асрлар мобайнида Испаниядан Эрон, Туркия ҳатто Марказий Осиёгача бўлган улкан заминда яратилган сон-саноксиз “девоңлар” ушбу анъанани сақлаб қолган. Аммо соф муҳаббат туйғуси ҳақидаги суфиёна (тасаввуфий) шеърлар ва халқ кўшиқларида жўшқинлик ҳаётийлик унсурлари ўз ифодасини топган. Таниқли суфий шоир Умар ибн ал-Фарид² (в. 1235) руҳиятнинг илоҳий ишқ билан сармастлигига муваффақ бўлиш борасида ёзган. Айни у яшаган даврдан адабиётда бир мунча янги мезон, анъанавий арузнинг бир қадар жўшқин баҳрлари пайдо бўла бошлади. Улар орасида нисбатан кенгрок тарқалгани ғазал - нақорат билан тўрт мисра бандига асосланган шеърий шаклдан фойдаланилди ва бу муҳаббат изтироблари ва қувончларини, оддий халқ нутқига яқин услубда ифодалашни осон ва содда қилиб кўрсатди. Испан шоири Ибн Кузман (в. 1160) “девони” кундалик ҳаётнинг севги ҳақидаги асарлари, сатирик ва реалистик тасвирлари билан бирга ўз ичига олган тўпламдир. Испанияда ҳам гуллаб-яшнаган платоник севги назарияси билан бир қаторда ғазалнинг поэтикаси, эҳтимол, прованс (оддий маъносида) шеърият ривожланишини рағбатлантирди десак муболаға бўлмас.

¹ Абу Исҳоқ Исмоил ибн ал-Қосим ал-Атоҳия 748 йил туғилган. Биринчи араб файласуф-шоирларидан. Шеъриятнинг фалсафий зоҳидлик йўналишига асос солганлардан бири. Зухдият жанрида қилган ижоди орқали инсонни камолот сари юксалишини талғиб қилган.

² Умар ибн Али ибн ал-Фарид — араб сўфий-шоирларидан, тасаввуфнинг ғарбий сулуқларига мансуб. 22 марта 1181 йилда Мисрнинг Қоҳира шаҳрида туғилган. Отаси Абу ао-Ҳасан Алий ибн ал-Муршид ибн Али ҳам суфийлардан бўлган. 1234 йилда Қоҳирадаги Азҳар университетида вафот этган.



Арабларнинг муболаға, ташбех, киноя каби бадий жихатдан мураккаб нутқ услублари асосида янгича насрий услубнинг шаклланиши ва унда мазмунни қисқа ҳамда тез англашиладиган услубдан фойдаланиш жараёни ўз ўзидан юқори баҳоланади. Халифалик вужудга келишининг биринчи асрида сиёсий масалалар ҳамон очиқ муҳокама қилиниб, сиёсий нотиклик гуллаб-яшнади. Автократиянинг ўсиши билан у бутунлай йўқолди ва барча диний, ахлоқий ва адабий нотиклик фақат воизлик (хутба) ва насиҳат (мавъиза) кўринишидаги жанрларда акс этди. Шунингдек, турли мавзулардаги ҳар хил таълимотларда ривожланди. Ҳокимиятнинг юқори даражада марказлашуви расмий қоғозлар ёзган амалдорлар ва уламоларнинг ижтимоий мавқеини оширди ва улар қомусий маданиятнинг асосий ташувчиларига айландилар. Даврнинг энг йирик маркази бўлган Боғдоднинг зиёли доираларида Амр ибн-Баҳр ал-Жоҳизнинг¹ адабий очерк жанрини ривожлантирадиган кўплаб кичик рисоалари, латифалар билан бой, турли хил қизиқишларни ифодалашга қулай кўринди.

Жаҳон динига айланган Ислом байроғи остида узоқ йиллар башарият тафаккурига таъсир этган юнон илм-фани ва фалсафаси ҳамда форс ҳикматлари ва бошқа халқларнинг маданий мерослари кунт билан ўрганилди. Бу ўринда унутмаслик керакки, ўрганилган ва таржима қилинган ҳар бир бошқа таълимотларга ислом фалсафасидан келиб чиққан тарзда Бағдоддаги Байтул-ҳикмада (Академия) муносабат билдирилган ва шарҳлар ёзилган. Лекин шунга қарамай, мазкур таржималардан таъсирланган айрим оқимлар фаолияти тарихда ўз фаолиятига эга бўлган. Бу эса, ўз ўрнида қайсидир маънода адабий муҳитга ҳам таъсирини ўтказди. Жуда оз сонда бўлса ҳам адолатни куйловчи шеърлар омма орасида тарқалди.

Шеърятдан ташқари дидактик мавзудаги латифалар жанри вужудга келди. Турли мавзулардаги латифалар ва афоризмлар тўпламлари пайдо бўлди. Бу борадаги энг ёрқин мисоллар сирасига Ал-Жоҳизнинг “**كتاب المساكين**” (Мискинлар ҳақидаги китоби), Ибн Қутайба ҳақидаги (в. 884) қиссалари, Андалусилик Ибн Абд Раббихийнинг² (в. 940) “**العقد الفريد**” (“Якто

¹ Жаҳиз Абу Усмон Амр ибн Баҳр (куняси ал-Жаҳиз, сўзма-сўз маъноси қисик кўз) – араб носир, олим. Келиб чиқиши эфиопиялик оилада туғилган. Ўспирин ёшида тижорат билан шуғулланган. Боғдод ва Басра шаҳарларида илоҳиёт, адабиёт, тарих ва бошқа табиий фанлар қаторида фалсафани ҳам ўрганган. Бизгача тахминан 30 та асари сақланиб қолган бўлса ҳам манбалага кўра 200 дан ортиқ, аксарияти фалсафага оид рисоалар ёзган. Муътазиллар оқими таъсирида бўлган. Машхур асарлари орасида «Китаб ал-бухала» (Бахиллик ҳақида китоб), «Китаб ал-байан ва-т-табийин» (Баён ва ойдинлик китоби), «Китаб ал-ҳайаван» (Жониворлар ҳақида китоб). Манба: Pellat Ch. Le milieu basrien et la formation de Gahiz. P., 1953. Pellat Ch. Keilani Ibrahim al Gahiz fi al-Basrah wa-Bagdad wa-Samira. Damasq, 1985.

² Абу Умар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абд Раббихи — араб шоири, адиб, тарихчи. 860 йили Қуртубда Андалуси (Испания) туғилган. Бадий адабиётнинг кенг антологиясини тузиб чиққан - «ал-Иқд ал-фарид». Унда олим VII—VIII асрларда халифалик худудидаги адиблар



маржон”) киради. Ибн Қутайба котибнинг саркарда топшириғига кўра ёзган унинг жанглари ҳақидаги жангнома асари нафақат, ўша замон китобхонлари учун балки бугунги кунда ҳам қизиқарли бўлган маълумотларни ўзида жамлаган бўлиб, ундан кейинги асрларда тарихчилар ҳам фойдаланганлар.

Араб адабиётининг расман камолоти 10-асрга келиб ўзига ортиқ даражада киши эътиборини жалб этувчи Қуръоннинг сажъ услубига монанд яратилган асарлар билан бўлди. Қуръони каримда қўлланилган каби ритмик наср услубида ёзиш бир мунча осон бўлмаса-да, бироқ қатор ривоят ва ҳикоятлар шу услубда битилди. Бундан ташқари, араб тилини ўрганишга мўлжалланган китоблар, амалий фикҳга оид рисолаларда ҳам мана шу услубга мурожаат қилинди. Бу услуб ўз мақомларида юқори поғоналарга кўтарилди. Юсуф Ал-Ҳамадоний¹ (в. 1008) бундай мақомларнинг илк бор пайдо бўлишига сабаб бўлган. Кейинроқ Ал-Ҳаририй² (в. 1122) ўзининг “Мақомат” китобини ёзди. Унинг асарлари нафақат араб тилида, балки бошқа тилларда, жумладан, иброний тилида ҳам ёзилган. Бу асар одоб-ахлоқ масаласига оид ҳикоятлардан иборатлиги билан характерланади. Эътироф этиш керакки 10-12 асрларда араб тилида битилган бадий асарлар мавзуси 15-16 асрга келиб Европа уйғониш даври адабиётига таъсир қилган.

Араб адабиётида эпик, бадий ва драма жанрлари тараққиётида яна бир ўзига хос босқич бўлиб, унда реал ҳаётдаги очиқ айтиб бўлмас фикрларни эртақлар асосида ифодалаш имконияти берувчи “1001 кеча” ривоятлари юзага келди. Мазкур жанрнинг илк муаллифи номаълум. Бунинг сабаби оддий. Аббосийлар халифалиги даври сиёсати мутлақ ҳукмдорнинг шахси ва шахсий ҳаёти мутлақо дахлсиз ҳисобланиб, унинг фаолиятини ошқора танқид қилиш таъқиқланган эди. Шу сабаб бу жанр ҳам анъанавий Халқ оғзаки ижоди каби ривож топди. Бу давр ижтимоий-маънавий муҳитига бошқа халқлар маданияти ва қадриятлари таъсир қилгани ҳақида юқорида айтиб ўтдик. Айни “1001 кеча” эртақлари қайсидир маънода ҳинд эпоси “Калила ва Димна”дан³ таъсирланган бўлиши мумкин.

ва уларнинг асарлари ҳақида фикрлар берган. 940 йилда Қуртубда вафот этган. Отаси Умар Ибн Ал-Валид. Манба: Arabic Andalusian Casidas translated by Joan Penelope Cope, Peter Russell The Pound Press 1953.

¹ Абу Ёқуб Юсуф ибн Айюб ибн Юсуф ибн Ҳусайн Бузанжарди Ҳамадоний 440/1048-49 йилда Ҳамадон шаҳрида туғилган. Аждодлари форслардан бўлган. У ўз шаҳрида таълим олиб жуда ёш таҳсилни камолига етказган. 18 ёшида Боғдодга бориб шофеий мазҳаби олими Иброҳим ал-Фирузабад ва Абу Исҳоқ аш-Шерозийдан илм ўрганган. Суфийлик таълимоти муршидларидан бўлган. Ундан машҳур суфийлар Аҳмад Яссавий ва Абду-л-Халиқ Гидждуваний таълим олган. Яссавий ва хўжагон тариқатларининг бошланиши унга тақалади. Манба: *Omar Ali Shah. The Rules or Secrets of the Naqshbandi Order* (англ.). — Tractus Books, 1998. — ISBN 2-909347-09-5.

² Абу Муҳаммад Муҳаммад ибн ал-Қасим ал-Басрий ал-Ҳаририй — араб адиби, шоир ва тилшунос. 1054 Басрада туғилган, 9 сентябрь 1122 йилда вафот этган.

³ Қадимий ҳинд оғзаки ижоди замирида вужудга келган, унинг аниқ, ёзилган вақти маълум эмас. Асар шахзодаларга таълим-тарбия беришга мўлжалланган бўлиб, насихат руҳида



Араб адабиётида насрий асарлар яратишда асос бўлган муҳим манбалардан бири бу “Сийрат”¹ китобларидир. Маълумки, сийрат китоблари асосан насрда битилган бўлиб, бундай манбаларнинг айримлари ўқувчи эътиборини ўз бадиий маҳорати билан ҳам жалб қилиб келади. Бундан ташқари, турли даврларда ҳукмронлик қилган мусулмон халифалар, подшо ва амирлар, саркардалар ҳаётига оид солнома ва жангномалар ҳам араб насри тараққиётида муҳим ўрин тутди. Мазкур асарлар ҳам бадиий жиҳатдан бой манбалардандир. Араб ҳукмдорларининг ёзишмалари, олимларнинг ваъз ва хутбалари ҳам араб насри асосларидан ҳисобланади.

Тарих, грамматика, география, тиббиёт, кимё каби фанларга оид ўрта асрларда араб тилида битилган асарлар услуби илмийликка асосланган бўлишига қарамай, қайсидир маънода араб бадиий насри унсурлари вужудга келишида ўзига хос манба вазифасини ўтаган дея олишимиз мумкин. Жумладан, тарихчи, файласуф олим Ибн Халдуннинг (в. 1406) “Муқаддима”² асари гарчи тарих, сиёсат, жамият тараққиётининг табиий жараёнларига бағишланган асар бўлса-да, асарнинг бадиий савияси юксакдир.

Мўғуллар босқини оқибатида таназулга юз тутган аббосийлар халифалиги давлати ўрнида янги давлатлар шакллана борди. Улар орасида салжукийлар, усмонийлар ортиқ даражада нуфузга эга бўла бошладилар. Салиб юришларига қарши курашларда тобланган усмоний давлати Византия ерларини эгаллаб қудратли давлат тузди. Улар бир кетин Ўрта ер денгизи қирғоқларидаги барча мусулмон ерларини ўз ҳудудларига қўшиб олдилар. Усмонийлар даври араб адабиётида эски анъаналар давом этди. Асосан шеърят, жангнома, эртак ва қиссалар жанри мавжуд эди. Усмонийлар таназули бошланган 16-17 асрлардан бошлаб, Европада кенг қулоч ёзган ренессанс янги ислохотларни бошлаб берди. Табиийки, бу Европа халқлари адабиётига ҳам янгилик олиб кирди. Айни шу даврда насрий ишқий ёки саргузашт асарлар роман жанри пайдо бўлишига туртки бўлган.

Бироқ тарихдан маълумки, дастлабки романлар Европада ҳам зиёлилар қатлами томонидан илиқ қабул қилинмаган. Роман жанри шакллангунига қадар ишқий қиссалар ёки жангномалар, подшолар ҳақидаги ҳикояларни шеърый ритмларда битиш анъана ҳисобланган. Биргина Шекспир ижоди фикримиз далилидир. Зеро, Шекспиргача ҳам талайгина бундай қисса-достонлар Европа адабиётида мавжуд бўлган. Гомер, Софокл ва бошқа файласуф-ёзувчилар асарлари шулар жумласидандир. Адабиётшунослар шу сабабдан ҳам роман жанри вужудга келиши тарихини антик даврларга хос деб белгилайдилар. Мавзуимиз бевосита бу масалага алоқадор бўлмагани

ёзилган. Унда ижтимоий, сиёсий, ахлоқий ва маиший масалалар, асосан, мажозий йўл билан баён этилади.

¹ Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётларига оид китоблар.

² Араб файласуфи ва тарихчи Ибн Халдуннинг (1332-1406) уч жилддан иборат «Китаб ал-ибар» асарининг 1-қисми «Муқаддима» деб аталади.



учун Европада муваффақият қозонган насрий романлар орасида биринчи галда араб тилига таржима қилинган асарларни эслаб ўтамыз.

Араб тилига дастлабки таржима қилинган роман муаллифлари орасида Даниэл Дефо, Марк Твен, Александр Дюма, Жьют Верн, Мори Корелли кабиларни санаб ўтишимиз мумкин. Бундан ташқари, араб тилига бир қатор рус адиблари асарлари ҳам таржима қилинган. Масалан: Криловнинг масаллари, Пушкиндан “Қаптиан қизи”, Гоголдан “Тарас Бульба”, Толстойдан “Қумуш княз”, Достоевскийдан “Жиноят ва жазо” кабиларни келтириш мумкин.

Шубҳасиз, бу асарлар араб адабиётида романчилик мактабининг юзага келишига туртки бўлган. Бундан ташқари 17-18 асрлардан бошлаб, турли араб мамлакатлари ёшлари Европа университетларида таълим олиб, Европа адабиётига мансуб асарлар билан танишганлари аниқ.

Замонавий араб адабиётида романчилик мактаби асосчиларидан бири сифатида тарихий асарлар устаси Журжи Зайдон тилга олинади. Олим, тарихчи ва адиб Журжи Зайдон ўзининг камтарона таъкидлашича: “Мен асли тарихчидан, фақат халқ қуруқ тарихни ўқигандан кўра, қизиқиб ўқиши учун, тарихий воқеликларни бадиийлаштирдим”¹.

Адибнинг “Қарбало фожиаси”, “Ғассонлик қиз”, “Мусулмон тамаддуни тарихи”, “Араб тили тарихи” каби кўплаб илмий ва бадиий асарлари маълум ва машҳурлик топган. Уларнинг деярли барчаси бошқа тилларга таржима қилинган. Улар орасида “Ҳорун ар-Рашидининг синглиси”, “Фарғона келини” асарлари ўзбек таржимонлари томонидан маҳорат билан таржима қилиниб китобхонлар диққатига тортиқ қилингани маълум.

АРИПОВ МУХАМАДЖОН

преподаватель, ТГУВ

Тилак, олқиш, дуоларда антонимларнинг бадиий вазифалари

Аннотация. Тилак/олқиш/дуолар матнида намоён бўладиган поэтик ҳодисаларнинг моҳияти, уларнинг ўзаро маъно муносабатларини ўрганиш, лисоний бирликларнинг халқ эстетик тафаккурига таъсирини аниқлашда лингвопоэтик таҳлил усули бирламчи аҳамият касб этади. Тилак матнидаги ҳар бир сўз мақсад ва маҳоратга кўра маълум поэтик мавқега эга бўлади.

Туркча тилак/олқиш/дуолар таркибидаги қарама-қарши лексемалар матнда контраст ҳосил қилинишида лексик бирликларнинг имкониятлари жуда кенг ва у антонимлар қаторида бадиий матнда контраст ҳосил қилувчи лисоний восита вазифасини бажаради. Қарама-қаршиликнинг бир туркум доирасида олиниши бадиий матн шароитида ҳам одатга айланиб қолган. Қилинган ишларнинг деярли барчасидаги

¹ محمد عبد الغني حسن. جرجي زيدان. القاهرة. 1970.



матн таҳлилларида фақат бир туркум доирасидаги қаришлантиришлар эътиборга олинади, ваҳоланки, бадиий матнда бир туркумдаги сўзлар билан бир қаторда турли туркумга мансуб сўзлар ҳам контрастлар ҳосил қилувчи лексик воситалар сифатида фаол иштирок этади.

Қарама-қаршилик воқеа-ҳодисаларни баҳолашда асосий мезонлардан ҳисобланади. Оламни англашда қарама-қаршилик категориясининг ўрни беқиёс. Ҳодисаларнинг моҳияти очилишида ҳеч нарса уларнинг қарама-қаршиисидан фойдаланишидек аҳамиятли эмас. Қарама-қаршилик нафақат объектив борлиқ ҳодисалари инъикоси тарзида, балки тафаккур оламнинг маҳсули сифатида ҳам юзага келади. Туркча тилак/олқиш/дуоларда ҳам қарама-қаршилик орқали улардаги бадииятни кўрсатиши имкони мавжуд.

Қарама-қаршиликнинг тилдаги ифодаси «антонимия» номи билан талқин қилиб келинмоқда. Аммо антонимияни белгилашдаги ўлчовлар, хусусан, туркум асосидаги чеклов қарама-қаршилик моҳиятини етарлича қамраб олиши имкониятини бермайди. Зеро, сўзларнинг туркумланишига асос бўлувчи категориал сема сўз мазмуний структурасидаги нисбатан энг умумий характерли компонентдир. Улар на қарама-қаршилик муносабатини юзага келтиради, на унинг мавжудлигини инкор эта олади. Шунга кўра, қарама-қаршилик категориясини туркум доирасидан ташқари тадқиқ қилиши зарурий ҳолатдир.

Таянч сўз ва иборалар: “антитеза”, “антоним сўзлар”, “қарама-қарши маънолар”, “контраст”, “антонимик муносабат”.

Аннотация. Метод лингвопоэтического анализа играет ключевую роль в определении сущности поэтических явлений в тексте пожеланий/ аплодисментов/ молитв, исследовании их взаимосвязи, влияния языковых единиц на эстетическое мышление людей. Противоположные лексеммы в Турецкие пожелания/ аплодисменты/ молитвы имеют широкий спектр лексических единиц для противопоставления в тексте, и наряду с антонимами они служат лингвистическим средством противопоставления в художественном тексте. Почти во всех работах анализ текста учитывает только противоречия внутри одна категория, тогда как в художественном тексте, наряду со словами одной категории, слова, принадлежащие к разным категориям, также активно участвуют в качестве лексических средств создания контрастов.

Противоречие-один из главных критериев оценки событий. Роль категории оппозиции в понимании мироздания несравнима. В раскрытии сути событий нет ничего важнее, чем использовать их противоположность. Противоречие возникает не только как отражение явлений объективного существования, но и как продукт мира мысли. Турецкие пожелания/ аплодисменты/ молитвы также имеют возможность показать свое искусство через контраст.

Лингвистическое выражение противоречия интерпретируется как «антонимия». Однако критерии определения антонимов, в частности категориальное ограничение, не обеспечивают достаточного охвата характера противоречия. Действительно, категориальная сема, лежащая в основе классификации слов, является наиболее частым характеристическим компонентом семантической структуры слова. Они не создают противоречивых отношений и не отрицают их существования. Соответственно, необходимо изучить категорию противоречия вне категории.

Опорные слова и выражения: «антитезис», «антоним», «противоположные значения», «контраст», «антонимическое отношение».



Abstract. *The method of linguopoetic analysis plays a key role in determining the essence of poetic phenomena in the text of wishes/applause/prayers, studying their relationship, the influence of linguistic units on the aesthetic thinking of people. Opposite lexemes in Turkish wishes/applause/prayers have a wide range of lexical units for opposition in the text, and along with antonyms, they serve as a linguistic means of opposition in a literary text. In almost all works, text analysis takes into account only contradictions within one category, while in a literary text, along with words of one category, words belonging to different categories also actively participate as lexical means of creating contrasts.*

Contradiction is one of the main criteria for evaluating events. The role of the category of opposition in understanding the universe is incomparable. Revealing the essence of events is nothing more important than using their opposite. Contradiction arises not only as a reflection of the phenomena of objective existence, but also as a product of the world of thought. Turkish wishes/applause/prayer also has the ability to show your art through contrast.

The linguistic expression of contradiction is interpreted as “antonymy”. However, the criteria for determining antonyms, in particular categorical restriction, do not provide sufficient coverage of the nature of the contradiction. Indeed, the categorical seme underlying the classification of words is the most frequent characteristic component of the semantic structure of a word. They do not create contradictory relationships and do not deny their existence. Accordingly, it is necessary to study the category of contradiction outside the category.

Keywords and expressions: “antithesis”, “antonym”, “opposite meanings”, “contrast”, “antonymic relation”.

Бадий адабиёт тилидаги антитеза усули (мумтоз адабиётда бу усул тазод деб юритилган) бир-бирига нисбатан қарама-қарши маъноларни берадиган сўзларни, ибораларни баёнда ёнма-ён қўллаш орқали образлиқни келтириб чиқаришга асосланган¹. Шеърятда антитеза бадий нутқнинг ифодалилиги, таъсирчанлигини таъминлашда қўл келувчи ифода имкониятидир. Антитеза алоҳида тадқиқот объекти сифатида Г.Келдиёрова² томонидан чуқур таҳлил этган. «Ўзбек тили стилистикси»да антитеза мантиқий жиҳатдан қарама-қарши бўлган икки қутб (фикр, тушунча, сезги ва образлар)ни қиёслаш эканлиги кўрсатиб ўтилган³. Бадий нутқ, айниқса, шеърятнинг ифодалилиги, таъсирчанлигини оширишда антитеза жуда кенг қўламли ифода имконияти ҳисобланади. Чунки антитеза орқали қаҳрамон руҳиятидаги контрастлик, муаллиф ҳис-туйғулари бўрттириб тасвирланади. Илмий манбаларда антитеза икки хил асосга кўра, яъни лисоний ҳамда

¹ Каримова С. Ўзбек тилининг бадий услуб: Филол. Фанлари Доктори диссертацияси. Самарқанд. 1993. –б.219-220.

²Келдиёрова Г. Ўзбек бадий нутқда антитеза: Филология фанлар номзоди диссертацияси. -Тошкент. 2000.-б.144.

³ Шомаксудов А. ва б. Ўзбек тили стилистикаси. -Тошкент. Ўқитувчи, 1983. –б.234



контекстуал антонимлар орқали юзага келиши таъкидланади¹. Бу фикрни янада аниқроқ ифодалаган Г.Келдиёрова, антитезани вужудга келтирувчи асос «антоним сўзлардан, коррелятив сўзлардан, инкор сўз шаклидан, оксюморон кўринишидаги бирликлардан, бир синоним қаторидаги сўзларни контекстуал ҳолда иккинчи бир синонимик қатордаги сўзларга маъно жиҳатдан зидлаш»²дан иборатлигини далиллаб ўтади³. Аслида шеъриятда соф антонимлардан кўра контекстуал антонимларнинг учрашини эътиборга олиб матний антитезага қаратилади. Шунингдек, соф антитезалар ҳар доим ҳам антитеза ҳосил қилавермаслиги ҳақида фикр мулоҳазалар билдирганлар. Ушбу гуруҳга жамланган тилак, олқиш ва дуоларда соф антонимлар билан бирга контекстуал антонимлар ҳам кўпроқ учраши кузатилади.

Қарама-қаршилик категорияси борлиқнинг асосий мезонларидан бири сифатида доимо олимлар диққат марказидаги ҳодисалар қаторида эътироф этиб келинган. Унинг тилдаги ифодаси, асосан, антонимия номи остида талқин қилиниб, маълум меъёрларга бўйсундирилган. Мазкур ҳодиса юзасидан кўплаб монографик ишлар майдонга келган, жумладан, рус тилшунослигидаги Л.Новиков, В.Иванова, Е.Миллер каби тилшуносларнинг илмий изланишлари алоҳида эътиборга молик. Деярли барча ишларда лексик бирликларнинг мазмуний қарама-қаршилик муносабати бир туркум доирасида олинган. Туркумлараро қарама-қаршиликка оид фикрлар, асосан, Е.Миллернинг илмий қарашларида учрайди.

Антонимлар инсон фаолиятидаги энг муҳим ахлоқий қарашлар умумлашмасини ифодалашда, фикрни таъсирчан, мазмунни теран ёритишда қулай восита саналади. Туркча тилак, олқиш ва дуолар тилидаги антонимлар икки хил:

- 1) бир антоним жуфтликдан иборат бадий тасвир воситаси;
- 2) бир неча антоним жуфтликдан иборат бадий тасвир воситаси орқали ифодаланганлигига тадқиқот жараёнида дуч келдик.

Қарама-қаршилик кенг кўламли мураккаб ҳодисадир. Унинг лингвистик талқинида туркум билан чегараланиш ҳодисани моҳиятан тўла қамраб олиш имконини бермайди.

Acı tatlı günlerde birlikte olun (L.A.S.230.). – «Аччиқ ширин кунларда биргаликда бўлинг». Бу мисолимизда *acı*-аччиқ, қайғу маъноларида қўлланилган сўз бўлиб, унга қарама қарши *tatlı* –ширин сўзи ёнма ён келган. Шу билан тилакда антонимлик жуфтлиги қўлланилган. Турк тилининг изоҳли луғатида *acı* сўзи қуйидаги маъноларда изоҳланган.

¹ Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари.-Тошкент: фан, 2007.-б.55

² Келдиёрова Г. Ўзбек бадий нутқда антитеза: Филология фанлар номзоди диссертацияси.-Тошкент. 2000.-б.144.

³ Шадиева Д.Ш. Муҳаммад Юсуф шеърияти лингвопоэтикаси. Филология фанлари номзоди диссертацияси. –Тошкент.2007. –Б. 16



Tatli сўзи эса қуйидаги маъноларда изоҳланган;

Лексик бирликлар ўртасидаги семантик қарама-қаршиликнинг юзага келишида уларнинг семемалари эмас, муайян семалари асос бўлади ва бундай семалар қарама-қаршилиги нафақат бир туркум, балки турли туркумдаги сўзлар муносабатида ҳам мавжуд. Шунга кўра, лексик бирликлардаги семантик қарама-қаршилик фақат антонимия доирасидагина эмас, балки ундан ташқарида ҳам текшириш мақсадга мувофиқдир.

Cennet mekani olsun, Cehennem bilmeyasun (ТМА.1006.). – «Ўтгадиган жойнинг жаннат бўлсин, жаҳаннамни билмаган». Марҳумнинг яқинлари учун айтиладиган бу тилакда *cennet*- жаннат яъни бу дунёда яхши амаллар қилган инсонларнинг охират манзили бўлган макон. *Cehennem*- жаҳаннам эса бу дунёда кўп ёмон амаллар қилган одамларни охиратда борадиган жойи. Бир тилакда ёнма-ён келган. *Cennet*- жаннат ва *cehennem*- жаҳаннам сўзлари бир-бирига қарама-қарши сўзлардир.

Тилакларда ҳам айрим ўринларда хурсандчилик ва хафаликни англатувчи сўзлар ёнма-ён қўлланилган. Бемор учун айтиладиган бу тилакда тез орада тузалиб кетасан деган маънодаги *Allah dermani olmayan dert vermesin* (L.A.S.305.). – «Аллоҳ дармони йўқ дард бермасин», деган бу тилакда *dermani*-дармон сўзи билан *dert*-дард сўзлари орқали бир-бирига зид сўз маъноси ҳосил қилинган. *Derman*-дармон сўзи билан *dert*-дард сўзи билан ўзига хос антитеза ҳосил қилган.

Турк тилининг изоҳли луғатида *dost* сўзи 5 хил маънода, *düşman* сўзи эса 6 хил маънода изоҳланган. Қуйида *dost* ва *düşman* лексемалари қатнашган тилаклар таҳлилга тортилган.

Олам, ундаги ҳар бир ҳодиса яхлит ҳолда, компонентлари ўзаро турли хил муносабатда бўлган мураккаб бир тизимни ташкил этади. Қарама-қаршилик ана шу жараённинг энг муҳим, кўп қиррали жиҳатидир. Мавжудликнинг алоҳидалиги, ўзига хослигини белгилашда мазкур ҳодисанинг ўрни беқиёс, зеро, ҳар қандай мавжудлик ўз моҳиятини фарқлиликда, зидликда, қолаверса, қарама-қаршиликда ёрқин намоён этади

Allah dostunu var düşmanını yok etsin (L.A.S.345.). – «Аллоҳ дўстини бор душманини йўқ қилсин». Бу тилакда *dost*-дўст ва *düşman*-душман антонимлари мавжуд. Бу икки сўзнинг изоҳли луғатда бир нечта вариантлари мавжуд. Бир тилакда таркибида *var*-бор, мавжуд ҳамда *yok*-йўқ бир-бирига зид тушунчаларни ифодалаган лексемалар иштирокида бирикмалар ҳосил қилиниб антитеза юзага келтирилган.

Тил борлиқнинг яшаш шаклларида бири сифатида ўзида борлиқ ҳодисаларини акс эттирар экан, қарама-қаршилик ҳодисасининг тилдаги ўрни ҳам ўта аҳамиятли. У тил бирликларининг муҳим семантик-таснифининг муносабатини таъминлайди. Мазкур таснифнинг лингвистик ифодаловчиси сифатида, асосан, антонимия ҳодисаси эътироф этилади.



Ellerin sıcak sudan soğuk suya değmesin (L.A.S.411.). – «Кўлларинг иссиқ сувдан совуқ сувга тегмасин». Яшаётган гўзал ҳаётингга кўз тегмасин. Шундай яхши фаровон ҳаётинг бардавом бўлсин. Бошингга ёмон кунлар, кийинчиликлар тушмасин, деган мазмундаги тилақдир. *Sicak-soğuk* сўзлари бир-бирига зид маъноли сўзлар ҳисобланади.

Dostlar yanımda olsun düşmanlar uzak kala (TMA.1277.). – «дўстлар ёнимизда бўлсин, душманлар узокда». Ушбу тилақда *dost*-дўст ва *düşman*-душман сўзлари лексик антонимликни ифодалаган. Умуман дўстлар яқинда бўлиши ва душманларнинг узок бўлиши бадий кучайтириш мақсадида *Dostlar yanımda* «дўстлар яқинда» бўлиши, *düşmanlar uzak* «душман нарироқда» бўлиши исталган тилақ айтилган. Дўст-душман ҳамда узок ва яқин сўзлари ўзаро бир бирига қарама-қарши сўзлардир. Антоним жуфтликдан иборат бадий тасвир воситаси орқали ифодаланганлигини кўриш мумкин.

Қарама-қаршилик борлиқдаги асосий мезонлардан ҳисобланади. Оламни англашда қарама-қаршилик ҳодисасининг ўрни беқиёс. Фалсафий нуқтаи назардан ҳар қандай ҳодисанинг ўрганилиши, эртами-кечми, уларнинг қарама-қарши томонига мурожаат қилинишига олиб келади. Файласуф Б.Спиноза ўзининг «Этика» асарида ҳис-туйғуларнинг табиатини очишда қаршилантиришдан унумли фойдаланади. Ҳодисаларга контраст асосида ёндашаётганини асослайди. «Аниқлаш-бу қарши кўйиш демақдир» деган фикри орқали уларнинг ифодасини сўзларни қаршилантириш орқали тушунтиради.

Dostun şad ola, düşmanın kör ola (L.A.S.347.). – «Дўстинг шод бўлсин, душманинг кўр». *Şad, kör* бу ўринда қўлланилган сўзларда аслида бир-бирига тўғридан тўғри қарама-қарши сўз эмас. Лекин тилақ таркибида антитеза ҳосил қилиш мақсадида синтактик қаршилантириш натижасида ва маъно жиҳатдан тилақ таркибида «умумийлик» қаршилаштириш аломатларини англаш мумкин.

Келтирилган мисолларимизда *dost-düşman* антонимлари бир-бирига зид тушунчаларни ифодалаш билан бирга бир тилақ таркибида антонимлик жуфтлигини ёнма-ён қўлланилганини кўриш мумкин.

Қарам-қаршилик ҳолатларнинг вужудга келишида сўз ясаши қаторлари асосий омил вазифасини ўтайди. Қарама-қаршилик муносабатлар икки сўз ясаши парадигмасида тадқиқ қилинганда янада аниқроқ намоён бўлади. Бу ҳодисада нафақат икки лексеманинг, балки икки лексемалар гуруҳининг семантик қарама-қаршилик муносабатини ифодалаб келиши мумкин. Бадий матнда антонимлар контраст ҳосил қилишнинг лисоний воситаси сифатида кенг қўламли лингвопоэтик имкониятга эга.

Фикримизни мустаҳкамлаш мақсадида қарама-қаршилик мавзуидаги илмий ишларда антонимия ҳодисасига бағишланган тадқиқотлар юзасидан билдирилган айрим мулоҳазаларга назар соламиз. М.Чупановская мазкур



ходиса талқинида икки ёндашувни жуда ўринли ажратади: 1) тор (анъанавий) ёндашув; 2) кенг ёндашув;

Биринчи ёндашув вакиллари антонимлар қаторига контраст ва шу билан бирга ўзаро боғлиқ муносабатда бўлган тушунчаларни ифодаловчи қарама-қарши мазмундаги сўзларни киритган бўлса, иккинчи ёндашув нисбатан кам тилшунослар томонидан илгари сурилган бўлиб, унда антонимияга кенг планда қаралади ва антонимларга нафақат қарама-қарши мазмундаги лексемалар, балки бир-бирига қарши қўйилиши мумкин бўлган коррелятив сўзлар ҳам киритилади, деб айтадилар.

Dostluğa saz çalalım, düşmanınız naim olsun (L.A.S.348.). – «Дўстларга соз чалайлик душманлар йўқ бўлсин». Ушбу тилакда дўстлар учун соз чалиб, уларни борлиги шодиёна эканлиги ва улар ҳар доим улуғланиши уларнинг борлиги хурсандчилик эканлиги айтилиб, душман сўзи ҳам қарама-қаршилиқ ҳам уларни бадий эстетик жиҳат билан қораламоқда. Дўстларга соз чалиб, душманлар ичдан куйсин, деган маънода ифодаланиб, бадий экспессивлик бермоқда.

Қарама-қаршилиқ категориясининг белгиланишидаги яна бир муҳим жиҳат унинг психолингвистик аспектидир. Мутахассислар ҳар қандай тушунчанинг шаклланиши, турли нарса-ҳодисаларнинг хусусиятларини фарқлаш ва уларни бир-бири билан қиёслаш, умумий жиҳатларини аниқлаш тафаккуримиздаги тасаввурлар асосида амалга ошади, деган қарашни илгари суришади.

Қарама-қаршилиқ муҳим фарқлиқ сифатида тафаккуримизда боғланишда жойлашган бўлиб, ҳар қайсиси бошқаси ҳақидаги тасаввурни бера олади, деб айтишимиз мумкин.

Önce Allaha, sonra da size emanet (L.A.S.428.). – «Аввал Аллоҳга, сўнгра сиза омонат». Турк тилининг изоҳли луғатида *önce* сўзи 1. *Аввал, бошланғич, 2.замонни ифодаловчи сўзлардан кейин қўлланувчи, 3. Ўтмишидаги парчани ифодалашида, ўтган замон, ўтиб кетган маъноларида* изоҳланган. *Sonra* сўзи айнан ушбу луғатда 1.*анча олдинги, бир пайтлари. 2. Анча узун ва узоқдаги бир жой. 3. Мақом, даража ва кейинги ўринда турувчи шахсни, аҳамиятни билдирадиган. 4. Акси ҳолда, акси тақдирда. 5. Навбатда келган ёки кетидан келган, сўнгра, маъноларида* ифодаланган.

Антонимларнинг энг муҳим белгиси уларнинг семантик қарама-қаршилиқ ифодаланиши ҳисобланади. Бу жиҳат доимо антонимлар белгиланишидаги асосий омил вазифасини бажариб келган. Антонимия ҳодисаси юзасидан эришилган барча ютуқларга қарамасдан, мазкур ҳодиса жуда кўп мунозарали ҳамда очилмаган қирраларга эга. Бу хусусида тилшунослар ўртасида жинс билдирувчи сўзлар антоним ёки антоним эмаслиги юзасидан мунозарали фикрлар мавжуд. Баъзи манбаларда эркак-аёл типигади коррелятив жуфтликларнинг антонимик муносабат ифодалай олмаслиги таъкидланса, бошқаларида эса бундай жуфтликлар антонимлар



қаторига киритилади. Жумладан, С.Усмонов эр-хотин, опа-сингил, ўғил-қиз типидagi жуфтликларни «ярим антонимлар» ҳисоблайди, демакки, барибир антонимлар қаторига қўшади. Бу фикрлардан сўнг биз ҳам *önce, sonra* сўзларини бир-бирига қаршилатириш учун ҳеч иккиланмасак бўлади, деб айтишимиз табиий ҳол.

Allah gençlikte ölüm, İhtiyarlıkta yoksulluk göstermesin (L.A.S.488.). – «Аллоҳ ёшлиқда ўлим, кексалиқда йўқчилик (муҳтожлик) кўрсатмасин», *gençlik-ёшлиқ, ihtiyarlık-кексалиқ* сўзлари бир-бирига қаршилантрилмоқда.

Тил ҳодисаси сифатида эса, антонимлар бир-бирига нисбатан қарама-қарши мазмун англатадиган, тил тизимида мавжуд бўлган алоҳида лексемалар бўлиши керак. Тилшунослар антонимик жуфтликларнинг бир хил лексик қуршовга эга эканлигига алоҳида эътибор қаратиб келишган. Кўпгина илмий манбаларда бу хусусият антонимларни белгилашдаги шарт бўлган мезонлар қаторида эътироф этилади. В.Комиссаров «Антоним сўзлар бир хил лексик қуршовга эга, яъни бир хил сўзлар гуруҳи билан бирлашиб келади», дейди.

Allah güle güle gitmek, Selamet gelmek nasip ede (L.A.S.494.). – «Аллоҳ хурсанд бўлиб бориш, саломат бўлиб қайтишни насиб қилсин». *Gitmek-бормоқ ва gelmek-келмоқ* сўзлари зидлаш маъносида қўлланилган.

Айтиш керакки, ҳақиқатан ҳам контекстда бирга қўлланиш қонунияти антонимларга хос хусусият. Биз буни кўплаб нутқий ҳолатларда, биринчи навбатда, антонимларнинг изоҳланишида кузатишимиз мумкин.

Айтиш мумкинки, антонимик ҳолат лексик бирликлар семантикасидаги қарама-қарши семаларнинг реаллашиши учун энг қулай шароит ҳисобланади. Чунки бундай вазиятда мазкур қарама-қарши семалардан бошқа барча семаларнинг айнан бўлиши қарама-қаршилиқни янада ёрқин ифода этади.

Sağ gidip esen gelsin (L.A.S.496.). – «Соғ бориб саломат (омон) қайт», *Sağlıkla git, selametle gel* (L.A.S.497.). – «Соғлиқ билан бориб, саломатлик билан келгин», *Su gibi git, su gibi gel* (L.A.S.498.). – «сув каби бор, сув каби кел», *Tez gide, tez gelesin* (L.A.S.499.). – «тез бор, тез кел».

Илмий манбаларда антitezани юзага келтирувчи лисоний омиллар, асосан, бир ёқлама, яъни антонимик мезондан чиқмаган ҳолда талқин қилинади. Бадий матнда контраст ҳосил қилинишида жуда кенг лисоний восита вазифасини бажаради.

En kötü günün böyle (çok iyi) olsun (L.A.S.546.). – «Энг ёмон кунги шундай яхши бўлсин». *kötü(ёмон)* ва *iyi* (яхши) сўзларидаги компонентлар қарама-қаршилиги тил системасида мавжуд.

Қарама-қарши тушунчаларни таққослаш антitezадан фойдаланиб, асосий ғояни аниқ ва ҳиссиёт билан ифодалашга, тасвирланаётган ҳолатга аниқ муносабат бераётганлигини яққол ифодалайди. Кунлик ҳаётда оғзаки нутқимизда истъеомол қилаётган тилак ва олқишларнинг ҳам янада



кучайтиришда қарама-қаршилик ўзининг ўрнини аниқ қилиб белгилаб берди.

Allah sağ gözü sol göze mühtaç etmesin. – «Аллоҳ чап кўзни ўнг кўзга муҳтож қилмасин».

Öldüyse Allah rehmet eylesin

Sağsa kulakları çınlasın (L.A.S.998.). – «Вафот этган бўлса Аллоҳ раҳмат қилсин, Соғ бўлса қулоқлари қизисин».

Қарама-қаршиликни келтириб чиқаришда, қарама-қарши тушунчалар мантиқан боғланиши ва тизимли равишда ўзаро муносабатда боғланган бўлиши керак. Бунинг асосий мақсади ўхшашлик ва фарқ яъни қарама-қаршилик якқол ифодалангани кўзга ташланиши керак.

Taş gibi yatasın

Kuş gibi kalkasın (L.A.S.1213.). – «Тош каби ёт, қуш каби уйғон». Ушбу тилақдаги *taş* (тош) -*kuş* (қуш) сўзлари таъсирчанликни орттиришга хизмат қилаётган бўлса *yatasın-kalkasın* сўзлари қарама-қарши маънода тилақ таркибидаги бадий таъсирни ёрқин ифодалаган сўзлардир. Қарама-қаршиликнинг мавжудлигини бадий нутқнинг ифодалилиги эспрессивлиги, таъсирчанлиги ва тилақ билдирилаётган шахсга руҳий ёрдам берадиган қулай воситадир. Ўзаро сўзларнинг зидлаш орқали семантик-эспрессивлик, ҳамда нутқда маҳсулдор бўлмаган антоним сифатида қўлланилмасида, фақат шу тилақнинг ўзида қўлланилган, индивидуал-услубий қарама-қарши сўз хусусиятини кўриш мумкин. Яъни айнан шу вазият учун қўлланилиб қарама-қаршилик ҳосил қилишда, бадийликни, тасвирни таъсирчанлигини оширишда, контекстуал антоним сифатида фойдаланиш десак бўлади.

Тасвирланаётган воқеа-ҳодиса, туйғу ва тушунчалардаги зиддиятни якқолроқ акс эттиришга хизмат қиладиган сўз ёки сўз бирикмасидан ташкил топган тасвирий восита қарама-қарши маъно ташийдиган бу хил сўзлар нарса ва ҳодиса, тушунчаларни қиёслаш имконини беради, объектнинг моҳиятини чуқурроқ очишга ёрдамлашади. Антитеза айниқса, шеърятда кенг истифода қилинади. Шу билан бирга антитеза қўлланилган мақол, ибора ва тилақ ҳамда олқишлар кучли таъсирга эга бўлиш билан бирга уларни эслаб қолиш осондир.

Allah yazınızı yaz eyleya

kışınızı kış

Gelininizi gelin ede

kızınızı kız. (L.A.S.1216.)

Аллоҳ ёзингизни ёз қилсин,

Қишингизни қиш.

Келинингизни келин,

Қизингизни қиз.

Yazınızı-kışınızı, yaz-kış сўзлари ўз қарама-қарши маънолари билан ифодаланаётган лирик ҳолатнинг таъсирчанлигини таъминламоқда.



Лексик бирликлар ўртасидаги қарама-қаршилик кўп аспекти ҳодиса сифатида фақат лингвистик жиҳатдан эмас, мантиқий ва психологик томондан қаршилантириш натижасида ҳам фарқлаш мумкинлиги кўриниб турибди.

Oğul seni Yerin-Göğün beğen (L.A.S.1224). – «Ўғлим сени еру-осмон хуш кўрсин». Ушбу тилакда ер ва осмон сўзлари бир-бирига қарама-қарши сўзлар ҳисобланади. Шу билан бирга антитеза нафақат ҳодиса ва нарсаларнинг хусусиятларни, шунингдек сўзловчининг ҳиссий жиҳатдан ранг-баранг муносабатини ифода этишга ҳам хизмат қилади.

Yer –Gök imdadına gel (1225.). – «Еру осмон ёрдамга келсин». *Dünyaya gel geç, yokluk görme* (L.A.S.1234.). – «Дунёга кел, кет, йўқчилик кўрма».

Антонимлар сўзлар маъноси структурасида ҳамма вақт умумий маъно билан бирга дифференциал маъноли сўзлар ҳам бўлади. Айнан ана шу сўзлар ўзаро қарама-қаршиликни юзага келтирган ҳисобланади. Икки сўзнинг антоним ёки антоним эмаслиги фақат уларнинг семема структурасини очиш (компонентли таҳлил) асосида тўғри белгилаш мумкин бўлади. Мисол қилиб келтирган тилак ва олқишларимиздаги қарама-қарши маъноли сўзларда келтирилган зидлашлар айнан шу фикрлар доирасидадир.

**НУРМАТОВ СИРОЖИДДИН***Филология фанлари номзоди, ТДШУ***Ҳиндий тилидаги сон компонентли фразеологик
бирликларнинг семантик-структур таснифи
(бирликларга оид сонлар мисолида)**

Аннотация. Мазкур мақолада ҳиндий тилидаги сон компонентли фразеологик бирликлар атрофлича ўрганилган. Мақолада бирликларга оид сонлар иштирок этган фразеологик бирликларгина таҳлилга тортилган. Уларнинг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган. Таҳлилга тортилган мисоллар фразеологик бутунлик, фразеологик қўшилма ва фразеологик чапишма каби гуруҳларга тақсимланган ва турли хил моделлар ишлаб чиқилган.

Мақолада бирликларга оид сонлар иштирокида ҳосил бўлган фразеологик бирликлар таркибида асосан “бир” санок сони фаол иштирок этиши, бошқа сонлар эса фразеологик бирликлар таркибида нисбатан кам қўлланилиши аниқланган. “Бир”, “икки”, “тўрт” ва “етти” санок сонлари иштирок этган фразеологизмлар қолган сонлардан фарқли равишида учала гуруҳда ҳам ўз ифодасини топганлиги кўрсатиб берилган.

Сон компонентли фразеологик бирликлар ҳиндий тилидан ўзбек тилига таржима қилинганда сонларга хос лексемалар ўз маъносини йўқотиши ва аксарият ҳолларда уларнинг ўрнини маъно кучайтирувчи бошқа сўзлар эгаллаши каби хусусиятлар ҳам ўрганилган ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари мисоллар талқинида очиқ берилган.

Ҳиндий тилидаги сон компонентли фразеологик бирликлар таҳлил қилиниши натижасида улар орасида сўз бирикма шаклига хос иборалар нисбатан кам учраши, шунингдек, фразеологик бирликлар таркибида соматик отлар нисбатан кўп қўлланилиши ҳам аниқланган. Таҳлилга тортилган бошқа фразеологик бирликлар гуруҳидаги мисоллардан фарқли ўлароқ фразеологик чапишма гуруҳига оид мисоллар таркибида фақатгина сонларга хос лексемалар иштирок этганлиги ҳам маълум бўлган.

Таянч сўз ва иборалар: фразеологик бирлик, фразеологизм, фразеологик бутунлик, фразеологик қўшилма, фразеологик чапишма, сон сўз туркуми, бирликлар, санок сон, лексема, лексик бирлик.

Аннотация. В этой статье подробно исследуются фразеологизмы с числовыми компонентами на языке хинди. В статье анализируются только фразеологизмы, в которых присутствуют числительных слов единиц. Их специфические аспекты изучены. Проанализированные примеры были разделены на группы, такие как фразеологическое единство, фразеологическое сочетание и фразеологическое сращение и были разработаны различные модели.

В статье установлено, что фразеологизмы, образованные с участием чисел, принадлежащих к единицам, в основном активно участвуют в числе «один», тогда как другие числа используются относительно реже в составе фразеологизмов. Было



показано, что фразеологизмы, включающие числа «один», «два», «четыре» и «семь», выражены во всех трех группах, в отличие от других чисел.

При переводе числовых фразеологизмов с хинди на узбекский язык числовые лексемы теряют свое значение и часто заменяются другими словами, усиливающими значение, а их особенности объясняются в толковании примеров.

Анализ числовых компонентов фразеологизмов на хинди показал, что существует относительно немного выражений, специфичных для формы фразы, а также относительно частое использование соматических существительных во фразеологизмах. В отличие от примеров в группе других проанализированных фразеологизмов, также было обнаружено, что в примерах, принадлежащих к фразеологической группе, присутствовали только числовые лексемы.

Опорные слова и выражения: фразеологическая единица, фразеологизм, фразеологическое единство, фразеологическое сочетание, фразеологическое сращение, имя числительное, единицы, количественные числительные, лексема, лексическая единица.

Abstract. In this article, the phraseological units with numerical components in Hindi are studied in detail. The article analyzes only the phraseological units in which the unit numbers are present. Their specific aspects have been explored. The examples analyzed were divided into groups such as phraseological integrity, phraseological compounding, and phraseological confusion, and different models were developed.

The article finds that the phraseological units formed with the participation of unit numbers are mainly active in the number "one", while other numbers are used relatively less in the composition of phraseological units. Phraseologism involving the numbers "one", "two", "four" and "seven" are shown to be expressed in all three groups, unlike the other numbers.

When numerical phraseological units are translated from Hindi into Uzbek, numerical lexemes lose their meaning and are often replaced by other words that enhance the meaning, and their specific features are explained in the interpretation of examples.

The analysis of numerical component phraseological units in Hindi revealed that there are relatively few expressions specific to the form of the phrase, as well as the relatively frequent use of somatic nouns in phraseological units. In contrast to the examples in the group of other phraseological units were analyzed, it was also found that only the numerical lexemes were present in the examples belonging to the phraseological group.

Keywords and expressions: phraseological unit, phraseology, phraseological integrity, phraseological compound, phraseological confusion, numerals, units, cardinal numbers, lexeme, lexical unit.

Кириш: Фразеологик бирликлар ҳар қандай тилда муҳим ўрин тутди, чунки улар тилга қўшимча алоқа кучини беради. Фразеологизмлардан фойдаланиш тилни янада коммуникатив ва самарали қилади. Ушбу хусусиятлар туфайли ҳам ибораларнинг инсон ҳаётида қўлланиши доимий равишда ошиб боради. Тилда қўлланиладиган ибораларни аниқлаш, уларни таснифлаш ва уларнинг умумий ва мажозий маъноларини ажратиш осон эмас албатта. Ҳар қандай тилдаги ибораларни она тилига таржима қилишда турли хил қийинчиликларга дуч келиниши табиий.



Фразеологизмлар – турғун бирикмаларнинг образли, кўчма маънога эга тури бўлиб, тил эгасининг дунёни, воқеа-ҳодисаларни ўзига хос тарзда кўришини намоён этади. Фразеологизмлар ҳар доим халқ дунёқараши, жамият тузилиши ва ўз даврининг мафқурасини билвосита акс эттиради¹.

Тилшунослар фразеологизмларни тилнинг луғат таркибига, фразеологияни эса лексикология таркибига киритишади. Фразеологизмлар сўзга нисбатан муқобил сифатида қаралади. Дарҳақиқат, лексикология тилнинг луғат таркибини, сўз ва унинг муқобилларини ўрганувчи тил ҳақидаги фандир. Тилнинг луғат бойлигини эса сўз ва фразеологизмлар ташкил этади. Сўз ҳам фразеологизм ҳам луғавий бирлик ҳисобланади. Албатта, фразеологизмларнинг лексика билан муштараклик томонлари кўп. Жумладан, фразеологизмлар сўзлардан ташкил топади, иккаласи ҳам тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлади, сўзлар қатори фразеологизмлар ҳам номинатив вазифани бажаради, предметни белгилайди, сўзлар қатори грамматик кўрсаткичларга эга².

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фразеологизмларнинг миллий-маданий ўзига хослигини, халқнинг маданияти ва қадриятларини ифода этиш жиҳатларини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Кўплаб тилшунослар томонидан тан олинганидек, тилнинг фразеологик бойлиги ҳар қандай халқнинг миллий маданий ўзлигини намоён этувчи восита бўлиб хизмат қилади. Унинг мазмун-моҳиятида, унинг таркибидаги бирликларда миллий маданият акс этиб туради. Айни хусусиятлари билан фразеологик тизимнинг миллий маданий ўзига хослиги масалалари ҳозирги даврда кўплаб тилшуносларнинг тадқиқот мавзусига айланганлигини эътироф этиш даркор.

Мақолада ҳинд-орий тилларига хос бўлган ҳиндий тилидаги сон компонентли фразеологик бирликлар лисоний таҳлил этилади. Уларнинг ўзига хос жиҳатлари атрофлича ўрганилади.

Мақсад ва вазифалар: Мазкур мақолада Ҳинд-Оврўпа тиллари оиласининг ҳинд-орий тиллари гуруҳига оид ҳиндий тилидаги бирликларга оид сон компонентли фразеологик бирликларни семантик-структур жиҳатдан тасниф қилиш асосий мақсад қилиб олинган. Ушбу мақсадга эришиш учун ҳиндий тили таркибида бирликларга оид сонлар иштирок этган фразеологизмларни тўплаш, уларни маъно қирраларини аниқлаш ва структур жиҳатдан гуруҳларга тақсимлаш, шунингдек, таҳлил натижаларини турли хил моделларда ҳам акс эттириш каби вазифаларни амалга ошириш назарда тутилган.

¹ Усманова Ш.Таржиманинг лингвомаданий аспекти. –Т.:ТошДШИ нашриёти, 2017. – Б.89. [Usmonova Sh. Linguocultural aspects of translation. –Tashkent, Publish house of TSIOS, 2003. –P.89.]

² Маматов А., Болтаева Б. Фразеологик бирликларнинг лингвомаданий ва семантик-прагматик тадқиқи. –Тошкент, 2018. –Б.25. [Mamatov A., Boltaeva B. Linguocultural and semantic-pragmatic study of phraseological units. –Tashkent, 2008. –P.25.]



Усуллар: Тўпланган фразеологик бирликларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, улар тавсифий, қиёсий ҳамда статистик методлар асосида таҳлил қилинди.

Натижалар ва мулоҳазалар: Сонларнинг ифодаланиш жиҳатларини тадқиқ этиш нафақат лингвистлар, балки психологлар, этнологлар, културологлар, тарихчилар, математиклар ва фалсафа соҳасидаги тадқиқотчилар учун ҳам долзарб ҳисобланади¹. Сонлар иштирокида ясалган фразеологизмлар ўзига хос жиҳатлари билан фарқланиб туради. Сон компонентли фразеологик бирликларни ўрганиш ва улар бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш тилшунослик соҳасида долзарб мавзулардан бирига айланиб бораётганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Маълумки, фразеологик бирликлар дейилганда, тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлган ва нутққа шундайлигича олиб кириладиган, шаклан сўз бирикмаси ёки гапга ўхшайдиган, мазмуни кўчма маънога асосланган тил бирликлари ёки луғавий бирликлар тушунилади. Тузилишига кўра сўз бирикмасига, гапга тенг, семантик жиҳатдан бир бутун, умумлашган маъно англатадиган, нутқ жараёнида яратилмай, нутққа тайёр ҳолда киритиладиган луғавий бирликка фразеологик бирлик дейилади. Фразеологик бирликларнинг одатда уч хил тури кўрсатилади: 1) фразеологик қўшилма – таркибидаги сўзларнинг лексик маъноси сақланадиган, бири иккинчисининг боғли маъносини реаллаштирувчи нутқий матн вазифасини ўтайдиган синтагма; 2) фразеологик бутунлик – маъносини таркибидаги сўзларнинг маънолари асосида изоҳлаш мумкин бўлган фразеологик бирликлар; 3) фразеологик чатишма – маъноси таркибидаги сўзларнинг маъносидан келиб чиқмайдиган, ҳатто унга зид маъно ифодалайдиган фразеологик бирликлар².

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда ушбу мақолада ҳиндий тилидаги 200 га яқин (196 та) бирликларга оид сон компонентли фразеологик бирликлар семантик-структур жиҳатдан тасниф этилди ва улар қуйидаги гуруҳ ва моделларга бўлиб ўрганилди.

1 гуруҳ. Ушбу гуруҳда таҳлилга тортилган мисоллар орасида фразеологик бутунлик, яъни маъноси таркибидаги сўзларнинг маънолари асосида изоҳлаш мумкин бўлган фразеологик бирликлар етакчи гуруҳни ташкил этган бўлиб, уларнинг сони 86 тани ташкил этди ва улар қуйидаги моделларга тақсимланди.

¹ Шодуг Баягаслан. Семантика числительных во фразеологии монгольского, русского и английского языков: автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2006. –С.3. [Shodug Bayagaslan. Semantics of numerals in the phraseology of the Mongolian, Russian and English languages: dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in philological sciences. –St. Petersburg, 2006. –P.3.]

² Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. -Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. –Б.125. [Hojiev A. Annotated Dictionary of Linguistic Terms. –Tashkent, State Scientific Publishing House "National Encyclopedia of Uzbekistan", 2002. –P.125.]



I модел. Ушбу моделдаги фразеологик бирликлар таркибида एक *ek* “бир” санок сони иштирок этган бўлиб, уларнинг сони 49 тани ташкил этди. Масалан:

एक बात पर होना *Ek baat par honaa* (сўзма-сўз таржимаси: битта гап (сўз) устида бўлмоқ) – “Айтган гапида турмоқ, айтган сўзида турмоқ, лафзида турмоқ”. अगर एक बात पर हो तो मेरे साथ चलो और नहीं तो स्वीकार करो कि तुमने कल असत्य कहा था।¹ *Agar ek baat par ho to mere saath chalo aur nahiiN to svikaar karo ki tumne kal asatya kahaa thaa.* Агар айтган гапингда турсанг (айтган сўзингда турсанг) унда мен билан бирга юр, бўлмасам кеча ҳақиқатни айтмаганлигингни тан ол.

एक से दिन न जाना² *Ek se din na jaanaa* (сўзма-сўз таржимаси: бирдек кун кетмаслик) – “Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ бўлмоқ”. माँ ने कहा: बितिया, उदास न हो। एक से दिन नहीं जाते। *Maan ne kahaa: Bitiyaa, udaas na ho. Ek se din nahiiin jaate.* Она деди: Қизим, хафа бўлма. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ бўлади.

एक की दस सुनाना³ *Ek kii das sunaanaa* (сўзма-сўз таржимаси: биттага ўнта эшиттирмоқ) – “Битта ножўя гапга, тинмай ҳақоратламоқ; ади-бадига бормоқ; айтишмоқ”. भाई, तुम एक की दस सुनाओ, मैं कभी भी बुरा नहीं मानूँगा। *Bhaaii, tum ek kii das sunaao, mai kabhi bhii buraa nahinN maanuungaa.* Биродар, сан ман билан ади-бадига борсанг ҳам (айтишсанг ҳам), сендан ҳеч қачон хафа бўлмайман.

एक हाथ से ताली न बजना⁴ *Ek haath se taalii na bajnaa* (сўзма-сўз таржимаси: битта қўл билан қарсак чалинмаслик) – “Қарсак икки қўлдан чиқмоқ”. देखो भैया, दुकानदार ने भी ग्राहक को ज़रूर ग़लत सामान दिया होगा तभी ये चिल्ला रहे हैं, आख़िर एक हाथ से तो ताली नहीं बजती।⁵ *Dekho bhaiyaa, dukaandaar ne bhii graahak ko zaruur g'alat saamaan diyaa hogaa tabhi ye itnaa chillaa rahe hain,*

¹ भोलानाथ तिवारी - हिन्दी मुहावरा कोश। -इलाहाबाद, किताब महल, 1964. - पृष्ठ.70. [Bholaanaath Tivaarii – Hindii muhaavraa kosha. –Ilaahaabaad, Kitaab mahal, 1964. –Prishth.70. Bholanath Tivari. Hindi Idiom dictionary. –Ilaahabad, Kitaab mahal publication, 1964. –P.70.]

² भोलानाथ तिवारी - हिन्दी मुहावरा कोश। -इलाहाबाद, किताब महल, 1964. - पृष्ठ.71. [Bholaanaath Tivaarii – Hindii muhaavraa kosha. –Ilaahaabaad, Kitaab mahal, 1964. –Prishth.71. Bholanath Tivari. Hindi Idiom dictionary. –Ilaahabad, Kitaab mahal publication, 1964. –P.71.]

³ हरदेव बाहरी - राजपाल हिन्दी शब्दकोश। -दिल्ली, राजपाल एण्ड सन्ज़, 2009. - पृष्ठ.127. [Hardev Baahrii – Raajpaal Hindii shabdkosh. –Dilli, Raajpaal end sanz, 2009. –Prishth. 127. Hardev Bahri. Rajpal Hindi Dictionary. –Deli, Rajpal end sanz publication, 2009. –P.127.]

⁴ भोलानाथ तिवारी - हिन्दी मुहावरा कोश। -इलाहाबाद, किताब महल, 1964. - पृष्ठ.71. [Bholaanaath Tivaarii – Hindii muhaavraa kosha. –Ilaahaabaad, Kitaab mahal, 1964. –Prishth.71. Bholanath Tivari. Hindi Idiom dictionary. –Ilaahabad, Kitaab mahal publication, 1964. –P.71.]

⁵ रजनी गुप्त - कितने कठघरे। -नयी दिल्ली, वाणी प्रकाशन, 2015. -पृष्ठ. 94. [Rajni Gupta – Kitne kathghare. Nayii Dillii, Vaanii prakashaan, 2015. –Prishth. 107. Rajni Gupta. How many pieces. – New Deli, Vani publication, 2015. –P.94.]



aakhir ek haath se taalii nahiin bajtii. Менга қара ука, дўқондор ҳам харидорга нотўғри нарса берган бўлса керакки, ўшанинг учун бу қичқириб ётибди. Ахир қарсақ икки қўлдан чиқади-ку.

Модели: SS(1) → FB

II модел. Мазкур моделга хос бўлган фразеологик бирликлар таркибида *दो do* “икки” санок сони иштирок этган бўлиб, уларнинг сони 16 тани ташкил этди. Жумладан:

दो दिन का मेहमान¹ Do din kaa mehmaan (сўзма-сўз таржимаси: икки кунлик меҳмон) – “Вақти-соати битган”. *सड़क दुर्घटना में रमेश गंभीर रूप से घायल हो गया तो डाक्टर ने कहा कि वह दो दिन का मेहमान है। SaRak durghatnaa mai Ramesh gambhiir ruup se ghaayal ho gayaa to daktaR ne kahaa ki vo do din kaa mehmaan hai.* Йўлда содир бўлган бахтсиз ходисада Рамеш қаттиқ шикастланди (қаттиқ ярадор бўлди), доктор эса унинг вақти-соати битганлигини айтди.

दो-दो बातें करना² Do-do baaten karnaa (сўзма-сўз таржимаси: иккита-иккита сўз (гап) қилмоқ ёки иккита-иккита гаплашмоқ) – “икки оғиз гаплашмоқ”.

मैं ने तो अपने दिल्ली आने की सूचना किसी को भी नहीं दी थी?! मैं तो अपना यह छोटा वक्त अपने लिए खर्च करना चाहता था! साँस लेना चाहता था... और अपने ही भीतर झाँक कर अपने आप से दो-दो बातें करना चाहता था...? लेकिन...³ Main ne to apne Dillii aane kii suuchnaa kisii ko bhii nahiin dii thii?! Main to apnaa ye chotaa vakt apne liye kharch karnaa chahtaa thaa! Saans lenaa chaahtaa thaa... Aur apne hii bhiitar jhaank kar... Apne aap se do-do batain karnaa chaahtaa thaa..? Lekin... Мен Дехлига келаётганлигим ҳақида ҳеч кимга хабар бермаган эдим?! Мен озгина вақтимни ўзим учун сарфлашни истаган эдим! Бемалол нафас олгим келганди.... ва қалбимга мўралаб.... ўзим билан ўзим икки оғиз гаплашгим келганди...? Лекин...

Модели: SS(2) → FB

¹ भोलानाथ तिवारी - हिन्दी मुहावरा कोश। -इलाहाबाद, किताब महल, 1964. - पृष्ठ.310. [Bholanaath Tivarii – Hindii muhaavraa kosha. –Ilahaabaad, Kitaab mahal, 1964. –Prishth.310. Bholanath Tivari. Hindi Idiom dictionary. –Ilahabad, Kitaab mahal publication, 1964. –P.310.]

² Хинди-русский словарь. Составители А.С.Бархударов, В.М.Бескровный, Г.А. Зограф, В.П.Липеровский. Под ред. В.М.Бескровного. Т.1. –М.: Издательство «Советская Энциклопедия», 1972. –С. 807. [Hindi-Russian dictionary. Compiled by A.S. Barkhudarov, V.M.Beskrovniy, G.A. Zograf, V.P. Liperovskiy. Edited by V.M. Beskrovniy. V.I. –Moscow, Publishing House "Soviet Encyclopedia", 1972. –P.807.]

³ मेजर कृपाल वर्मा - भोर का तारा नरेंद्र मोदी। -दिल्ली, प्रणेत, 2019. -पृष्ठ.378. [Mejar Kripaal Varmaa – Bhor kaa taraa Narendra Modii. –Dillii, Pranetaa, 2019. –Prishth.378. Mejar Kripal Varma. Dawn star Narendra Modi. Deli, Praneta Publication, 2019. –P.378.]



III модел. Ушбу моделга хос бўлган фразеологик бирликлар таркибида чार *chaar* “тўрт” санок сони иштирок этган бўлиб, уларнинг сони 12 тага тенг. Жумладан:

चार दिन की ज़िन्दगी¹ *Chaar din kii zindagii* (сўзма-сўз таржимаси: тўрт кунлик хаёт) – “Беш кунлик дунё”. इस चार दिन की ज़िन्दगी में हर कोई एक दूसरे का मेहमान है। *Is chaar din kii zindagii mai har koi ek duusre kaa mehmaan hai.* Бу беш кунлик дунёда ҳамма бир-бирига меҳмон.

चार दिन *chaar din* (сўзма-сўз таржимаси: тўрт кун) – “Бирпастлик”. इसका क्रोध चार दिन का है, अपने आप ठीक हो जायेगा।² *Iskaa krodh chaar din kaa hai, apne aap thik ho jayega.* Бунинг жаҳли бирпастлик, ўз-ўзидан босилиб қолади.

चार पैसे कमा लेना³ *chaar paise kamaa lenaa* (сўзма-сўз таржимаси: тўрт пейса ишламок) – “Уч-тўрт сўмга эга бўлмок, оз-моз пул (даромад) топмок”. अचानक तैश में आ गयी वह - "क्या समझती हैं आप खुद को, आप पैसे नहीं देंगी तो क्या मैं कटोरी लेकर सड़क पर आ जाऊँगी? कतई नहीं... चार पैसे कमाकर अपना पेट भर लूँगी, हाँ, दिक्कत तो आपको होनी है।⁴ *Achaanak taish mai aa gayii vo – “Kyaa samajhtii hain aap khud ko, aap paise nahiiin dengii to kyaa main katorii lekar sarak par aa jauungii? Kataii nahiin, chaar paise kamaakar apnaa pet bhar luungii, haan, diqqat to aapko honii hai”.* Бирданига унинг ғазаби қайнади – “Сиз ўзингизни ким деб тушунасиз? Сиз пул бермасангиз нима мен идиш олиб (чашка олиб тиланчилик қилгани) кўчага чиқаманми?” Ҳеч қачон..., оз-моз пул топиб қорнимни тўйғазиб оламан. Сиз ташвишга тушишингиз керак.

Модел: $SS(4) \rightarrow FB$

¹ Хинди-русский словарь. Составители А.С.Бархударов, В.М.Бескровный, Г.А. Зограф, В.П.Липеровский. Под ред. В.М.Бескровного. Т.1. –М.: Издательство «Советская Энциклопедия», 1972. –С. 526. [Hindi-Russian dictionary. Compiled by A.S. Barkhudarov, V.M.Beskrovniy, G.A. Zograf, V.P. Liperovski. Edited by V.M. Beskrovniy. V.I. –Moscow, Publishing House "Soviet Encyclopedia", 1972. –P.526.]

² भोलानाथ तिवारी - हिन्दी मुहावरा कोश। -इलाहाबाद, किताब महल, 1964. - पृष्ठ.178. [Bholaanaath Tivaarii – Hindii muhaavraa kosh. –Илахаабаад, Китааб маһал, 1964. –Prishth. 178. Bholanath Tivari. Hindi Idiom dictionary. –Илаһабад, Китааб маһал publication, 1964. –P. 178].

³ बदरीनाथ कपूर - लोकभारती हिन्दी मुहावरे और लोकोक्ति कोश। -नई दिल्ली, लोकभारती प्रकाशन, 2007. – पृष्ठ 123. [Badriinaath Kapuur – Lokbhaartii Hindii muhaavre aur lokokti kosh. –Naii Dilli, Lokbhaartii Prakaashan, 2007. –Prishth, 123. Badrinath Kapur. Lokbharati Hindi idioms and proverbs dictionary. –New Deli, Lokbharati publication, 2007. –P.123.]

⁴ रजनी गुप्त - कितने कठघरे। -नयी दिल्ली, वाणी प्रकाशन, 2015. –पृष्ठ. 107. [Rajni Gupta – Kitne kathghare. Nayii Dillii, Vaanii prakaashan, 2015. –Prishth. 107. Rajni Gupta. How many pieces. –New Deli, Vani publication, 2015. –P.107.]



IV модел. Мазкур моделга хос бўлган фразеологик бирликлар таркибида सात *saat* “етти” санок сони иштирок этган ва улар 9 мисолдан иборат Жумладан:

सात समुन्दर पार करना¹ *saat samundar paar karnaa* (сўзма-сўз таржимаси: еттита денгиздан ўтмоқ, етти денгиз оша) – “Олис йўл босмоқ”. सात समुन्दर पार करके वह अपने परिवार के साथ सुदूर देश सुरिनाम पहुँच आया। *Saat samundar paar karke vo apne parivaar ke saath suduur desh Surinaam pahunch aaya.* Узоқ йўл босиб ўтгач у ўз оиласи билан олис мамлакат бўлмиш Суринамга етиб келди.

सात परदे में रखना² *saat parde mai rakhnaa* (сўзма-сўз таржимаси: еттита пардага қўймоқ ёки солмоқ) – “кўздан яширмоқ, беркитиб қўймоқ”. चोरी ने चोरी किया हुआ माल सात परदे में रखा है लेकिन पुलिस उसे ढूढ़ निकालेगी। *Choron ne chorii kiyaa huaa maal saat parde mai rakhaa hai lekin pulis use dhuurh nikaaligii.* Ўғрилар ўғирлаган молларбни кўздан яшириб (беркитиб) қўйдилар, лекин полиция уни қидириб топади; उसने सेठ जी को धमकी दी थी कि यदि वे अपनी बेटी को सात परदों में छिपाकर रखेंगे तो भी वह उसे ले जाएगा और उसी से शादी करेगा।³ *Usne seth jii ko dhamkii dii thii ki ve apnii betii ko saat pardon mai chipaakr rakhainge to bhi vah use le jaaegaa aur usii se shaadii karegaa.* У бойга мабодо у кизини кўздан яшириб беркитиб қўйганида ҳам барибир уни олиб кетишини ва айнан унга уйланишлигини дўқ-пўписа қилиб айтди.

Модели: *SS(7) → FB*

Янги ҳинд-орий тилларига хос бўлган ҳиндий тилидаги фразеологик бутунлик гуруҳига оид иборалар таҳлил қилиниши натижасида асосан एक *ek* “бир” санок сони иштирок этган фразеологик бирликлар етакчи ўринни эгаллади. Гарча, ушбу мақолада “бир” дан “тўққиз” гача бўлган бирликларга оид санок сонлардан ясалган фразеологизмлар танлаб олинган бўлса-да, лекин фақатгина एक *ek* “бир”, दो *do* “икки”, चार *chaar* “тўрт” ва सात *saat* “етти” санок сонларидан ясалган фразеологик бирликлар фразеологик бутунлик гуруҳига оид деб топилди ва улар *SS(1) → FB*, *SS(2) → FB*, *SS(4) → FB* ва *SS(7) → FB* каби моделларга тақсимланди. Ушбу моделларда

¹ भोलानाथ तिवारी - हिन्दी मुहावरा कोश। -इलाहाबाद, किताब महल, 1964. - पृष्ठ.514. [Bholanaath Tivarii – Hindii muhaavraa kosha. –Ilaahaabaad, Kitaab mahal, 1964. –Prishth. 514. Bholanaath Tivari. Hindi Idiom dictionary. –Ilaahabad, Kitaab mahal publication, 1964. –P. 514].

² Хинди-русский словарь. Составители А.С.Бархударов, В.М.Бескровный, Г.А. Зограф, В.П.Липеровский. Под ред. В.М.Бескровного. Т.II. –М.: Издательство «Советская Энциклопедия», 1972. –С. 686. [Hindi-Russian dictionary. Compiled by A.S. Barkhudarov, V.M.Beskrovniy, G.A. Zograf, V.P. Liperovskiy. Edited by V.M. Beskrovniy. V.II. –Moscow, Publishing House "Soviet Encyclopedia", 1972. –P.686.]

³ विनोद विमल बलिया - दो बैलों की आत्मकथा। -नई दिल्ली, 2020. - पृष्ठ.92. [Vinod Vimal Baliyaa – Do bailon kii aatmkatha. –Naii Dilli, 2020. –Prishth.92. Vinod Vimal Baliya. Biography of two bulls. New Deli, 2020. –P.92.]



бирликларга оид санок сонларнинг иштироки акс эттирилган. Масалан, *SS(1)* → *FB* моделини олайлик. Ушбу моделда *SS*-санок сон, *(1)* - “бир” санок сони, *FB* фразеологик бирлик маъноларини англатади. Яъни, ушбу модел фразеологик бутунлик гуруҳига хос “бир” санок сонидан ясалган фразеологик бирликлар демакдир.

Фразеологик бутунлик гуруҳидаги деярли барча мисоллар таркибида феълнинг ноаниқ шакллари иштирок этган. Фақатгина, II моделга хос *दो do* “икки” ҳамда III моделга оид *चार chaar* “тўрт” санок сонларидан ясалган баъзи фразеологик бирликлар таркибида феълнинг ноаниқ шакллари иштирок этмаган, улар сўз бирикмалари шаклида ҳосил бўлган (*दो दिन का मेहमान Do din kaa mehmaan* (сўзма-сўз таржимаси: икки кунлик меҳмон) – “Вақти-соати битган”; *चार दिन की ज़िन्दगी Chaar din kii zindagii* (сўзма-сўз таржимаси: тўрт кунлик ҳаёт) – “Беш кунлик дунё”; *चार दिन chaar din* (сўзма-сўз таржимаси: тўрт кун) – “Бирпастлик”). Бундай фарқли жиҳатлар ушбу гуруҳдаги мисолларнинг 2 та моделида кузатилди. Қолган 2 та модел таркибида сонларга оид лексемалар қаторида от ва феъл сўз туркумига оид лексик бирликлар ҳам иштирок этган.

II гуруҳ. Ушбу гуруҳда таҳлилга тортилган мисоллар орасида фразеологик қўшилма, яъни таркибидаги сўзларнинг лексик маъноси сақланадиган, бири иккинчисининг боғли маъносини реаллаштирувчи нутқий матн вазифасини ўтайдиган синтагмалар ташкил этган бўлиб, уларнинг сони 63 тани ташкил этди. Уларнинг ўзига хос семантик маъноларига кўра қуйидаги моделлар ишлаб чиқилди.

I модел. Ушбу моделдаги фразеологик бирликлар таркибида *एक ek* “бир” санок сони иштирок этган бўлиб, уларнинг сони 25 та ташкил этди. Масалан:

एक आँख से देखना¹ ek aankh se dekhnaa (сўзма-сўз таржимаси: бир кўз билан кўрмоқ) – “Бирдек кўрмоқ, бир хилда кўрмоқ”. *राजा को अपनी सारी प्रजा को एक आँख से देखना चाहिए। Raajaa ko apne saarii prajaa ko ek aankh se dekhnaa chaahiye.* Рожа бутун халқини бирдек кўриши керак; *अकबर सभी धर्मों को एक आँख से देखते थे। Akbar sabhii dharmoN ko ek aankh se dekhte the.* Акбаршоҳ ҳамма динни бирдек (бир хилда) кўрарди; *माँ-बाप अपने सभी बच्चों को एक आँख से देखते हैं। Maan-baap apne sabhii bachchon ko ek aankh se dekhte hain.* Ота-оналар ҳамма болаларини бирдек (бир хилда) кўрадилар.

¹ बदरीनाथ कपूर - लोकभारती हिन्दी मुहावरे और लोकोक्ति कोश। -नई दिल्ली, लोकभारती प्रकाशन, 2007. – पृष्ठ. 50. [Badriinaath Kapuur – Lokbhaartii Hindii muhaavre aur lokokti kosh. –Naii Dilli, Lokbhaartii Prakaashan, 2007. –Prishth, 50. Badrinath Kapur. Lokbharati Hindi idioms and proverbs dictionary. –New Deli, Lokbharati publication, 2007. –P.50.]



एक आँख न भाना¹ *ek aankh na bhaanaa* (сўзма-сўз таржимаси: битта кўз ёқмаслик) – “Жини суймаслик, мутлақ ёқмаслик”. बबीता देवी को अपनी छोटी बहू एक आँख नहीं भाती, हमेशा उसकी बुराई करती रहती है। *Babiitaa Devii ko apni bahuu ek aankh nahiin bhaatii*. Бабита Девининг жини келинини суймайди, у доимо унга ёмонлик қилгани қилган; राजेश का खाली बैठना उसके पिता जी को एक आँख नहीं भाता। *Rajesh kaa khaalii baithnaa uske pitaa jii ko ek aankh nahiin bhaataa*. Ражешнинг бўш ўтириши унинг отасига мутлақ ёқмайди.

एक न सुनना² *ek na sunnaa* (сўзма-сўз таржимаси: битта эшитмаслик) – “Кулоқ солмаслик (кулоқ солмай фақат ўзиникини маъқуллаш)”. भाई ने बहुत समझाया पर उसने एक न सुना। *Bhaaii ne bahoot samjhaaya par usne ek na sunaa*. Акаси роса тушунтирди, лекин у кулоқ солмай фақат ўзиникини маъқуллади.

एक पेट के³ *ek peT ke* (сўзма-сўз таржимаси: бир қориндаги) – “Бир қориндан талашиб тушган - туғишган”. वे दोनों एक पेट के सहोदर भाई हैं। *Ve donon ek pet ke sahodar bhaaii hain*. Улар иккови бир қориндан талашиб тушган туғишган ака-укалардир.

Модели: $SS(1) \rightarrow FQ$

II модел. Мазкур моделга оид фразеологик бирликлар таркибида दो “икки” санок сони иштирок этган бўлиб, уларнинг сони 11 тага тенг. Жумладан:

दो आँसू बहाना⁴ *do aansuu bahaanaa* (сўзма-сўз таржимаси: иккита ёш оқизмоқ) – “Ҳамдардлик (мушибат) билдирмоқ, озгина кўз ёш оқизмоқ”. अरे, अपना पड़ोसी था, दो आँसू बहाना तो सभी का फर्ज़ है। *Are, apnaa parosii thaa, do aansuu bahaanaa to sabhii kaa farz he*. Ия, кўшним эди, ҳамдардлик билдириш ахир ҳаммамизни фарзимиз.

¹ भोलानाथ तिवारी - हिन्दी मुहावरा कोश। -इलाहाबाद, किताब महल, 1964. - पृष्ठ.68. [Bholaanaath Tivaarii – Hindii muhaavraa kosh. –Илахаабаад, Китааб маһал, 1964. –Prishth.68. Bholanath Tivari. Hindi Idiom dictionary. –Илаһабад, Китааб маһал publication, 1964. –P.68.]

² Хинди-русский словарь. Составители А.С.Бархударов, В.М.Бескровный, Г.А. Зограф, В.П.Липеровский. Под ред. В.М.Бескровного. Т.1. –М.: Издательство «Советская Энциклопедия», 1972. –С. 283. [Hindi-Russian dictionary. Compiled by A.S. Barkhudarov, V.M.Beskrovniy, G.A. Zograf, V.P. Liperovskiy. Edited by V.M. Beskrovniy. V.I. –Moscow, Publishing House "Soviet Encyclopedia", 1972. –P.283.]

³ भोलानाथ तिवारी - हिन्दी मुहावरा कोश। -इलाहाबाद, किताब महल, 1964. - पृष्ठ.70. [Bholaanaath Tivaarii – Hindii muhaavraa kosh. –Илахаабаад, Китааб маһал, 1964. –Prishth.70. Bholanath Tivari. Hindi Idiom dictionary. –Илаһабад, Китааб маһал publication, 1964. –P.70.]

⁴ Хинди-русский словарь. Составители А.С.Бархударов, В.М.Бескровный, Г.А. Зограф, В.П.Липеровский. Под ред. В.М.Бескровного. Т.1. –М.: Издательство «Советская Энциклопедия», 1972. –С. 807. [Hindi-Russian dictionary. Compiled by A.S. Barkhudarov, V.M.Beskrovniy, G.A. Zograf, V.P. Liperovskiy. Edited by V.M. Beskrovniy. V.I. –Moscow, Publishing House "Soviet Encyclopedia", 1972. –P. 807.]



दो-दो हाथ करना¹ *do-do haath karnaa* (сўзма-сўз таржимаси: иккита-иккита кўл қилмоқ) – “Ёқалашмоқ, муштлашмоқ”. छोटी-सी बात पर राजू और रामू में दो-दो हाथ हो गए। *Chotii-sii baat par Raajuu aur Raamuu mai do-do haath ho gaye*. Арзимаган гап деб Ражу билан Раму ёқалашиб кетдилар; हमारे पड़ोसियों में छोटी-सी अनबन के कारण दो-दो हाथ कर लिए हैं। *Hamaare parosiyon mai chotii-sii anban ke kaarn do-do haath kar liye hain*. Қўшниларимиз арзимаган айтишув туфайли муштлашиб кетдилар.

Модели: SS(2) → FQ

III модел. Ушбу моделга хос бўлган фразеологик бирликлар таркибида तीन *tiin* “уч” санок сони иштирок этган бўлиб, уларнинг сони 9 тани ташкил этди. Масалан:

तीन छः का रिश्ता² *tiin chhe kaa rishtaa* (сўзма-сўз таржимаси: уч олтига ришта, алоқа) – “Узоқ уруғ (узоқ қариндош)”. यह औरत मेरी धर्मपत्नी के तीन छः का रिश्ता है। *Ye aurat merii dharmpatnii ke tiin chhe kaa rishtaa hai*. Бу аёл менинг жуфти ҳалолимнинг узоқ қариндоши.

Модели: SS(3) → FQ

IV модел. Ушбу моделга хос бўлган фразеологик бирликлар таркибида चार *chaar* “тўрт” санок сони иштирок этган ва улар 8 та мисолдан иборат. Жумладан:

चार आँखें करना *chaar aankhain karnaa* (сўзма-сўз таржимаси: тўртта кўзини қилмоқ) – “Кўз уриштирмоқ”. मेला देखने गए थे या अपने मित्रों से चार आँखें करने? ³ *Melaa dekhne gaye the yaa apne mitron se chaar aankhain karne?* Байрам тантанасини кўргани борганмидинг ё дўстларинг билан кўз уриштирганими?

चार आँखें होना⁴ *chaar aankhain honaa* (сўзма-сўз таржимаси: тўртта кўз бўлмоқ) – “Кўзи тушмоқ, кўзи-кўзига тушмоқ”. वे कनखियों से एक दूसरे की ओर

¹ भोलानाथ तिवारी - हिन्दी मुहावरा कोश। -इलाहाबाद, किताब महल, 1964. - पृष्ठ.310. [Bholanaath Tivaarii – Hindii muhaavraa kosh. –Ilaahaabaad, Kitaab mahal, 1964. –Prishth.310. Bholanath Tivari. Hindi Idiom dictionary. –Ilaahabad, Kitaab mahal publication, 1964. –P.310.]

² Хинди-русский словарь. Составители А.С.Бархударов, В.М.Бескровный, Г.А. Зограф, В.П.Липеровский. Под ред. В.М.Бескровного. Т.1. –М.: Издательство «Советская Энциклопедия», 1972. –С. 718. [Hindi-Russian dictionary. Compiled by A.S. Barkhudarov, V.M.Beskrovniy, G.A. Zograf, V.P. Liperovski. Edited by V.M. Beskrovniy. V.I. –Moscow, Publishing House "Soviet Encyclopedia", 1972. –P. 718.]

³ भोलानाथ तिवारी - हिन्दी मुहावरा कोश। -इलाहाबाद, किताब महल, 1964. - पृष्ठ.177. [Bholanaath Tivaarii – Hindii muhaavraa kosh. –Ilaahaabaad, Kitaab mahal, 1964. –Prishth.177. Bholanath Tivari. Hindi Idiom dictionary. –Ilaahabad, Kitaab mahal publication, 1964. –P.177.]

⁴ बदरीनाथ कपूर - लोकभारती हिन्दी मुहावरे और लोकोक्ति कोश। -नई दिल्ली, लोकभारती प्रकाशन, 2007. - पृष्ठ. 122. [Badriinaath Kapur – Lokbhaartii Hindii muhaavre aur lokokti kosh. –Naii Dilli, Lokbhaartii Prakaashan, 2007. –Prishth, 122. Badrinath Kapur. Lokbharati Hindi idioms and proverbs dictionary. –New Deli, Lokbharati publication, 2007. –P.122.]



देखते थे और आँखें चार होते ही एक दूसरे देखकर लज्जा से आँखें नीची कर लेते थे। *Ve kankhiyon se ek dusre kii our dekhte the aur aankhain chaar hote hii ek dusre dekhkar lajjaa se aankhain niichii kar lete the.* Улар кўз қирларидан бир-бирларига қарардилар ва кўзлари бир-бирларига тушиши биланоқ бир-бирларига қараб уялганларидан кўзларини ерга қаратиб олардилар.

चार उँगलियाँ तक सिर पर न रखना¹ *chaar ungliyaan tak sir par na rakhaana* (сўзма-сўз таржимаси: ҳатто тўртта бармоғини бошига ҳам қўймаслик) – “Парвойига келтирмаслик; Парво қилмаслик; Дунёни сув босса, тўпиғига чиқмаслик”. वह यों तो इतना प्रेम दिखाता है, परन्तु मेरा पुत्र मर गया और उसने चार उँगलियाँ तक सिर पर न रखीं। *Vo yon to itnaa prem dikhaataa hai, parantu meraa putr mar gayaa aur usne chaar ungliyaan tak sir par na rakhiin.* У шунчаки хўжа кўрсинга меҳр кўрсатади, ўғлим ўлганида у парво ҳам қилгани йўқ”.

Модели: SS(4) → FQ

V модел. Мазкур моделга хос бўлган фразеологик бирликлар таркибида सात *saat* “етти” санок сони иштирок этган бўлиб, уларнинг сони 5 тани ташкил этди. Жумладан:

सात घाटों का पानी पीना² *saat ghaaton kaa paanii piinaa* (сўзма-сўз таржимаси: еттита тўғонни сувини ичмоқ) – “Дунёнинг илмини сув қилиб ичиб юбормоқ”. उसे क्या सिखाते हो वह तो सात घाटों का पानी पी चुका है। *Use kyaa sikhaate ho vo to saat ghaaton kaa paanii pii chukaa hai.* Унга нимани ўргатасан, у ахир дунёни илмини сув қилиб ичиб бўлган; तुम उससे जीत नहीं सकते उसने पूरे सात घाटों का पानी पिया है। *Tum use jiiit nahiin sakte usne puure saat ghaaton kaa paanii piyaa hai.* Уни сен енга олмайсан, у дунёнинг илмини сув қилиб ичиб юборган.

सात न जानना³ *saat na jaanna* (сўзма-сўз таржимаси: еттитани билмаслик) – “Гўл бўлмоқ”. वह सात न जानता, इसी लिए उसे उल्लू बनाने की कोशिश करते। *Vo*

¹ Хинди-русский словарь. Составители А.С.Бархударов, В.М.Бескровный, Г.А. Зограф, В.П.Липеровский. Под ред. В.М.Бескровного. Т.1. –М.: Издательство «Советская Энциклопедия», 1972. –С. 526. [Hindi-Russian dictionary. Compiled by A.S. Barkhudarov, V.M.Beskrovniy, G.A. Zograf, V.P. Liperovskiy. Edited by V.M. Beskrovniy. V.I. –Moscow, Publishing House "Soviet Encyclopedia", 1972. –P.526.]

² भोलानाथ तिवारी - हिन्दी मुहावरा कोश। -इलाहाबाद, किताब महल, 1964. - पृष्ठ.513. [Bholanaath Tivarii – Hindii muhaavraa kosh. –Ilaahaabaad, Kitaab mahal, 1964. –Prishth.513. Bholanath Tivari. Hindi Idiom dictionary. –Ilahabad, Kitaab mahal publication, 1964. –P.513.]

³ Хинди-русский словарь. Составители А.С.Бархударов, В.М.Бескровный, Г.А. Зограф, В.П.Липеровский. Под ред. В.М.Бескровного. Т.2. –М.: Издательство «Советская Энциклопедия», 1972. –С. 686. [Hindi-Russian dictionary. Compiled by A.S. Barkhudarov, V.M.Beskrovniy, G.A. Zograf, V.P. Liperovskiy. Edited by V.M. Beskrovniy. V.II. –Moscow, Publishing House "Soviet Encyclopedia", 1972. –P. 686.]



saat na jaantaa, isii liye use ulluu banaane kii koshish karte. У гўл, шунинг учун ҳам уни аҳмоқ қилишга (лақиллатишга) ҳаракат қиладилар.

Модели: $SS(7) \rightarrow FQ$

VI модел. Ушбу моделдаги фразеологик бирликлар таркибида आठ *aath* “сақкиз” санок сони иштирок этган бўлиб, уларнинг сони 5 тани ташкил этди. Масалан:

आठ-आठ आँसू रोना¹ *aath-aath aansuu ronaa* (сўзма-сўз таржимаси: сақкизта-сақкизта йиғламоқ) – “Хўнг-хўнг йиғламоқ”. जब माँ की याद आती है वह आठ-आठ आँसू रो लेती है। *Jab maan kii yaad aatii hai vo aath-aath aansuu ro letii hai.* Онаси ёдига тушса (тушганида), у хўнг-хўнг йиғлаб олади.

आठ जामे से बाहर रहना² *aath jaame se baahr rehnaa* (сўзма-сўз таржимаси: сақкизта кийимдан ташқарида яшамоқ (сақкизта уст-бошдан ташқарида бўлмоқ) – “Жаҳлда ўзидан чиқиб кетмоқ; ғазаб отига минмоқ”. राजेश को अभी यदि कुछ कह दोगे वह आठ जामे से बाहर रह जाता। *Rajesh ko abhii yadi kuch keh doge vo aath jaame se baahr reh jataa.* Агар шу тобда Рамешга бирон бир нима десанг борми, у ғазаб отига минади.

Модели: $SS(8) \rightarrow FQ$

Ҳиндий тилидаги фразеологик қўшилма гуруҳига оид иборалар таҳлил қилиниши натижасида ҳам фразеологик бутунлик гуруҳига оид мисоллар каби एक *ek* “бир” санок сони иштирок этган фразеологик бирликлар етакчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринларда दो *do* “икки”, तीन *tiin* “уч”, चार *chaar* “тўрт”, सात *saat* “етти”, आठ *aath* “сақкиз” санок сонларидан ясалган фразеологик бирликлар фразеологик қўшилма гуруҳига оид эканлиги маълум бўлди. Фразеологик бутунлик гуруҳида 4 та модел ишлаб чиқилган бўлса, ушбу гуруҳда эса 6 модел ишлаб чиқилди ва улар орасида энг маҳсулдор қолип $SS(1) \rightarrow FQ$ деб топилди. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу гуруҳдаги бирликларга оид фразеологик бирликлар таҳлил қилинганида, аксарият мисолларнинг таркибида соматик отларга хос лексемалар иштирок этиши ҳам кузатилди.

Фразеологик бутунлик гуруҳига оид мисоллардан фарқли равишда ушбу гуруҳда инкор шаклида қўлланилган фразеологизмлар ҳам учради (एक आँख न भाना *ek aankh na bhaanaa* (сўзма-сўз таржимаси: битта кўз ёқмаслик) –

¹ हरदेव बाहरी - राजपाल हिन्दी शब्दकोश। -दिल्ली, राजपाल एण्ड सन्ज़, 2009. - पृष्ठ.80. [Hardev Baahrii – Raajpaal Hindii shabdkosh. –Dillii, Raajpaal end sanz, 2009. –Prishth. 80. Hardev Bahri. Rajpal Hindi Dictionary. –Deli, Rajpal end sanz publication, 2009. –P.80.]

² Хинди-русский словарь. Составители А.С.Бархударов, В.М.Бескровный, Г.А. Зограф, В.П.Липеровский. Под ред. В.М.Бескровного. Т.1. –М.: Издательство «Советская Энциклопедия», 1972. –С. 182. [Hindi-Russian dictionary. Compiled by A.S. Barkhudarov, V.M.Beskrovniy, G.A. Zograf, V.P. Liperovskiy. Edited by V.M. Beskrovniy. V.I. –Moscow, Publishing House "Soviet Encyclopedia", 1972. –P. 182.]



“Жини суймаслик, мутлақ ёқмаслик”; एक न सुनना *ek na sunnaa* (сўзма-сўз таржимаси: битта эшитмаслик) – “Кулоқ солмаслик (кулоқ солмай фақат ўзиникини маъкуллаш)”. Шунингдек, баъзи фразеологизмлар таркибида сонларга хос лексемалар такрор қўлланилган (दो-दो हाथ करना *do-do haath karna* (сўзма-сўз таржимаси: иккита-иккита қўл қилмоқ) – “Ёқалашмоқ, муштлашмоқ”; आठ-आठ आँसू रोना *aath-aath aansuu rona* (сўзма-сўз таржимаси: саккизта-саккизта йиғламоқ) – “Хўнг-хўнг йиғламоқ”). Таҳлил натижаларига кўра шу нарса аниқландики, ушбу фразеологик бирликлардаги санок сонларга оид лексемалар ўзбек тилига таржима қилинганда аксарият ҳолларда уларнинг маъноси сақланмайди.

III гуруҳ. Ушбу гуруҳда таҳлилга тортилган мисоллар фразеологик чатишма, яъни маъноси таркибидаги сўзларнинг маъносидан келиб чиқмайдиган, ҳатто унга зид маъно ифодаладиган фразеологик бирликлар ҳисобланиб, уларнинг сони 47 тани ташкил этди ва улар қуйидаги моделларга тақсимланди.

I модел. Ушбу моделдаги фразеологик бирликлар таркибида एक *ek* “бир” санок сони иштирок этган бўлиб, уларнинг сони 18 тани ташкил этди. Масалан:

एक और एक ग्यारह होना¹ *ek aur ek gyaarah honaa* (сўзма-сўз таржимаси: бир ва бир ўн бир бўлмоқ) – “Бир жон-бир тан бўлмоқ; бир тан бўлмоқ; бирлашмоқ”. अंग्रेज़ों की गुलामी से अपने देश को आज़ाद करने के लिए सभी भारतीय एक और एक ग्यारह हो गए। *Angrezon kii g'ulaamii se apne desh ko aazaad karne ke liye sabhii bhaartiya ek aur ek gyaarah ho gaye.* Инглиз мустамлакасидан ўз юртини озод этиш учун барча ҳиндистонликлар бир жон-бир тан бўлдилар; सभी पक्षी एक और एक ग्यारह होकर शिकारी का जाल लेकर उड़ गई। *Sabhii pakshii ek aur ek gyaarah hokar shikaarii kaa jaal lekar ur gayiin.* Ҳамма қушлар бир тан бўлиб овчининг тузоғини олиб учиб кетдилар; सभी भाई एक और एक ग्यारह होकर अपने व्यवसाय को ऊँचाई तक ले गए। *Sabhii bhaaii ek aur ek gyaarah hokar apne vyavasaay ko unchaaii tak le gaye.* Барча ака-укалар бирлашиб ўз тадбиркорлик ишларини юқори даражага олиб чиқдилар.

एक से दो होना² *ek se do honaa* (сўзма-сўз таржимаси: бирдан икки бўлмоқ) – “Боши иккита бўлмоқ; уйланмоқ, оила қурмоқ”. आखिरकार श्याम जी अपनी चालीस साल की उम्र में एक से दो हो गया है। *Aakhirkaar Shyaam jii apni chaaliis*

¹ भोलानाथ तिवारी - हिन्दी मुहावरा कोश। -इलाहाबाद, किताब महल, 1964. - पृष्ठ.69. [Bholanaath Tivarii – Hindii muhaavraa kosh. –Ilaahaabaad, Kitaab mahal, 1964. –Prishth.69. Bholanaath Tivari. Hindi Idiom dictionary. –Ilaahabad, Kitaab mahal publication, 1964. –P.69.]

² बृहत हिन्दी कोश। - वाराणसी, ज्ञानमण्डल लिमिटेड, 2009. - पृष्ठ.222. [Brihat Hindii Kosh. – Vaaraanasii, Gyaanmandal Limited, 2009. –Prishth.222. Large Hindi dictionary. –Varanasi, Gyanmandal Limited publication, 2009. –P.222.]



saal kii umr mai ek se do ho gayaa hai. Ваниҳоят Шяам Соҳиб 40 ёшга тўлганида унинг боши иккита бўлди (у уйланди, у оила қурди).

एक एक की चार चार (दस दस) लगाना¹ *ek ek kii chaar chaar (das das) lagaanaa* (сўзма-сўз таржимаси: биттага тўртга (ўнта) уламок) – “Пашшадан фил ясамок”. एक एक की चार चार लगाना बस करो। तुम्हारी ये सारी बातें झूठ हैं। *Ek ek kii chaar chaar lagaanaa bas karo. Tumhaarii ye saarii baatain jhuuth hain.* Пашшадан фил яшани бас қил. Бу гапларингни бари ёлғон.

एक से इक्कीस होना² *ek se ikkiis honaa* (сўзма-сўз таржимаси: бирдан йигирма бир бўлмок) – “Униб ўсмोक, гуллаб-яшнамок, иши юришмок”. अगर तुम मुझ गरीब को एक पैसा दोगे तो भगवान की दया से एक से इक्कीस होंगे। *Agar tum mujh g'ariib ko ek paisa doge to bhagvaan kii dayaa se ek se ikkiis honge.* Агар мен камбағалга бир пейса берсанг, Яратганнинг инояти ила униб-ўсасан (Агар мен бечорага бир пейса берсанг, Яратганнинг ўзи сени бирингга минг беради).

Модели: *SS(1) → FCH*

II модел. Мазкур моделга оид фразеологик бирликлар таркибида दो *do* “икки” санок сони иштирок этган бўлиб, уларнинг сони 8 тани ташкил этди. Жумладан:

दो चार होना *do chaar honaa* (сўзма-сўз таржимаси: икки тўрт бўлмок) – “Дуч келмок, тўкнаш келмок”. आज जिस परिस्थिति का सामना गबरू कर रहा था वह कोई पहली या अकस्मात ही पैदा नहीं हुई थी जिसके कारण आम जनमानस को असुविधाओं से दो-चार होना पड़ रहा है।³ *Aaj jis paristhiti kaa saamnaa Gabruu kar rahaa thaa vo koi pehlii yaa aksmaat hii paidaa nahiin huii thi jiske kaarn aam janmaans ko asuvidhaaon se do-chaar honaa par rahaa hai.* Бугун Габру қарши олаётган ва оқибатда омманинг имконсиз ҳолатга тўкнаш келишига тўғри келаётган вазият биринчи бор ёки тасодифан содир бўлмаган эди.

¹ Хинди-русский словарь. Составители А.С.Бархударов, В.М.Бескровный, Г.А. Зограф, В.П.Липеровский. Под ред. В.М.Бескровного. Т.1. –М.: Издательство «Советская Энциклопедия», 1972. –С. 283. [Hindi-Russian dictionary. Compiled by A.S. Barkhudarov, V.M.Beskrovniy, G.A. Zograf, V.P. Liperovskiy. Edited by V.M. Beskrovniy. V.I. –Moscow, Publishing House "Soviet Encyclopedia", 1972. –P. 283.]

² भोलानाथ तिवारी - हिन्दी मुहावरा कोश। -इलाहाबाद, किताब महल, 1964. - पृष्ठ.71. [Bholanaath Tivaarii – Hindii muhaavraa kosh. –Илахабад, Китааб магал, 1964. –Prishth.71. Bholanath Tivari. Hindi Idiom dictionary. –Илахабад, Китааб магал publication, 1964. –P.71.]

³ विनोद विमल बलिया - दो बैलों की आत्मकथा। -नई दिल्ली, 2020. - पृष्ठ.114. [Vinod Vimal Baliyaa – Do bailon kii aatmkathaa. –Naii Dilli, 2020. –Prishth.114. Vinod Vimal Baliya. Biography of two bulls. New Deli, 2020. –P.114.]



दो चार *do chaar* (сўзма-сўз таржимаси: иккита тўртта) – “Жиндек, озгина”. इस समय यदि मुझे दो चार रुपये भी मिल जाते तो काम चल जाता।¹ *Is samay yadi mujhe do chaar rupye bhi mil jaate to kaam chal jaataa*. Шу пайт агар жиндек (озгина) пул ҳам топилганида эди, иш ҳам юришарди.

Модели: *SS(2) → FCH*

III модел. Ушбу моделдаги фразеологик бирликлар таркибида तीन *tiin* “уч” санок сони иштирок этган ва улар 6 та мисолдан иборат. Масалан:

तीन तेरह करना² *tiin terah karna* (сўзма сўз таржимаси: уч ўн уч қилмок) – “Бир-биридан айирмок, вайрон қилмок”. ज़रा-से झगड़े ने दोनों भाइयों को तीन तेरह कर दिया। *Zaraa-se jhagre ne donon bhaaiyon ko tiin terah kar diyaa*. Арзимас жанжал (тортишув) иккала ака-укани бир-биридан айириб ташлади.

न तीन में न तेरह में होना³ *na tiin mai na terah mai honaa* (сўзма-сўз таржимаси: на учда на ўн учда бўлмок) – “На сонда бор, на қаторда (одам ўрнида кўрмаслик)”. तुमने अपनी बेटी की शादी में मुझे पूछा तक नहीं। पूछते भी कयों? तुम्हारे लिए तो मैं न तीन में हूँ न तेरह में।⁴ *Tumne apni betii kii shaadii mai mujhe puuchhaa tak nahiin. Puuchhte bhii kyon? Tumhaare liye to main n tiin mai hoon n terah mai*. Қизингни тўйида мени сўрамадинг ҳам. Нимага ҳам сўрардинг? Ахир мен сен учун одам эмасман (Ахир сен мени одам ўрнида кўрмайсан); чар भाइयों में सबसे कमज़ोर महेश ही है। इस किए किसी भी ज़रूरी बात में कोई उससे राय नहीं लेता। वह तो न तीन में है न तेरह में। *Chaar bhaaiyon mai sab se kamzor Mahesh hii hai isliye kisii bhii zaruurii baat mai koi use raay nahiin leta vo to na tiin mai hai, na terah mai*. Тўртта ака-укалар орасида энг заифи Махешдир. Шунинг учун бирон бир муҳим гапда ҳеч ким уни фикрини олмайди. У на сонда бор, на қаторда.

Модели: *SS(3) → FCH*

¹ भोलानाथ तिवारी - हिन्दी मुहावरा कोश। -इलाहाबाद, किताब महल, 1964. - पृष्ठ.310. [Bholanaath Tivarii – Hindii muhaavraa kosha. –Ilaahaabaad, Kitaab mahal, 1964. –Prishth.310. Bholanath Tivari. Hindi Idiom dictionary. –Ilaahabad, Kitaab mahal publication, 1964. –P.310.]

² बृहत हिन्दी कोश। - वाराणसी, ज्ञानमण्डल लिमिटेड, 2009. - पृष्ठ.579. [Brihat Hindii Kosh. – Vaaraanasii, Gyaanmandal Limited, 2009. –Prishth.579. Large Hindi dictionary. –Varanasi, Gyaanmandal Limited publication, 2009. –P.579.]

³ Хинди-русский словарь. Составители А.С.Бархударов, В.М.Бескровный, Г.А. Зограф, В.П.Липеровский. Под ред. В.М.Бескровного. Т.1. –М.: Издательство «Советская Энциклопедия», 1972. –С. 718. [Hindi-Russian dictionary. Compiled by A.S. Barkhudarov, V.M.Beskrovniy, G.A. Zograf, V.P. Liperovskiy. Edited by V.M. Beskrovniy. V.I. –Moscow, Publishing House "Soviet Encyclopedia", 1972. –P. 718.]

⁴ कृष्ण कुमार गोस्वामी - आलेख आधुनिक हिंदी विविध आयाम। - दिल्ली, आलेख प्रकाशन, 2007. - पृष्ठ.504. [Krishna Kumaar Gosvaamii – Aalekh aadhunik Hindi vividh aayaam. – Dillii, Aalekh prakaashan, 2007. –Prishth.504. Krishna Kumar Gosvami. Articles Modern Hindi Miscellaneous Dimensions. –Deli, Alekh publication, 2007. –P.504.]



IV модел. Мазкур моделга хос бўлган фразеологик бирликлар таркибида चार *chaar* “тўрт” санок сони иштирок этган бўлиб, уларнинг сони 5 тани ташкил этди. Масалан:

चार पैसे होना *chaar paise honaa* (сўзма-сўз таржимаси: тўртта пули бўлмоқ) – “Киссаси озгина пулга тўлмоқ”. थोड़े दिनों से चार पैसे हो गए हैं नहीं तो पहले बहुत गरीब था।¹ *Thore dinon se chaar paise ho gaye hain nahiin to pehle bahoot g'ariib thaa.* Уч-тўрт кундан бери киссаси озгина пулга тўлиб қолди, бўлмасам олдин жуда камбағал эди.

चार सौ बीस होना² *chaar sau biis honaa* (сўзма-сўз таржимаси: тўрт юз йигирма бўлмоқ) – “Учига чиққан ёлғончи бўлмоқ, тулкидек айёр бўлмоқ”. मुन्ना चार सौ बीस है। इस लिए सब उससे दूर रहते हैं। *Munnaa chaar sau biis hai. Is liye sab use duur rehte hain.* Мунна учига чиққан ёлғончи. Шунинг учун ҳам ҳамма ундан узоқ юради.

चार सौ बीसी करना³ *chaar sau biisii karnaa* (сўзма-сўз таржимаси: тўрт юз иккита ўнталик қилмоқ) – “Чув туширмоқ (алдаб кетмоқ)”. पिता ने अपनी बेटी के नाम दहेज में ज़मीन दी। लेकिन ससुरालवालों ने चार सौ बीसी करके ज़मीन बेच दी। *Pitaa ne apni betii ke naam dahej mai zamiin dii. Lekin sasuraalvaalon ne chaar sau biisii karke zamiin bech dii.* Ота қизининг номига қалин сифатида ер берди. Лекин, қайнана-қайнота томон чув тушириб (алдаб) ерни сотиб юборди.

Модели: *SS(4) → FCH*

V модел. Ушбу моделга хос бўлган фразеологик бирликлар таркибида सात *saat* “етти” санок сони иштирок этган бўлиб, уларнинг сони 3 тани ташкил этди. Жумладан:

सात-पाँच करना⁴ *saat-paanch karnaa* (сўзма-сўз таржимаси: етти-беш қилмоқ) – “Лаққа туширмоқ, лақиллатмоқ, алдамоқ”. कार्यालय में तो वह शुरू से

¹ भोलानाथ तिवारी - हिन्दी मुहावरा कोश। -इलाहाबाद, किताब महल, 1964. - पृष्ठ.178. [Bholaanaath Tivaarii – Hindii muhaavraa kosh. –Ilaahaabaad, Kitaab mahal, 1964. –Prishth.178. Bholanath Tivari. Hindi Idiom dictionary. –Ilaahabad, Kitaab mahal publication, 1964. –P.178.]

² बदरीनाथ कपूर - लोकभारती हिन्दी मुहावरे और लोकोक्ति कोश। -नई दिल्ली, लोकभारती प्रकाशन, 2007. - पृष्ठ. 123. [Badriinaath Kapuur – Lokbhaartii Hindii muhaavre aur lokokti kosh. –Naii Dilli, Lokbhaartii Prakaashan, 2007. –Prishth, 123. Badrinath Kapur. Lokbharati Hindi idioms and proverbs dictionary. –New Deli, Lokbharati publication, 2007. –P.123.]

³ बृहत् हिन्दी कोश। - वाराणसी, ज्ञानमण्डल लिमिटेड, 2009. - पृष्ठ.440. [Brihat Hindii Kosh. –Vaaraanasii, Gyaanmandal Limited, 2009. –Prishth.440. Large Hindi dictionary. –Varanasi, Gyaanmandal Limited publication, 2009. –P.440.]

⁴ भोलानाथ तिवारी - हिन्दी मुहावरा कोश। -इलाहाबाद, किताब महल, 1964. - पृष्ठ.513. [Bholaanaath Tivaarii – Hindii muhaavraa kosh. –Ilaahaabaad, Kitaab mahal, 1964. –Prishth.513. Bholanath Tivari. Hindi Idiom dictionary. –Ilaahabad, Kitaab mahal publication, 1964. –P.513.]



ही सात-पाँच करता रहा है।¹ *Kaaryaalay mai to vo shuruu se hii saat paanch*

kartaa rahaa. Идорада ахир у бошидан алдаб келган.

Модели: SS(7) → FCH

VI модел. Мазкур моделдаги фразеологик бирликлар таркибида आठ *aath* “саккиз” санок сони иштирок этган бўлиб, уларнинг сони 2 тага тенг. Масалан:

आठ अठारह होना² *aath athaarah honaa* (сўзма-сўз таржимаси: саккиз ўн саккиз бўлмоқ) – “ташвишга тушмоқ”. माँ अपनी बेटी की चिंता करके आठ अठारह हो गई है। *Maan apni betii kii chintaa karke aath athaarah ho gaa.* Она қизидан хавотирланиб ташвишга тушди.

Модели: SS(8) → FCH

VII модел. Ушбу моделдаги фразеологик бирликлар таркибида नौ *nau* “тўққиз” санок сони иштирок этган бўлиб, уларнинг сони 5 тани ташкил этди. Жумладан:

नौ दो ग्यारह होना³ *nau do gyaarah honaa* (сўзма-сўз таржимаси: тўққиз икки ўн бир бўлмоқ) – “Жуфтакни ростламоқ; кўздан ғойиб бўлмоқ”. वन में सिंह को देखकर शिकारी नौ दो ग्यारह हुआ। *Van mai sinh ko dekhkar shikaarii nau do gyaarah huaa.* Ўрмонда шерни кўриб овчи жуфтакни ростлади; बिल्ली को देखकर चूहे नौ दो ग्यारह हो गए। *Billii ko dekhkar chuuhe nau do gyaarah ho gaye.* Мушукни кўриб сичқонлар жуфтакни ростладилар. पुलिस चोर को पकड़कर थाने ले जा रही थी कि रास्ते में चोर नौ दो ग्यारह हो गया। *Pulis chor ko pakrkar thane le jaa rahii thii ki raaste mai chor nau do gyaarah ho gayaa.* Полиция ўғрини ушлаб маҳкамага олиб кетаётганида ўғри йўлда жуфтакни ростлаб қолди.

नौ तेरह बाईस बताना *nau terah baaiis bataanaa* (сўзма-сўз таржимаси: тўққиз ўн уч йигирма икки айтмоқ) – “Ўзини оқламоқ”. उन्हें फिर नौ-तेरह बाईस बताने

¹ कृष्ण कुमार गोस्वामी - आलेख आधुनिक हिंदी विविध आयाम। - दिल्ली, आलेख प्रकाशन, 2007. - पृष्ठ.534. [Krishna Kumaar Gosvaamii – Aalekh aadhunik Hindi vividh aayaam. – Dillii, Aalekh prakaashan, 2007. –Prishth.534. Krishna Kumar Gosvami. Articles Modern Hindi Miscellaneous Dimensions. –Deli, Alekh publication, 2007. –P.534.]

² कैलाशचंद्र भाटिया - हिन्दी-अंग्रेज़ी मुहावरा-लोकोक्ति कोश। - नई दिल्ली, प्रभात प्रकाशन, 2008. - पृष्ठ. 27. [Kailashchandra Bhaatiyaa – Hindii-Angrezii muhaavraa-lokoti kosh. –Naii Dillii, Prabhaat prakaashan, 2008. –Prishth.27. Kailashchandra Bhatiya. Hindi-English Idiom-Proverbial dictionary. –New Deli, Prabhat publication, 2008. –P.27.]

³ भोलानाथ तिवारी - हिन्दी मुहावरा कोश। -इलाहाबाद, किताब महल, 1964. - पृष्ठ.341. [Bholanaath Tivaarii – Hindii muhaavraa kosh. –Ilaahaabaad, Kitaab mahal, 1964. –Prishth.341. Bholanath Tivari. Hindi Idiom dictionary. –Ilahabad, Kitaab mahal publication, 1964. –P.341.]



में उनका कोई सानी नहीं।¹ *Unhen phir nau-terah baaiis bataane mai unkaa koi saanii nahiin.* Уларга яна ўзини оқлашлик бобида унга тенг келадигани йўқ.

Модели: *SS(9) → FCH*

Таҳлил натижаларига кўра фразеологик чатишма гуруҳига оид мисоллар бошқа гуруҳдаги фразеологик бирикмалардан фарқли равишда 7 та моделга хос. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу гуруҳдаги мисолларнинг барчасида фақатгина санок сонлар иштирок этган. Мазкур иборалар сўзма-сўз таржима қилинганида ҳам уларнинг маъно хусусиятлари аниқ бўлмайди. Ушбу гуруҳга мос теб топилган ибораларнинг маънолари фразеологик иборалар луғати ёрдамида аниқланди ва уларнинг гап таркибида қўлланилиш жиҳатлари ҳам ўрганилди. Натижада уларнинг таркибида фақатгина сон сўз туркумига хос лексемалар иштирок этганлиги маълум бўлди. “Бир” санок сони иштирок этган *SS(1) → FCH* моделига хос бўлган иборалар энг маҳсулдор қолип деб топилди. Шунингдек, *SS(2) → FCH*, *SS(3) → FCH*, *SS(4) → FCH*, *SS(7) → FCH*, *SS(8) → FCH*, *SS(9) → FCH* каби моделларга хос иборалар борлиги ҳам аниқланди.

Фразеологик чатишма гуруҳига мансуб бўлган мисолларнинг ўзига хос томони шундаки, фразеологик бутунлик ҳамда фразеологик қўшилма гуруҳларига оид мисоллар таркибида фақатгина бирликларга оид сонлар иштирок этган бўлса, ушбу гуруҳдаги мисоллар таркибида эса бирликларга оид сонлардан ташқари ўнликларга хос сонлар этиши ҳам маълум бўлди (एक और एक ग्यारह होना *ek aur ek gyaarah honaa* (сўзма-сўз таржимаси: бир ва бир ўн бир бўлмоқ) – “Бир жон-бир тан бўлмоқ; бир тан бўлмоқ; бирлашмоқ”; तीन तेरह करना *tiin terah karna* (сўзма сўз таржимаси: уч ўн уч қилмоқ) – “Бир-биридан айирмоқ, вайрон қилмоқ”; नौ दो ग्यारह होना *nau do gyaarah honaa* (сўзма-сўз таржимаси: тўққиз икки ўн бир бўлмоқ) – “Жуфтакни ростламоқ; кўздан ғойиб бўлмоқ”). Яна бир эътиборга молик жиҳати шундаки, фразеологик чатишма гуруҳига оид сон компонентли фразеологизмлар ўзбек тилига таржима қилинганида уларнинг таркибидаги сонлар ўз маъносини йўқотади.

Ҳиндий тилидаги бирликларга оид сонлар иштирок этган фразеологик бирликлар семантик-структур жиҳатдан тасниф қилиниши натижасида юзага келган моделлар ва уларнинг кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда акс эттирилди.

¹ दीपक शर्मा - नौ तेरह बाईस // अभिव्यक्ति मासिक साहित्यिक पत्रिका। - दिल्ली, 2020. (अंक दिसंबर). - पृष्ठ.3. [Diipak Sharma – Nau terah Baaiis // Abhivyakti maasik saahityik patrikaa. –Dillii, 2020. (Ank Disambr). –Prishth.3. Dipak Sharma. Nau terah Baaiis (Nine thirteen twenty two) // Expressions Monthly Literary Magazine. –Deli, 2020. (Issue December). –P.3.]



Ҳиндий тилидаги сон компонентли фразеологик бирликлар семантик-структур жиҳатдан тасниф қилиниши натижасида ҳосил бўлган моделлар

Бирликларга оид сонлар (жаъми 196 та – 100 %)	Фразеологик бутунлик (86 та – 44 %)	Фразеологик қўшилма (63 та – 32 %)	Фразеологик чатишма (47 та – 24 %)
एक ek “бир” (92 та – 47 %)	$SS(1) \rightarrow FB$ (49 та – 25 %)	$SS(1) \rightarrow FQ$ (25 та – 13 %)	$SS(1) \rightarrow FCH$ (18 та – 9 %)
दो do “икки” (35 та – 18 %)	$SS(2) \rightarrow FB$ (16 та – 8 %)	$SS(2) \rightarrow FQ$ (11 та – 6 %)	$SS(2) \rightarrow FCH$ (8 та – 4 %)
तीन tiin “уч” (15 та – 8 %)	–	$SS(3) \rightarrow FQ$ (9 та – 5 %)	$SS(3) \rightarrow FCH$ (6 та – 3 %)
चार chaar “тўрт” (25 та – 13 %)	$SS(4) \rightarrow FB$ (12 та – 6 %)	$SS(4) \rightarrow FQ$ (8 та – 4 %)	$SS(4) \rightarrow FCH$ (5 та – 3 %)
पाँच paanch “беш”	–	–	–
छः chhe “олти”	–	–	–
सात saat “етти” (17 та – 9 %)	$SS(7) \rightarrow FB$ (9 та – 5 %)	$SS(7) \rightarrow FQ$ (5 та – 3 %)	$SS(7) \rightarrow FCH$ (2 та – 1 %)
आठ aath “саккиз” (7 та – 3 %)	–	$SS(8) \rightarrow FQ$ (5 та – 2 %)	$SS(8) \rightarrow FCH$ (2 та – 1 %)
नौ nau “тўққиз” (5 та – 2 %)	–	–	$SS(9) \rightarrow FCH$ (5 та – 2 %)

Хулоса: Юқорида олиб борилган таҳлил натижаларга кўра қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Янги ҳинд-орий тилларига хос бўлган ҳиндий тилидаги сон компонентли 196 та фразеологик бирликлар семантик-структур жиҳатдан тасниф қилинди. Улар фразеологик бутунлик, фразеологик қўшилма ва фразеологик чатишма каби гуруҳларга бўлиб ўрганилди. Таҳлил натижаларига кўра фразеологик бутунлик гуруҳига оид иборалар етакчи ўринни эгаллаган бўлиб, улар жамики мисолларнинг 44%ини ташкил этди. Кейинги ўринларни фразеологик қўшилма (32%) ва фразеологик чатишма (24 %) гуруҳларига оид мисоллар эгаллади.

2. Олиб борилган таҳлил натижаларига кўра фразеологик бутунлик гуруҳида тўртта $SS(1) \rightarrow FB$, $SS(2) \rightarrow FB$, $SS(4) \rightarrow FB$ ва $SS(7) \rightarrow FB$, фразеологик қўшилма гуруҳида олтига $SS(1) \rightarrow FQ$, $SS(2) \rightarrow FQ$, $SS(3) \rightarrow FQ$, $SS(4) \rightarrow FQ$, $SS(7) \rightarrow FQ$, $SS(8) \rightarrow FQ$ ва фразеологик чатишма гуруҳига



оид еттита $SS(1) \rightarrow FCH$, $SS(2) \rightarrow FCH$, $SS(3) \rightarrow FCH$, $SS(4) \rightarrow FCH$, $SS(7) \rightarrow FCH$, $SS(8) \rightarrow FCH$, $SS(9) \rightarrow FCH$ жами 17 та модел ишлаб чиқилди.

3. Учала гуруҳда ҳам एक *ek* “бир” санок сони иштирок этган фразеологик бирликлар бирликларга оид бошқа сонлар иштирок этган ибораларга нисбатан кўпчиликни ташкил этди ва улар $SS(1) \rightarrow FB$, $SS(1) \rightarrow FQ$, $SS(1) \rightarrow FCH$ каби моделларга хос деб топилди ва улар таҳлилга тортилган мисолларнинг 47 %ни ташкил этди. Булар орасида энг кўп мисоллар фразеологик бутунлик гуруҳига оид эканлиги маълум бўлди.

4. Шунингдек, учала гуруҳга, яъни ҳам фразеологик бутунлик, ҳам фразеологик кўшилма, ҳам фразеологик чатишма гуруҳларига оид мисоллар दो *do* “икки” (18 %), चार *chaar* “тўрт” (13 %), सात *saat* “етти” (9 %) каби бирликларга оид сонлар иштирокидаги фразеологизмлар таркибида ҳам учради ва таҳлил натижаларига кўра улар $SS(2) \rightarrow FB$, $SS(2) \rightarrow FQ$, $SS(2) \rightarrow FCH$; $SS(4) \rightarrow FB$, $SS(4) \rightarrow FQ$, $SS(4) \rightarrow FCH$; $SS(7) \rightarrow FB$, $SS(7) \rightarrow FQ$, $SS(7) \rightarrow FCH$ каби моделларга хослиги аниқланди.

5. Бирликларга оид तीन *tiin* “уч” (8 %) ва आठ *aath* “саккиз” (3 %) каби санок сонлар иштирокидаги фразеологик бирликларга оид мисоллар таҳлил қилиниши натижасида улар фразеологик кўшилма ҳамда фразеологик чатишма гуруҳларигагина оид эканлиги маълум бўлди ва уларнинг таркиби $SS(3) \rightarrow FQ$, $SS(3) \rightarrow FCH$, $SS(8) \rightarrow FQ$, $SS(8) \rightarrow FCH$ каби моделларга хос. नौ *nau* “тўққиз” санок сони иштирокидаги фразеологик бирликлар эса энг кам миқдорни, яъни жамики мисолларнинг 2 фоизинигина ташкил этди ва ушбу сондан ташкил топган мисоллар фақатгина фразеологик чатишма гуруҳига оид эканлиги маълум бўлди. Ушбу гуруҳда таҳлил қилинган мисоллар $SS(9) \rightarrow FCH$ моделига хос деб топилди. Эътиборли жиҳати шундаки учала гуруҳда ҳам бирликларга оид бўлган पाँच *paanch* “беш” ва छः *chhe* “олти” санок сонлари иштирокидаги фразеологик бирликлар учрамади.

6. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, таҳлил натижаларига кўра фразеологик бутунлик гуруҳига оид мисоллар таркибида сонлар билан биргаликда асосан вақт ўлчов бирлигини англаувчи отлар ҳамда феълнинг ноаниқ шакллари иштирок этган бўлса, фразеологик кўшилма гуруҳига оид аксарият мисоллар таркибида соматик отларга хос лексема ҳамда инфинитивлар иштирок этган. Фразеологик чатишма гуруҳига оид мисоллар таркибида эса бошқа гуруҳдаги фразеологизмлардан фарқли ўларок фақатгина сонларга хос лексемалар билан биргаликда феълнинг ноаниқ шакллари иштирок этганлиги кузатилди.



МИРШАРИПОВА БАРНО

ўқитувчи, ТДШУ

Замонавий корейс насри таржималарида фразеологик бирликларнинг берилиши

Аннотация. Фразеологизм - турғун бирикмаларнинг образли, кўчма маънога эга тури бўлиб, тил эгасининг дунёни, ҳодисаларни ўзига хос кўришини намоён этади. Фразеологизмлар ҳар доим халқ дунёқараши, жамият тузилиши ва ўз даврининг мафқурасини билвосита акс эттиради. Ф. И. Буслаев асосли таъкидлаганидек, фразеологизмлар ўзига хос кичик дунё бўлиб, улар аجدодлар томонидан авлодларга мерос қилиб қолдирилган ахлоқий қоидалар ва ҳаққоний фикрларни ўз ичига олган қисқа, ҳикматли ифодалардир.

Фразеологик бирликлар бир тилдан иккинчи тилга асосан тўрт хил йўл билан - аслият тилидаги бирликка компонентлар таркиби, грамматик қурилиши ҳамда маъно ва услубий вазифаси мос эквивалентлар, бошқа хоссалари фарқ қилгани ҳолда, маъно ва услубий вазифаси ўхшаши муқобил вариантлар, калка усулида ва тасвирий йўсинда таржима қилинади.

Фразеологизмлар сўзма-сўз таржима қилиши имконини бермайди: улар бошқа тилнинг фразеологик эквивалентини қидириб топишни талаб қилади, чунки фразеологик маъно эмоционал маъноли ва стилистик ифода билан бирга келади.

Мақолада фразеологик бирликлар бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиши тўрт хил йўл билан амалга оширилиши “Замонавий корейс насри антологияси”да ўзбек тилига таржима қилинган ҳикоялардан олинган мисоллар ёрдамида таҳлил қилинди.

Турли тиллардаги фразеологизмларининг бир-бирига ҳар жиҳатдан ўхшаши аксарият ҳолларда бу халқларнинг турмуш шароитлари, урф-одатлари ва мантиқий муносабатларидаги муштараклик билан изоҳланади. Бинобарин, корейс ва ўзбек тилларининг бир оилга мансублиги, бу тил соҳибларининг дунёқараши, менталитети, турмуш шароитларининг муштараклиги уларнинг лафзларида кўпгина умумий фразеологизмларни шаклланишига сабаб бўлган. Таржимада бундай муштарак, яъни эквивалентга эга бўлган фразеологизмлар деярли муаммо туғдирмайди.

Ҳар бир лисоний ҳамжамиятнинг дунёни ўзига хос тарзда акс эттириши табиий ҳолдир. Шу нуқтайи назардан муайян лисоний ҳамжамиятдаги фразеологизмлар ўзга маданиятга хос бўлмаслиги, бошқа тилда ўз эквивалентига ёки муқобил вариантга эга бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолда кўпроқ таржима амалиётининг тасвирий ёки калка усулига мурожаат қилинади.

Таянч сўз ва иборалар: Фразеологизм, фразеологик бирликлар, мос эквивалент, муқобил вариант, калкалаш, сўзма-сўз таржима, тасвирий усул.

Аннотация. Фразеологизм является образным типом фиксированных выражений, который показывает восприятие лингвиста о мире и событиях определенным образом. Фразеологические выражения всегда отражают мировоззрение людей, социальную структуру и идеологию их времени. Как утверждает Ф. Буслаев, фразеологизмы – это как своеобразный маленький мир с короткими, мудрыми выражениями нравственных правил и истин, унаследованных предками.

Фразеологические единицы переводятся с одного языка на другой четырьмя способами. Во-первых, переводчик может использовать фразеологическую единицу



целевого языка, которая идентична фразеологизму исходного языка во всех пяти аспектах его семантики. Во-вторых, фразеологическая единица исходного языка может быть переведена фразеологической единицей целевого языка, которая имеет такое же переносное значение, сохраняет те же эмоциональные и стилистические характеристики, но основана на другом образе, то есть имеет другое буквальное значение. В-третьих, фразеологизму исходного языка можно перевести, воспроизведя его дословно форму на целевом языке. В-четвертых, вместо перевода фразеологической единицы исходного языка переводчик может попытаться объяснить ее переносное значение, чтобы сохранить хотя бы основной элемент своей семантики.

Фразеологические единицы не допускают дословного перевода: они требуют поиска фразеологического эквивалента другого языка, поскольку фразеология единицы имеет эмоциональное значение и стилистическое выражение.

В статье анализируется использование четырех способов перевода фраз с одного языка на другой с использованием примеров из книги «Антология современной корейской прозы».

Сходство между фразами на разных языках часто объясняется общностью условий жизни, обычаев и логических соображений этих народов. Следовательно, корейский и узбекский языки, происходящие из одной языковой семьи, имеют общий менталитет и имеют некоторое сходство в условиях жизни. Таким образом, это способствовало формированию многих общих фраз в их словах. Такие общие фразы, которые эквивалентны в переводе, почти не являются проблемой.

Для каждого лингвистического сообщества естественно представлять мир особым образом. С этой точки зрения фразы в определенном языковом сообществе могут не быть культурно-специфичными, не иметь эквивалента или альтернативы на другом языке. В этом случае используется описательный перевод или калька.

Опорные слова и выражения: Фразеология, фразеологизмы, эквивалентность, альтернатива, кластеризация, дословный перевод, дескриптивный метод.

Abstract. *Phraseology is the figurative type of fixed expressions that shows the linguist's perceptions about the world and events in a particular way. Phraseological expressions always reflect the worldview of people, the social structure and ideology of their time. As F. Buslayev argues, phraseology is like a peculiar small world with short, wise expressions of moral rules and truths inherited by ancestors.*

Phraseological units are translated from one language to another in four ways. First, the translator can make use of a target language phraseological unit which is identical to the source language phraseological unit in all five aspects of its semantics. Second, the source language phraseological unit can be translated by a target language phraseological unit which has the same figurative meaning, preserves the same emotive and stylistic characteristics but is based on a different image, that is, has a different literal meaning. Third, the source language phraseological unit can be translated by reproducing its form word-for-word in target language. Fourth, instead of translating the source language phraseological unit, the translator may try to explicate its figurative meaning, so as to preserve at least the main element of its semantics.

Phraseological units do not allow for word-for-word translation: they require searching for the phraseological equivalent of another language, because the phraseology unit comes with an emotional meaning and stylistic expression.



The article analyzed the use of four ways of translation of phraseological units from one language to another using examples from the book “Anthology of Modern Korean Prose”.

The similarities between the phrases in different languages are often explained by the commonality of the living conditions, customs, and logical considerations of those peoples. Consequently, the Korean and Uzbek language, coming from one language family, share common mentality, and have some similarity in living conditions. Thus, it has contributed to the formation of many common phrases in their words. Such common phrases, which are equivalent in translation, are almost certainly not a problem.

It is natural for every linguistic community to represent the world in a particular way. From this point of view, phrases in a particular linguistic community may not be culturally specific, have no equivalent or alternative in another language. In this case, a descriptive translation or a calque is used.

Keywords and expressions: *Phraseology, phraseological units, equivalence, alternative, clustering, word-for-word translation, descriptive method.*

Кириш. Фразеологизм - турғун бирикмаларнинг образли, кўчма маънога эга тури бўлиб, тил эгасининг дунёни, ходисаларни ўзига хос кўришини намоён этади. Фразеологизмлар ҳар доим халқ дунёқараши, жамият тузилиши ва ўз даврининг мафқурасини билвосита акс эттиради. Ф. И. Буслаев асосли таъкидлаганидек, фразеологизмлар ўзига хос кичик дунё бўлиб, улар аждодлар томонидан авлодларга мерос қилиб қолдирилган ахлоқий қоидалар ва ҳаққоний фикрларни ўз ичига олган қисқа, ҳикматли ифодалардир.

“Фразеологик бирликлар бир тилдан иккинчи тилга асосан тўрт хил йўл билан - аслият тилидаги бирликка компонентлар таркиби, грамматик қурилиши ҳамда маъно ва услубий вазифаси мос эквивалентлар, бошқа хоссалари фарқ қилгани ҳолда, маъно ва услубий вазифаси ўхшаш муқобил вариантлар, калка усулида ва тасвирий йўсинда таржима қилинади”¹.

Фразеологизмлар сўзма-сўз таржима қилиш имконини бермайди: улар бошқа тилнинг фразеологик эквивалентини қидириб топишни талаб қилади, чунки фразеологик маъно эмоционал маъноли ва стилистик ифода билан бирга келади.

Мақсад ва вазифалар: Замонавий корейс насрининг ўзбек тилидаги таржимасида фразеологизмларнинг ифодаланишини ўрганиш. Фразеологизмларни таржима қилиш усулларини кўрсатиб бериш.

Усуллар: Мақолани ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш ва статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Ҳозирги вақтда тилни “фразеологизмлар билан бойитмоқ” ибораси кўп ишлатилади. Шунини қайд этиш жоизки, бу оддий қонуният эмас, зотан, А. В. Кунин таъбири билан айтганда, “фразеология - бу тил хазинаси”дир ва фразеологизмлар тилда унинг бойлиги ҳисобланади. Фразеологик бирликлар

¹ Musayev Q. Tarjima nazariyasi asoslari. Darslik. – T.: Fan, 2005. – B. 185. [Musayev Q. Basics of translation theory]



халқ ҳаёти ва тил маданиятини акс эттириш билан бир қаторда, нутққа янада ифодали ва эмоционал тус беришга кўмаклашади¹.

Юқорида айтилган фразеологик бирликларнинг бир тилдан иккинчи тилга тўрт хил йўл билан берилишини “Замонавий корейс насри антологияси”да ўзбек тилига таржима ҳикоялар мисолида кўриб ўтамиз.

«아, 자네 이름이 뭐인가?»

«백성수.»

«백성수? 그 백의 아들이 아닌가. 삼십 년 전에 자네가 나오기 전에 세상을 떠난»².

– *Исминг нима?*

– *Пек Сонгсу...*

– *Пек Сонгсу? Сен ўттиз йил олдин, ҳали тузилмасингдан вафот этган Пекнинг ўғли эмасмисан?*³.

그는 손과 발을 동동 구르면서 안타까워했습니다. 만약 세상을 떠났다 하면, 떠나는 순간에 얼마나 자기를 찾았겠습니까. 임종에도 물 한잔 떠넣어 줄 사람이 없는 어머니였습니다⁴.

*Агар онаси бу дунёни тарк этган бўлса, уни зор-зор чақириб жон берган бўлса керак! Ахир ўлими олдидан унинг ёнида оғзига сув томизадиган одами ҳам йўқ эди!*⁵.

Мазкур мисолларда “се상을 떠나다” (сўзма-сўз таржимаси “*дунёни ташлаб кетмоқ*”) ибораси қўлланилган. Тарихдан маълумки, қадимда “ўлмоқ” сўзи табуга учраб, унинг ўрнига бошқа сўзлар яъни эвфемизмлар ишлатилган. “се상을 떠나다” ибораси ҳам шу тарзда пайдо бўлган. “се상을 떠나다” ибораси ўзбек тилида “*дунёдан кетмоқ*” иборасига айнан эквивалент ҳисобланади.

“*Дунёдан кетмоқ*” ибораси⁶ - “қазо қилмоқ, ўлмоқ” деган маънони билдиради.

Биринчи гапда таржимон “се상을 떠나다” иборасини оддий сўз билан “*вафот этмоқ*” деб таржима қилган бўлса, иккинчи гапда эса ўзбек

¹ Kunin A.V. Kurs frazeologi sovremennogo angliyskogo yazika. – M., 1986. – S. 122. [Kunin A.V. Course Phraseology of Modern English]

² Kim Dong In. Chontong xanguk munxak tege 2. – Soul: Chushikxvesa omungak, 1994. – P. 452. [Kim Dong In. Classical Korean Literature]

³ Zamonaviy koreys nasri antologiyasi (XIX asr oxiri – XX asrning 1950-yillarigacha bo‘lgan davr). – T.: Istiqlol, 2014. – B. 120-121. [Antology of Modern Korean Prose]

⁴ Kim Dong In. Chontong xanguk munxak tege 2. – Soul: Chushikxvesa omungak, 1994. – P. 455 [Kim Dong In. Classical Korean Literature]

⁵ Zamonaviy koreys nasri antologiyasi (XIX asr oxiri – XX asrning 1950-yillarigacha bo‘lgan davr). – T.: Istiqlol, 2014. – B. 124. [Antology of Modern Korean Prose]

⁶ Rahmatullayev Sh. O‘zbek tilining frazeologik lug‘ati. – T.: Qomuslar bosh tahririyati, 1992. – B.77. . [Rahmatullayev Sh. Uzbek Phraseological Dictionary]



тилидаги “дунёдан кетмоқ” иборасининг бироз ўзгартирилган варианты “бу дунёни тарк этмоқ” билан таржима қилган.

“Бир хил шароит, бир хил тақдир ва қисмат, ўхшаш мантиқий асослар турли тилларда маънодош бирикмаларнинг пайдо бўлишига олиб келади”¹.

Жумладан,

그 때였습니다. 아까 내가 말한 바 '기회'라는 것이 그 때에 그의 앞에 나타났습니다. 그것은 조그만 담뱃가게 앞이었는데, 가게와 안방과의 사이의 문은 닫혀 있고 안에는 미상불 사람이 있을지나 가게를 보는 사람이 눈에 안 띄었습니다².

Ҳаммаси ўшанда юз берди. Унинг қаршисида бирдан мен ҳикоя бошида айтиб ўтган маккор имконият пайдо бўлди: унинг кўзи эшиги очиқ турган тамаки дўконига тушди. Ичкарида ҳеч ким йўқ эди - афтидан, эгаси чиқиб кетган бўлса керак³.

Ёки бўлмаса,

이것이 새서방님의 눈에 띄었다. 그래서 색시는 어떤 날 밤 자던 몸으로 마당 복판에 머리를 푼 채 내동댕이가 쳐졌다. 그리고 온 몸에 피가 맺히도록 얼어맞았다⁴.

Бу воқеадан хабар топган кичик хўжайин бир куни кечаси уйқуда ётган аёлини ҳовлига улоқтириб юборди. Устига-устак ҳамма жойи қон бўлгунча, роса дўппослади⁵.

Юқорида келтирилган ҳар икки мисолда “눈에 띄다⁶” (сўзма-сўз таржимаси “кўзида пайдо бўлмоқ”) ибораси қўлланилган бўлиб, “кўз олдида кўринмоқ ёки ярқ этиб кўзга ташиланмоқ” маъносини англатади. Ўзбек тилида “кўзи тушмоқ” ибораси айнан эквивалент ҳисобланади.

“Кўзи тушди” ибораси⁷ - “бехосдан, қутилмаганда кўрмоқ” маъносини ифодалайди. Биринчи мисолда “눈에 띄다” ибораси ўзбек тилида “кўзи

¹ Salomov G'. Rus tilidan maqol, metal va idiomalarni tarjima qilish masalasiga doir. – T.: Fanlar akademiyasi, 1961. – B. 17. [Salomov G'. About the translation of proverbs, metals and idioms from Russian]

² Kim Dong In. Chontong xanguk munxak tege 2. – Soul: Chushikxvesa omungak, 1994. – P. 455. [Kim Dong In. Classical Korean Literature]

³ Zamonaviy koreys nasri antologiyasi (XIX asr oxiri – XX asrning 1950-yillarigacha bo'lgan davr). – T.: Istiqlol, 2014. – B. 123. [Antology of Modern Korean Prose]

⁴ Kim Dong In. Chontong xanguk munxak tege 2. – Soul: Chushikxvesa omungak, 1994. – P. 255. [Kim Dong In. Classical Korean Literature]

⁵ Zamonaviy koreys nasri antologiyasi (XIX asr oxiri – XX asrning 1950-yillarigacha bo'lgan davr). – T.: Istiqlol, 2014. – B. 155. [Antology of Modern Korean Prose]

⁶ Kim Son Jong, Kang Xyon Ja, Kim Kyong Xa, Ryu Son Yong. Sara innin xanguko kvayongo. – Soul: Renggijjipullosi, 2008. – P. 163. [Kim Son Jong, Kang Xyon Ja, Kim Kyong Xa, Ryu Son Yong. Preserved Korean Idioms]

⁷ Rahmatullayev Sh. O'zbek tilining frazeologik lug'ati. – T.: Qomuslar bosh tahririyati, 1992. – B. 142. . [Rahmatullayev Sh. Uzbek Phraseological Dictionary]



тушиди” ибораси эквиваленти билан мос келган. Лекин иккинчи мисолда бу ибора таржимада тушириб қолдирилган.

“Аслиятдаги фразеологик бирликларнинг таржимада тўғри, ўз ўрнида ва ишончли берилиши таржимага бетакрор ифодавийлик, ихчамлик ва аниқлик бахш этади, ифоданинг таъсирчанлиги, бадийлигини оширади”¹.

Жумладан,

이러한 선생님의 위로의 말씀은 듣기가 제 살을 깎아 내는 듯 하였습니다. 그러나 제 마음상은, 이제는 제게서 다시 힘있는 음악이 나올 기회가 없는 것같이만 생각되었습니다².

*Сиз мени юпатиш учун айтган сўзлар мени баттар эзар эди. Ҳеч қачон кучли мусиқа ёза олмаслигимга менинг ишончим комил эди*³.

Бу ерда “제 살을 깎아 먹기 (내다)” (сўзма-сўз таржимаси “менинг этимни кесиб емоқ (ёки кесиб бермоқ)”) ибораси қўлланилган бўлиб, “ўз қилмишидан ўзини ўзи қийнамоқ” маъносини билдиради. Таржимон бу иборани “мени баттар эзар эди” деб таржима қилган. Лекин бу иборанинг ўзбекча муқобили ва айнан эквиваленти мавжуд: “ич-этини емоқ” ёки “ўз ёгига ўзи қовурилмоқ”. “Ич-этини емоқ” ибораси⁴ - “руҳан азобланмоқ, эзилмоқ” (фикр-ўйини бошқаларга айтмай) деган маънони англатади. Бу иборанинг синоними “ўз ёгига ўзи қовурилмоқ” бўлиб, корейс тилида “제 살을 깎아 먹기 (내다)” иборасига муқобил ҳисобланади. “Ич-этини емоқ” ибораси эса айнан эквивалентдир. Чунки ибораларнинг компонентлари ва мазмуни айнан мосдир.

“Баъзан таржимонлар бирон мақол ёки бошқа турдаги фразеологик бирликни ўз тилига ўғирар экан, уларнинг аниқ эквиваленти йўқлигини важ қилиб, бирликнинг таржима тилида мавжуд, бироқ маъносини тўла қоплай олмайдиган вариантини қўллайдилар. Бундай иш тутиш таржима тилининг ифода имкониятларини чегаралаб қўяди”⁵.

신부가 오자 신랑의 흠절이 생기기 시작하였다.

"신부에게다 대면 두루미와 까마귀지."

"아직도 철딱서니가 없어."

"색시에게 쥐어 지내겠지."

¹ Hamidov X. Maqol va idiomalar tarjimasi muammolari. – T.: TDSHI, 2017. – B. 112. [Hamidov X. Problems of proverbs and idioms]

² Kim Dong In. Chontong xanguk munxak tege 2. – Soul: Chushikxvesa omungak, 1994. – P. 458. [Kim Dong In. Classical Korean Literature]

³ Zamonaviy koreys nasri antologiyasi (XIX asr oxiri – XX asrning 1950-yillarigacha bo‘lgan davr). – T.: Istiqlol, 2014. – B. 127. [Antology of Modern Korean Prose]

⁴ Rahmatullayev Sh. O‘zbek tilining frazeologik lug‘ati. – T.: Qomuslar bosh tahririyati, 1992. – B. 117. . [Rahmatullayev Sh. Uzbek Phraseological Dictionary]

⁵ Hamidov X. Maqol va idiomalar tarjimasi muammolari. – T.: TDSHI, 2017. – B. 28. [Hamidov X. Problems of proverbs and idioms]



"신랑에겐 과하지"¹.

Бироқ энди одамлар арзанда ўғилнинг камчиликларини айтишиганида, келин болага қиёслаб айтадиган бўлишиди.

- Буни қаранг, келиб-келиб, турна қаргага учрабди-да!

- Уйланиб ҳам ақли кирмабди-да, кўёв боланинг!

- Бу туришида ҳали кўрасиз, келин бола бунинг бурнидан ип ўтказиб олади.

- Бу бола кўёв деган номга мос эмас!².

Ушбу мисолда келин ва кўёвнинг бир-бирига мос эмаслигини ифодалаш учун “두루미와 까마귀” (сўзма-сўз таржимаси *турна ва қарга*) матали қўлланилган бўлиб, ўзбек тилига ҳам айнан таржима қилганда “*турна қаргага учрабди*” маталига эквивалент ҳисобланади.

Таржима тилида аслиятда қўлланилган фразеологик бирликка эквивалент фразеологизм топилмаган тақдирда, адекватлик кўп ҳолларда муқобил вариантлар ёрдамида амалга оширилади. Маъно ва услубий вазифа жиҳатларидан мос икки тил фразеологик бирликлари қатор ҳолларда бир-бирларидан лексик таркибда бутунлай ёки таянч компонентларидан бошқа унсурларда фарқ қилади. Бундай фразеологик бирликлар ўзаро муқобиллик муносабатида бўлади. Моддий жиҳатдан фарқ қиладиган бундай муқобил вариантларнинг пайдо бўлиши ва истеъфода этилиши ҳар бир халқ соҳибининг муайян фикрни образли ёки ҳиссий-таъсирчан тарзда ифода этишда ўз турмуш тушунчалари, урф-одатлари, миллий-фалсафий қарашлари ва ўзига хос руҳиятидан келиб чиқишлари билан изоҳланади³.

복녀는 부지런히 주인집 일을 보았지만, 남편의 게으름은 어찌할 수가 없었다. 매일 복녀는 눈에 칼을 세워 가지고 남편을 채근하였지만, 그의 게으른 버릇은 개를 줄 수는 없었다⁴.

Поннё уй эгаларининг ҳожатини чиқариши учун қўлидан келганча ҳаракат қилди, лекин уларга ижарагирларнинг хўжалик бўйича ёрдами эмас, балки нақд пул керак эди. Поннённинг ялқов эри ижара ҳақини тўлашга етарли пул ишлаб топшига уринмасди. Натижада хотин ялқов эрига ёмон кўз билан қараб, унга таъна-дашном бера бошлади⁵.

Корейсча “눈에 칼을 세워 가지다” (кўзида *пичоқ турғизмоқ*) фразеологик бирлиги “*жаҳли чиқмоқ*” маъносини ифодалайди ва таркибида

¹ Kim Dong In. Chontong xanguk munxak tege 2. – Soul: Chushikxvesa omungak, 1994. – P. 252. [Kim Dong In. Classical Korean Literature]

² Zamonaviy koreys nasri antologiyasi (XIX asr oxiri – XX asrning 1950-yillarigacha bo‘lgan davr). – T.: Istiqlol, 2014. – B. 152. [Antology of Modern Korean Prose]

³ Musayev Q. Tarjima nazariyasi asoslari. Darslik. – T.: Fan, 2005. – B. 195-196. [Musayev Q. Basics of translation theory]

⁴ Xanguk tanpyonsosol besiti 37. – Soul: Xemunsoqvan, 2011. – P. 84. [37 best Korean Prose]

⁵ Zamonaviy koreys nasri antologiyasi (XIX asr oxiri – XX asrning 1950-yillarigacha bo‘lgan davr). – T.: Istiqlol, 2014. – B. 110. [Antology of Modern Korean Prose]



“кўз” компоненти иштирок этган ёмон кўз билан қарамоқ иборасига муқобил бўлади.

“Ёмон кўз билан қарамоқ” ибораси¹ - 2 хил маънода келади. 1. Хирс билан назар ташламоқ (эркак киши аёл кишига); 2. Камситишга, таққирлашга яқин муомала-муносабатда бўлмоқ. Юқоридаги мисолда бу ибора иккинчи маънода қўлланилган.

그것은 순전한 야성적 음향이었습니다. 음악이라 하기에는 너무 힘있고 무기교이었습니다. 그러나 음악이 아니라기에는 거기는 너무 괴롭고도 무겁고 힘있는 '감정'이 들어 있었습니다. 그것은 마치 야반의 종소리와도 같이, 사람의 마음을 무겁고 음침하게 하는 음향인 동시에, 맹수의 부르짖음과 같이 사람으로 하여금 소름 돋게 하는 무서운 감정의 발현이었습니다².

Йигитча куйни жадал суръатда чалди ва аввалига бу мусиқа юракни эзадиган камбагаллик туйғуси, очлик ва оғир ҳаётни ифодалади. Кутилмаганда бу туйғулар шафқатсизлик, маънос қувонч ва ёвуз қаҳқаҳа билан алмашди. Бироқ асар охирида хотиржамлик ва мамнуният оҳанглари янгради. Бу мусиқада мен инсон фожиясини ҳис қилдим. Унда ибтидоий гам-ҳасрат ва куч-қудрат зоҳир эди³.

저의 마음은 차차 무거워지기 시작하였습니다. 그리고 큰 기대를 가지고 계신 선생님께도 미안하기가 짝이 없었습니다⁴.

Бутун шууримни чулгаган тушкунлик ҳисси аста-секин кучайиб борарди. Сиз менга катта умид боғлаганингизни, аммо мен уни оқлай олмаётганимни ўйлаб эзилардим⁵.

Юқорида икки ҳолатда ҳам “маънос муқаддас” (сўзма-сўз таржимаси “юраги оғир”) ибораси қўлланилган бўлиб, “хавотирланмоқ ёки сиқилмоқ” маъносини билдиради. Ўзбек тилида “юрагини эзмоқ” иборасига муқобил ҳисобланади. “Юрагини эзмоқ” ибораси⁶ - “руҳан азобланмоқ” маъносида қўлланилади. Биринчи мисолда таржимон “маънос муқаддас” иборасига муқобил бўлган “юрагини эзмоқ” ибораси билан, иккинчи мисолда бадийий сўз санъатидан фойдаланиб “шууримни чулгаган тушкунлик ҳисси” деб берган.

¹ Rahmatullayev Sh. O‘zbek tilining frazeologik lug‘ati. – T.: Qomuslar bosh tahririyati, 1992. – B. 87. [Rahmatullayev Sh. Uzbek Phraseological Dictionary]

² Xanguk tanpyonsonol besiti 37. – Soul: Xemunsogvan, 2011. – P. 451. [37 best Korean Prose]

³ Zamonaviy koreys nasri antologiyasi (XIX asr oxiri – XX asrning 1950-yillarigacha bo‘lgan davr). – T.: Istiqlol, 2014. – B. 119-120. [Antology of Modern Korean Prose]

⁴ Xanguk tanpyonsonol besiti 37. – Soul: Xemunsogvan, 2011. – P. 458. [37 best Korean Prose]

⁵ Zamonaviy koreys nasri antologiyasi (XIX asr oxiri – XX asrning 1950-yillarigacha bo‘lgan davr). – T.: Istiqlol, 2014. – B. 127. [Antology of Modern Korean Prose]

⁶ O‘sha asar. – B. 318.



Ўзбек таржимашуноси Қ. Мусаев таржимага лингвистик нуқтайи назардан ёндашиб, куйидагича таъриф беради: “Инсоният фаолиятининг мураккаб шакли бўлмиш таржима - бир тилда яратилган нутқий ифодани (матнни), унинг шакл ва мазмун бирлигини сақлаган ҳолда, ўзга тил воситалари асосида қайта яратишдан иборат ижодий жараёндир. Демак, аслият мансуб бўлган тил воситалари ёрдамида яратилган нутқий ифода (матн) таржима тили қонуниятлари асосида вужудга келган шундай ифода билан алмаштирилади. Шу йўл билан аслият ва таржима тиллари матнларининг мазмуний-услубий адекватлиги юзага келтирилади”¹.

Жумладан,

경찰서에서 재판소로, 재판소에서 감옥으로 이러한 여섯 달 동안에 그는 이를 갈면서 분해하였습니다².

*Полициядан судга, суддан турмага - Сонгсу шу тариқа олти ойни ўтказди, ўтган вақт мобайнида ўлим тўшагида ётган онаси унинг хаёлидан чиқмади*³.

Бу гапта “이를 갈다” (сўзма-сўз таржимаси “*тишини ўткирламоқ*”) ибораси “*жаҳли чиқса ҳам, тишини тишига қўйиб сабр қилмоқ*” маъносини билдиради. Ўзбек тилида “*тишини тишига қўймоқ*” иборасига муқобил ҳисобланади. “*Тишини тишига қўймоқ*” ибораси⁴ - “*бутун ҳис-туйғусини ирода кучи билан енгиб чидамоқ*” маъносини англатади. Лекин таржимон бу иборани тушириб қолдирган.

Муқобил вариантлар таржимада бир-бирини бемалол тўлдиролмади. Чунки мазкур бирликлар таркибида уларнинг ўзаро алмашинувларига халал берадиган миллий хос сўзлар учрамайди. Аммо таржимонлар гоҳо ўз тилларида мавжуд имкониятдан унумли фойдалана олмасдан, ифоданинг ноадекват талқинига йўл қўйдилар.

Жумладан,

짐승도 짐승이려니와 동이의 마음씨가 가슴을 울렸다. 뒤를 따라 장판을 달음질하려니 거슴츠레한 눈이 뜨거워질 것 같다⁵.

Молининг таишиши кучли бўлса-да, у ҳақда ҳам чекаётган йигитча Тонъига миннатдорлик ҳисси кекса атторнинг кўнглини юмшатди ва у беихтиёр жилмайди... Бироқ ҳозир у бутун бозор майдони оша унинг

¹ Musayev Q. Tarjima nazariyasi asoslari. Darslik. – T.: Fan, 2005. – B. 8. [Musayev Q. Basics of translation theory]

² Xanguk tanpyonsosol besiti 37. – Soul: Xemunsogvan, 2011. – P. 455. [37 best Korean Prose]

³ Zamonaviy koreys nasri antologiyasi (XIX asr oxiri – XX asrning 1950-yillarigacha bo‘lgan davr). – T.: Istiqlol, 2014. – B. 124. [Antology of Modern Korean Prose]

⁴ Rahmatullayev Sh. O‘zbek tilining frazeologik lug‘ati. – T.: Qomuslar bosh tahririyati, 1992. – B. 263. [Rahmatullayev Sh. Uzbek Phraseological Dictionary]

⁵ Xanguk tanpyonsosol besiti 37. – Soul: Xemunsogvan, 2011. – P. 17-18. [37 best Korean Prose]



нариги четиға ҳаллослаб чопиши кераклигини ўйлаб, дарҳол нафаси ичига тушиб кетди¹.

Келтирилган мисолда “가슴(가슴벽)을 울리다” (сўзма-сўз таржимаси юрагини (юрак деворларини) йиғлатмоқ) ибораси қўлланилган бўлиб, “қалбида чуқур ҳис-туйғуларни қўзғатмоқ” маъносида қўлланилади. Таржимон бу иборани ўзбек тилига “кўнглини юмшатди” муқобил ибора билан таржима қилган.

Ҳар бир лингвомаданий жамоанинг дунёни ўзига хос тарзда акс эттириши табиий ҳолдир. Шу нуқтайи назардан муайян лингвомаданиятдаги фразеологик бирликлар ўзга маданиятга хос бўлмаслиги, бошқа тилда ўз эквивалентига ёки муқобил вариантга эга бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда кўпроқ таржима амалиётининг калка, яъни сўзма-сўз таржима усулига мурожаат қилинади.

Калкалаш - ўзга тилнинг лексик, фразеологик бирликларининг моделлари асосида ўз тил элементларидан фойдаланиб сўз ёки фразеологик бирликлар ҳосил қилиш². Эквиваленти мавжуд бўлмаган лексикани етказиб беришнинг бу услуби ўзбек тилидаги сўз ёки сўз бирикмасини қисмларга бўлиб таржима қилиш ва келгусида таржима қилинган қисмларни бирлаштиришдир.

십 년이면 산천도 변한다 하는데 삼십 년 사이의 변천을 어찌 이루 다 말할겠습니까. 좌우간 그 동안에 나는 내 길을 닦다 놓았습니다. 아시다시피 지금 K 라 하면 이 나라에서 첫 손가락을 꼽는 음악 비평가 아닙니까. 건설한 지도적 비평가 K 라면, 이 나라의 음악계의 권위며, 이 나의 한 마디는 음악가의 가치를 결정하는 판결문이라 하여도 옳을 만치 되었습니다³.

Орадан ўттиз йил ўтди.

Бундай вақт ичида ҳатто дарё ва тоғлар ҳам ўзгаради - ўттиз йил ичида юз берган барча ўзгаришларни айтиши мумкинми? Нима бўлганда ҳам, бу вақт ичида мен машҳур одамга айландим. Бугун мени мамлакатимизнинг энг олди муסיқий танқидчиларидан бири деб ҳисоблашларини билсангиз керак. Мени билимдон ва обрўли мутахассис сифатида танишади, аксарият вазиятларда менинг сўзим ҳал қилувчи аҳамият касб этади⁴.

Мазкур мисолда мақол қўлланилган. “십 년이면 산천도 변한다” (сўзма-сўз таржимаси “ўн йилда дарё ва тоғлар ҳам ўзгаради”) мақоли “вақт ўтгани сари ҳамма нарса ўзгаради” маъносини англатади. Асар

¹ Zamonaviy koreys nasri antologiyasi (XIX asr oxiri – XX asrning 1950-yillarigacha bo‘lgan davr). – T.: Istiqlol, 2014. – B. 76. [Antology of Modern Korean Prose]

² Hojiyev A. Lingvistik terminlarning izohli lug‘ati. – T.: O‘qituvchi, 1985. – B. 41. [Hojiyev A. Explanatory dictionary of linguistic terms]

³ Xanguk tanpyonsosol besiti 37. – Soul: Xemunsoqvan, 2011. – P. 449. [37 best Korean Prose]

⁴ Zamonaviy koreys nasri antologiyasi (XIX asr oxiri – XX asrning 1950-yillarigacha bo‘lgan davr). – T.: Istiqlol, 2014. – B. 117. [Antology of Modern Korean Prose]



таржимасида эса бу мақолни калка усулидан фойдаланиб таржима қилган яъни “*бундай вақт ичида ҳатто дарё ва тоғлар ҳам ўзгаради*” деб ўгирилган.

Корейс тилида кераксиз нарсага нисбатан *퐁치*дўт *치워* берётган *것*и компаратив фразеологизми қўлланилади. Мазкур ибора ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилинган:

그리하여 열 아홉 고개를 넘기도록 쳐 묻어 두고 속을 태우다 못해
깃으로 논 한 섬지기를 쳐넣어 *퐁치*дўт *치워* берётган *것*и 그만 5년이 멀다
다시 쫓겨와 시집에는 아예 갈 생각도 아니하고 하루 같은 심화를 올렸다¹

*Ота-онаси у йигирма ёшга киргунча бир амаллаб чидаб, ниҳоят, қизларининг сепига бир сомчхиги яхши лалми ерни танлаб, уни эрга беришига муваффақ бўлдилар. Хуллас, қизларини эгасига топшириб, ундан кераксиз буюмдек халос бўлдилар. Бироқ беш йилдан кейин уни эри ҳайдаб юборди ва Адада яна ота-онасининг уйида барча хўрликларга чидаб яшай бошлади*².

“Иборалар нутқ таъсирини кучайтирувчи ва инсонлар томонидан ўзлаштирилиб, уларнинг онгига чуқур сингиб кетган сўзлар сифатида халқнинг урф-одати, анъаналари, маданияти ва тарихини ўзида яққол акс эттиради. Адабий тилнинг кенг ифода имкониятларини намоён қилувчи лексик воситалар ҳисобланган иборалар инсон ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади. Инсон ва унинг фаолиятлари, хатти-ҳаракатларига қиёсланган ҳолда юзага келган. Шунингдек, атрофни ўраб турган табиат ва ундаги турли ходисалар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ўзбекча ва туркча ибораларнинг юзага келишига асос бўлган”³.

Жумладан,

한번이라도 아씨를 보을 수가 있으면 하는 마음이 나더니, 그의 마음의
넋은 느끼기를 시작하였다. 센티멘털한 가운데에서 느끼는 그 무슨 정서는
그에게 생명 같은 희열을 주었다. 그것과 자기의 목숨이라도 바꿀 수 있을 것
같았다⁴.

*У бошқа барча туйғулардан бегона, бир бора ўз бекасининг, йўқ, кўнгил соҳибасининг дийдорини узоқдан бўлса-да кўриши учун ўз жонидан воз кечишига ҳам тайёр эди*⁵.

Мазкур мисолда “*마음이 나다*” (сўзма-сўз таржимаси *қалби пайдо бўлмоқ*) ибораси қўлланилган бўлиб, “*бирор бир ишни қилиши мясига*

¹ Xanguk tanpyonsosol besiti 37. – Soul: Xemunsogvan, 2011. [37 best Korean Prose]

² Zamonaviy koreys nasri antologiyasi (XIX asr oxiri – XX asrning 1950-yillarigacha bo‘lgan davr). – T.: Istiqlol, 2014. – B. 117. [Antology of Modern Korean Prose]

³ Hamidov H. İnsan vücuduyla ilgili deyimler // Türkçemin Sesi, Dergi, Sayı: Bahar 2003. – S. 4. [Hamidov H. Idioms related to human body // Voice of Turkey, Journal, Issue: Spring 2003.]

⁴ Xanguk tanpyonsosol besiti 37. – Soul: Xemunsogvan, 2011. – P. 256. [37 best Korean Prose]

⁵ Zamonaviy koreys nasri antologiyasi (XIX asr oxiri – XX asrning 1950-yillarigacha bo‘lgan davr). – T.: Istiqlol, 2014. – B. 156. [Antology of Modern Korean Prose]



(*хаёлига*) келмоқ” маъносини ифодалайди. Ўзбек тилида “*мясига келмоқ*” иборасига тўғри келади. *Мясига келмоқ* ибораси¹ - “*ўйламоқ, идрок қилмоқ, фаҳхламоқ*” деган маъноларни билдиради. Лекин таржимада бу ибора тушириб қолдирилган.

Муайян фразеологик бирликни гоҳо на эквивалент, на муқобил вариант ва на калка ёрдамида ўгиришнинг имкони топилади. Бундай ҳолларда санъаткорлар ноилож таржима амалиётининг тасвирий усулига мурожаат қиладиларки, мазкур усул ёрдамида фразеологик бирликлар маънолари эркин маънодаги сўз ёки сўз бирикмалари воситасида тушунтириб қўя қолинади².

그는 돌아서면서 인부들 모여 있는 데로 고향쳤다.

«형님두 갑세다가래!»

«싫다 애. 둘이서 재미나게 가는데, 내가 무슨 맛에 갔냐?»

복녀는 얼굴이 새빨갭게 되면서 감독에게로 돌아섰다³.

Бироқ у нимадандир тортиниб, ўзидан кўз узмай турган ишчи аёллар томонга ўгирилди ва улардан бирини чақирди:

– *Опажон, биз билан юринг.*

Бунга жавобан аёл қаҳ-қаҳ уриб кулди ва:

– *Ўо, ёқмай қолсин! Менсиз ҳам зерикмайсизлар! - деди.*

Шунда Поннё ўзининг икки юзи бир лаҳзада лов-лов ёнганини пайқади. У ниманидир тушунгандек бўлди⁴.

“*맛에 가다*” (сўзма-сўз таржимаси “*таъми кетмоқ*”) ибораси “*ортиқчалик қилмоқ*” маъносини англатади. Бу ерда таржимон иборани тасвирий усулдан фойдаланиб, контекстдаги мазмундан келиб чиққан ҳолда “*менсиз зерикмайсизлар*” деб ўринли таржима қилган.

다음 날부터 좀더 늦게 개울가로 나왔다. 소녀의 그림자가 보이지 않았다. 다행이었다.

그러나, 이상한 일이었다. 소녀의 그림자가 보이지 않는 날이 계속될수록 소녀의 가슴 한 구석에는 어딘가 허전함이 자리 잡는 것이었다.

Йигит эртаси кун ҳам анҳор лабига чиқди. Бугун сал кечроқ чиққани боис уни учрата олмади. Ўша куни унинг кайфияти ҳам бўлмади. Шу кундан бошлаб у ҳар куни анҳор бўйига чиқиб, уни яна бир бор учратишига умид

¹ Rahmatullayev Sh. O‘zbek tilining frazeologik lug‘ati. – T.: Qomuslar bosh tahririyati, 1992. – B. 174. [Rahmatullayev Sh. Uzbek Phraseological Dictionary]

² Musayev Q. Tarjima nazariyasi asoslari. Darslik. – T.: Fan, 2005. – B. 208. [Musayev Q. Basics of translation theory]

³ Xanguk tanpyonsosol besiti 37. – Soul: Xemunsoqvan, 2011. – P. 86. [37 best Korean Prose]

⁴ Zamonaviy koreys nasri antologiyasi (XIX asr oxiri – XX asrning 1950-yillarigacha bo‘lgan davr). – T.: Istiqlol, 2014. – B. 112. [Antology of Modern Korean Prose]



қиларди. Юрагининг аллақарида оғриқ ва ҳувуллаб қолган аллақандай бўшлиқ пайдо бўлганини сезарди¹.

Қуйидаги матнда “자리를 잡다” (сўзма-сўз таржимаси “жойини ушламоқ”) ибораси қўлланилган бўлиб, 3 хил маънода ишлатилади. 1. Белгиланган ўрин ёки бўш жойини эгалламоқ; 2. Жойини белгилаб тўхтамоқ; 3. Қалбида чуқур илдиз отмоқ. Таржимон бу иборани тасвирий усулдан фойдаланиб “оғриқ ва ҳувуллаб қолган аллақандай бўшлиқ пайдо бўлганини сезди” деб ўзбек тилига ўгирган.

“생원 시침을 떼두 다 아네 충, …… 줏집 말야.”

계집 목소리로 문득 생각난 듯이 조선달은 비죽이 웃는다².

– *Муҳтарам Хо, ўзингизни ҳеч нарса эшитмаётгандек, кўрмаётгандек ва ўйламаётгандек қилиб кўрсатманг. Сиз ҳаммасини яхши эшитяпсиз ва мен ҳатто сиз нимани ўйлаётганингизни ҳам биламан. Сиз чхунжулик бека ҳақида ўйлаяпсиз! - деди Чо ва маъноли илжайди³.*

Келтирилган мисолда “시침을 떼다” (сўзма-сўз таржимаси *шичимни олиб ташламоқ*) ибораси қўлланилган бўлиб, “бирор нарсани ўзи қилса ҳам қилмагандек ёки билса ҳам ўзини билмагандек тутмоқ” деган маънони билдиради. Аслида бу ибора “시치미를 떼다” иборасининг синоними ҳисобланади. Бу иборанинг келиб чиқиш тарихи қуйидагича:

“시치미를 떼다” ибораси лочин овидан келиб чиққан. Кореяда Уч киролик даврида лочин ови бўлган. Ов пайти лочиннинг эгалари ўз лочинларини йўқотиб қўймаслик учун лочиннинг думига сигирнинг шохидан ингичка қилиб кесиб тайёрланган исм ёзилган тахтачани осиб қўйишган. Бу тахтачани шимолий Пёнан провинцияси “시치미” деб аташган. Лекин одамлар эгасини йўқотиб қўйган лочинни тутиб олсалар шу “시치미” яъни исм ёзилган тахтачасини олиб ташлаб, лочинни олиб кетишган. Шунга ўхшаб “시치미”ни олиб ташласа лочин кимники эканлигини билиб бўлмагани учун “시치미를 떼다” (*шичимни олиб ташламоқ*) ибораси пайдо бўлган⁴.

Бу иборани таржимон тасвирий усулдан фойдаланиб “ўзингизни ҳеч нарса эшитмаётгандек, кўрмаётгандек ва ўйламаётгандек қилиб кўрсатманг” деб тўғри таржима қилган ва иборанинг мазмунини очиб бера олган.

¹ Zamonaviy koreys nasri antologiyasi (XIX asr oxiri – XX asrning 1950-yillarigacha bo‘lgan davr). – T.: Istiqlol, 2014. – B. 493. [Antology of Modern Korean Prose]

² Kim Son Jong, Kang Xyon Ja, Kim Kyong Xa, Ryu Son Yong. Sara innin xanguko kvayongo. – Soul: Renggijipulloosi, 2008. – P. 9. [Kim Son Jong, Kang Xyon Ja, Kim Kyong Xa, Ryu Son Yong. Preserved Korean Idioms]

³ Zamonaviy koreys nasri antologiyasi (XIX asr oxiri – XX asrning 1950-yillarigacha bo‘lgan davr). – T.: Istiqlol, 2014. – B. 74. [Antology of Modern Korean Prose]

⁴ Xanguk tanpyonsosol besiti 37. – Soul: Xemunsogvan, 2011. – P. 9. [37 best Korean Prose]



“화중지병이지. 연소패들을 적수로 하구야 대거리가 돼야 말이지.”¹.

– Э, қўйсангиз-чи. Менга буни ким қўйибди. Бу борада мен бўлиш бошқармасидагилар билан беллаша олмайман. Амалдорлар у ерга аллақачон йўл очилиган².

Мазкур мисолда “화중지병³” (сўзма-сўз таржимаси *расм ўртасидаги нон*) хитой тилидан ўзлашган фразеологик бирлик қўлланилган бўлиб, унинг корейс тилида “그림의 떡” (сўзма-сўз таржимаси *расмдаги нон*) мақоли синоним ҳисобланади. Бу мақол “бирор нарсани қанчалик ёқтирса ҳам фойдалана олмаслик ёки ўз мулкига айлантира олмаган” вазиятда ишлатилади.

Хитой тилидан ўзлашган мазкур фразеологик бирликни таржимон тасвирий усулдан фойдаланиб ўзбек тилига “Э, қўйсангиз-чи. Менга буни ким қўйибди” тарзида ўгирган.

Корейс тилида “аяб куйинмоқ; ачинмоқ” маъносида 속이 쏘는 듯이 (*ичи ачигандай*) компаратив фразеологизми қўлланилади. У ўзбек тилида ўхшатиш модуси (кўрсаткичи) бўлмаган ичи ачимоқ иборасига муқобил бўлади. Бироқ таржимада мазкур иборадан фойдаланилмасдан унинг ўрнига тасвирий усул қўлланилганини кўриш мумкин.

Жумладан,

그래서 어머니는 역겨운 미움에 아다다가 실수를 할 때마다 주릿대를 내리고 참예를 맡건만 그는 참는다는 것이 그 당시 뿐이요, 남이 일을 하는 것을 보면 속이 쏘는 듯이 슬그머니 나와서 곁을 슬슬 돌다가는 손을 대고 만다⁴.

Онаси уни ҳар нарсани баҳона қилиб жазолар, уй ишларига аралашшига ижозат бермасди, лекин Адада барибир аралашаверар, чунки тақиқлар ҳақида фақат ўзини калтаклашаётганда эслар эди. Калтак егандан кейин орадан бир дақиқа ўтар-ўтмай, бировнинг ишлаётганини кўриб, у шу одамнинг атрофида ўралаша бошлар, худди ўзининг бекорчилигидан уялгандек, унга ёрдам беришига киришарди⁵.

Корейс тилида “бирон нарса ёқмай қолмоқ; такрор-такрор учрайвериб, сийқаси чиқмоқ” маъносида 지긋지긋한 듯이 компаратив фразеологизми мавжуд. Мазкур фразеологик бирлик ўзбек тилига меъдасига тегмоқ ёки жонига тегмоқ ибораларига муқобил бўлади. Бироқ таржимада мазкур

¹ Li Xyo Sok. Memilkot pil muryop. – Kangvondo, 2009. – P. 10. [Li Xyo Sok. Berry Blossoms]

² Zamonaviy koreys nasri antologiyasi (XIX asr oxiri – XX asrning 1950-yillarigacha bo‘lgan davr). – T.: Istiqlol, 2014. – B. 74. [Antology of Modern Korean Prose]

³ Kim Nak Jun. Xanjasajon. – Soul: Kimsongchulpansa, 2012. – P. 502, 57, 63. [Kim Nak Jun. Hieroglyphic dictionary]

⁴ Xanguk tanpyonsosol besiti 37. – Soul: Xemunsoqvan, 2011. [37 best Korean Prose]

⁵ Zamonaviy koreys nasri antologiyasi (XIX asr oxiri – XX asrning 1950-yillarigacha bo‘lgan davr). – T.: Istiqlol, 2014. – B. 164. [Antology of Modern Korean Prose]



муқобиллар ўрнига тасвирий усулдан фойдаланилган:

Жумладан:

지긋지긋한 듯이 방 안을 휘익 둘러본 뒤에 이렇게 생각하였다. 어디든지 여행을 하려는 생각은 벌써 수삭 전부터 계획이었지만 여름에 한 번 놀러 가 본 신흥사에도 간다는 말뿐이요, 이때껏 실현은 못 되었다...¹.

Хонани нафрат билан кўздан кечириб “бу ердан жуфтакни ростлаш керак”, деган қарорга келдим. Саёҳатга чиқиш фикри сўнги ойлар давомида мени тарк этмасди...².

Умуман, турғун бирикмаларни тасвирий усулда таржима қилишда ниҳоятда эҳтиёткорлик талаб этилади. Таржимон таржимага киришишдан олдин аслият матнидаги турғун бирикманинг маъносини аниқ тушуниб етиши ва ундан сўнг иборанинг тўлиқ ифодасини бериш учун табиий эквивалентни топиши шарт.

Хулоса. Фразеологизмлар бир тилдан иккинчи тилга турли усуллар воситасида, хусусан, тўла эквивалент, муқобил, тасвирий ва калка усулида таржима қилинади. Корейс тилидаги фразеологизмлар ҳам ўзбек тилига айнан ана шу усуллар ёрдамида таржима қилинган. Мазкур усуллар орасида энг кўп тарқалгани муқобил иборалар воситасида таржима қилиш усулдир. Таржима тилида аслиятда қўлланилган фразеологизмларга эквивалент ибора топилмаган тақдирда, адекватлик кўп ҳолларда муқобил вариантлар ёрдамида амалга оширилади.

Турли тиллардаги фразеологизмларнинг бир-бирига ҳар жиҳатдан ўхшашлиги аксарият ҳолларда бу халқларнинг турмуш шароитлари, урф-одатлари ва мантикий мушоҳадаларидаги муштараклик билан изоҳланади. Бинобарин, корейс ва ўзбек тилларининг бир оилага мансублиги, бу тил соҳибларининг дунёқараши, менталитети, турмуш шароитларининг муштараклиги уларнинг лафзларида кўпгина умумий фразеологизмларни шаклланишига сабаб бўлган. Таржимада бундай муштарак, яъни эквивалентга эга бўлган фразеологизмлар деярли муаммо туғдирмайди.

Ҳар бир лисоний ҳамжамиятнинг дунёни ўзига хос тарзда акс эттириши табиий ҳолдир. Шу нуқтайи назардан муайян лисоний ҳамжамиятдаги фразеологизмлар ўзга маданиятга хос бўлмаслиги, бошқа тилда ўз эквивалентига ёки муқобил вариантга эга бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолда кўпроқ таржима амалиётининг тасвирий ёки калка усулига мурожаат қилинади.

¹ Xanguk tanpyonsosol besiti 37. – Soul: Xemunsoqvan, 2011. – P. 9. [37 best Korean Prose]

² Zamonaviy koreys nasri antologiyasi (XIX asr oxiri – XX asrning 1950-yillarigacha bo‘lgan davr). – T.: Istiqolol, 2014. – B. 101. [Antology of Modern Korean Prose]



ХАСАНОВА ШАХЗОДА

ўқитувчи, ТДШУ

Хитой ва ўзбек тилларида феъл фразеологизмлар тадқиқига доир

Аннотация. Бугунги кунда ўзбек ва хитой халқлари орасидаги турли соҳалардаги ўзаро муносабатлар адабий алоқаларнинг мустақамланиши ва кенг кўламда ривожланишига ҳам хизмат қилмоқда. Хитой ва ўзбек тилларида эсонли нутқда фаол қўлланиб келинаётган феъл фразеологизмлар тадқиқи иккала тилни баробар ўрганиши ва унинг нозик хусусиятларга эга бўлган фразеологик қатламини илмий ўрганиши ҳам муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Маълумки, фразеологизм тилнинг бошиқа одатий сўзлардан фарқ қилиши ва алоҳида адабий тил меъёрларига эга яхлит, шунингдек ўзининг келиб чиқиши тарихига эга бўлинмас турғун бирикмалардир. Хитой ва ўзбек тиллари турли тил оилаларига тегишли бўлгани боис ундаги лексик-фразеологик бирликлар келиб чиқиши нуқтаи назаридан фарқлилик касб этади ва бу икки тил орасида бадиий асарларни таржима қилишида таржимондан ўта эҳтиёткорликни талаб қилади. Шунга қарамай фразеологик бирликлар жуда кўп ўхшаш хусусиятларга ҳам эга. Шу билан бирга мақолада жаҳон тилишунослигида тадқиқотчилари тарихий-қийёсий, систем-структур ҳамда антропосентрик йўналишларда кенг кўламда олиб борилаётганлиги тил тараққиёти, унда юз берадиган ўзгаришларни тадқиқ қилиши имкониятига эга эканлиги, ҳар бир миллий тилда учрайдиган лексик-стилистик, фразеологик ва грамматик бирликларни қийёсий аспектда ўрганиши орқали қийёсланаётган тилларнинг ўзига хос равишида тизимлаштириши, ҳар иккиси учун умумий ва фарқли жиҳатларни аниқлаши ҳам муҳим аҳамият касб этишига эътибор қаратилган.

Ушбу мақолада чиқарилган хулосалар таниқли олимларнинг бу борадаги назарий фикрлари билан тасдиқлашга ҳаракат қилинади.

Таянч сўз ва иборалар: лексик-фразеологик бирлик, услуб, фраза, 成语 Chéngyǔ, 谚语 yànyǔ, 歇后语 xiēhòuyǔ, 惯用语 guànyòngyǔ, 俗语 sǔyǔ «халқ сўзи».

Аннотация. Сегодня взаимодействие между узбекским и китайским народами в различных сферах также способствует укреплению и развитию литературных связей. Изучение глагольной фразеологии, которая активно используется в живой речи китайского и узбекского языков, имеет большое теоретическое и практическое значение для изучения обоих языков и научного изучения их тонкого фразеологического пласта.

Как известно, что фразеология – это неотъемлемая часть языка, которая отличается от других обычных слов и имеет свои нормы литературного языка, а также неделимые устойчивые сочетания со своей историей происхождения. Поскольку китайский и узбекский языки принадлежат к разным языковым семьям, их лексические и фразеологические единицы различаются по происхождению, и это требует от переводчика большой осторожности при переводе произведений искусства между двумя языками. Однако у китайских и узбекских фразеологизмов много общего.

В то же время в статье отмечается, что в мировой лингвистике проводятся исследования в широком масштабе в историко-сравнительном, системно-структурном и антропоцентрическом направлениях. Путем сравнительного изучения фразеологизмов и грамматических единиц важна систематизация языков. Сравняются, чтобы определить



общие черты и различия для обоих. Выводы, сделанные в этой статье, будут подтверждены теоретическими взглядами выдающихся ученых на эту тему.

Опорные слова и выражения: лексико-фразеологическая единица, стиль, словосочетание, фразеология, фраза, 成语 Chéngyǔ, 谚语 yànyǔ, 歇后语 xiēhòuyǔ, 惯用语 guànyòng yǔ, 俗语 sùyǔ.

Abstract. As you know, there are different branches and directions in the world of translation. Friendly relations between the Uzbek and Chinese peoples serve to strengthen and expand literary ties. In modern Chinese and Uzbek linguistics, more and more attention is paid to the study of language, especially vocabulary, semantics, analogies and metaphors. The fact that research in world linguistics is carried out on a large scale in the historical-comparative, system-structural and anthropocentric directions makes it possible to study the development of the language and the changes taking place in it. In the field of comparative linguistics, a number of studies have been carried out in order to systematize the lexico-stylistic, phraseological and grammatical units of each national language through a comparative study of comparable languages in order to identify common features and differences for both.

Each language has its own vocabulary. The fact that a word is expressed using lexical, phraseological and lexico-phraseological words, in turn, shows how long the language has a history. The correct and purposeful use of this wealth makes speech effective and expressive. Since ancient times, writers and philosophers have paid particular attention to the use of phraseological units to make them more effective and efficient.

Phraseology is a holistic phrase that distinguishes a language from other ordinary words and has its own set of literary linguistic norms, as well as its own origin story. Phraseological compounds have been widely used in Uzbekistan since the first half of the last century. Created a number of articles, monographs, dissertations, glossaries, textbooks, teaching materials.

Keywords and expressions: phraseology, phrase, 成语 Chéngyǔ, 谚语 yànyǔ, 歇后语 xiēhòuyǔ, 惯用语 guànyòng yǔ, 俗语 sùyǔ.

Асосий қисм

Ўзбек ва хитой халқлари орасидаги турли соҳалардаги ўзаро муносабатлар адабий алоқалар, илмий-тадқиқот соҳаларининг ҳам мустақамланиши ва кенг кўламда ривожланишига хизмат қилмоқда. Хитой ва ўзбек тилларида жонли нутқда фаол қўлланиб келинаётган феъл фразеологизмлар тадқиқи тилларни ўрганиш ва уларнинг нозик жиҳатларга эга бўлган фразеологик қатламини илмий тадқиқ этишда муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Фразеологизмларни ўрганилиш тарихи ҳақида сўз борганда, аввало шуни таъкидлаш жоизки, «фразеология» терминининг ясаилишига асос бўлган «фраза» сўзи XIX асрда яшаган туркийшунос олим Козимбек Александр Касимович (1802-1870) томонидан қўлланилган. Олим рус тилида ёзилган бошқа тасвирий грамматикаларда бўлгани сингари ўз асарида «фраза»¹

¹ Наследие Мирзы Казем-бека: история и современность// Доклады и сообщения Международной научной конференции// (г. Казань, 20 – 21 ноября 2013 г.) [Naslediye Mirzy



терминини «жумла», «гап» маъносида қўллаган. Бироқ дунё тилшунослигида «фразеология» ва «фраза» терминлари тор маънода турғун сўз бирикмалари, яъни ибора маъносида қўлланилади. «Бирдан ортик мустақил лексема кўринишининг бирикувидан ташкил топиб, образли маъновий табиатга эга бўлган лисоний бирлик фразеологизм дейилади», – дея таъриф берилади «Ҳозирги ўзбек адабий тили» китобида.

Мақсад ва вазифалар: Ҳозирги тиллараро алоқаларнинг интенсив глобаллашуви даврида нафақат битта тил элементларининг бошқа тилга кириб бориши, балки маданий қадриятларнинг алмашинуви ҳам тараққий топиб бормоқда. Бир тилнинг миллий ўзига хослигини бошқа лингвистик бирликларга қараганда ёрқинроқ акс эттирувчи фразеологик бирликларнинг бошқа тилга қиёслаб ўрганилиши ана шу нуктаи назардан муҳим аҳамият касб этади.

Методлар: Ушбу мақолада илмий тадқиқот яратишнинг тавсифий, қиёсий ва таҳлилий методларидан фойдаланилди.

Натижа ва мулоҳаза:

Ушбу тадқиқотда «фразеологик бирлик» термини лексик барқарорлик мавжуд бўлган ва номлаш бирликлари вазифасини бажарадиган феъл фразеологизмларга мурожаат қилинади. Шу билан бирга, фразеологик бирликларнинг асосий хусусияти сифатида, уларнинг мазмуний бирлиги кўриб чиқилиб, уларнинг ўзаро семантик боғлиқлиги сифатида ёки бир элементнинг иккинчисига бир томонлама боғлиқлиги сифатида ўрганишимиз мумкин. Фразеологик бирликнинг ички семантик алоқаси барқарор ибораларни лексикаллаштиришга олиб келади, яъни улар бир нечта маънога эга бўлади ёки сўзнинг эквивалентига айланади. Бошқа томондан, таркибий қисмларнинг семантик алоқаси фразеологик бирликларнинг расмий барқарорлигини ҳам ўз ичига олади. В.В. Виноградов семантик муносабатларни уч даражага ажратади, уларнинг ҳар бири ФБ компонентларининг турини белгилайди¹:

1) *ягона маънога эга, барқарор лексик бирликлар, фразеологик битишмалар;*

2) *фразеологик бирлик - сўз таркибий қисмларининг индивидуал маъноси сингиб кетадиган ва бошқа бир маъно акс эттирувчи бирлик. Ушбу фразеология тоифасига семантик бирлик ёки семантик яхлитлик хосдир. Буларнинг барчаси билан яхлитликнинг маъноси, иборанинг мажозий*

Kazem-beka: istoriya i sovremennost// Doklady i soobshcheniya Mejdunarodnoy nauchnoy konferensii// (g. Kazan, 20 – 21-noyabrya 2013 g.)]

¹ Кунин А.В. Основные понятия английской фразеологии как лингвистической дисциплины и проблемы создания англо-русского словаря: дисс. ... докт. филол. наук. - М., 1964. 339-364 с. [Kunin A.V. Osnovnyye ponyatiya angliyskoy frazeologii kak lingvisticheskoy dissipliny i problemy sozdaniya anglo-russkogo slovarya: diss. ... dokt. filol. nauk. - М., 1964. 339-364 s.]



мағзини англаш, ички шаклни ташиқил этувчи маъно берувчи фразеологик бирликнинг образли ифодасидир;

3) учинчи гуруҳни ташиқил этувчи фразеологик бирикмалар. Бу мотивацион фразеологик бирликлар бўлиб, унда битта компонент тўғридан-тўғри маънога эга, иккинчиси эса образли маънога эга. Мажозий маънода ишлатиладиган элемент чекланган миқдордаги сўзлар билан бирлаштирилиши мумкин.

Инглиз фразеологияси соҳасида А.И.Смирницкий фразеологик бирликларни лексикалаштиришининг элементларнинг демотивацияси ва бутун белгининг кейинги семантик бирлигига мувофиқ 3 турини ажратиб туради. Уўз нуқтаи назрига мувофиқ ёрдамчи элементи бўлган бир, икки ёки ундан ортиқ муҳим сўزلардан иборалар ҳосил бўлиши ҳақида айтади ва унинг ясаши функцияси асосида олим учта синфни ажратиб кўрсатди:

1) фразеологик бирликлар (анъанавий барқарор иборалар), уларни мотивацион ва стилистик жиҳатдан нейтрал сўз гуруҳлари деб белгилайди;

2) метафора мотивациясидан маҳрум бўлган барқарор комбинациялар;

3) метафора интонациясида талаффуз қилинган иборалар¹

Л.А.Булаховский иборалар ва фразеологик бирликлар орасидаги фарқни ажратади. Унинг фикрича, иборалар ҳар бир тилнинг ўзига хос бўлган бир маънони акс эттирувчи сўз бирикмаларидир ва фразеологик бирликлар деганда эса бир сўз бирикмаси кўп маънони англатиши мақоллар, маталлар ва бошқалар сифатида ишлатиладиган мантикий сўз гуруҳларини тушунади².

Хитой фразеологик бирликлари ёки бўлмасам хитой тилида 成语 *chéngyǔ* узоқ вақт давомида шаклланган ва мавжуд бўлган бўлсада, уларни илмий тарафлама ҳар томонлама ўрганиш нисбатан кеч бошланди. Хитой тилшунослигида илк тадқиқотлар 1915 йилда Хитойнинг «词汇» луғатида қайд этилган³. Унда ФБ 古语 *gǔhuà* («қадимги сўз») - қадимги даврлардан келиб чиққан иборалар сифатида ўрганилган. Ушбу даврда бу масала бўйича яна бир нечта асарлар ёзилди, аммо хитой тилшуноси Фанг Шенхуэнинг «Хитой тили» деб номланган адабиётда (1943 йил 2-сон) нашр этилган «成语 *chéngyǔ* ва унинг ишлатилиши» номланган асарида муаллиф фразеологик бирликларнинг лексик маънолари, ишлатилиш ўрни, ҳолати ва бошқа

¹ Виноградов В.В. Избранные труды. Лексикология и лексикография. - М.: 1977. 74 с.[Vinogradov V.V. Izbrannyye trudy. Leksikologiya i leksikografiya. - М.: 1977. 74 s.]

² Альбер Сеше. Программа и методы теоретической лингвистики. Психология языка. М.: Едиториал УРСС, 2003. -31 с.[Alber Seshe. Programma i metody teoreticheskoy lingvistiki. Psixologiya yazyka. М.: Yeditorial URSS, 2003. -31 s.]

³ Словарь китайского языка "词汇 cí huì ".1915.[Slovar kitayskogo yazyka "词汇 cí huì ".1915.]



жиҳатларига қараб 22 турини ажратиб кўрсатган. Бу 成语 *chéngyǔ* лингвистик нуқтаи назардан кўриб чиқилган ва барча камчиликларга ва таснифларга қарамасдан 成语 *chéngyǔ*нинг биринчи лингвистик таҳлил қилишга қаратилган илк назарий ишдир. Хитой фразеологиясининг назарий асосларини ривожлантиришга уринишлар XX асрнинг 50 йилларидан кейин бошланди. Айни пайтда фразеологик бирликларни фарқлаш тамойилларини шакллантириш¹, уларнинг асосий мезонларини аниқлашга қаратилган биринчи уринишлар пайдо бўлади².

Хитой тилининг 成语 *chéngyǔ*ни тавсифлашнинг лингвистик асослари биринчи навбатда хитой тилшуноси Ма Гуофаннинг³ 马国凡 асарларида келтирилган. Ма Гуофан ўз асарига 成语 *Chéngyǔ*ни тўртта хусусиятини ойдинлаштириб ўтган:

1. барқарорлик, бу икки хил кўринишда намоён бўлади: семантик ва структуравий;

2. одатий фойдаланиш: 成语 *chéngyǔ* узоқ вақт давомида ёзма равишда ёки оғзаки нутқда ишлатилган;

3. тарихийлик, 成语 *chéngyǔ* тарихий воқеалар натижасида шаклланиши, ва тарихий хусусиятларга эга эканлигини ифодаланади;

4. ўз ичига икки йўналиш яъни халқ тарихи, урф-одатлари ва маданиятини қамраб олиб ўзида намоён бўлиши билан характерланади.

Экспрессив ифодаланиши ўзига хослигини, тил синтаксисини акс эттиради. Ма Гуофан таъкидлашича, 成语 *chéngyǔ* ривожланиши икки шаклда бўлиши мумкин: ёзма ва оғзаки. Ёзма шакл, ўз навбатида, 4 та манбага эга: масал ҳикоялари, афсоналар ёки аъъаналар, тарихий фактлар, тилда қотган сўзлар. У Хитойнинг барча барқарор бирикмаларини қуйидаги гуруҳларга ажратди:

1. 成语 *chéngyǔ* «тайёр ифода» - ибора;

2. 谚语 *yànyǔ* - мақол;

3. 歇后语 *xiēhòuyǔ* «қискартирилган тугалланган нутқ» (маълум бир тушунчага эга ифода);

4. 惯用语 *guànyòng yǔ* «одатланган бирликлар» - фразеологик бирикма;

¹马国凡 《谚语的特点》。《中国语文》. 1960. №11; 周祖谟 谈“成语”。《语文学学习》. 1955. №1; 欣向 《成语的特性》, 《中国语文》. 1958. №10. [Ma Guofan, "Characteristics of Proverbs." «Chinese Language». 1960. №11; Zhou Zumo on "idioms". «Language Study». 1955. №1; Xin Xiang «Characteristics of Idioms», «Chinese Language». 1958. №10.]

²徐耀民 《成语的划界、定型和释义问题》// 《中国语文》1997. №1; 李行健 《成语规范问题》// 《辞书研究》2001, № 2.[Xu Yaomin "Demarcation, Stereotype and Interpretation of Idioms" // "Chinese Language" 1997. № 1; Li Xingjian "Idioms Norm Issues" // "Dictionary Research" 2001, № 2.]

³马国凡. 成语. 呼和浩特, 1973, 1978 年 344 页。[Ma Guofan. Idioms. Hohhot, 1973, 1978, 344 pages.]



5. 俗语 *súyǔ* «халқ сўзи» – мақол.
6. 敬语 *jìng yǔ* – қанот қоққан сўзлар
7. 格言 *géyán* – афоризмлар

XX асрнинг 50 йилларига келиб Хитой тилшунослари фразеологик бирликларнинг умумий хусусиятини тавсифлашга бағишланган тадқиқотларга эътибор беришни бошлайдилар, ФБ билан боғлиқ равишда хитой тилшунослигида Шую 熟语¹ *shúyǔ* янги атамаси пайдо бўлди (сўзма-сўз таржимаси «таниш, тайёр, тилда қотган иборалар»). Кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, рус тилшунослигидан олинган ва «фразеология»² атамасига тўғри келади дея таъриф беришади. Янги атаманинг пайдо бўлиши, унинг концепцияси доираси хақида мунозараларнинг янги талқини юзага кела бошлади. Юн Шенг 云生 ҳам ўз мақоласида 熟语 *shúyǔ* рус тилидан қарз олинганлигини ёзади ва уни 成语 *chéngyǔ* билан бир қаторда эмас, балки «барча барқарор иборалар учун умумий атама»³ деб ҳисоблаш керак дея таъриф беради. XX асрнинг ўрталарига келиб 熟语 *shúyǔ* умумий лингвистик бирлик сифатида кенг тавсиф ва мунтазам ўрганишни талаб этаётган янги тушунча эканлиги хитойлик тадқиқотчиларни кўпроқ изланишга тадқиқотлар олиб боришга даъват этарди. Зҳан Юн яна ўзининг «Лексикологияга кириш» деб номланувчи монографиясида «шую» атамасининг мазмун моҳиятини шундай белгилайди: «Тилда яна шундай баъзи ўзига хос сўз бирикмалари ва жумлалари мавжудки, улар ўз вазифасига кўра сўзлар, бироқ улар нутқ жараёнида тузилмайди, балки улар тилда тайёр шаклда мавжуд ва уларга бириктирилган маълум бир маъно касб этадилар. Бундай шаклдаги турғун сўз бирикмалари ёки жумлалар (кўпроқ сўз бирикмалари) шую деб аталади⁴, дея таъриф беради.

Лиу Гуангхе ўзининг «Шую хақида қисқача»⁵ асарида 熟语 *shúyǔ* -нинг иккита асосий хусусиятини таъкидлади: музлатилган шакл (яъни тарихдан то ҳозирги кунга қадар давом этиб келаётган ўзгармас шакл уни ҳеч қандай тил ҳодисаси ўзгартира олмайди) ва такомиллаштириш (узок йиллар давомида шаклланган қисқартирилган яхлит ифодани қисқа иборалар билан

¹ 熟语 *shúyǔ* so'zidagi 熟 *shú* so'zini lug'aviy ma'nosi "yaxshi" ba'zi so'zlar bilan qo'shilib kelsa ham aynan "yaxshi tanish" degan ma'nolarni ifodalaydi

² 王德春 «词、词组、熟语», 上海外国语言学院季刊. 1958, № 3; 唐松波. «熟语与成语的种属关系» 中国语文. 1960. [Wang Dechun "Words, Phrases, Idioms", Shanghai International Language Institute Quarterly. 1958, № 3; Tang Songbo. "The relationship between idioms and idioms" Chinese Language. 1960.]

³ Юнь Шэн. О шую "Китайский язык". 1960. [Yun Shen. O shuyu "Kitayskiy yazyk". 1960.]

⁴ Ветров П.П. Фразеология современного китайского языка. Синтаксис и стилистика. – М.: Московская книга, 2007. – С. 11. [Vetrov P.P. Frazеologiya sovremennogo kitayskogo yazyka. Sintaksis i stilistika. – M.: Moskovskaya kniga, 2007. – S. 11.]

⁵ Лю Гуанхэ. Кратко о шую. 1989 [Lyu Guanxe. Kratko o shuyu. 1989]



аташ ҳамда фикрни ифодалашнинг энг қисқа усули). Тадқиқотчи 熟语 *shúyǔ*ни 4 та катта гуруҳга ажратди: фразеологик бирикмалар, 成语 Чэнгйй, мақоллар ва ясама сўзлар. Сун Вейзхен ўзининг «Хитой фразеологияси (Шую)»¹ китобида 熟语 хусусиятларини 4 та хусусиятда тасвирлаб берган:

1) таркибий қисмларнинг ўзгармаслиги ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликда намоён бўлган барқарорликни ҳосил қилади;

2) семантик ма'ноларни бирлаштириш (ажралмас маъно таркибий қисмларнинг лексик ва грамматик ма'нолари йиғиндисидан олинмайди);

3) функционал яхлитлик: грамматик функциясига кўра 熟语 предмет (сўзига тенг) ва предикатив 熟语 (фелъга тенг, сифат ёки фелъ, сифат бирикмалари) га бўлинади;

4) бир неча асрлар давомида шаклланган бўёқдорликни ўзида мужассам этувчи сўз бирикмаси.

Бошқа бир тилшунос Ву Чжанкуннинг таъкидлашича, 熟语 «она тилида сўзлашувчи томонидан» яхши таниган ва яхши билган бўлиши керак деган фикрдан келиб чиқиб 熟语 да тор доирадаги иборалар «微观 属性 *wéiguān shǔxìng*» ҳамда кенг доирадаги тушунча ва иборалар «宏观 属性 *hóngguān shǔxìng*» белгиларини қуйидагича бир биридан фарқлади: фонетик мослашиш (语音 悦耳性 *yǔyīn yuè'ěr xìng*), лингвистик шаклга келтирилган қолипга солинган жиҳати (语形 定型 *yǔ xíng dìngxíng*); лексик ма'ноларнинг бирлашиши (语义 融合性 *yǔyì rónghé xìng*); сўзларнинг бўёқдорлиги (功能 示美性 *gōngnéng shì měi xìng*). 熟语 тушунчасига хитой тилшунослари томонидан бир-биридан фарқланадиган хилма-хил таърифлар берилган: баъзилари 熟语 ни мутлақо барча турдаги барқарор бирикмаларни ўз ичига қамраб олади (сўзларнинг ясалишидан ҳосил бўлган иборалар, жаргон бирикмалари, афоризмлар, эпиграммалар ва бошқалар)², иккинчиси - мақоллар, сўзлар-аллегориялар, фразеологик бирикмалар, 成语, таникли жуфт ёзувлар (名联), халқ қўшиқлари³, учинчиси - атамалар, жаргон, сўзларнинг ясалишидан ҳосил бўлган иборалар⁴, тўртинчиси - 成语, фразеологик бирикмалар, сўзлар сўзларнинг ясалишидан ҳосил бўлган

¹ Сунь Вэйчжан. Китайская фразеология (шую). 1989. [Sun Veychjan. Kitayskaya frazeologiya (shuyu). 1989.]

² Сюй Цзунцай. Пословицы, поговорки. 1999. [Syuy Szunsay. Poslovisy, pogovorki. 1999.]

³ Цуй Силян. Китайские шую и цивилизация. 1997. [Suy Silyan. Kitayskiye shuyu i sivilivizatsiya. 1997.]

⁴ 刘树新 《固定语及其类别》. 1993. [Liu Shuxin "Fixed Words and Their Categories". 1993.]



иборалар¹, бешинчиси - фақатгина 成语, фразеологик бирикмалар ҳамда иборалар².

Бундай турли хил ёндашувларнинг мавжудлиги 熟语 тушунчаси хитой тилшунослари орасида маромига етмаган, тадқиқот талаб йўналиш эканлиги ойдек равшан. Сю Вайхан 熟语 контсепцияси ва унинг чегаралари атрофида юзага келган мунозарани баҳолаб, қуйидаги нуқтаи назарни ифода этади: “Агар биз асосан уларнинг «номутаносиблиги» нуқтаи назардан ўрганадиган бўлсак, унда 熟语 билан биргаликда барқарор сўз бирикмаларини ҳам кўриб чиқиш мумкин; агар биз «умумий» хусусиятлардан келиб чиқадиган бўлсак, унда 熟语 турғун бирикмаларнинг барча турларини ўз ичига олади, аммо ўхшашлик ва ўзига хос хусусиятларнинг тавсифи тилшунослар орасида ечилмаган масала бўлиб туюлади, шунинг учун тушунчаларни фарқлаш масаласи мураккаблигича қолмоқда”³. Тадқиқотимизнинг асосий қисмига қайтсак, шуни таъкидлаш керакки, тадқиқотнинг хусусиятларидан бири 成语 конструкцияси қадимги хитой тили меъёрлари асосида қурилган. Қадимги хитойликлар, биринчи навбатда, кўп ма’нолик билан ажралиб туради. Ушбу хусусиятни акс эттирувчи 成语, кўп ма’ноли сўзлардан таркиб топган. Қадимги хитой тилидаги сўзларнинг синтактик даражадаги бирикмаси замонавий хитой тили сўзларига қараганда анча кенгроқ. 成语 га киритилган сўзлар ушбу хусусиятни ҳам бутунлай мерос қилиб олган⁴. Хитойлик олимларнинг бир қатор асарлари 成语 муаммосига бағишланган. Хитойлик олимларнинг аксарияти 成语 ҳақидаги фикрлар ҳали ҳанузга қадар бир тўхтамаган келмаган. Хусусан, 成语 ни тузилиши бўйича таснифлаш масаласида замонавий хитой тилшунослигида унинг асосий гуруҳларини аниқлашда энг тўлиқ ва изчил таърифни, Ма Гуофан⁵ берган. У 成语 гуруҳларини қуйидагича ташкил этади:

I. Тўрт бўғинли ченгю⁶;

1. Ченгю, иккита сегментга бўлиниб:

¹孙维张 《汉语熟语学》. 1989.[Sun Weizhang, Chinese Idioms. 1989.]

² История исследования лексикологии/ Под ред. Вэнь Шуобинь, Вэнь Дуаньчжэн. Пекин, 2009.[Istoriya issledovaniya leksikologii/ Pod red. Ven Shuobin, Ven Duanchjen. Pekin, 2009.]

³许威汉 《二十世纪的汉语词汇学》，2000. С. 290.[Xu Weihang "Chinese Lexicology in the Twentieth Century", 2000. С. 290.]

⁴朱剑芒. 成语的基本形式及其组织规律的特点. 中国语文. 1955.[Zhu Jianmang. The basic forms of idioms and the characteristics of their organizational rules. Chinese Language. 1955.]

⁵马国凡 《成语简论》，沈阳，1959.[Ma Guofan, A Brief Discussion on Idioms, Shenyang, 1959.]

⁶ Войцехович И.В. Стилистические особенности основных разрядов фразеологических единиц современного китайского языка. М., 1986.[Voysexovich I.V. Stilisticheskiye osobennosti osnovnykh razryadov frazeologicheskikh yedinis sovremennogo kitayskogo yazyka. M., 1986.]



- а) маъно жиҳатидан яқин;
 - б) маъно жиҳатидан қарама-қарши;
 - в) рақамлар билан;
 - д) бир хил компонентни такрорлаш;
2. Ченгю, иккита сегментга бўлинмасдан:

- а) таклифлар;
- б) иборалар.

ИИ. Тўрт бўғиндан иборат бўлмаган 成语.

В этой статье представлена информация о двух недавно обнаруженных новых произведениях прозы и одном стихотворении (газель) Мавляна Фахруддин Али Сафи Хирави.

На основании недавно обнаруженной этой газели Али Сафи, рубаи и стихов в "Рашиахат"е исследователь пришел к твердому выводу, что у этого художника мог быть "Девон" (Сборник газелей). В своей статье исследователь также подробно рассматривает рукописи произведений Али Сафи в ташкентских рукописных собраниях.

Раздел статьи «Новые находки в творчестве Али Сафи» уникален тем, что в нем рассматриваются еще две новые рукописи ранее неизвестных произведений Али Сафи и газель.

По словам автора статьи, одной из этих рукописей является труд Али Сафи «Шарх-и Маснави», единственная рукопись которого хранится в основном фонде Академии наук Узбекистана.

Вторая рукопись - «Тухфа-и мулук», единственная рукопись которой хранится в основном фонде Академии наук Республики Узбекистан. Примечательно, что обе эти рукописи, написанные на персидском языке, сейчас отдельно и подробно изучаются исследователем.

Согласно статье ФА РУ №1023 инв. На полях страниц 140а-140в "Majmi'a-i bayoz", который хранится под номером По словам исследователя, эта газель была взята из Девона Али Сафи. Итак, перед нашим исследователем стоит важная задача - найти «Девон» поэта.

Опорные слова и выражения: рукопись, рукописи, газал-и Али Сафи, «Шарх-и Маснави», «Тухфату-л-мулук», вера, этика, суфизм, ирфан.

Abstract. Today, when our national and spiritual values have been restored and the study of the masterpieces of our ancient manuscript heritage is given serious importance at the level of public policy, we have a deeper understanding of our ancient cultural heritage and national history, rooted in the distant past.

One of the master of words who made a great contribution to the development of world culture and science with his work was Fakhruddin Ali Safi bin Husein Waiz Kashifi (d. 939/1539). His work is notable for covering various areas of secular and religious sciences. The works of Fakhruddin Ali Safi reflect the ideas of raising a person with high qualities through the scientific heritage of our ancestors, the advancement of young people to healthy thinking and pure morality through the foundations of our culture and religion.

This article provides information on two recently discovered new works of prose and one poem (gazelle) by Mavlian Fakhruddin Ali Safi Hirawi.

On the basis of the recently discovered this gazelle by Ali Safi, the rubai and poems in "Rashakhat", the researcher came to the firm conclusion that this artist could have had "Devon" (Collection of Gazelles). In his article, the researcher also examines in detail the manuscripts of Ali Safi's works in the Tashkent manuscript collections.

The section of the article "New finds in the work of Ali Safi" is unique in that it examines two more new manuscripts of previously unknown works of Ali Safi and a gazelle.

According to the author of the article, one of these manuscripts is the work of Ali Safi "Sharh-i Masnavi", the only manuscript of which is kept in the main fund of the Academy of Sciences of Uzbekistan.



According to the author of the article, one of these manuscripts is the work of Ali Safi "Sharh-i Masnavi", the only manuscript of which is kept in the main fund of the Academy of Sciences of Uzbekistan.

The second manuscript is "Tukhfa-i muluk", the only manuscript of which is kept in the main collection of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. It is noteworthy that both of these manuscripts, written in Persian, are now being studied separately and in detail by the researcher.

The second manuscript is "Tukhfa-i muluk", the only manuscript of which is kept in the main collection of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. It is noteworthy that both of these manuscripts, written in Persian, are now being studied separately and in detail by the researcher.

According to article FA RU No. 1023 inv. On the margins of pages 140a-140b "Majmu'a-i bayoz", which is kept under number According to the researcher, this gazelle was taken from Devon Ali Safi. So, our researcher is faced with an important task - to find the "Devon" of the poet.

Keywords and expressions: manuscript, manuscripts, ghazal-i Ali Safi, "Sharh-i Masnavi", "Tukhfatu-l-muluk", faith, ethics, Sufism, irfan.

Кириш. Жаҳон илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз бой мероси бугунги кунда дунё фондларида сақланиб келинмоқда ва олимлар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Аждодларимизнинг дунёқараши, маънавий-эстетик олами, айниқса, қўлёзма манбаларда ўзининг ёрқин, гўзал ифодасини топган бўлиб, бу манбалар соғлом эътиқодли комил инсонни тарбиялашдек муҳим ва ғоят масъулиятли ишда энг таъсирчан ва самарали воситалардан бири эканлиги аллақачон эътироф этилган ҳақиқатдир.

Миллий-маънавий қадриятларимиз тикланиб, қадимий қўлёзма меросимиз дурдоналарини ҳар томонлама янада чуқурроқ ўрганишга давлат сиёсати даражасида жиддий аҳамият берилётган¹ ҳозирги кунда биз кўҳна маданий меросимизни, узоқ ўтмишга бориб тақаладиган миллий тарихимизни теранроқ англаб етмоқдамиз.

Фахруддин Алий Сафий бин Ҳусайн Воиз Кошифий (ваф. 939/1533)дир. Унинг ижоди дунёвий ва диний илмларнинг турли соҳаларини қамраб олганлиги билан аҳамиятли. Фахруддин Алий Сафий асарлари, хусусан, «Рашаҳот айну-л-ҳаёт»² да аждодларимиз илмий мероси орқали юксак фазилатларга эга бўлган инсонни тарбиялаш, ёшларни динимиз асослари орқали соғлом тафаккур ва пок ахлоққа тарғиб қилиш ғоялари ўз ифодасини топган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қадимий қўлёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // «Халқ сўзи» газетаси, 2017 й. 25 май, №103 (6797), -Б.1.

² Бундан кейин «Рашаҳот» тарзида берилди.



Фахруддин Алий Сафий Кошифий Ҳиравий илмий-адабий мероси. XV–XVI аср мобайнида Ҳиротда яшаб, ижод этган шоир, етук манокъибнавис, Мавлоно Фахруддин Алий Сафий Кошифий Ҳиравий, ҳақиқатан, ўз даврида Ҳирот илмий-адабий муҳитининг етук алломаларидан, мумтоз адабиёт вакиллари билан ҳисобланади. У ўзига хос ижодий фаолияти ва илмий-адабий мероси билан ўз даври тасаввуф адабиётига муносиб ҳисса қўшган буюк ижодкордир.

Фахруддин Алий Сафий «Сафий» тахаллуси билан шеърлар ёзган. Унинг манзума қасидалари, шеърӣ дostonлари, шунингдек, «Рашаҳот айну-л-ҳаёт» асарида юзга яқин рубоӣ, маснавийлари мавжуд.

Қуйидаги асарлар Алий Сафий қаламига мансуб асарлар сифатида эътироф этилган: «Рашаҳот айну-л-ҳаёт» («Ҳаёт булоғидан томчилар»), «Латойифу-т-тавоӣф» («Ажойиб лутф сўзлар»), «Анису-л-орифин» («Ориф зотларнинг ҳамроҳи»), «Ҳирзу-л-амон мин фитани-л-замон» («Замона фитналаридан халос бўлиш учун омонлик чоралари»), «Фараснома-и Сафий» («Сафийнинг от ҳақидаги дostonи»), «Одобу-л-асҳоб» («Биродарлик одоби ёки Биродарлар учун одобнома китоби»), «Лавоӣҳу-л-қамар» («Ойнинг кўринишлари»), «Манзума-и Маҳмуд-у Айоз» («Маҳмуд ва Аёз ҳақида шеърӣ дoston»), «Асрор-и Қосимӣ».

Тожикистонлик олим М. Неъматов ўз тадқиқотида Алий Сафийнинг яна бир асари, яъни «Луғат-и Алий Сафий» («Алий Сафийнинг сўзлиги») ҳақида ахборот берган¹. ЎзР ФА ШИ фондида бу асар мавжуд эмас. Тожикистон ФА Шарқ кўлёмалари каталогига ёзилишича, мазкур «Луғат-и Алий Сафий» кўлёмаси Тожикистон ФА Шарқ кўлёмалари фондида сақланади ва асар муаллифнинг дастхат нусхаси бўлиши мумкин. Шахсий архивимизда Алий Сафийнинг дастхати мавжуд бўлгани боис келгусида биз бу асарни синчиклаб ўрганиб, бу масалага ойдинлик киритиш умидидамиз.

Алий Сафий ижодига оид янги топилмалар. Яқинда биз Алий Сафийнинг шу кунга қадар номаълум бўлиб келган яна иккита янги асари кўлёмасини ва бир ғазалини аниқлашга муваффақ бўлдик.

Бу кўлёмалардан бири ижодкорнинг «Шарҳ-и Маснавий» асаридир. Мазкур асарнинг ягона кўлёмаси ЎзР ФА ШИ фондида сақланиб келинмоқда.

Иккинчи кўлёмза эса «Тухфа-и мулук» номли асар бўлиб, бу асарнинг ҳам ягона кўлёмза нусхаси ЎзР ФА ШИ асосий фондида сақланмоқда. Ҳар икки асар форс тилида ёзилган. Ҳозирда биз ушбу ҳар икки кўлёмани алоҳида, тафсилотли тавсиф ва тадқиқ этишга киришганмиз.

Яқинда Ҳирот шоирлари шеърлари асосида тузилган баёзлар тўпламини тадқиқи асносида Алий Сафий қаламига мансуб бир ғазалга дуч келдик².

¹ <http://cheloveknauka.com/rashahotu-aynilhaet>.

² ЎзР ФА ШИ. Қ. №1023.-Б. 140а-140б.



№1023 инв. рақам остида сақланаётган “Мажмуъа-и баёз”нинг 140а-140б варақ ҳошиясида “Ғазал-и Мавлоно Фахруддин Алий мутахаллас ба-Сафий” сарлавҳаси остида шоирнинг ғазали келтирилган бўлиб, ғазал қуйидаги мисралар билан бошланган:

*Илоҳо, дар диёр-и меҳнатам ҳашият паноҳе деҳ,
Зи дарду доғ-и ишқам тож-у тахт подишоҳе деҳ!..*

(Мазмуни: Илоҳо, тириклик диёримда менга улуғвор омонлик ато қил, Дардманд дилимдан доғланган ишқимга тож-у тахт, султонлик ато қил!..)

Мазкур ғазал Алий Сафийнинг “Девон”идан олинганлиги аниқ. Галдаги муҳим вазифамиз ижодкорнинг ана ўша “Девон”ини топишдан иборат бўлмоқда.

Тошкент қўлёзма фондларида Алий Сафий Ҳиравий асарлари қўлёзмалари. ЎЗР ФА ШИ асосий фонди, Ҳ.Сулаймонов номидаги қўлёзмалар фонди, ЎЗР ФА Давлат адабиёт музейи фонди, Ўзбекистон Мусулмонлари Идораси кутубхонаси, ҳақиқатан, охирги минг йилликда яратилган илмий ва адабий манбалар хазинаси ҳисобланади. Мазкур қўлёзма фондларида Алий Сафийнинг юқорида номлари келтирилган барча асарларининг ўнлаб қўлёзма нусхалари ва тошбосма нашрлари сақланиб келинмоқда. Биз қуйида Фахруддин Алий Сафийнинг Тошкент қўлёзма хазиналаридан ЎЗР ФА ШИ асосий фондида мавжуд асарлари нодир қўлёзмалари тавсифи ва тадқиқи ҳақида қисқача сўз юритамиз. Шунини афсус билан айтиш ўринлики, ижодкор қаламига мансуб мазкур асарларнинг илмий-изоҳли замонавий нашрлари Ўзбекистонда ҳали-ҳамон амалга оширилмасдан келинмоқда.

Алий Сафийнинг шоҳ асари «Рашаҳот»дан кейин иккинчи йирик, муҳим асари, шубҳасиз, «Латойиф ат-тавойиф» асари ҳисобланади.

СВРда бу асар номи لطائف الطوائف «Тонкие слова людей разных категорий», яъни «Турли табақа вакилларининг нозик гўфт-у гўйлари» шаклида берилган¹. Бу асар ҳам форс тилида ёзилган.

Бу асарнинг ШИда ўн тўққизта нусхаси мавжуд ва улардан баъзиси, масалан, №9333 инв. рақам остида сақланаётган нусхаси сукутлик (аввали йўқ) нусхадир. Асарнинг нусхаларидан бири «Интиҳоб аз Латойифи-т-тавойиф» деб номланган бўлиб, у атиги 13 варақ (26 саҳифа)дан иборат. «Латойиф ат-тавойиф»нинг бу мухтасар нусхаси №4645 инв. рақам остида сақланаётган китобдаги иккинчи асар ҳисобланади.

Тадқиқотимизда асарнинг ШИ қўлёзмалар хазинасида №3636/1 рақами билан сақланаётган нусхасидан фойдаланилмоқда. Мазкур қўлёзма 21,5x26,6 см ҳажмда бўлиб, 119 варақ (238 саҳифа)дан иборат. Настаблик хатида, ҳар

¹ СВР АН УзССР, Т.5. – Т.: изд. «ФАН» УзССР, 1960. – С.144.



саҳифасида ўн уч сатрдан қилиб матн жойлаштирилган. Котиби Абдуллох Хўқандий. Қўлёзма ҳижр. 1253 сана (мил. 1837 й.)да китобат қилинган.

Асар қуйидагича бошланган (басмала, ҳамд ва салавотдан кейин):

و این رساله یست مسمی بلطایف الطوائف و لطایف بجهار ده باب است و الله ولی الرشاد و منه المبدء و ومعاد

Шундан сўнг муаллиф асар бобларининг номланишини бирма-бир баён қилган [15,16-2a]:

و فهرس الابواب باب اول این کتاب در بیان استحباب مزاج و در ذکر بعضی از مطایبهای حضرت رسول عالم صلی الله علیه و سلم ---

Биринчи боб Ҳазрат Пайғамбар солаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаи киромларга, ўз хонадони аҳлларига муборак ҳазил-мутойибалари зикри баёнидан; *Иккинчи боб* маъсум имомлар – Чаҳорёри киромлардан эшитилган нозик иборалар, уларнинг ҳазил-мутойибалари зикри баёнидан; *Учинчи боб* подшоҳларнинг ҳикоялари ва ўзаро ҳазил-мутойибалари зикри баёнидан; *Тўртинчи боб* амирлар, бекзодаларнинг ўзаро ҳазил-мутойибалари зикри баёнидан; *Бешинчи боб* сипоҳийлар (ҳарбий одамлар, яъни лашкарбошилар ва аскарлар)нинг ўзаро ҳазил-мутойибалари зикри баёнидан; *Олтинчи боб* фасиҳ ва балиғ, яъни сўзга чечан, гапни топиб гапирадиган инсонларнинг ўзаро ҳазил-мутойибалари зикри баёнидан; *Еттинчи боб* машойих, уламо, қозилар, фақиҳлар ва воъиз инсон-ларнинг ўзаро ҳазил-мутойибалари зикри баёнидан; *Саккизинчи боб* олдин яшаб ўтган ҳаким (донишманд) зотлар ва охириги давр ҳакимларининг ўзаро ҳазил-мутойибалари зикри баёнидан иборат. Мазкур саккизинчи бобда Алий Сафий таъбирчилар ва мунажжимларнинг ўзаро ҳазил-мутойибаларини ҳам нақл қилган.

Тўққизинчи бобда шоирларнинг ўзаро ҳазил-мутойибалари; *Ўнинчи бобда* шеър аҳли, яъни шоирларнинг ашъорида ўз аксини топган ажиб ва ғаройиб бадий лутфлар; *Ўн биринчи бобда* рижол (яъни, эр кишилар) ва аёлларнинг ўзаро ҳазил-мутойибалари; *Ўн иккинчи боб* бахил кимсалар, очофат одамлар ва ёш болаларнинг лутф сўзлари ҳақидадир.

Асар қуйидаги жумлалар билан тамомланган¹:

و صال نشیته ام و انتظاری آن میبرم که کجا باشد که این بار شود منتظر باش و چشم در بر در دار و کر نظر را در قنطار نهاد

Асар колофонидаги ёзув²:

تمت الكتاب يعون الملك الوهاب تمام شد این نسخه شریفه متبرکه میمؤن المبارک مسمی بلطایف الطرایف حضرت مولانای جام نوره الله مرقدہ در ید ضعیف نخیف حقیر و غریب و شکسته ناتوان بر تقصیر عبد الله خوفندی جواهری بامر امارت حکومت دستکاه در روز چهار شنبه در نهم ماه ربیع الثانی سنه 1253 اختتام بزیرفت

خط تقدیست خالی از غلط

هیچ خطی نیست خالی از غلط

¹ ЎзР ФА ШИ. Қ. №3636/1. – Б. 119^a.

² ЎзР ФА ШИ. Қ. №3636/1. – Б. 119^a.



اللهم اغفر لى و لوالديه و الاستاذيه و لجميع المؤمنين و المؤمنات و المسلمين و المسلمات امين و رب العالمين

روزیکه مرک دامن عمرم رها کنند
این خاک تیره بند ز بندم جدا کنند
یارب نگاه دار تو ایمان آن کسی
کین خط من بوسند من را دعا کنند

«Латойиф ат-тавойиф»нинг яна бир нодир қўлёзма нусхаси №3655 инв. рақам билан сақланади. Бу нодир нусха 1278/1863 йилда китобат қилинган, настаълиқ хатида, жами 119варақ (238 саҳифа)дан иборат. Кўчирувчиси – Мулло Исмоил ибн Мулло Азимбой.

Асар қуйидагича бошланган (басмаладан сўнг)¹:

بعد از اداى لطايف تحميداد الهى و وظائف صلوات حضرت رسالت بناهى عليه و آله صلوة ---
جنين كويد فقير بفقير نسبتى مبادى على بن الحسين الواعظ الكاشفى المشتهر با الصفى ائده الله با لطف
الخفى كه جون در شهور سنهء تسع و تسعمائه بواسطه تحول روزكار و تقلب ليل و نهار بعد خلاص و
نجات از حبس يك ساله شهر هرات و يحمل انواع رياضات و اصناف بليات بدود هرات رود باركه از
جبال –

Мазкур нусханинг бошланиши юқоридаги нусха бошланишидан фарқли экани яққол кўриниб турибди. «Асар бошланиши аслиятда қандай ўзи?» деган саволга жавоб топишимиз учун ушбу асарнинг ё дастхат нусхаси лозим ва ё ишончли нусхасидан китобат қилинган қўлёзмаси керак бўлади.

Асар қуйидагича тамомланган [18,1196]:

و صال نشيته ام و انتظارى آن ميبرم كه كجا ياشد كه اين بار شود منتظر باش و چشم در بر در دار
و كر نظر را در قنطار نهاد
تمت الكتاب بعز الملك الوهاب نسخهء لطايف الظرايف سنه 1278 شد بتوفيق خداى لا ینام این کتابت
روز جمعه شد تمام على يد الضعيف يخييف ملا اسماعيل ابن ملا عظيم باى غفر الله تعالى ذنوبهما و ستر
عيوبهما والله اعلم بالصواب

Қуйидагилар китобнинг ўнг тарафи ҳошиясида қиялатиб ёзилган [18,2206]:

هر كه خواند دعا طمع دارم
شكر كه اين نسخهء بعنوان رسيد
زانکه من بنده کنه کارم
بيشتر از مرک ميا يان رسيد

Шундан сўнг кейинги, яъни 221а саҳифада басмала ва унинг қуйида жами олти мисра форсий шеър ёзилган.

Мир Алишер Навоий одамлар таълим-тарбияси, қизиқишлари ва эътиқодига кўра уларни бир неча табақаларга бўлган. Алишер Навоийнинг фикрича, ўттиздан ортиқроқ табақалар бор².

Алий Сафий «Латойиф ат-тавойиф»да мазкур табақалардан баъзиларининг ўзаро суҳбат, гурунг, мулоқот асносидаги «бадийҳатан» (ҳозиржавоблик билан) айтган гап-сўзларини келтириш билан бирга ўша шахслардан ҳар бирининг маънавий даражаси борлигига ҳам ишора қилган.

¹ ЎзР ФА ШИ. Қ. №3655. – Б. 1⁶.

² Навоий Алишер. Ўн беш томлик асарлар. Хазоинул-маъоний. Фаройибус-сиғар. 1-том. Нашрга тайёрловчи Ҳ. Сулаймон. – Т., 1963. – Б.12.



«Латойиф ат-тавойиф» Эронлик олим Аҳмад Гулчин Маъоний томонидан муқаддима, илмий-изоҳлар ва кўрсаткичлар иловаси билан нашр этилган¹. Китоб «Иқбол» нашриёти муҳри билан ЎзР ФА ШИга ҳада қилинган ва у институт қўлёмалар асосий фондида №22624 рақами билан сақланади. «Латойиф ат-тавойиф»нинг мазкур Эрон нашри билан асарнинг Тошкент қўлёмалар нусхалари матншунослик ва манбашунослигимиз нуктаи назаридан келгусида, албатта, қиёслаб тадқиқ этилиши лозим.

Умуман олганда, «Латойиф ат-тавойиф» мумтоз адабиётимизда анъана бўлган бадиий-тарихий насрнинг йирик намунаси бўлиб, Алий Сафий ижодида ўзига хос ўрин тутади.

2. «Анису-л-орифин» («Ориф зотларнинг ҳамроҳи»). Бу асарнинг нафақат ШИ қўлёмалар хазинасида ва умуман, Тошкент фондларида қўлёмалар, тошбосма ва ё литографик нашри нусхаси мавжуд эмас.

3. «Ҳирзу-л-амон мин фитани-л-замон» («Замона фитналаридан халос бўлиш учун омонлик чоралари»). Бу асарнинг ШИ қўлёмалар асосий фондида жами 14 та қўлёмалар нусхаси мавжуд бўлиб, бу асар ҳам форс тилида ёзилган.

Биз тадқиқотимизда асарнинг ШИ қўлёмалар хазинасида №9423 рақами билан сақланаётган нусхасидан фойдаланмоқдамиз. Қўлёмалар ҳижрий 1098 сана / милодий 1686 йилда кўчирилган. Котиб – Абу Толиб Абдулмалик. Мазкур қўлёмалар нусха 15x24,5 см ҳажмда, 108 varaқ (216 саҳифа)дан иборат. Настаълиқ хатида. Ҳар саҳифасида 21 сатрдан қилиб матн кўчирилган.

Асар қуйидагича бошланган (басмаладан кейин)²:

الحمد لله محب الدعوات و رافع الدرجات و الصلوة و السلام على سيدنا محمد و له مظهر الخيرات و مطهر البركات أما بعد جنين كويد فقير بي بضاعت و حقير خالی از استطاعت على بن الحسين الواضع الكاشف ابدہ الله بالطف الخفی که این مجموعه است بر خواص حروف مقطعه قرآنی و اسماء حسناى ربانى و سوار و آیات فرقانى که از نفايس علوم خفيه است و مخصوص است بحضرت كرام اهل نبيت عليهم الصلوة و السلام—

4. «Фараснома-и Сафий» («Сафийнинг от ҳақидаги достони»).

Бу асарнинг нафақат ЎзР ФА ШИда бир дона литографик нашри мустасно, биронта қўлёмалар нусхаси, шунингдек, тошбосма нусхаси ҳам топилмади. Аммо эронлик тадқиқотчи А.Г.Маъоний бу асар қўлёмаси ҳақида маълумот берган ва литографик нашри мавжудлигини ҳам айтиб ўтган. «Фараснома-и Сафий» асари форс тилида ёзилган бўлиб, мазкур асар от ҳақида ва айниқса, отлар парвариши билан боғлиқ бўлган бир қатор жиҳатларни ўрганишда қўл келиши билан ҳам аҳамиятлидир.

5. «Одобу-л-асҳоб» («Биродарлик одоби» ёки «Биродарлар учун одобнома» китоби).

¹ لطائف الطوائف تأليف: مولانا فخرالدين على صفى (متوفى بسال 939)

با مقدمه و تصحيح و تحشيه و تراجم اعلام بسعى و اهتمام احمد كلجين معانى از انتشارات اقبال تهران، آذرماه 1336، 424 ص، فهرست لطائف الطوائف: صص-462 – 325

² ЎзР ФА ШИ. Қ. №9423. – Б.1⁶.



ШИ қўлёзмалар асосий фондида мазкур асарнинг жами саккизта қўлёзма нусхаси мавжуд.

Биз асарнинг ШИ қўлёзмалар хазинасида №11726 инв. рақами билан сақланаётган нусхасидан фойдаландик. Қўлёзма ҳижр. 1284 сана / мил. 1867–1768 йилда кўчирилган бўлиб, 12,5x20,5 см ҳажмда ва жами 175 varaқ (350 саҳифа)дан иборат. Котиб – Мир Файзуллоҳ Тошкандий.

Асар қуйидагича бошланган (басмаладан сўнг)¹:

الحمد لله الذي زين من جزيل عطائه قلوب اوليائه بمحاسن الاوصاف و الأداب و الصلوة على سيدنا
الذي بعثه الله لنتيم مكارم الاخلاق و ادابه باحسان التأديب في كل باب و السلام على آله و اصحابه المتأدبين
بأدابه بلا از تياب اما بعد ---

Қўлёзма колофонидаги ёзув²:

تمام يافت اين نسخهء شريف اين غريق بحر عصيان محتاج برحمة ملك منان مير فيض الله تاشكندى
روز يكشنبه از هجرت هزار و دو صد و هفتاد چهار بود اتمام يافت

يا ارحم الراحمين يا هادى المضلين فر ياد رس

زانکه من بنده کنه کارم هر که خواند دعا طمع دارم

Ушбу varaқ тепасида котиб қалами билан 175, яъни «175-varaқ» деган ёзув мавжуд. Аммо қаламда ёзиб қўйилган varaқнинг рақами эса 179 кўрсатилган. Бунга китоб аввалида ёзилмасдан бўш қолдириб кетилган тўрт varaқ сабаб бўлган. Котиб уларни ҳисобга олмаган.

Асар одоб-ахлоқ масалаларига бағишланган. У ҳар бири тўрт фаслни ўз ичига олган саккиз бобдан иборат. Асарда инсон одоби мавзуларга ажратилган ҳолда панд-насихат тарзида тушунтириб берилган: *Биринчи фасл – истеъзон* (бировнинг олдига кириш учун изн сўрамоқ), *салом, мусофаҳа* (қўл бериб кўришмоқ), *муъонақа* (сафардан қайтганлар билан кучоклашиб кўришмоқ) ва *тақбил* (саломга жавоб қайтармоқ) одобидан; *Иккинчи фасл салом бермоқ* одоблари баёнидан; *Учинчи фасл мулокот* одоблари баёнидан; *Тўртинчи фасл суҳбат* аҳлининг баъзи атвор ва аҳволи зикридан иборат бўлиб, унда ўн тўрт одоб бор, яъни ухламоқ, либос киймоқ, йўл юрмоқ, отга минмоқ, масжидда ўзини бошқалардан устун қўймаслик ва бошқа қўплаб одоблар баён қилинган.

«Одобу-л-асҳоб» асари XIX асрда Муҳаммад Содик Кошғарий томонидан туркий тилга таржима қилинган. Мазкур таржима Тошкентда «Одобу-л-солиҳин» (Солиҳ зотлар одоби) номи билан литографик усулда нашр бўлган. 1895 йилда эса Н.С.Ликошин тарафидан «Одобу-с-солиҳин»нинг рус тилидаги қисқартирилган мазмуни эълон қилинган. 1889 йилда «Лахтин» босмаҳонасида чоп этилган. 1900 йилда мазкур таржима Тошкентдаги «Порцев» матбаасида «Мусулмонликка оид материаллар тўплами» (Сборник материалов по мусульманству)нинг иккинчи жилдида

¹ ЎзР ФА ШИ. Қ. №.11726. – Б.1^б.

² ЎзР ФА ШИ. Қ. №.11726. – Б.79а.



қайта нашр этилган. Мазкур нашрга асосланилган рус тилидаги асар матни 1992 йили «Камалак» нашриётида чоп қилинган¹.

Мазкур асарнинг бир қисми «Одобу-л-асҳоб»дан» деган ном билан замонавий ўзбек тилига таржима қилиниб, тўпламда берилган². Умуман олганда, мазкур асар ҳам бадий-тарихий насрнинг йирик намунаси бўлиб, Алий Сафий ижодида ўзига хос ўрин тутади.

6. «Лавоиху-л-қамар» («Ойнинг кўринишлари ҳақида»). Асар форс тилида ёзилган.

Бу асар Алий Сафийга тегишлими ёки унинг отаси Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифийгами? Бу саволга жавоб топиш учун мазкур асар қўлёзмаларини яхшилаб тадқиқ этиш зарур.

«Лавоиху-л-қамар» асарининг ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар хазинасида учта нусхаси мавжуд бўлиб, аммо картотекада №8312/IV рақам билан сақланаётган нусхасигина қайд этилган, холос.

Асарнинг ШИ қўлёзмалар хазинасида яна бир қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, у №8312/4 рақами остида сақланади. Биз асарнинг ана шу нусхасидан фойдаландик. Мазкур қўлёзма ҳижр. 1234 сана / мил. 1819 йилда кўчирилган бўлиб, 15x20 см ҳажмда. Хати настаълиқ, ҳар варақда 19 сатрдан қилиб кўчирилган. Асар жами 60 варақ (120 саҳифа)дан иборат. Котиби – Муҳаммад ибн Алий Асғар.

Асар куйидагича бошланган (китоб номи ва басмаладан кейин) [11,606]:

من تصنيفات ملا على
الحمد لله الذى بيده حكمت ازمنة الاختيار و بفيضه قدرة القندار و الصلوة على رسوله و حبيبه محمد
الامين المختار المبعوث بإشارة و ---
اما بعد از اداء ثناء قادر مختار جلسة العطبة و علمت كلمة كه دست اختيار از تقلد اعمال كارخانه
ابداع و مشيت و تقريبات در خزانه اسرار قدرت و ارادت او كوتاه است يفعل الله ما يشاء و يحكم ما يريد و
نثار انوار ثوابت و سبارات لمن كان له قلب و القى السمع و هو شهيد---
جنين كويد فقير حسين على الصفى المشتهر بالكاشفى ايدالله باللطف الخفى كه جون بمدد و
دسبارى رفيق توفيق---تحقيق رساله كه---

Асар матнида қўзилган, аммо кейин «ас-Сафий» ёзиб қўйилган. Демак, котиб янглишиб, Алий Сафийга унинг отаси Мавлоно Кошифийнинг «Байҳақий» нисбасини берган, аммо кейинчалик бу хатони тузатган кўринади.

Муқаддима аввалидаги «Чунин гўйад ҳақийр фақийр Ибн Ҳусайн Алий ас-Сафий ал-муштаҳар би-л-Кошифий» жумласи Алий Сафийнинг услубини эслатади. Чунки унинг барча асарлари мана шундай бир хил услубда, яъни «Чунин мегўйад...» деб бошлангани билан диққатимизни тортади.

¹ Муҳаммед Садык-и Кашгари. Кодекс приличий на Востоке (Адаб ул-салихын). – Т.: «Камалак», 1992. 100 с.

² Алий Сафий. «Одоб ул-асҳоб»дан. – Б. 89–103 // Аждодларимиз маънавий меросидан. Масьул муҳаррир О.Бўриев. – Т.: «Фан», 2014. 160-б.



Асар ушбу жумлалар билан тамомланган¹:

---والله جامع الشمل و يتم النور و اليه تصير الامور وقع الفراغ من تسويده فى تاريخ شهر محرم الحرام سنة 1234 من الهجرة النبوية

Кейин куйидагилар чап тарафда сурх рангда қиялатиб ёзилган²:

حرره العبد الذليل الحقير الفقير المحتاج لرب الرحمان محمد بن علي عسكري الكازرونى سنة الف مائتين ثلثون اربع

Асарнинг ШИ қўлёзмалар хазинасида №460 инв. рақамда яна бир нусхаси мавжуд бўлиб, мазкур қўлёзма ҳижрий 1305 йилда кўчирилган, 21,5x26,6 см ҳажмда. Жами 127 варақ (254 саҳифа). Котиби номаълум. Қўлёзма ўтган аср бошларида юртимизда «ўрис қоғози» номи билан танилган замонавий қоғозга чиройли настаълиқда битилган.

Асар қуйидагича бошланган (басмаладан кейин)³:

الحمد لله الذى بيد حكمته الاختيار و بقبضة قدرته اغته الاقتدار و الصلوة و السلام على رسوله و حبيبه محمد الامين المختار المبعوث باشارات دريك يخلق ما يشاء و يختار و السلام على آله الامجاد الاطهار و صحبه الاخيار ---اصحابى كالنجوم جنين كويد فقير حسين بن على البيهقى المشتهر بالكاشفى ايده الله با للطف الخفى كه جون بمدد دوستيارى رفيق توفيق -

ШИ қўлёзмалар хазинаси картотекасида ҳам асар муаллифи «*Мавлоно Хусайн ал-Воъиз ибн Алий ал-Байҳақий ал-муштаҳар би-л-Кошифий*» дир. Қўлёзмада асарнинг Мавлоно Хусайн Кошифийга нисбат берилиши хато бўлган. Чунки Мавлоно Хусайн Воиз Кошифийнинг асарлари рўйхатида бу асар йўқ.

Демак, мазкур нусха кўчирилаётган вақтда котиб томонидан асар муаллифи номи хато ёзилган ёки шундай хатолик мавжуд бир қўлёзмадан китобат қилинган. Зеро, Алий Сафийга «Байҳақий», «ал-Байҳақий» нисбаларининг берилишига ҳам мана шу хатолик сабаб бўлгани аниқ бўлмоқда. Умуман олганда, мазкур асар ҳақиқатда кимга тегишли экани борасида қатъий ҳулосага келинмагани учун ҳам юқоридаги чалкашлик юзага келган. Бизнинг фикримизча, мазкур асар шу ҳолатида Алий Сафийга тегишли. Аммо асарнинг қадимий қўлёзмаси – муаллиф даврида китобат қилинган нусхаси топилсагина, асар Кошифийлардан қайси бирининг қаламига мансуб экани аниқ бўлади.

Мазкур нусха ушбу жумлалар билан тамомланган⁴:

بعد از ايشان مراتب هر يكى را بحسب مرتبه ايشان اثرى بود هر جند مرتبه اعلى و اكمل باشد ---اختيار در حق وى اتم و اشمل بود والله جامع الشمس و منهم النور و اليه تصير الامور

قد وقع الفراغ من تسويد النسخة الشريفة يوم

السبت 3 ذى الحجة الحرام سنة 1305 هجرى الف الف صلوة

Асарда, асосан, инсон, унинг кадр-қиймати, қобилятлари, феъл-атворлари хусусида батафсил сўз юритилган бўлиб, муаллиф унда

¹ ЎЗР ФА ШИ. Қ. №8312. – Б. 119^б.

² ЎЗР ФА ШИ. Қ. №8312. – Б. 119^б.

³ ЎЗР ФА ШИ. Қ. №460. – Б. 1^б-2^а.

⁴ ЎЗР ФА ШИ. Қ. №460. – Б. 126^б.



инсоннинг илм-у ирфон, касб-хунар, чиройли ахлоқ билан юксак даражалар топиши, аксинча бўлса, қадрсиз бир жонзот ҳолига тушиши мумкинлиги, охир-оқибат аянчли оқибатларга гирифторм бўлиши каби масалаларга кенг тўхталган.

Мазкур асар таълим-тарбия йўналишида бир қатор жиҳатларни ўрганишда қўл келиши билан ҳам аҳамиятлидир.

7. «Манзума-и Маҳмуд ва Айоз» («Маҳмуд ва Аёз ҳақида шеъринг дoston») ва 8. «Асрор-и Қосимий». Бу икки асарнинг наинки ШИДа ва умуман, Тошкент қўлёзма фондларида ҳозирча қўлёзма нусхаси, шунингдек, тошбосма ва литографик нашрлари ҳам топилмади. Эронлик тадқиқотчи А.Г.Маъоний «Манзума-и Маҳмуд ва Айоз» ҳамда «Асрор-и Қосимий» ҳақида маълумот берар экан, бу икки асар форс тилида ёзилганлиги, ҳатто «Манзума-и Маҳмуд ва Айоз» асарнинг литографик нашри мавжуд эканини ёзган¹.

Баъзи нашрларда Фаҳруддин Алий Сафий Имом Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Суҳравардий (ваф. 1234 й.)нинг «عيون الحقايق و إيضاح الطرايق» («Уйуну-л-ҳақойиқ ва изоҳу-т-таройиқ») (Ҳақиқатлар булоғи ва тариқатлар изоҳи) асарини арабчадан форс тилига таржима қилгани айтилган². Афсуски бу асарнинг ҳам ЎзР ФА ШИ фондида ва умуман, Тошкент қўлёзма фондларида биронта ҳам қўлёзма нусхаси, шунингдек, тошбосма ва литографик нашри ҳам топилмади.

Хулоса. Алий Сафий асарларининг Эрон нашрларини Тошкент қўлёзма фондларида мавжуд қўлёзмалари билан ўзаро қиёслаганимизда, шу нарсага қатъий амин бўлдики, ижодкор асарларининг Тошкент қўлёзма нусхалари қадимийлиги, матнларининг тўлиқ экани билан замонавий илмий нашрлардан фарқ қилади. Литографик ва тошбосма нашрларнинг ҳам кўп жойларида чалкашликлар учрайди. Алий Сафий асарларининг Тошкент қўлёзма нусхалари мана шу жиҳатдан ғоят катта илмий аҳамиятга эгадир.

Фаҳруддин Алий Сафий ўзидан бой илмий-адабий мерос қолдирган. Унинг асарлари ўзига хос услубда, маҳорат билан ёзилгани учун ҳам асарларининг юзлаб қўлёзма ҳолида китобат қилиниб, бизгача етиб келгани сўзимизнинг яққол далилидир. Ижодкорнинг эътиқодий, ахлоқий, тасаввуфий-ирфоний қарашлари чуқур акс этган меросини чуқур тадқиқ этган ҳолда илм-у маърифатга чанқоқ халқимизга етказиш галдаги муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

¹ Мавлоно Фаҳруддин Алий Сафий. Латойиф ат-тавойиф. – Теҳрон, 1373/1953. – Б.8.

² Ўрта аср шарқ алломалари энциклопедияси. – Самарқанд, 2016. – Б. 353–354.

**ЧЎТМАТОВ ЖЎРАБЕК**

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази

Термизда астрономик билимлар ривож тарихидан

Аннотация. Ушбу мақола юртимиздаги астрономия тарихи, хусусан, мовароуннахрлик олимларнинг ушбу соҳага оид фаолиятига бағишланган. Мовароуннахрнинг дастлабки астрономлари сифатида Мусо ал-Хоразмий ва Аҳмад ал-Фаргонийларни қайд этиши мумкин бўлса-да, уларнинг фаолиятида Ироқ, Сурия ва Мисрдаги фаолият устуворлик касб этади. Шу нуқтаи назардан маҳаллий мактаблар ва уларнинг ривожини кузатиши ҳам долзарб аҳамиятга эга. Бу жараёнда эса ҳозирги Сурхондарё вилояти ҳудудларида жойлашган Термиз ва Чағониён вилоятларининг ўзига хос ўрни бор. Жумладан, устурлобнинг ислом дунёсига кириб келганидан тахминан 70 йилча ўтиб Муҳаммад Ҳаким Термизий (тахм. 820-932) орқали Термиз ҳудудида ҳам ишлатила бошланганлиги алоҳида аҳамиятга эгадир. Ундан кейин ҳам X аср охирларида Аҳмад Устурлобий Чағониённинг Бағдод расадхоналаридаги фаолияти ҳам алоҳида диққатга сазовор бўлиб, унинг қўлғамалари Туркия, Ҳиндистонда, Дамашқ, Англия ва Парижда сақланади. Уларни ўрганиши ҳам шубҳасиз ҳозиргача етарли даражада тадқиқ этилмаган юртимиз олимлари ва маҳаллий астрономия тарихини ўрганишига муносиб ҳисса бўлиб қўйилади.

Термиз, умуман, Сурхон воҳасида амалда бўлган астрономия мактаби ўзининг маълум маънодаги чўққисига саййид Абулқосим Маждиддин Али ибн Жаъфар даврида 1135-1146 йиллар оралигида Термизда 10 йил давомида қурилган расадхона тимсолида чиқди, дейиши мумкин. Бу расадхонада Адиб Собир Термизий каби маҳаллий олимлар ҳам ишлаганлиги диққатга сазовор.

Ҳожжи Халифа (1609-1657) Саййид Жамолиддин Абу Жаъфар Ҳусайн ибн Мажд Али ибн Аҳмад Ҳусайний Термизий Айнийнинг нуҷум илми аҳкомларига оид туркий тилдаги “Мазақ ал-ушиоқ фий илм ал-офоқ (Уфқлар ҳақидаги илм борасида ошиқлар топган таъм) китоби ҳақида маълумот беради. Шунингдек, Ҳожжи Халифа “Ҳақоик ал-ирсод” (Кузатувлар аниқлиги) номли асардаги ўлчов андазалари ҳақида берган айрим маълумотлар унда қайд этилган кузатувлар Термизда бўлганлигини ёки бу узунлик ва ўлчовлар Термиз андозаларига кўра эканлиги маъносини билдиради. Тадқиқот натижаси сифатида айтиши мумкинки, Сурхон воҳасининг астрономик мактаби ҳам юртимиз ва ислом дунёси миқёсида ўз ўрнига эга мактаб даражасида шаклланган бўлиб, бу тўғридаги тадқиқотларни янада кенгайтириши халқимизнинг интеллектуал салоҳияти тарихини ёритишида муҳим аҳамиятга эга.

Таянч сўз ва иборалар: Дамашқ, Бағдод, Термиз, Чағониён, Ҳаким Термизий, Маждиддин, Аҳмад Согоний, расадхона, устурлоб.

Аннотация. Статья посвящена истории астрономии в нашей стране, в частности деятельности Мовароуннахрских ученых в этой области. Хотя Муса аль-Хорезми и Ахмад аль-Фергани можно назвать первыми астрономами Мовароуннахра, их деятельность в Ираке, Сирии и Египте является преобладающей. В этом контексте также важен исследование местных школ и их развития. Особое место в этом процессе занимают Термезская и Чаганианская области, расположенные на территории современной Сурхандарьинской области. В частности, примерно через 70 лет после введения астралаба в исламский мир, его начал использовать на территории Термеза



Мухаммад Хаким Термизи (ок. 820–932). Затем, в конце X века, деятельность Ахмада Устурлаби Чагани в обсерваториях Багдада была особенно примечательна, а его рукописи сохранились в Турции, Индии, Дамаске, Англии и Париже. Их изучение, несомненно, внесет достойный вклад в изучение истории ученых нашей страны и отечественной астрономии, которая еще недостаточно изучена.

Термез, в целом астрономическая школа, действующая в Сурхандарьинском оазисе, достигла своего пика в виде обсерватории, построенной в Термезе за 10 лет во время правления Сеййида Абул-Касим Маджиддин Али ибн Джафара, 1135-1146 гг. Примечательно, что в этой обсерватории работали и местные ученые, такие как Адиб Сабир Термизи.

Хаджи Халифа (1609-1657) дает информацию о книге Сеййид Джамалиддин Абу Джафар Хусейн ибн Маджд Али ибн Ахмад Хусейн ат-Тирмизи «Мазак аль-ушшақ фи ilm аль-афак» (Вкус, который любители находят в науке о горизонтах). Кроме того, некоторая информация, предоставленная Хаджи Халифой о схемах измерения в «Хакаик аль-ирсад» (Точности измерения), означает, что упомянутые в нем наблюдения проводились в Термезе или что эти длины и измерения соответствовали стандартам Термеза. О результате проведенных исследований можно сказать, что астрономические традиции Сурхандарьинского оазиса сформировались на уровне школы в нашей стране и в исламском мире, и дальнейшее расширение исследований важно для осециания истории интеллектуального потенциала нашей страны.

Опорные слова и выражения: Дамаск, Багдад, Термез, Чаганиян, Хаким Тирмизи, Маджиддин, Ахмад Чагани, обсерватория, астролябия.

Abstract. This article is devoted to the history of astronomy in our country, in particular, the work of scientists of Mowarounnahr in this field. Although Musa al-Khwarizmi and Ahmad al-Farghani are the first Uzbek astronomers, their work in Iraq, Syria and Egypt is a priority. In this context, monitoring local schools and their development is also important. Termez and Chaghaniyan regions, located in the present-day Surkhandarya region, have a special place in this process. In particular, about 70 years after the introduction of the usturlub into the Islamic world, it began to use in the territory of Termez through Muhammad Hakim Termizi (ca. 820-932). Then, in the late tenth century, Ahmad Usturlabi Chaghani's work in the observatories of Baghdad was particularly noteworthy, and his manuscripts are preserved in Turkey, India, Damascus, England, and Paris. Their study will undoubtedly make a worthy contribution to the study of the history of our country's scientists and local astronomy, which has not yet been sufficiently studied. Termez, in general, the astronomical school operating in the Surkhandarya oasis, reached its peak in the form of an observatory built in Termez for 10 years during the reign of Sayyid Abul-Qasim Majdiddin Ali ibn Jafar from 1135 to 1146. It is noteworthy that local scientists such as Adib Sabir Termizi also worked at this observatory.

Haji Khalifa (1609-1657) gives information about Sayyid Jamal al-Din Abu Ja'far Husayn ibn Majd Ali ibn Ahmad Husayn al-Tirmidhi Ayni's book on astronomy in Turkish "Mazaq al-ushshaq fiy ilm al-ofaq" (The taste that lovers find in the science of horizons). In addition, some of the information given by Haji Khalifa about the measurement patterns in Haqqiq al-Irsad means that the observations mentioned in it were in Termez or that these lengths and measurements were according to Termez standards. Because of the research, it can be said that the astronomical school of the Surkhandarya oasis has also been formed at the level of a school that has a place in our country and the Islamic world.



Keywords and expressions: *Damascus, Bagdad, Termiz, Chaganian, Hakim Termizi, Madjiddin, Ahmad Sagani, observatory, astrolabe.*

Маълумки, само доимо инсонларни ўзлари яшаётган Ер билан баб-баравар қизиқтирган. Зеро, кишилар ҳар вақт ўз мавжудликларининг туб асос ва сабаблари айнан само билан узвий боғлиқлигини табиий тарзда англаганлар. Шу сабабли осмон ва ундаги жисмларга қизиқиш ҳамда уларни илмий таҳлил қилиш тарихи ҳам қадимийдир. Юртимиздаги фалакиётшунослик илми тарихини алоҳида мавзуси сифатида тизимли тадқиқ этиш тарихимизни ўрганишнинг муҳим қисми эканлигига шубҳа йўқ. Қуйида юртимизнинг қадимий илм-фан марказларидан бўлган Термиздаги III/VIII аср ва ундан кейинги даврлардаги фалакиётшуносликка оид билимлар тарихига мавжуд маълумотлар асосида назар ташланиб, таҳлил этилади.

Дастлабки расадхона юнонларга нисбат берилса-да, бу борадаги илк ёзма маълумот мил. авв. XIII асрдаги Искандария расадхонасига тегишли. Кейинчалик мусулмонлар даврида юзага келган “расадхона” атамасидаги “расад” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, “расад” ёки “расд” (кузатув, текширув) ёки “марсад” (кузатиш, назорат қилиш жойи) шаклида келади. Бу иншоот турли халқларда турлича аталганлиги ҳам тарихдан маълум. Ушбу кузатув биносининг асосий асбобларидан бир эса устурлобдир.

Юнонча сўз бўлган “устурлоб” (ἀστρολάβον) маъноси ҳақида дейиладики, “устур, астр” ва “лабун” каби икки сўз бирикмасидан ташкил топган бу сўз “юлдузлар ойнаси” маъносини билдиради. Яна у “ёритилиш” ва “олиш” ёки “юлдузлар” ва “олиш” сўз бирикмаларидан ташкил топгани ҳам айтилади. У – астрономик ва геодезик кузатувлар учун ишлатиладиган гониометрикал қобикдир. Унинг ихтиро қилинган вақти аниқ чегараланмаган. Аммо унинг илк бор тилга олинishi Искандария мактабининг юнон олими Аристархга (тахм. мил. авв. 310-230 йиллар) мансуб. Яна айтилишича, устурлобни энг аввал ясаган киши юнон Гиппаркус (тахм. мил. авв. 180-125). Аммо ушбу асбоб мусулмонлар қўлида дунёга машҳур бўлди ва такомиллашди.

Мовароуннаҳрда устурлоб масаласидаги тарих, шубҳасиз, Мусо ал-Хоразмий (780-850) (жумладан, бизгача турли тилларда етиб келган «Устурлоб билан ишлаш ҳақида китоб», «Устурлоб яшаш ҳақида китоб», «Устурлоб ёрдамида азимутни аниқлаш ҳақида» асарлари мисолида) ва Аҳмад Фарғонийга (797-865) («Устурлоб яшаш ҳақида китоб» — қўлёзмалари Берлин, Лондон, Машҳад, Париж ва Техрон кутубхоналарида, «Устурлоб билан амал қилиш ҳақида китоб» каби асарлар мисолида) бориб тақалади. Мусо Хоразмий Бағдодда¹, Аҳмад Фарғоний эса, тахминларга кўра, Дамашқдаги расадхонада ишлаб, кейинчалик Сурия ва Мисрда ҳам фаолият юритган²,

¹ Ahmedov A. Muso al-Xorazmiy. Ma'naviyat yulduzlari. 1999, p. 36-44.

² Ahmedov A. Ahmad al-Farg'oniy. Ma'naviyat yulduzlari. 1999, p. 44-49.



Шу билан бирга бевосита Мовароуннаҳрда яшаб, астрономия илми билан шуғулланган олимлар фаолиятини ўрганиш ҳам долзарб ҳисобланади. Жумладан, устурлобни ишлатиб, завол ва буржларга тегишли ҳисоб-китоблар билан шуғулланган дастлабки шахслардан бири сифатида “Ҳаким Термизий” номи билан машҳур Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Бишр ибн Ҳорун Термизийни (тахм. 205-318/820-932) қайд этиш мумкин. У зот ўзининг автобиографик рисоласида дейди: “Сўнгра ушбу йилларнинг бирида завол ишини ўлчаш, буржларнинг ишларидан бўлган бу ҳисоб-китобларни ўрганиш ва устурлоб билан машғул бўлдим. Бас, бу ишларга чуқур ҳафсала билан киришдим”¹. Ушбу ўринда “устурлоб” атамасининг қўлланилиши жуда аҳамиятлидир. Бу устурлобни ким ясаган? У қаердан келиб қолган? Бу саволларнинг жавоби ҳали бизга номаълум. Аммо юртимизда устурлобни биринчи бўлиб ишлатган шахслардан бири Ҳаким Термизий эканлиги ушбу рисоладан маълум бўлади. Агар бу, матндан англашилганидек, муаллиф умрининг бошларида бўлганлиги ҳисобга олинса, бу камида III/IX-асрнинг иккинчи чорагидир. Чунки Ибн Надиймнинг (ваф. 438/1047) келтиришича, мусулмонларда биринчи бўлиб устурлоб аббосий халифа Мансур (95-158/714-775, халифалиги 136/753 йилдан) даврида ишлатилган. Уни саҳоба Самура ибн Жундуб ибн Ҳилол Фазорий (р.а.)нинг (ваф. 58/678) авлодидан бўлган Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳабиб Фазорий (ваф. тахм. 180/796) ясаган. У митбаҳ (кенгликларга оид асбоб) ва мистаҳ (сатҳ- юзага оид асбоб) асбобларини ҳам ясаган ва илми нужум, заволларни ўлчаш, зиж, устурлобни ишлатиш ҳақидаги китоблар битган². Муҳаммад Ҳаким Термизий ушбу асарларни ўқигани ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бундан келиб чиқадики, бу мослама мусулмон оламида биринчи бор ясалгандан сўнг, тахминан 70 йил орасида Термизда ҳам ишлатилган.

Мисрда туғилиб, Ҳалабда яшаган, қозилик ва вазирлик лавозимларида фаолият кўрсатган, эллик минг динорга тенг кутубхонаси бўлган ва оила ташвишларидан ҳам четланиб, умрини илмга бағишлаган Қифтий (568-646/1172-1248) ва кўплаб тилларни билган, тиб, фалакиёт каби илмлар билан шуғулланган насроний Ибн Абрий (623-685/1226-1286) Абу Ҳомид Аҳмад ибн Муҳаммад Соғоний Устурлобий ҳақида маълумот беради. Ибн Ибрий унга “Устурлобий” эмас, “Мантиқий” тахаллусини ишлатади. Унинг айтишича, у ҳандаса ва фалакиёт илмида фозилдир. Унинг унга нисбат бериладиган ва бу билан фахрланадиган шогирдлари бор. У устурлоб ва бошқа расадхона асбобларини ясашда ғоятда моҳир бўлиб, қадимий устурлобга кўшимча киритди ва бу билан ушбу соҳадаги олимлардан ўзидан бошқага насиб бўлмаган тарзда ўзиб кетди. Унинг бу асбоби бу соҳа арбоблари қўлида ушбу замон ва вақтда маъруф-у машҳурдир. У солиҳ амир сифатида эътироф этиладиган Аздуддав-

¹ Hakim Termiziy. Buduvvu sha'n. Xatm al-avliyo. 1965, p. 27. O'zbekcha tarjima: Buduvvu sha'n. Muhammad Hakim Termiziy risolalari. 2017, p. 37.

² Ibn Nadiyah. Al-Fihrist. 1971, VII, p. 332.



ланинг ўгли Шарофуддавлa Шеровайх Абулфаворис (340-379/951-989) “Дорул мамлакат” бўстониинг бир четида қурдирган Бағдоддаги Абу Сахл Вайжан ибн Рустам Кўхий (асли Тобаристоннинг тоғларидан дейилади, ваф. 390/1000) бошлиқ бўлган расадхона фаолиятини қуриш ва йўлга қўйишда алоҳида хизматлар кўрсатган. У ўз хати билан куёшининг икки буржга нузули тасҳихини битди. Ушбу Абу Ҳомид уч юз етмиш тўққизинчи сананинг зулкаъда ёки зулҳижжа ойида (990 йилнинг январнинг охири-февраль ёки март ойи) Бағдодда вафот этди. У ушбу расадхона фаолияти ва хулосаларини баҳоловчи асосий шахслардан бири бўлган. Қифтий унинг номини ушбу расадхона мажлисларидан бирининг қайд қилиш чоғида ҳам унга ҳозир бўлганлар жумласида исмини тўлиқ келтиргач, унга “соҳиб ал-устурлоб” (устурлоб эгаси-муаллифи) лақабини қўшган ҳолда зикр қилади¹. Кейинчалик ушбу Соғоний Устурлобий ҳақида сўз юритган замонавий тадқиқотчилар Ибн Ибрий ва Қифтийга таянишган².

Маълумотларга кўра, ушбу Аҳмад ибн Муҳаммад Соғоний Устурлобийнинг Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Тўпқопу Сарой кутубхонасида 4/3342 рақам остида “Китоб фи-т-тастихит тамм” (Сатҳларни батамом ўлчаш) номли, яна Ҳиндистондаги Патна шаҳрининг Худобахш кутубхонасида 90/22 ва 49/2468 рақамлари остида “Китоб фий кайфийяти тастихил курра ʔала сатҳил устурлоб” (Ер) курраси сатҳини устурлоб сатҳи билан ўлчаш кайфияти) номли асарлари мавжуд. Шунингдек, ушбу Устурлобийнинг Дамашк, Англия, Париж каби жойларда сақланаётган бошқа асарлари ҳақида ҳам маълумотлар бўлиб, у ва унинг илмий кузатувлари ҳақидаги Берунийнинг ўз асарларида билдирган фикрлари мавжуд³.

Ушбу ўринда келган “Соғоний”нинг нисбат берилиш ўрни ҳақида нима дейиш мумкин? Самъонийга кўра, Соғоний нисбаси икки жойга нисбат берилади ва икки хил ёзилади: Со(о)ғо(о)ний (صاغانى) ва “Соғо(о)ний (صغاني). Биринчиси, “Жо(о)ғо(о)н (جاغان) ҳам дейиладиган Марв қишлоқларидан бири. Кейингиси эса Мовароуннаҳрда бўлиб, Термизга туташ жой номи. Чағониён- ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Олтинсой, Денов, Бойсун, Қумқўрғон, Сариосиё ва Шўрчи туманларига тўғри келади⁴. Аммо муаммо бу билан ҳал бўлмайди. Чунки Самъонийнинг айтишича, биринчи нисба иккинчи жойга нисбатан ҳам қўлланилади. Ҳатто баъзида бу борада чалкашликлар ҳам бор. Масалан, Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ Соғо(о)ний “Со(о)ғо(о)ний” ҳам дейилади ва у аслида Соғониёндан. Мусулмон тарихчи ва географлари, шу жумладан, Самъонийда ҳам асосан “Соғо(о)ний(о)н” (صغانيان) ишлатилади⁵. Шундай қилиб, манбаларга кўра, юқоридаги устурло-

¹ Qiftiy. Tarix al-hukamo. 1903, p. 79, 353. Ibn Ibriy. Tarix muxtasar ad-duval. 1994, p. 307.

² Farshux. Mavsu'atu abaqirotul islam. 1995, V, p. 93. Zirikliy. Al-A'lom. 2002, I, p. 210.

³ Abduhalimov B. Ahmad Usturlobiy. Ma'naviyat yulduzlari. 2001, p. 62-64. Abduhalimov B. Bayt al-hikma va O'rta Osiyo olimlarining Bag'doddagi ilmiy faoliyati. 2004, p. 188-190.

⁴ Kamaliddinov Sh. Istoricheskaya geografiya Yujnogo Sogda i Toxaristana. 1996, p. 132.

⁵ Sam'oniyy. Al-Ansob. 1980-1984. VIII, p. 9, 68-70.



бий Мовароуннахрдаги Соғониёнга мансуб бўлиши ҳам мумкин. Чунки Марвдаги қишлоқ нисбатан кичкина, Мовароуннахрдагиси эса маълум ва машхур ҳамда катта ҳудудни ўз ичига олган. Беруний ҳам унинг номини “Абу Ҳомид Соғоний” (صغاني) деб беради¹. Қолаверса, юқорида ўтганидек, Муҳаммад Ҳаким Термизий устурлоб ишлатгани ҳақида ўзининг автобиографик асарида айтган. Ушбу Устурлобий эса бу ишларни давом эттирган бўлиши эҳтимол. Чунки кейинчалик ҳам Термизда расадхона ишлари давом этганлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Келажакда ушбу Соғонийнинг юқорида келтирилган қўлёзма асарларини ўрганиш ҳам бу борадаги баҳсга ечим бериши мумкин. Умуман, олганда эса ушбу Соғонийнинг расадхона ва унинг асбоблари борасида бу даражага етиши, Ҳаким Термизийнинг эса устурлобни ишлатилиши ҳамда у билан чуқур ҳафсала билан машғул бўлиши кабилар ҳозирги Сурхон воҳаси, хусусан, Термизда ҳам III/IX-асрдаги астрономик билимлар ривожига далолат қилади. Баъзи манбаларга кўра эса, Муҳаммад Ҳаким Термизий ва ушбу Устурлобий қариндош ва устоз шогирд бўлишган. Аммо ушбу манбалар ҳали атрофлича ва танқидий нуқтаи назардан ўрганилмаган.

Мусулмонларнинг илк расадхонасини умавийлар Дамашқда курдиришган. Лекин Маъмун (170-218/786-833, халифалиги: 198-218/813-833) биринчи бор расадхонада тегишли асбобларни ишлатишни йўлга қўйган ва Дамашқдаги Қосюн тоғида ва Бағдоддаги Шаммосияда катта расадхона қуришни амр қилган. Маъмундан сўнг эса расадхоналар мусулмон дунёси бўйлаб кенг тарқалди². Маъмуннинг расадхонаси 215/830 йилда қурилган ва бу иш то 218/833 йилгача, яъни, то унинг вафотигача давом этган³. Маълумотларга кўра, халифаликдаги биринчи расадхона мил. 828 йилнинг ўрталаригача Бағдоддаги Шаммосия маҳалласида, иккинчиси эса Дамашқ яқинидаги Дайр Муррай черкови ёнидаги Қосюн тоғида қурилган. Биринчисига марвлик Яҳё ибн Мансур асос солган бўлса, кейинчисига Холид ибн Абдулмалик Марвирудий бошчилик қилган⁴.

Мовароуннахрнинг муҳим сиёсий ва маданий ўчоқларидан бўлган Термизда ҳам расадхона бино этилганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар бор. Ўрта аср манбаларидаги “Термиз”нинг вилоят сифатидаги ҳудуди унча катта бўлмаган Сурхондарёнинг Амударёга қуйилиш жойи ва шимолда Занг канали билан чегарадош бўлган учбурчак ҳудудга, яъни, унинг ҳозирги Термиз, Ангор, Музработ (эски Гагарин ҳудуди, Амударё ёқалаб кетган ҳозирги темир йўл излари бўйлаб), Жарқўрғон, Шеробод ҳудудига (то Дарбандгача) тўғри келади⁵. Маълумки, Термизда саййидлар бошқа соҳалар

¹ Beruniy. Al-Asar al-boqiya. 1878, p. 357.

² Farshux. Mavsu'atu abaqirotul Islam. 1995, V, pp. 23-25, 32-35.

³ Zirikliy. Al-A'lom. 2002. VIII, p. 173.

⁴ Bulgakov P. O'rta Osiyo olimlarining Bag'doddagi faoliyati. Sharqshunoslik, 1990. №1, p. 25.

⁵ Kamaliddinov Sh. Istoricheskaya geografiya Yujnogo Sogda i Toxaristana. 1996, p. 114.



катори маданий ҳаётда ҳам муҳим ўрин тутишган. Манбаларда Термиз саййидларидан бўлган Маждиддиннинг фалакиёт фани билан шуғулланадиган расадхона ташкил этганлари қайд этилади. Бу борадаги маълумотларни эса ҳисоб ва фалакиёт илмлари билан машғул бўлган, 74 китоб битгани айтиладиган Ибн Фундук Зоҳириддин Байҳақий (499-565/1106-1170) келтирган. У “Лубоб ал-ансоб” (Насаблар асли) асарининг “Термиз нақиблари” бобида дейди: “Улуғ саййид Маждиддин Абулқосимнинг хотирига расадхона асбобларини жамлаш, юлдузлар ва уларга тегишли асослар ҳақидаги билимларни ўрганиш тушди. Шунда у ўттизинчи йилдан қирқ биринчи йилгача файласуф Абдураззоқ Турк ва бир гуруҳ муҳандисларни ҳозир қилди ва бунга кўп мол сарфлади”.

“Лубоб ал-ансоб”нинг биз фойдаланган нашрида ушбу саййиднинг вафоти 505 йилнинг шавволи / 1112 йилнинг апрели деб берилган. Аммо бу қўлёзмадаги хато. Маълум бўладики, “Лубоб ал-ансоб”да “беш юз”дан сўнг “қирқ” сўзи тушиб қолган. Бу каби хатолар Эронда нашр этилган насабнома китобларида учраши кузатилди. Чунки маълум бўлишича, таниқли олим Шаҳристоний (479-548/1086-1153) ушбу саййиднинг девонида ишлаган ва “Ал-Милал ван ниҳал” (Эътиқодлар ва мазҳаблар) ва “Мусораъатул фаласифа” (Файласуфлар билан мужодала) каби машҳур асарларини унга бағишлаган. Аслида ушбу икки асар ва хусусан, охириги ушбу саййиднинг таклифи билан ёзилган. Маълумотларга кўра, “Ал-Милал” китоби 521/1127 йилда ёзилган. Шаҳристонийнинг тадқиқотчиси Суҳайр Муҳаммад Мухтор Шаҳристонийнинг “Мусораъа” китобини тадқиқ этиб нашрга тайёрлаган ва китоб бошида Шаҳристонийнинг ушбу саййидга бағишланган муқаддимаси ҳам мавжуд. Тадқиқотчининг изоҳига кўра, саййид Али ибн Жаъфар 545/1150 йилда вафот этган ва у Термиз ҳокими бўлиб, турли ўлкалардан олимларни жалб қилган ҳамда илмий ишларни йўлга қўйган. Шаҳристоний ҳам ана шу жалб қилинганларнинг бири бўлган¹. Шунинг учун юқоридаги расадхона қурилиши вақти ҳақидаги “ўттизинчи йилдан қирқ биринчи йилгача” дейилган жумла 530-541/1135-1146 йилларни билдиради. Ушбу расадхона узок муддат қурилгани, кўплаб мутахассислар жалб этилгани ва айтилганидек, кўп мол сарфланганидан унинг йирик ва яхши жиҳозланган иншоот ҳамда жиддий тадқиқотлар учун талабга жавоб берадиган даражада бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Ушбу саййиднинг “Раису Хуросон” (Хуросон раиси) ва “Содрул машрик” (Машрикнинг ҳурматли кишиси) каби лақаблари ҳам бўлган².

год армиям в близких провинциях было приказано атаковать уйгуров, так как они вместе с принцессой начали перемещаться на юг, занимаясь по пути грабежом и мародёрством. Военачальник *Чжан Чжун-у*¹ заставил подчиниться их и один за другим все вожди уйгурского племени начали сдаваться². В числе таких вождей был *У-мо-сы* который пришел к *Чжэньу* с две тысячной конницей. Император ждал капитуляции кагана, но тот вместо этого напал на *Ючжоу*³ и выиграл битву⁴. Сын Неба выбрал *У-мо-сы* в качестве главного над остатками войска уйгуров. Причина этого заключается в том, что в крепость *Тяньдэ* тайно проникли и обезглавили уйгурского министра *Чисиня*. *У-мо-сы* тем самым показал свою покорность императору и получил звание «*Цзинь-у*»⁵ (большой генерал правой стражи)⁶. *Уцзе* поняв свое положения отправил посла Сыну Неба с просьбой дать на время *Тяньдэ*. Отказ императора спровоцировал кагана напасть на *Датунчуань*⁷ и ограбить её. Против кагана приняли решение постепенно выдвигать войска из соседних регионов и отрезать уход из местности. Следующий этап – это нападение со всех сторон на уйгуров, сначала во главе с китайским полководцем *Чэнь Сюя*, затем *Ли Хун-шунем*⁸. Ранение уйгурского кагана тоже объяснили тем, что, узнав о нападениях на *Ючжоу*, он вернулся с похода на *Чжэньу*, но не ожидал что на него нападут вечером, когда каган не был готов⁹. Он после схватки бежал на север, оставив шанс врагам вернуть принцессу. Убили кагана пообещав щедрое вознаграждение за его голову. Все имущество уйгурского государства было передано двору, а оставшиеся уйгуры рассыпались по ближайшим провинциям. Однако

¹ Пограничный военный и гражданский комиссар в провинции Ючжоу

² Guignes D. J. Histoire generale des Huns, des Mongoles, des Tures el des autres Tartares occidentaux. – P., 1757. – С. 139.

³ Древний город около современного Пекина. В период раннего средневековья был опорным пунктом для разрешения армии.

⁴ Julien S. Documents historiques sur les Tou-kioe (Turcs). Extraits du Pien du chinois // J. Asiatique. Vol. 3, 4. – P., 1864. – С. 200-241

⁵ Звания «главный генерал правой стражи»

⁶ Liu Mau-Tsai. Die chinesischen Nachrichten zur Geschichte der Ost-Turken (T'u-kiie). – Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1958. – С. 89

⁷ Военный округ танской армии, охранявшей северные рубежи Китая в окрестностях современного города; само название было взято от названия реки, ныне находящейся на территории автономного района Внутренняя Монголия

⁸ Известный генерал периода династии Тан. В основном охранял Ланьчжоу (городской округ в провинции Ганьсу, КНР) и северные части Китая.

⁹ Кюннер Н. В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. М., 1961. – С. 12 (Kuener N. V. Chinese news about the peoples of Southern Siberia, Central Asia and the Far East. Moscow, 1961. - P. 12) (Kyuner N.V. Kitayskiye izvestiya o narodax Yujnoy Sibiri, Sentralnoy Azii I Dalnego Vostoka. M., 1961. – S. 12)



император все же приказал, чтобы подвиги *Уйзе* остались в виде надписи на стелле в *Ючжоу* для будущих потомков¹.

Новый император Сюань-цзун отправил посла к новому кагану уйгурского народа *Пантэлэю* для изучения обстановки. Старшина считал обязательным уладить отношения с императором и отправил своего посла вместе с тюркским наездом во дворец². Император дал кагану *Пантэлэй* титул «*Улуг Тангрида кут булмиш альп кулуг билга хоуканкиен Каган*»³ и дальнейшие десять лет отношения укреплялись отправленными данями уйгуров товарами местного производства ко дворцу⁴. Период правления императора И цзуна⁵, отношения стали еще крепче, когда вождь *Пугу* начал войну с *Туфань*, захватил *Бугур* и обезглавил *Лунь Шан-жэ*⁶. *Дагань Михуайю*⁷ попросил у императора титул кагана, на что император согласился. После в имперской семье началась смута и уйгуры через губернатора *Хань Сунь*⁸ попросили прийти на помощь с армией для поддержки императора. Чиновники решили, что уйгуры хотят воспользоваться слабостью императорского дома и отказали им, не докладывая об этом императору⁹.

Среди обитателей Центральной Азии также есть народ *Си*, который, как и кидани, относится к отдельной ветви этнической группе *дунху*¹⁰. Сведения начинаются с информации о появлении народа, местности, где он проживает, фактах о соседях, сходствами с *туцзюэ*¹¹, сведениями способах добывания пищи, о скотоводстве и племенной иерархии¹².

¹ Флуг К. К. История китайской печатной книги Сунской эпохи X—XIII вв. – М., 1959. – С.134 (Flug K. K. History of the Chinese printed book of the Sung era of the X-XIII centuries. - M., 1959. - p. 134) (Flug K.K. Istoriya kitayskoy pechatnoy knigi Sunkskoy epokhy X-XIII vv. – M., 1959. – S.134)

² Сосуд объемом более 50 литров.

³ Guignes D. J. Histoire generale des Huns, des Mongoles, des Tures el des autres Tartares occidentaux. – P., 1757. – С. 140

⁴ Hamilton J. R. Les ouighurs a l'epoque des cinq dinasties d'apres les documents chinoise. paris, 1955.

⁵ Julien S. Documents historiques sur les Tou-kioue (Turcs). Extraits du Pien du chinois // J. Asiatique. Vol. 3, 4. – P., 1864. – С. 200-241

⁶ Двадцатый император (859—873) династии Тан.

⁷ Наместник Бугура. Ненавидел танскую семью.

⁸ Посол уйгурского вождя

⁹ Губернатор городского уезда Линчжоу.

¹⁰ Liu Mau-Tsai. Die chinesischen Nachrichten zur Geschichte der Ost-Turken (T'u-kiie). – Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1958. – С. 90

¹¹ Название племенного объединения, возникшего во времена ранней династии Чжоу, около 1100 г. до н. э. и исчезнувшего во времена династии Хань около 150 г. до н. э., когда их разгромили хунну.

¹² Тюркюты- исторический народ в Центральной Азии,

¹³ Таскин В.С. Материалы по истории древних кочевых народов группы дунху. – М.: ГРВЛ, 1984. – С. 148 (Taskin V. S. Materials on the history of the ancient nomadic peoples of the



Начиная с периода правления императора *Гао-цзу*¹ устраивали грабительские набеги на *Ючжоу*, но были разбиты Ван Шэном².

Посольские отношения *Си* с двором начались при императоре *Тай-цзуне*³ и следующие 17 лет двору 4 раза выплачивалась большая дань⁴. *Си* стали ближе к императору благодаря участию в походе Сына Небо против *Корё*⁵. События в *Корё* и проявление покорности вождя *Кэдучжэ* императору стало причиной для получения титула «посла шести областей по военным делам»⁶. Ему даже дали фамилию «Ли». Более того, каждое из племен стало отдельной областью, Например, племя *Ахуэй* стало областью *Жошуй*, *Аоши* областью *Логуй* и *Юаньсычжэ* областью *Тайлу*⁷. Племенные *жухэчжу* (вожди) были переименованы в *цзини* (правителей областей). *Сисцы* попытались поднять мятеж после смерти своего правителя *Кэжучжэ*, но решительная военная подготовка императора Гао-цзуна по устранению *сисцов* испугала их⁸. Убив своего главаря, они сдались на милость императору.

В период правления *Жуй-цзун* несколько военачальников охранных дивизионов разных провинции захотели напасть на *сисцев* возле хребта *Лэнсин*⁹. Планы одного из военачальников *Сунь Цюаня*¹⁰ нарушились, когда другой военачальник *Ли Кайло*¹¹ потерпел поражения от *сисцев*¹². *Сунь Цюань* обманул *сисцев*, заявив будто он пришел вершить правосудие и

Donghu group. - Moscow: GRVL, 1984. - P. 148.) (Taskin B.S. Materiali po istorii drevnix kochevix narodov gruppi dunxu. – М.: GRVL, 1984. – S. 148.)

¹ Основатель (618-626) династии Тан.

² Чиновник и полководец области Ючжоу

³ Второй император (627-649) династии Тан

⁴ Кюннер Н. В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. М., 1961. – С. 13 (Kuener N. V. Chinese news about the peoples of Southern Siberia, Central Asia and the Far East. Moscow, 1961. - P. 13) (Kyuner N.V. Kitayskiye izvestiya o narodax Yujnoy Sibiri, Sentralnoy Azii i Dalnego Vostoka. М., 1961. – S. 13)

⁵ Империя на Корейском полуострове, появившееся после падения государства Силла в 935 году и существовавшее до воцарения династии Чосон в 1392 году.

⁶ Флуг К. К. История китайской печатной книги Сунской эпохи X—XIII вв. – М., 1959. – С.135 (Flug K. K. History of the Chinese printed book of the Sung era of the X-XIII centuries. - М., 1959. - p. 135) (Flug K.K. Istoriya kitayskoy pechatnoy knigi Sunskoy эпохи X-XIII vv. – М., 1959. – S.135)

⁷ Таскин В.С. Материалы по истории древних кочевых народов группы дунху. – М.: ГРВЛ, 1984. – С. 148 (Taskin B. C. Materials on the history of the ancient nomadic peoples of the Donghu group. - Moscow: GRVL, 1984. - P. 148.) (Taskin B.S. Materiali po istorii drevnix kochevix narodov gruppi dunxu. – М.: GRVL, 1984. – S. 148.)

⁸ Guignes D. J. Histoire generale des Huns, des Mongoles, des Tures el des autres Tartares occidentaux. – P., 1757. – С. 141

⁹ Хребет, тянущийся к востоку от современной реки Лаохахэ

¹⁰ Полководец. Командовал армии находящийся провинции Хэнань. Родственник премьер-министра Сунь Чжуэ.

¹¹ Популярный генерал династии Тан. Был из рода киданей.

¹² Julien S. Documents historiques sur les Tou-kioue (Turcs). Extraits du Pien du chinois // J. Asiatique. Vol. 3, 4. – P., 1864. – С. 200-241



казнить *Ли-Кайло* поскольку тот не повиновался приказам Сына Неба. *Сунь Цюану* пришлось дать в подарок ткани и другие драгоценности, когда правитель *сисцев Ли Дану*¹ потребовал доказательства о добрых намерениях. Все-таки *Ли Дану* не стал рисковать и воспользовавшись смутой в императорском дворе казнил *Сунь Цюана*. Поводом для этого стало мародерство войска *Сунь Цюана* в момент ухода². Во время правления *Сюнь-цзуна Ли Дану* прислал посла *Аосу хуэй-лао* с заявлениями о покорности и преданности императору. Обрадованный император пожаловал ему звание *цзинью* (командующий охранным отрядом). Самым ценным подарком была рука принцессы *Гуань* из императорского рода. В 715-году *Ли Дану* сам пришел во дворец для бракосочетания и император приказал военачальнику *Ли Цзи* проводить его с почетом.

Принцесса тоже участвовала в политических играх. Особенно, когда умер её муж *Ли Дану* в сражениях против киданей, она убила чиновника *Саймоузе*, заманив его на праздничный пир. Поводом для убийства стала попытка поднятия мятежа против *Лусу*³. Император поддержал ее действия и указал, чтобы ее дочь (принцессу *Шэньань*) возвели в титул *Дунгуан* и отдали в жены *Лусу*⁴. В течений трех лет *Лусу* поднялся до звания «правого военачальника» и титула *вана*⁵. Его военачальники и вожди тоже получили разные звания. К сожалению, *Лусу* потерпел поражение от киданей и благодаря его жене *сисцы* оказали помощь войсками со стороны *Чжао Ханьчжан*⁶.

Начиная с периода правления императора *Сюань-цзуна сисцы* опять возобновили свои посольские связи с Сыном Неба и подношения ему. Далее несколько раз увеличивали дань последующим императорам, но в период правления *Дэ-цзуна*⁷ напали с *шивэйцами* на *Чжэнью*. Три года понадобилась Сыну Неба для того, чтобы собрать войско и отомстить, убив шестьдесят тысяч *сисцев*. Поняв свою ошибку *сисцы* тайно начали нападать на *Сичэн*⁸ и *Чжэнью*

¹ Вожд сисцев

² Liu Mau-Tsai. Die chinesischen Nachrichten zur Geschichte der Ost-Turken (T'u-kiie). – Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1958. – С. 91

³ Следующий правитель сисцев. Брат Ли-Дану.

⁴ Таскин В.С. Материалы по истории древних кочевых народов группы дунху. – М.: ГРВЛ, 1984. – С. 148. (Taskin V. S. Materials on the history of the ancient nomadic peoples of the Donghu group. - Moscow: GRVL, 1984. - P. 148.) (Taskin V.S. Materiali po istorii drevnix kochevix narodov gruppi dunxu. – М.: GRVL, 1984. – S. 148.)

⁴ Основатель (618-626) династии Тан.

⁵ В период династии Тан титул считался как высшая аристократия, получала широкие преимущества в имущественной и правовой сфере.

⁶ Дворцовый чиновник и Губернатор Ючжоу,

⁷ Двенадцатый император (779-805) династии Тан.

⁸ Древний город, находящийся около Пекина. Данный момент является одним из районов современного Пекина



вместе с уйгурами и *шивэйцами*¹. При этом, правитель *сисцев Мэйлао* открыто пришел во дворец с наилучшими намерениями. Ничего не подозревавший император, поняв его приход как подчинение дал ему должность «начальника проверки общественных работ». *Сисцы* посылали дань императорам, но тайно грабили пограничные земли. Продолжалось это до периода правления императора Вэнь-цзун². Начальник *Лулуна*³ *Ли Цзайи* выиграл много сражений, захватил в плен двести полководцев, отправил их во дворец и получил от императора звание «командующего элитными всадниками». Также получил в подарок от императора головной убор и пояс за отвагу. Почти такая же ситуация повторилась, но чуть позже, в период правления императора Сюань-цзуна. *Чжан Чжунъю*⁴ конфисковал семьдесят тысяч овец и пятьсот повозок с грузом. Также отправил в столицу триста чиновников и сжёг двести тысяч юрт за поднятый мятеж. По причине огромных потерь *сисцы* разделились на восточные и западные части. Те, кто остались и подчинились *киданям* и те, кто уехали и подчинились Танской династии⁵.

Кроме вышеперечисленных народов в этом источнике находится информация и о других народах. Например, рассказывается о народе *шивэй*, который относится к отдельному роду *киданей*. Сведения о *шивэй* начинаются с географических сведений, в которых объясняется, что расстояние между столицей *Чанъань*⁶ и местом, где они обитают, составляет семь тысяч ли. Морской выход тоже имеется с северной стороны, где активно вели торговлю⁷. Торговые отношений показаны в виде покупки золота и железа во владениях *Корё* по причине малого количества⁸. Отсутствие единого государства

¹ Кюнер Н. В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. М., 1961. – С. 14. (Kuener N. V. Chinese news about the peoples of Southern Siberia, Central Asia and the Far East. Moscow, 1961. - P. 13) (Kyuner N.V. Kitayskiye izvestiya o narodax Yujnoy Sibiri, Sentralnoy Azii I Dalnego Vostoka. M., 1961. – S. 13)

² Семнадцатый император (827-849) династии Тан.

³ Уезд городского округа *Циньхуандао* провинции *Хэбэй* (КНР). Период династии Тан был военным округом

⁴ Следующий губернатор *Лулуна* после *Ли Цзайи*.

⁵ Liu Mau-Tsai. Die chinesischen Nachrichten zur Geschichte der Ost-Turken (T'u-kiie). – Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1958. – С. 92

⁶ Древняя столица нескольких китайских государств. Сейчас не существует.

⁷ Таскин В.С. Материалы по истории древних кочевых народов группы дунху. – М.: ГРВЛ, 1984. – С. 148 (Taskin B. S. Materials on the history of the ancient nomadic peoples of the Donghu group. - Moscow: GRVL, 1984. - P. 148.) (Taskin B.S. Materiali po istorii drevnix kochevix narodov gruppi dunxu. – М.: GRVL, 1984. – S. 148.)

⁸ Кюнер Н. В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. М., 1961. – С. 14. (Kuener N. V. Chinese news about the peoples of Southern Siberia, Central Asia and the Far East. Moscow, 1961. - P. 14) (Kyuner N.V. Kitayskiye izvestiya o narodax Yujnoy Sibiri, Sentralnoy Azii I Dalnego Vostoka. M., 1961. – S. 14)



объясняется тем, что нет одного центра подчинения, поскольку у *шивэйцэ* главными считаются племенные *мохэдо* (вождь)¹.

В источнике также говорится о посольских отношениях у *шивэйцэ*. Например, первые послы прибыли к императору Тай-цзун. В знак покорности и для того, чтобы добиться благосклонности императора, они дали дары в виде собольих шкур с густым мехом. Однако, в период правления У Цзэтянь², они подняли восстание, которое быстро было подавлено, благодаря правильной тактике военачальником *Ли Доузо*³. Поняв свою ошибку, *шивэйцы* начали восстанавливать отношения, отправив послов к императору Чжун-цзун⁴ с просьбой оказать помощь против *туцзюэ*. Целью очередных миссий послов с огромным количеством дани императорам Сюань-цзун и Дай-цзун⁵, было полностью восстановить отношения с китайском двором⁶. К типичному образу жизни они вернулись, когда напали на округ Чжэнью с целью разграбить его. В округе были послы императора Дэ-цзуна, которые по ошибке оказались жертвами *шивэйцэ*. Почти сразу же нападавшие написали письмо с извинениями и отправили его ко двору. Затем отношения стали ослабляться, к императором Вэнь-цзун и Сюань-цзун приходили послы с меньшими объемами дани. Дальнейшие сведения об отправке послов не записаны, так как *шивэйцы* считались несуществующим племенем для танских историков⁷.

Таким образом, мы видим, что источник содержит богатые сведения о народах Центральной Азии, особенно об уйгурских и енисейских кыргызах. Кроме этого, есть сведения о восточных тюрках, древнемонгольских племенах и тибетцах. Сведения «Цзю Тан шу» о взаимоотношениях народов Центральной Азии и Китая были существенно дополнены в «Син Тан шу» («Новая история Тан»). В нем также есть исправления некоторых ошибок, допущенных в ходе перевода имен значимых людей. Однако, «Синь Тан шу» дает ссылки на «Цзю Тан шу» для выяснения значений каких-либо терминов. В обоих источниках находится огромное количество сведений и о

¹ Liu Mau-Tsai. Die chinesischen Nachrichten zur Geschichte der Ost-Turken (T'u-kiie). – Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1958. – С. 93

² Китайская правительница (665-705) не являвшийся из рода танской династии.

³ Таскин В.С. Материалы по истории древних кочевых народов группы дунху. – М.: ГРВЛ, 1984. – С. 151 (Taskin B. S. Materials on the history of the ancient nomadic peoples of the Donghu group. - Moscow: GRVL, 1984. - P. 151.) (Taskin B.S. Materiali po istorii drevnix kochevix narodov gruppi dunxu. – М.: GRVL, 1984. – S. 151.)

⁴ Четвертый император (684 и 705-710) династии Тан

⁵ Одиннадцатый император (762-779) династии Тан

⁶ Кюнер Н. В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. М., 1961. – С. 20. (Kuener N. V. Chinese news about the peoples of Southern Siberia, Central Asia and the Far East. Moscow, 1961. - P. 20) (Kyuner N.V. Kitayskiye izvestiya o narodax Yujnoy Sibiri, Sentralnoy Azii i Dalnego Vostoka. М., 1961. – S. 20)

⁷ Guignes D. J. Histoire generale des Huns, des Mongoles, des Tures el des autres Tartares occidentaux. – P., 1757. – С. 141.



других народах Центральной Азии, которые мы не смогли осветить из-за объёма статьи. Кроме этого, можно сравнить оба источника для изучения использованных методов в ходе выполненной работы. Например, для «Цзю Тан шу» был использован метод «общих сведений». В каждой главе описываются разные события, которые могут не иметь никакого отношения к событиям предыдущей главы. Сведения о народах Центральной Азии писались внутри текста биографии разных людей. «Синь Тан шу» использовали метод классификации. Разделяют сведения по группам для того, чтобы читателю было легче понять суть событий. В каждой главе, события описываются в хронологическом порядке летоисчислений разных императоров. Периоды они описывают правлениями императоров династии Тан. Торгово-посольские взаимоотношения между народами Центральной Азии и Китая велись, конечно, преобладали, но религиозные и культурные связи тоже играли большую роль в укреплении международных связей.

АХМЕДОВ САНЖАР

Таянч докторанти, ЎзМУ

“Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида Хитой ва Ҳиндистондаги меъморий иншоотлар ва маданий ҳаёт тўғрисидаги маълумотлар

Аннотация. Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асари теурийлар даври тарихини ўрганиш бўйича энг асосий манба ҳисобланади. Асарда теурийлар томонидан қурдирилган бинолар ва амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда Хитой ва Ҳиндистон мамлакатларидаги аҳвол ҳақида ҳам маълумотлар бор. Мазкур мақолада асардаги Хитой ва Ҳиндистондаги меъморчилик ва ободончилик соҳаси бўйича келтирилган маълумотлар таҳлил қилинади. Шунингдек мазкур мамлакатлардаги маданий ҳаёт, уларнинг урф-одатлари ва диний мансублиги тўғрисида ҳам маълумотлар берилган. Ғиёсиддин Наққош томонидан ёзилган ва “Матлаи саъдайн”га айрим қисқартмалар билан киритилган Хитой сафарномасида Хитойдаги шаҳарлар, уларнинг ўрнашган жойи, аҳолиси, эътиқоди билан боғлиқ маълумотлар батафсил баён қилинган. Хитойдаги мудофаа иншоотлари ва уларнинг қай тартибда фаолият юритиши тўғрисида ҳам керакли қайдлар мавжуддир. Муаллифнинг шахсан ўзи иштирок этган ва асарга Ҳиндистон сафарномаси номи билан киритилган маълумотлар тўплами ҳам худди шу анъанага асосланган. Тадқиқотда мазкур сафарномаларда келтирилган маълумотлар соҳа бўйича ажратиб олинди ва таҳлил қилинди. Хитой сафарномасидан олинган маълумотларда у ердаги шаҳарлар, уларнинг ободлиги, мудофаа иншоотлари, бинолар қурилишидаги услуб ва қурилиш материаллари, аҳолисининг дини ва эътиқоди, озиқ-овқатлари, элчилик алоқаларидаги тартиб тамойиллар хусусидаги маълумотларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Савдо-сотиқни ривожлантириши, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш бўлган элчиликларнинг яна бир муҳим жиҳати бўлганки, бу ҳам бўлса разведка ишидир. Хитой ва Ҳиндистонга қилинган элчиликлар, сафар натижасида ёзилган сафарномалардаги



маълумотлар шундай хулоса қилишга сабаб бўлиши мумкин. Эҳтимолий хужумларга тайёргарлик кўриши учун бундай маълумотларнинг аҳамияти катта бўлган. Шу билан бирга санъат ва меъморчиликда қўлланилаётган услублар ва янгиликлардан намуна тарзида қўллаш имконини яратган.

Тиянч сўз ва иборалар: Темурийлар, Абдураззоқ Самарқандий, “Матлаи садайн ва мажмаи бахрайн”, Хитой, Ҳиндистон, меъморчилик, ободончилик, маданият.

Аннотация. “Матлаи садайн ва мажмаи бахрейн” Абдураззака Самарқанди являются основным источником для изучения истории периода Тимуридов. Источник содержит информацию о зданиях, построенных Тимуридами, и проделанной ими творческой труд, а также о ситуации в Китае и Индии. В статье анализируется информация, представленная в источнике в области зодчество и благоустройство в Китае и Индии. Летопис также предоставляет информацию о культурной жизни этих стран, их традициях и религиозной принадлежности. “Путеводитель Китая”, написанный Гийосиддином Наккашем и включенный в “Матлаи садайн” с некоторыми сокращениями, подробно описывает города Китая, их местонахождение, население и верования. Также имеются необходимые записи об оборонных объектах Китая и порядке их эксплуатации. Сбор информации, в котором автор лично участвовал и включенный в работу под названием “Путеводитель Индии», основан на той же традиции. В ходе исследования данные, представленные в этих путевых заметках, были выделены и проанализированы по отраслям. Информация, полученная в ходе китайской поездки, касалась городов, их процветания, оборонительных сооружений, методов и материалов строительства, религии и вероисповедание населения, питания, принципов порядка в отношениях с посольствами. Другой важный аспект посольств, как развитие торговли, укрепление взаимоотношений, также было дело разведки. Информация Путеводителя Китая и Индии, написанных по итогам поездки, может привести к такому выводу. Такая информация имела большое значение при подготовке к возможным атакам. В то же время он позволил использовать в качестве модели стили и новшества, используемые в искусстве и архитектуре.

Опорные слова и выражения: Темуриды, Абдураззак Самарқанди, “Матлаи садайн ва мажмаи бахрейн”, Китай, Индия, зодчество, благоустройство, культура.

Abstract. “Matlai sadain wa majmai Bahrain” of Abdurazzak Samarkandi is the main source for studying the history of the Timurid period. The source contains information about the buildings, built by Timurids, and created by them creative work, as well as the situation in China and India. The article analyzes information, presented in the source in the region the field of architecture and landscaping in China and India. The Chronicle also provides information on the cultural life of these countries, their traditions and religious affiliation. The Guide of China, written by Giyosiddin Nakkash and included in “Matlai sadain” with some abbreviations, describes in detail the cities of China, their location, population and beliefs. There are also necessary records about China's defense facilities and how they are operated. The collection of information in which the author personally participated and is included in a work entitled "Guide of India" is based on the same tradition. In the course of the study, the data presented in these travel notes were highlighted and analyzed by industry. The information received during the Chinese trip related to cities, their prosperity, defensive structures, construction methods and materials, religion and beliefs of the population, food, principles of order in relations with embassies. Another important aspect of the embassies, like the development of trade, the strengthening of relations, was also the matter of intelligence. Information from Travel Guides of



China and India, written after the trip, may lead to such a conclusion. This information was of great importance in preparing for possible attacks. At the same time, he allowed the styles and innovations used in art and architecture to be used as a model.

Keywords and expressions: *Temurids, Abdurazzak Samarkandi, “Matlai Sadain wa Majmai Bahrain”, China, India, architecture, landscaping, culture.*

Кириш. “Матлаи саъдайн” албатта Темурийлар фаолиятига бағишланган асар. Лекин ундаги маълумотлардан бошқа мамлакатлардаги аҳвол ҳақида ҳам қимматли маълумотлар олишимиз мумкин. Хусусан, у ерлардаги иморатлар ҳақида ҳам. Темурийлар даври Мовароуннаҳр ва Хуросонда катта қурилиш, ободонлаштириш даври бўлди. Бунга Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Ҳирот, Марв, Эроннинг турли шаҳарлари ва бошқа жойлардаги Темурийлар даври ёдгорликлари мисол бўла олади. Қолаверса, ёзма манбаларда ҳам бундай ишлар кенг ёритиб берилган. Мусулмон архитектурасининг энг асосий муҳим ривожланган даврларидан бири бу темурийлар даври ҳисобланади. Темурийлар даври архитектураси намуналари Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёда жуда кўп учрайди. Эрондаги темурийлар архитектураси бой ислом санъатининг асосий қисмидир. Темур бошлаб берган меъморий янгиликлар кўп давлатларга, жумладан, Эронга тарқалди. Ўрта Осиёда пайдо бўлган архитектура янгиликлари Эрон ва бошқа жойлардаги меъморий биноларда яққол кўзга ташланади. Темур бирон ерни босиб олар экан, у ердан албатта ҳунармандлар ва ижодкорларни Самарқандга олиб келган. Темурий шаҳзодалар ҳам жаҳон тажрибасига қизикқан ва у ерлардаги янгиликлар, урф-одат ва меъморчиликдаги ютуқлар ҳақида маълумот тўплаган. Ўзга давлатлар билан олиб борилган дипломатик алоқаларда бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш топширилган. Хусусан, “Матлаи саъдайн” асарида иккита сафарнома матни келтирилган бўлиб, ундаги маълумотлардан юқоридаги фикримизни тасдиқлашимиз мумкин.

“Матлаи саъдайн” асари маълумотлари қимматлилиги ва ишончлилиги сабаб бошқа тилларга таржима қилинган, айниқса унинг Хитой ва Ҳиндистон сафарномалари кўп бора бошқа тилларга таржима қилинган.

Илк таржималардан бири асарда келтирилган Гиёсуддин Наққошнинг Хитой сафарномасининг форсчадан турк тилига таржимаси ҳисобланади. Ҳожи ибн Муҳаммад Ардистоний томонидан (1494—1495 йили) бажарилган таржимага “Хитой тарихи” ёки “Хитойга борган элчи мавлоно Гиёсуддин Наққошнинг рўзномаси” деб ном берилган”.¹

Хитой сафарномасининг яна бир туркча таржимаси 1648 йили Котиби Чалабий (Ҳожи Халифа) томонидан бажарилган бўлиб, унинг “Жаҳоннома”

¹ А. Т. Тагирджанов. Описание таджикских и персидских рукописей восточного отдела библиотеки ЛГУ, Изд-во Ленинградского Университета, 1962, стр. 128-129. А. Т. Tagirdzhanov. Description of Tajik and Persian manuscripts of the Eastern Department of the Library of Leningrad State University, Leningrad University Publishing House, 1962, pp. 128-129



номли йирик асарига “Қонунномаи Чину Хито” сарлавҳаси остида киритилган.

Исмоил Осим Чалабийзода томонидан Хитой сафарномасининг туркча таржимаси қайтадан 1760 бажарилган ва уни Али Амирий 1893 йили Истамбулда “Ажойиб ул-латоиф” номи билан нашр қилган.¹

Хитой сафарномасининг туркча таржимасини 1673 йили Ҳазорфанн ҳам ўзининг умумий тарихга оид асарига киритган. Хитой сафарномаси XVII—XVIII асрларда тўрт марта француз тилида, бир марта голланд тилида ва бир марта инглиз тилида этилган.² Хитой сафарномасини Абдураззоқ, Самарқандий нақли бўйича бошқа тилларда нашр этиш ишлари бу билан тўхтамай, XIX—XX асрларда ҳам давом этади. Чунончи, 1843 йили Катрмер ўзининг “Матлаи саъдайн” иккинчи жилдидан қилган таржимаси кетида Хитой сафарномасининг ҳам форсча матнини французча таржимаси билан келтиради.³ 1910 йили эса Блоше “Introduction a l'histoire des Mongols” (244-269-бетлар) асарида сафарноманинг французча таржимасини нашр этади.

А.Ўринбоев ва О.Бўриев Хитой сафарномасининг “Матлаи саъдайн” асосидаги алоҳида китобча шаклидаги ўзбекча нашрини Ҳофиз Абрунинг “Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий” асаридан қўшимча ва тузатишлар киритиш асосида амалга оширган.⁴

Абдураззоқ Самарқандийнинг ўзи шахсан қатнашган Ҳиндистон сафарининг баёнини Лангле “Recueil portatif des Voyages” асарида французча таржимасини келтиради, 1843 йили Катрмер яна французча таржимасига форсча матнини ҳам қўшиб нашр этади.⁵

Ҳиндистон сафарномасининг инглизча таржимаси Эллиот томонидан 1872 йили нашр этилади.⁶

Асосий қисм. Амир Темур мамлакат ободлиги савдогарлар билан мустаҳкамланади деб ҳисоблар эди. Шу боисдан мамлакатлараро алоқаларнинг ривожланишига катта эътибор қаратар эди. Унинг даврида Хитой мамлакати билан яхши алоқалар йўлга қўйилган бўлиб, ўзаро

¹ И. Ю. Крачковский, Избранные сочинения, т. IV, М. —Л., 1957, стр. 522. I. Yu. Krachkovsky, Selected Works, vol. IV, Moscow-Leningrad, 1957, p. 522

² А. Крымский «История Персии, литературы и дервишеской теософии», т. III. М. 1914—1917, стр. 64. A. Krymsky "History of Persia, Literature and Dervish Theosophy", vol. III. M. 1914-1917, p. 64

³ Notice de l'ouvrage persan qui a pour titre Matla-assaadein ou-madjma- albahrein et qui contient l'histoire des deux sultans Schah—rokh et Abou— Said, par M. Quatremere, «Notices etextraits», t. XIV, pt. 1, Paris, 1843.

⁴ А.Ўринбоев, О. Бўриев. Гиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. Тошкент, «Фан» 1991. A.U'rinboev, O. Bu'riev. Giyosiddin Naqqosh's Chinese travelogue. Tashkent, "Fan" 1991

⁵ Notice de l'ouvrage persan qui a pour titre Matla-assaadein ou-madjma- albahrein et qui contient l'histoire des deux sultans Schah—rokh et Abou— Said, par M. Quatremere, «Notices etextraits», t. XIV, pt. 1, Paris, 1843.

⁶ Elliot, «History of India as told by its own historians» t. IV. London, 1872, pp. 93-126



манфаатли савдо битимлар амалга оширилган. Шу билан бирга икки мамлакат ўртасида зимдан рақобат ҳукм суриб келар ва бу Амир Темур ҳаётининг сўнгги йилларида Хитойга қўшин тортиб бориши билан изоҳланади. Амир Темур ҳаётлигида Хитой томонидан келган элчилар бандга олинган эди. Унинг вафотидан сўнг Самарқанд ва Ҳиротга бир неча бор Хитой элчилар келиб турган. Улар савдо-сотикдан ташқари кўплаб маълумотлар ҳам йиғиб кетишган. Ўз навбатида темурийлар улар ҳақида маълумотлар тўплашга ҳаракат қилиб боришган. Хитой томонга кетадиган элчиларга батафсил маълумот тўплаб келиш вазифаси юклатилган.

Хитой билан олиб борилган элчиликлар тўғрисида асардан кўплаб қизиқарли маълумотлар олишимиз мумкин. Қуйида улар ҳақида маълумот келтириб ўтамиз.

Шоҳрух Мирзо Сеистон юришидан қайтиб келган шу йилларда (1408), Соҳибқирон Амир Темур вафоти муносабати билан таъзия билдириш учун элчилар келганлиги қайд этилган. Биринчи бор Хитой элчилари келганлиги деб қайд этилган мазкур маълумотда кўп совға саломлар билан келган элчилар яхши кутиб олиниб муносиб кузатиб юборилганлиги қайд этилади.¹

Чен Ченг 陳誠 (1365-1457) уч марта элчилик вазифаси билан Минг сулоласи (1368–1644) даврида Хитой ва Ҳирот ўртасида саёҳат қилган. 4000 мил масофа ва 12 ой вақт оладиган Пекин ва Темурийлар пойтахти ўртасида отда босиб ўтиладиган ушбу саёҳатларнинг ҳар бирига икки йилдан ортик вақт кетган.²

Хитой элчилари тўғрисидаги иккинчи маълумот 1412 йил воқеаларида келтириб ўтилган. Унда Дой-Минг хон томонидан Су-Жўнинг Касой ҳазораси одамларидан Ду-Жихун-Бой ва Сун-Қунг-Жи садасидан Донг-Чинг бир гуруҳ кишилар билан Самарқанд ва Ҳиротга келганлиги, кўплаб совға-саломлар келтирилганлиги қайд этилади. Элчилар яхши кутиб олинади ва барча шарт-шароитлар яратиб берилади. Хитойдан келтирилган хат ва ҳужжатлар учта тилда – форс, туркий ва хитой тилларида битилган эди. Хитой элчилари ишлари битгач, уларга ижозат берилиб, элчилик расми бўйича Шайх Муҳаммад Бахший улар билан бирга кетади. Элчилар орқали муҳим бир хат, яъни Хитой подшоҳини ислом динини қабул қилишга даъват қилинган нома ҳам юборилади.

¹ Абдураззоқ Самарқандий. “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”. Форс- тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар А.Ўринбоевники. Қўрсаткичларни Д.Юсупова тузган. Масъул муҳаррирлар: С.А.Азимжонов, У.И.Каримов. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1969. –Б. 144; Каримова Н. Взаимоотношения народов Центральной Азии и Китая в XIV – XVII вв. (по материалам китайских источников): Дисс. ... докт. истор. наук. – Ташкент, 2005. – С. 121-133.

² Sally K. Church (2019) A New Look at Chen Cheng’s Role in His Diplomatic Missions to Herat (1413–1420), *Monumenta Serica*, 67:2, 363-395, DOI: 10. 1080/02549948. 2019. 1681797



Икки мамлакат ўртасидаги элчилик алоқаларида кўплаб савдогарлар карвони ҳам ҳамроҳлик қилишган. Элчилар совға сифатида Марказий Осиёдан Хитойга зотдор отлар олиб боришган, бўлса Хитойнинг овчи қушлари — шунқорлари Мовароуннаҳр ва Хуросонда қадрланган. Шохрух давридаги Хитой билан олиб борилган сиёсий муносабатлар дўстона бўлиб, асосий эътибор савдо-сотик муносабатларига қаратилган эди. Жумладан, Чжу-ди (1404-1424) хукмронлиги даврида савдо ва элчилик муносабатларининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи ҳар хил турдаги солиқ ва божлар бекор қилинган эди.¹

Ўзаро ёзишмаларда хукмдорлар мохир дипломатик йўл билан ўзларининг устунлигини кўрсатишга ҳаракат қилган. Хитой хукмдори ёзишмаларда Шохрух Мирзога турли панд-насихатлар қилиб, ўзининг устунлигини нозик йўл билан кўрсатмоқчи бўлган бўлса, Шохрух Мирзо уни Ислом динига даъват қилиб ўзининг муносиб жавобини берган.²

Маълумотни ўқир эканмиз, бу элчилик мақсади, вақти ва бошқа шунга ўхшаш маълумотлардан ташқари элчилик маданиятига доир маълумотларни ҳам ажратиб олишимиз мумкин. Унда ёзилишича Хитойдан Дой Минг хон тарафидан элчилар келиши муносабати билан бозорлар ва шаҳарга оро бериб яхшилаб безатилиши буюрилади. Бундан мақсад ўзга мамлакатларга ўз юрти ҳақида яхши таассурот қолдириш бўлган. Ўша даврда ҳам элчилар келиши муносабати билан уларни кутиб олиш расми бўлган. Бу маълумот асарда бор. Ушбу расм бўйича амирлар элчиларни кутиб олиш учун шаҳардан ташқари чиқиб, элчиларни иззат-ҳурмат билан шаҳарга олиб киришади. Ҳазрат хоқони саиднинг фармони бўйича Боғи Зоғонга худди жаннат боғидек оро бериб, Баҳром савлат, шер ҳайбат ясовуллар ҳар кимнинг ўзига хос жой ва макон тайин қилдилар. Ҳазрат хоқони саид баландлик авжидаги офтоб сингари хуршид чехра билан салтанат тахтига кўтарилди. Улуғ амирлар элчиларни қўл ўпиш шарафига етказиб, тортиқларни қўйдилар ва уларнинг сўзларини арз қилдилар. Хитой подшоҳининг мактуби қўйидаги мазмунда эди. Хитой подшоҳи мактубининг сурати: “Дой-Минг, подшоҳи муаззам, Самарқанд диёрига Шохрух баҳодир учун нома юбормоқда! Биз фикр қиламизки, худованди таоло ер билан осмон ўртасидаги жами халойиқни уларнинг ҳар бири роҳат ва фароғатда яшасин деб яратган. Биз худойи таолонинг мададкорлигида илоҳий хукмга бўйсуниб жаҳондорлик қилиб келмоқдамиз. Шу сабабли биз яқину йироқ орасида фарқ қилмаймиз, ҳаммани бир текис, баробар биламиз. Бундан илгари эшитган эдикки, сен оқил ва камолотга етган кишисан ва бошқалардан улуғроқсан, худованди таолонинг амрига итоат қилиб

¹ Бўриев О. Темурийлар дари ёзма манбаларида Марказий Осиё. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 116 б. Buriev O. Central Asia in the written sources of the Timurids. - Tashkent: Uzbekistan, 1996. - 116 p

² Абдураззоқ Самарқандий. Кўрсатилган асар. 1-китоб. Б.



келмоқдасан, раият ва аскарларни парвариш қилиб, уларнинг ҳаммасига эҳсон у яхшиликлар кўрсатибсан; шу сабабли биз беҳад шод бўлдик. Алалхусус, кимхоб ва тарқу кийимларни етказсин учун, элчи юбордик; элчи у ерга етиб боргач, сен бизнинг сўзларимизга ҳурмат билан қараб марҳаматимизни яхши юзага чиқарибсан, катта-кичик ҳамма шодмон бўлибдилар ва сен ҳам дарҳол элчи юборибсан; элчилар сенинг саломингни, отлар ҳам у диёр матоларидан иборат туҳфаларингни етказдилар. Сенинг дўстлик йўлида эканли-гингни кўрдим: сен мақтов ва навозишга сазовор экансан. Илгарироқ мўғуллар даври охирига етган эди. Сенинг отанг Темур фумо худованди таолонинг амрига итоат қилиб, бизнинг улуғ подшоҳимиз Той-Зуйга нисбатан яхши дўст бўлиб, элчилар ва туҳфаларни қатъи қилмаган. Шу сабабли Той-Зуй у диёрнинг Хитойдаги одамларига омон бериб, ҳаммасини давлатмандликка етказган. Биз ҳам кўрдикки, сен отангнинг ҳиммат ва равишига яхши мутобиат қилибсан. Энди Су Жўнинг Касой ҳазораси одамларидан Ду-Жихун-Бойни ва Сун-Қунг-Жи садасидан Донг-Чингни бир гуруҳ кишилар билан қўшиб, садоқат зоҳир бўлсин учун табрикнома, кимхоб кийим ва тарғулар билан юбордик. Бундан кейин ҳам одамларни юборамиз, токи улар борди-келди қилсинлар ва йўллар кесилиб қолмасин; улар ўз истакларича тижорат ва касб қилсинлар. Халил Султон сенинг биродарзоданг; ўз туғишганлик ҳаққингни бажо келтирмоғинг учун сен уни яхши тарбият қилишинг керак. Сен бизнинг садоқату раъйимизга ҳамкорлик қилишинг лозим. Билдириб қўймоқчи бўлганимиз ана шу”. Бу мактубга қўшиб яна бир мактубни юборган эдилар, унда жўнатилган совға-туҳфалар муфассал тарзда битилган эди. Яна бир мактуб йўл хати қабилида бўлиб, у элчилар учун эди. Уч мактубнинг ҳар бири форс хати билан форс тилида ёзилган ва худди ўша мактубда сўз мазмуни мўғул хати билан туркий тилда ёзилган, яна ўша мактубда ўша мазмунни хитой хати билан ўз хитой тилида ёзган. Хоқони сайд ҳазратлари мактубни ўқиттириб эшитиб, унинг нозик мазмунини ўткир фикр билан мулоҳаза қилди ва мақсадларини тўла тушуниб олгач, ҳаммани иштирок этишга чақириб, “Амирлар элчилар шарафига тўй берсинлар”, — деган фармон содир бўлди. Хитой элчиларининг муҳим ишлари тўла битганидан кейин, уларга ижозат берилиб, қайтиб кетдилар. Шайх Муҳаммад Бахший элчилик расми бўйича улар билан бирга равона бўлди. Хитой подшоҳи то шу вақтгача ислом динини қабул қилмаганлиги ва шарият талаби бўйича иш тутмаётганлиги сабабли ҳазрат хоқони сайд дўстлик юзасидан: «Зораки у ҳидоят нури туфайли имонга мушарраф бўлса», — деган умидда араб ва форс тилларида ёзилган икки насихатномани юборди. Арабча мактуб сурати: Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим! Бир Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. Муҳаммад Оллоҳнинг расулидир! Оллоҳнинг расули, яъни Муҳаммад алайҳиссалом айтган: менинг умматларимдан кимки Оллоҳнинг амрига ҳозир турса, у сира камлик кўрмайди, уларни хорловчи ва уларга зидлик қилувчилар ғалаба қозона



олмайдилар. Оллоҳнинг амри билан қиёмат қоим бўлгунига қадар улар шундай азизликда бора берадилар.¹ Шоҳрух элчиларни қабул қилгач, уларнинг шарафига амирлар тўй берсин деб буйруқ беради. Бунга биноан элчилар кўп зиёфатларда иштирок этади. Элчиларнинг ишлари тўлиқ битгандан кейин уларга ижозат берилади ва уларга Муҳаммад Бахший ҳамроҳлик қилиб жўнайди. Бу элчилар Шоҳрух ҳузуридан чиқиб, Улуғбек томон боришади ва у ердан ҳам ишлари битгач Хитой томон равона бўлишади. Мирзо Улуғбек ўн биринчи муҳаррамда бу жамоатга ва Хитой элчиларига катта тўй бериб, тўла иззат-эҳтиром кўрсатди. Шундан сўнг улар сафар ойининг бошида (1421 йил 5 февраль) Хитой томон равона бўлдилар. Савдогарлардан кўплари ва ҳар хил диёрнинг кишилари бу сафарга бирга чиқишни ихтиёр қилдилар. У вилоятларнинг элчилар борган ва қайтиб келган вақтларидаги ҳолати ва аҳвол-авзои ҳақидаги ҳикоятлар қай тарзда эшитилган бўлса, шояд саккиз юз йигирма бешинчи (1421—1422 йй.) йил воқеалари орасида, — мисра, — у сўзлар шарҳини қалам гўзал рақамлар билан сўзлар.²]

Мирзо Бойсунғур ўз номидан Султон Аҳмад билан Фиёсуддин наққошни элчиларга қўшиб юборар экан, Хожа Фиёсуддинга доруссалтана Хиротдан чиқиш кунидан то қайтиб келиш кунигача ҳар бир шаҳар ва вилоятда йўлларнинг қандайлиги, вилоят ва иморатларнинг сифати, шаҳарларнинг қонун-қоидалари, подшоҳларнинг куч-қудрати ва уларнинг давлатни бошқариш ҳам сиёсат услуби, у шаҳар ва диёрларнинг ажойиботлари ва номдор маликларнинг феъл-атвориға оид нимаики кўриб билса, ҳаммасини рўзнома тарзида кун-ма-кун ёзиб бориши лозимлигини ғоят таъкидлаган эди.

Би-Бочин, Ту-Бочин, Жот-Бочин ва Татқ-Бочин 300 отлик билан Дой-Минг хон томонидан Шоҳрух Мирзо ҳузуриға келганлиги қайд этилади. 1417 йил воқеалари баёнида бир неча ой олдин келган Хитой элчилари учун зиёфат берилгани ва уларға қайтиш учун рухсат берилганлиги қайд этилган. Кўплаб совға-саломлар, шунқор атлас, кимхоблар келтирган. Элчилар ўзаро ҳамкорлик ва савдо-сотикни ривожлантиришға қаратилган бир хат ҳам олиб келишган. Хат мазмуни китобда келтирилган. Хитой элчилари яхши кутиб олинади ва уларға қўшиб Ардашер тавочи элчи сифатида қўшиб юборилади.

Хитой элчилари билан кетган Ардашер тавочи 1419 йили қайтиб келиб у ер воқеаларини баён этади. У билан бирға Пи-Мочин ва Хон-Мочин номли элчилар келганлиги қайд этилади. Асарда уларнинг хатлари матни келтирилади.

¹ Ўша асар. 1-китоб. . –Б. 222-225.

² Ўша асар. Б. 376.



Хуросондан қайтаётган Хитой элчилари Самарқандда Мирзо Улуғбек томонидан яхши кутиб олинади ва уларга қўшиб ўз элчиларини жўнатганлиги зикр этилган.

Амир Шодихожа, Султон Аҳмад, Гиёсиддин Наққош, Амир Ҳасан, Паҳлавон Жамол, Арқадок, Ўрдувон ва Хожа Тожуддин 1421 йили Хуросон ва Мовароуннаҳрдан Хитой томон элчи сифатида жўнат кетишади. Мазкур элчилик тафсилоти Мирзо Бойсунғур топшириғига кўра Гиёсиддин Наққош томонидан батафсил ёзиб борилади.¹ Кейинчалик, саёхатноманинг қисқартмалар ва ўзгаришлар билан Абдураззоқ Самарқандий “Матлаи саъдайн” китобига қўшган² Хожа Гиёсуддин у ҳикоятлар мазмунини батафсил ёзганлиги туфайли у сўзларнинг сараланган ва танланганлари асарда келтирилган. Гиёсиддин Наққошнинг “Кундалиги” мусулмон оламида Хитой ҳақида ёзилган асарлар ичида энг тўла ва эътиборлисидир³. Мазкур элчилар 1422 йили қайтиб келганлиги қайд этилган. Гиёсиддин Наққош Хитойга боришдан бошлаб то қайтгунича бўлиб ўтган воқеаларни батафсил ёзиб боради. Жумладан, уларнинг маданияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Борган жойларининг дини, миллати, санъати ҳақида мусулмон олами учун муҳим маълумотлар беради.

Элчилар саккиз юз йигирма иккинчи йил ўн олтинчи зу-л-қаъдада (4 декабрь 1419) доруссалтана Ҳиротдан равона бўлдилар ва тўққизинчи зу-л-ҳижжада (27 декабрь, 1419) Балхга етдилар ва ёгингарчилик кўплигидан то (саккиз юз) йигирма учинчи йил муҳаррам ойининг бошигача (17 январь 1420) Балхда туриб қолдилар. Сўнг бу ердан жўнаб йигирма иккинчида (7 февраль 1420) Самарқандга етдилар. Мирзо Улуғбек илгарироқ ўз элчилари Султоншоҳ ва Муҳаммад Бахшийларни бир гуруҳ хитойликлар билан жўнатиб юборган эди.

Хитой билан олиб борилган сиёсий муносабатлар дўстона бўлиб, асосий эътибор савдо-сотик муносабатларига қаратилган эди. Чжу-ди (1404-1424) ҳукмронлиги даврида савдо ва элчилик муносабатларининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи ҳар хил турдаги солиқ ва божлар бекор қилинган эди.⁴

Ҳиндистон билан олиб борилган элчиликлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам диққатга сазовор бўлиб, асар муаллифининг ўзи элчи сифатида Ҳиндистонга бориши билан аҳамиятлидир.

Ҳиндистон худуди Хитой мамлакатидан фарқли равишда бир қатор ўзига мустақил бўлган давлатлардан иборат эди. Уларнинг кўпчилиги Шохрух

¹ М.Мамажоновна. Абдураззоқ Самарқандийнинг Бойсунғур Мирзо ҳақида маълумотлари // Шарқшунослик. – Тошкент, 2002. – № 11. – Б. 37-38.

² Ўринбоев А. , Бўриев О. Гиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. - Т. : Фан. 1991. –Б. 7.

³ Бартольд В. В. Культура мусулманства. Сочинения. Т. 5. –М. , 1966. –С. 196.

⁴ Бўриев О. Темурийлар дари ёзма манбаларида Марказий Осиё. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 186 б. (116 б.)



Мирзо ҳукмронлиги остида бўлса, қолганлари унинг қудратини яхши ҳис қиларди. Зеро Ҳиндистон Амир Темур томонидан босиб олинган ва ўз мамлакати таркибига қўшиб олинган эди.

Ҳофизи Абру ва Абдураззоқ Самарқандий ўз асарларида Шоҳрух ҳукмронлигининг илк йиллари воқеаларида Шимолий Ҳиндистондан Ҳиротга 1411, 1416 ва 1421 йилларда элчилар келганлигини, шу йилларда Шоҳрух саройидан ҳам Ҳиндистонга элчилар қатнаб турганлиги ҳақида маълумотлар бор.¹

Асарда Ҳиндистон билан олиб борилган илк алоқаларга доир маълумотлар 1411 йил воқеалари шарҳида келтирилган. Хизрхон томонидан Мултон қозиси Шоҳрух Мирзо ҳузурига Бодғис яйлоқига элчи сифатида келади. Элчилар Шоҳрух Мирзо ҳукмронлигини тўлиқ тан олиб, ўзининг тобе эканлигини билдиради.

Хизрхон томонидан Дехлидан у билан бирга аввалроқ у ерга жўнатилган Шоҳрух Мирзонинг элчиси ҳам 1416 йили келади. Элчилар яхши кутиб олинади. Элчи Мирзо Қайду Ҳиндистонга элчи юбориб, ўз номи билан хутба ўқиб, пул зарб қилишни буюрганлигини, бу борада нима қилиш кераклигини сўраб келган эди. Бу элчиларга яна бир элчи қўшиб жўнатилади ва хутбада аввал Шоҳрух Мирзо номи кейин Хизрхон номи тилга олинсин деб буйруқ берилади.

Шоҳрух Мирзо 1420 йилда қишлоқ мақсадида Арроннинг Қорабоғига келиб тушгач жуда кўп мамлакатлар ҳукмдорлари, шаҳзодалари ва элчилари кела бошлайди. Шулар ичида Ҳиндистон элчилари ҳам бор эди.

Шоҳрух Мирзонинг Озарбайжон юришидан олдин Хизрхон элчи юбориб, бир элчи юборсангиз деб илтимос қилган эди. Шу сабабдан Амирхожа элчи сифатида кетиб, шу вақтда қайтиб келади ва у ердан ажойиб совға саломлар, жумладан бу ерлар учун нотаниш бўлган каркидон олиб келади. Асарда бу каркидон тавсифи батафсил тушунтирилади.

Асар муаллифи Абдураззоқ ибн Исҳоқ Самарқандий элчи сифатида Ҳиндистонга боргани ва ўзининг Ҳиндистон сафарномаси деб номланган рисоласи жуда машҳур ҳисобланади. Абдураззоқ Самарқандий 1443 йили Ҳиротга қайтади ва у билан бирга Бижонагардан Данояк Хожа Масъуд ва Хожа Муҳаммадларни, Дехли подшоҳи Фатҳхон Хожа Жамолиддинни элчи сифатида жўнатади. Ҳиндистон ҳақидаги маълумотлар ишончилигига унинг ўзи иштирок этганлиги исбот бўлиши мумкин. Муаллиф сафарга чиқар экан бошидан кечирган воқеаларни бирма-бир қайд қилиб борган. Абдураззоқ Самарқандий йўлга чиқар экан, жуда кўп мамлакатлардан, денгиз йўлларидадан ўтади. Ҳинд юртига боргач уларнинг турмуш-тарзи, маданияти ҳақидаги маълумотларни қайд қилиб боради. Буни Шоҳрух буюрган бўлиб, ўзга маданиятларни билишга бўлган қизиқиш бунга

¹ Ўринбоев, А. Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси, —Т. , 1960. Б. 12.



ундаган. Ҳар бир элчи бирон юртга борар экан уларга ўша давлатдаги барча диққатга сазовор воқеа ва маълумотларни қайд қилишни вазифа қилиб қўйган. Крачковский ўзининг Шарқ жуғрофий адабиётига оид асарида Абдураззоқ Самарқандийнинг саёҳатномасига ҳам юқори баҳо бериб ўтган. И. П. Петрушевский ҳам ўз нашрларида Ҳиндистон ҳақидаги Самарқандий маълумотларига кенг ўрин ажратган¹.

Банголанинг подшоҳи жўнапурлик Султон Иброҳимдан шикоят қилиб Шохрух Мирзодан ёрдам сўраган эди. Шу сабабдан Каримуддин Жомий элчи сифатида 1442 йили бориб, фармон билан уни бу йўлдан қайтаради. Мазкур фармон-нома “Мажмуаи риқоат ва муишаат” (Турли қайдлар ва хатлар мажмуаси) номли қўлёзмада (ЎзРФА 286-рақам) келтирилган.²

Бижонагардан Даноякнинг элчилари Хожа Масъуд ва Хожа Муҳаммад, Дехли подшоҳи Фатҳхоннинг элчилари Хожа Жамолиддин 1444 йили Ҳиндистонга қайтишга рухсат олишади. Жавоб элчилиги сифатида улар билан Наруллоҳ Жунободий барча керакли нарсалар билан элчи сифатида Бижанагарга Данояк ҳузурига жўнайди.

Асарда Ҳиндистон билан олиб борилган элчилик алоқалари шулардан иборат ҳисобланади.

Хитой сафарномасидаги маълумотлар. Шундай элчиликлардан бири сифатида Амир Шодихожа, Султон Аҳмад, Ғиёсиддин Наққош, Амир Ҳасан, Паҳлавон Жамол, Арқадоқ, Ўрдубон ва Хожа Тожуддин 1421 йили Хуросон ва Мовароуннаҳрдан Хитой томон элчи сифатида жўнаб кетишади. Мазкур элчилик тафсилоти Мирзо Бойсунғур топшириғига кўра Ғиёсиддин Наққош томонидан батафсил ёзиб борилади.³ Кейинчалик, саёҳатноманинг қисқартмалар ва ўзгаришлар билан Абдураззоқ Самарқандий “Матлаи саъдайн” китобига қўшган⁴. Мазкур сафарнома орқали Хитойдаги кўплаб қурилиш объектлари, уларнинг турлари ва ташқи кўринишлари ҳақида маълумотлар олиш мумкин. 1420 йил 11 июль куни элчилар Турфон (*Хитойнинг Шинжон-Уйғур автоном ҳудудидаги шаҳар*) шаҳрига етиб борадилар. Бу шаҳарда кўпчилик бутпараст бўлиб, катта бир бутхоналари борлиги. Суфанинг тепасида улкан бир ҳайкал борлиги ва у Шокмуний (*Буддавийлик дини асосчиси Сиддхартха Гаутама*)нинг ҳайкали эканлиги қайд этилган. Қомул шаҳрига етиб келган элчилар бу ерда амир Фахруддин томонидан қурдирилган масжид ва ибодатхона, масжид рўпарасида бутпарастларнинг ибодатхонасини кўришади.

¹ Абдураззоқ Самарқандий. Кўрсатилган асар. -Б. 7.

² Низамутдинов, Из истории Среднеазиатско-индийских отношений (IX—XVIII вв.) —Т. , 1969. С. 146. 30-с.

³ М.Мамажонова. Абдураззоқ Самарқандийнинг Бойсунғур Мирзо ҳақида маълумотлари // Шарқшунослик. – Тошкент, 2002. – № 11. – Б. 37-38.

⁴ Ўринбоев А., Бўриев О. Ғиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. - Т.: Фан. 1991. –Б.7.



Хитойга мансуб бўлган илк шаҳар Сукжўга етган элчилар шаҳардан хайратга тушишади. Гиёсиддин Наққош кўрганларини батафсил хатга туширади. Бу Сукжў тўғри тўртбурчак шаклидаги мустаҳкам қалъадан иборат бўлган бир катта шаҳардир; уларнинг бозорларида чорсулар кўп, ҳар бир чорсунинг тепасига ёғочдан бағоят гўзал тўрт қиррали бир кубба ясаганлар, унга кунгиралар қўйилган бўлиб, улар ҳам Хитой ёғочи ва муқарнасидан ишланган. Шаҳар истехкоми бўйлаб ҳар бир йигирма кадамда биттадан усти ёпилган минора қурилган; шаҳарнинг тўртта деворидан тўртта дарвозани бир-бирига тўғри қилиб очилган, ғоят тўғрилигидан яқиндек бўлиб кўринади. Шаҳарнинг ўртасидан дарвозагача йўл кўп эди. Ҳар бир дарвозанинг орқасида хитойликлар одатича тепасини чўққайтириб қурилган биттадан икки қаватлик кўшк бор; у худди Мозандарондагига ўхшайди-ю, аммо Мозандаронда (томини) рангсиз сафол билан ёпадилар; хитойликлар эса чинни билан ёпганлар. Бу шаҳарда бир нечта бутхона бор эди; улардан ҳар бири қарийб ўн жариб (ерни) эгаллаган; бағоят тоза; ерига тарошланган пишиқ ғишт ётқизилган. Унинг пишиқ ғишти тош сингари ялтироқ кўзчаларга эга.

Шунингдек, уларнинг мудофаа иншоотлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. ...ҳар бир ём бир шаҳарга ёки қишлоққа баробар келади. Ёмларнинг орасида бир нечта қарағу ва кайдай-фулар бор. Қарағу — баландлиги олтмиш газ келадиган бир уйдан иборат. Бу уйда доимо ўн киши туради. Бу уйни шундай қурганларки, ундан қаралса бошқа қарағу кўриниб туради; агар бирор ҳодиса содир бўлиб қолса, масалан, бегона лашкар келгудек бўлса, дарҳол олов ёқадилар, буни кўрган бошқа қарағу ҳам олов ёқади. Шу тартибда олов ёқишни давом эттира берадилар, бир кеча-кундуз вақт ўтгунча уч ойлик йўлдагилар ҳам қандайдир бир ҳодиса юз берганлигидан воқиф бўладилар. Кайдай-фу бир неча хонадондан иборат бўлиб, уларни бир ерга муқим ўтиргизиб қўйганлар.

Қамжу шаҳридаги иморатлар ҳақида ҳам маълумотлар берилади. Бу Қамжў шаҳрида бир бутхона бор экан, унинг узунлик- кенглиги беш юз газдан. Унинг ўртасида уйқуда ётган бир бут-ҳайкал ишланган; у бутнинг узунлиги эллик кадам, оёқ кафтининг узунлиги тўққиз кадам, калласининг айланаси эса йигирма бир газ келади. Унинг орқасида ва боши тепасидан ҳар бири бир газ ва ундан каттароқ ёки кичикроқ бошқа бутлар ўрнатилган ҳамда ҳар бири бир одам бўйича келадиган бахшийлар ҳайкали ишланган. Улар ҳаммаси шундай ҳаракатли вазиятдаки, кўрсанг тирик дейсан. Деворларга яхши ҳайкаллар ишланган. У ухлаб ётган катта бут бир қўлини боши тагига қўйган, иккинчисини эса — сони устига. Унинг устидан тилла юритганлар ва номини Шакмоний-фу дейдилар. Бу иморатнинг айланасида худди карвонсарой хоналаридек бутхоналар бўлиб, уларни турли-туман зарбофт пардалар, тилла юритилган тахт ва курсилар, шамдонлар ва чинни идишлар билан беаган эдилар. Бу Қамжў шаҳрида ўнта катта-катта бутхона



бор эди. Яна бошқа бир уй ҳам қурган эдиларки, уни мусулмонлар чархи фалак деб айтадилар, у худди саккиз бурчакли кўшкдек ва тагидан тепасигача ўн беш қават, ҳар қаватда Хитой муқарнас манзарлари, равоқлар ва айвонлар бор; манзарлар теварагида панжаралар ва турли-туман суратлар ишланган. Масалан, бир тахт қурилган, унда бир подшоҳ ўтирибди, унинг сўл ва ўнг тарафида эса ходимлар, ғуломлар ва қизлар турибди. У ўн беш қаватнинг ҳаммасида катта-кичик манзарлар қурганлар ва ажойиб суратлар билан безатганлар. Кўшк тагида девларнинг ҳайкаллари ишланган бўлиб, улар у (кўшк)ни елкаларида кўтариб турибдилар. Кўшкнинг айланаси йигирма газ эди, дарвозасининг баландлиги эса ўн газ ҳаммаси тарошланган ёғочдан ишланиб, шундай тилла юритилганки, ҳақиқатан ҳам бутунлай тилладан дейсан. Унинг тагида сардоба бор. У (кўшк)нинг тагидан тепасигача бир темир устунни беркитилган. Устуннинг бир учини бир темир курси устига ўрнатилган, бошқа учинчи эса ўша кўшк ўрнашган уйнинг шипига маҳкамланган, шундайки сардобада андак ҳаракат воқе бўлиши билан у катта кўшк ҳаракатга келади. Оламнинг барча дурадгорлари, темирчилари ва наққошлари санъат таълимини ўша ердан олишлари лозим дейилади сафарномада.

Садинфу шаҳрига етиб келган элчилар у ердаги ажойиботларга диққат қаратишади. Шаҳарда бир бутхона бор ва унда жездан баҳайбат бир бут қуйганлар ва тилла юритганлар; баландлиги эллик газ; аъзоси мутаносиб ва бутун аъзоси устидан қўллар чиқарилган ва ҳар бир қўл кафтида биттадан кўз акс эттирилган. Бу бутни «Ҳазор даст» — «Минг қўл» деб атайдилар; у бутун Хитойда шуҳратга эга. Бир курси ни яхши тошдан тарошлаб ишланган ва у бут ҳам иморат ўша курси устига ўрнатилган. Яна у бут айланаси бўйлаб бир неча поғона равоқлар, манзарлар ва болохоначалар ишланган: биринчи поғона унинг оёғининг тўпиғидан ўтган, иккинчиси тиззасига етмай тўхтаган, бошқаси унинг тиззасидан юқори кўтарилган, яна бири белигача бориб етган, бошқаси сийнасигача ва шу қабилда то бошигача бориб етган. Бу серҳашам иморатнинг тепаси муқарнас қилиб кўтарилган ва шундай ёпилганки, кишилар унга ҳайронлар. Саккиз поғона ва ҳар бир поғонанинг ташқари ва ичкарасидан айланиб чиқиш мумкин. Бу бутни тик турган ҳолатда ишлаганлар. Унинг ҳар бири қарийб ўн газдан келадиган икки оёғи иккита қуйилган тиғ устида туради-ю, аммо тиғнинг ўзи кўзга кўринмайди, бут худди муаллақ турибди, деб ўйлайсан. Бу иш учун тахминан юз минг харвор жез сарф бўлган бўлса ажаб эмас. Яна кичкина бутчаларни ганчдан ранг бериб ишлаганлар ҳамда ганчдан тоғлар ва (тоғ) камарларини ясаб, бутоғу камарларга ғор ва унгурлар суратини солганлар, чунончи (у ерда) бахшийлар ва жўгийлар чилла ўтириб риёзат тортаётгандек. Шунингдек, ёввойи қўчқор, ёввойи така, бабр, паланг, аждарҳо ва дарахтлар суратлари солинган.



Сафарномада Хитой шаҳарларидаги бинолар, қурилиш материаллари, услублари, биноларнинг турлари, кўприклар ва бошқа иншоотлар тўғрисида батафсил маълумот олиш мумкин.¹

Элчилар Қомул шаҳридаги биноларни кўрар экан, у ердаги бутпарастларнинг ибодатхонасига эътибор қаратишади. Ибодатхона жу да ҳашаматлилиги ва унинг безаклари тўғрисида ҳам маълумот берилган. Бутхона атрофига катта, кичик бутлар жуда чиройли қилиб чизиб қўйилганлиги ва дарвозасига иккита баҳайбат дев бир-бирига ҳамла қилиб турган тасвири туширилганлиги қайд этилади. Элчилар шарафига ёзиладиган дастурхонлар пайтида уларнинг таомлари, таомни тортиш тартиб-қоидалари, безатилиши ҳақида ҳам маълумотлар тўпланган. Эътиборли жиҳати шундаки, хитойликлар дастурхонни жуда чиройли қилиб безатишга эътибор берилган. Ҳар бир хонтахтага таомлардан ташқари турли табиий ва сунъий гулдасталар ҳам қўйиб қўйишган.

Меҳмондорчиликда хитойликлар ўз санъатларини намойиш этишади. Ётуған камонча, пийпа, учидан ва ёнидан пуфланадиган икки турли най, тунбак, мусиқор, учта пояга ўрнатилган икки томонлама ноғора, синж, чаҳор пора ва дўмбиралар (мусиқий асбоблар) билан куйлар чалиниб, соҳибжамол болалар қизил ва оқ ранг бўёқлар суртиб олишиб, худди қизлар сингари кулоқларига марваридлар тақишиб, ўйинлар кўрсатадилар. Ўйинчилар турли ҳайвонлар шаклини қоғоздан ясаб улар ёрдамида ҳам томошалар кўрсатишган. Айниқса лайлак рақси элчиларда алоҳида таассурот қолдиради. Элчилар шарафига ҳар бир мулозим тўй беришган. Шундай тўйларнинг бири рамазон ойига тўғри келади ва элчилар рўзадор бўлганликлари учун овқатланишни рад этади. Хитойликлар мусулмонларнинг эътиқодини ҳурмат қилган ҳолда, бу ҳолатни тўғри қабул қилиб, барча таомларни ифторлик қилишлари учун жўнатиб юборишади.

Элчилар Қорамурон дарёси ёнидаги шаҳарга етганларида мусулмон мамлакатларига ёт бўлган фоҳишахоналарга дуч келишади. Фоҳишахоналар сони учта ва қизлари жуда гўзал эканлиги қайд этилади.

Хитой ҳукмдорининг тахтгоҳи бўлган Хонбалиқ шаҳрига етиб борган элчилар, у ер ажойиботлари ҳақида ҳам батафсил маълумот беришган.

Хонбалиқ шаҳрида ҳам элчилар шарафига жуда катта зиёфат берилади. Зиёфат давомида Ғиёсиддин Наққош уларнинг санъати ва маданиятига алоҳида эътибор қаратиб кўрганларини қоғозга тушириб боради. Зиёфатнинг бадий қисми бошлангач бир тўда ой юзли йигитлар қизлар сингари қизил ва оқ рангли пардозлар суртишиб, кулоқларига марваридлар тақиб, зарбоф кийимлар кийишиб, гулчамбарлар ва рангин қоғоз ҳам ипаклардан ясалган рангдор гулу долаларни қўлларига ушлаб ва бошларига санчиб, хитойликлар усулида рақсга киришди. Бундан кейин иккита ўн яшар

¹ Абдураззоқ Самарқандий. Кўрсатилган асар. 2-китоб. - Т. , 2008. –Б. 421-452



бола иккита ёғоч устида дўмбалоқ ошиб ўйин кўрсатди. Бир киши остона устида ётиб, оёқларини кўтариб турди, бир неча катта-катта (қамиш) найларни унинг оёғи кафтига қўйдилар, бошқа бир киши у найларнинг ҳаммасини қўлига ушлади; ўн-ўн икки яшар бир бола келди-да, у найлар тепасига юриб чикди. Ҳар бир найнинг узунлиги етти газ келиб қолса керак. У бола найлар тепасида туриб турли-туман ўйинлар кўрсатиб бўлгач, охири найларни то биттаси қолгунча, бирин-кетин ташлаб юборди-да, у қолган биттаси устида дўмбалоқ ошиб ўйинлар кўрсатди ва бу ажойиб ҳаракатлардан сўнг ногоҳ най тепасидан қулади; ҳамма у йиқилиб тушди, деб ўйлади, аммо бояги ётган киши сакраб туриб у болани ҳавода эканлигида ушлаб олди. Созандалардан бир киши ётуган чалди ва хитойликлар усулига хилоф ўларок, асл ўн икки мақомни чалди. Бошқа бир киши пийпа, яна бири мусиқор созлади ва шулардан бири (бир вақтда) бир қўли билан ётуганнио иккинчи қўли билан мусиқорни чалди. Мусиқор чалувчи бир қўлида мусиқору иккинчисида пийпа, пийпа чалувчи бир қўлида пийпаю иккинчи қўлини най тешиқчаларига қўйди, най чалувчи найни оғзига олиб, қўлига эса чаҳорпорани ушлади. Улар ҳаммалари бир усулдан оғишмай чалдилар. Булардан ташқари ўша даврдаги хитойликларнинг урф-одатлари тўғрисида ҳам кўплаб қизиқарли маълумотлар олишимиз мумкин.

Ҳиндистон сафарномасидаги маълумотлар. Асарда Хитой сафарномаси сингари машҳур бўлган ва асар муаллифининг ўзи иштирок этиб хатга туширган Ҳиндистон сафарномаси ҳам мавжуддир. Ҳиндистон сафарномасида ҳам у ерларнинг ажойиботлари қатор меъморий обидалари тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган. Элчилар Бижонагар мамлақати чегарасининг бошланиши бўлган Мангалурга етиб келиб. Мангалурдан уч фарсанг нарида бир бутхонага дуч келишади. Тўрт бурчак шаклида тўрт тарафи бир-бирига тенг тахминан ўн газдан, баландлиги эса беш газ келадиган, ичида тўртта супаси бўлган, ҳаммаси рух (бронза)дан қўйилган, кираверишдаги супага тик турган одам суратида, тилладан (қўйиб) ишланган бир бут борлиги, бутнинг икки кўзига иккита қизил ёкут шундай нозиклик билан ўрнатилганлиги ҳақида маълумот беради. Шунингдек Билур деган жойда ҳам жуда баланд бир бутхонани кўради. Бу шаҳарнинг қурилиш объектлари, қурилиш материаллари ва услублари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтган. Бу ердаги ибодатхона у ерлардаги аҳолининг дини бўйича бутпарастларнинг маккаси ҳисобланар эди. Бижоногор шаҳридаги ободончиликлар ҳақида ҳам сўз юритилиб, ўқувчига тасаввур пайдо бўлиши учун Бижоногарни Ҳирот билан солиштириб тасвирлаб ўтади.¹

Коликут шаҳри аҳолисининг эътиқоди ҳақида ҳам маълумот берилган бўлиб, унда келтирилишича: шаҳар аҳолиси асосан мусулмон бўлмаган дин

¹ Ўша жойда. –Б. 130.



вакилларида иборат бўлган. Шу билан бирга бир гуруҳ мусулмонлар ҳам бўлиб, улар ўзлари учун масжидлар қуриб олишган ва кўпчилиги Шофий мазҳабида бўлган.

Коликут аҳолисининг урф-одатларига ҳам тўхталиб ўтилган. Абдураззоқ Самарқандий Коликутга тушган пайтда бир гуруҳ хиндларга дуч келади ва уларнинг ташқи кўринишидан ҳайратини беркита олмайди. Уларнинг бир неча тоифалари – брахманлар, жўгийлар борлиги, дин жиҳатдан битта динга сиғинишидан қатъи назар урф-одатлари бошқа бошқа эканлигини билдириб ўтади. Яна бир тоифа, яъни бир хотиннинг бешта эри бўлиши ҳақида ҳам, Самурий подшоҳи ҳам шу тоифага мансублиги қайд этилган. Кейин сигирни муқаддас билувчи тоифа ҳақида ҳам маълумот берар экан, улар учун сигирни ўлдиришдан ортиқ гуноҳ йўқлиги, унинг тезакларини куйдириб юзларига суртиб юришлари таъкидланади.

Хитойда бўлгани каби Ҳиндистонда ҳам кўплаб фоҳишахоналар фаолият олиб бориши ва улар давлат томонидан муҳофаза қилиниши ҳақида маълумот берилади.

Хулоса. Асардаги мазкур маълумотларни таҳлил қилар эканмиз, Темурийлар билан замондош бўлган бошқа сулолалардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ҳақида тушунчага эга бўлишимиз мумкин. У мамлакатларда барпо этилган мудофаа иншоотлари ва ибодатхоналарга кўпроқ эътибор қаратган элчилар биноларнинг ҳажми, қурилишда ишлатилган материаллар тўғрисида ҳам батафсил маълумотлар келтириб ўтади.

КАМОЛОВА НАРГИЗА

тадқиқотчи, Хоразм Маъмун академияси

Хива хонлигида ерга эгаллик муносабатлари

Аннотация. *Евросиё кенгликларида айниқса, Хоразм воҳаси аҳолиси энг қадимий ўтроқ деҳқонлар сифатида билинади. Улар ўзлари яшаётган ҳудуднинг табиий шарт-шароитларига кўникма ҳосил қилиб, кўп асрлик тажрибалари натижасида табиат ва инсон орасида “ўзаро мулоқот”ни йўлга қўйган, яъни атроф-муҳитга имкон қадар зарар етказмасдан, замонавий тил билан айтганда экологияни бузмасдан ердан фойдаланиб келишган.*

Экологик муаммолар бутун жаҳон бўйлаб долзарб бўлиб турган бугунги кунда табиий ресурслардан, биринчи галда ердан қай йўсинда оқилона фойдаланиши, бу борада мавжуд тажрибаларни ўрганиши учун қадимий деҳқончилик ҳудудларини ўрганиши талаб этилмоқда. Шу боис, АҚШ, Европа, Россия, Хитой, Япония каби жаҳоннинг етакчи илмий мактабларида, хусусан, ижтимоий – гуманитар фан соҳасининг маданий-антропологик тадқиқотлар йўналишида деҳқончилик тарихи ўрганилар экан, Хоразм воҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинади. Дарвоқе, бир томондан Евросиёнинг энг катта чўллари – Қизилқум ва Қорақум оралигида жойлашиб, жазирама иссиқ, иккинчи



томондан эса шимолдаги даит ҳудудларнинг кескин ва ўзгарувчан иқлими таъсирида бўлишига қарамай, воҳа аҳолиси табиат билан қурашиб деҳқончилик бўйича юксак билимларга эга бўлганликлари тарихчи, географ, эколог ва бошқа яна бир қатор соҳа тадқиқотчиларини қизиқтириб келади.

Ушбу мақолада ҳолислик ва тарихийлик тамойиллари ҳамда хронологик, тизимлилик, қиёсий таҳлил, архив материалларини таҳлил қилиши орқали Хоразм воҳасида Хива хонлиги даврида ердан фойдаланиши тартиби, ерга эгалик муносабатлари ва уларнинг турлари ўрганилган.

Таянч сўз ва иборалар: подшоҳлик ерлари, мулк ерлари, вақф ерлари, жамоа ерлари, отлиқ ерлар, атойи ерлар, ёрлиқли ерлар.

Аннотация. В евразийских широтах население Хорезмского оазиса известно как старейшие оседлые земледельцы. Они привыкли к естественным условиям местности, в которой они живут, и в результате многовекового опыта установили «взаимодействие» между природой и человеком, то есть, говоря современным языком, без нанесения максимального вреда окружающей среде, использовали землю, не причиняя вреда окружающей среде.

Сегодня экологические проблемы действительно актуальны во всем мире, необходимо изучить древние сельскохозяйственные угодья, чтобы научиться разумно использовать природные ресурсы, в первую очередь землю, и перенять имеющийся опыт в этой сфере. Поэтому, в то время как история сельского хозяйства изучается в ведущих мировых научных школах, таких как США, Европа, Россия, Китай, Япония, в частности в области антропологических исследований в социальных и гуманитарных науках, особое внимание уделяется Хорезмский оазис. Несмотря на то, что он расположен между крупнейшими пустынями Евразии – Кызылкумами и Каракумами, а с другой стороны, несмотря на жаркий, суровый и изменчивый климат северных степей, население оазиса борется с природой и земледелием. Историки, географы, экологи и ряд других исследователей заинтересованы в их высоком уровне знаний.

В статье исследуются порядок землепользования, отношения собственности на землю и их типы в Хорезмском оазисе в период Хивинского ханства на основе принципов объективности и историчности, а также хронологического, систематического, сравнительного анализа, анализа архивных материалов.

Опорные слова и выражения: царские земли, имущественные земли, земли религиозного фонда, государственные земли, атликские земли, атайские земли, ярликли (документально подтвержденные) земли.

Abstract. In the Eurasian latitudes, especially the population of the Khorezm oasis is known as the oldest settled farmers. They have become accustomed to the natural conditions of the area where they live, and as a result of centuries of experience have established an "interaction" between nature and man, that is, without harming the environment as much as possible, in modern language, have been using the land without disturbing the environment.

Today, environmental problems are really actual all over the world, it is necessary to study the ancient agricultural areas in order to learn how to use natural resources, first of all, the land wisely, and to learn from existing experiences in this area. Therefore, whereas the history of agriculture is studied in the world's leading scientific schools, such as the United States, Europe, Russia, China, Japan, in particular in the field of anthropological research in the social sciences and humanities, special attention is paid to the Khorezm oasis. Even though, it is located between the largest deserts of Eurasia – Kyzylkum and Karakum, and on



the other hand, despite the hot, harsh and changing climate of the northern steppes, the population of the oasis struggles with nature and farming. Historians, geographers, ecologists and a number of other researchers are interested in their high level of knowledge.

The article examines the order of land use, land ownership relations and their types in the Khorezm oasis during the Khiva Khanate through the principles of objectivity and historicity, as well as chronological, systematic, comparative analysis, analysis of archival materials .

Keywords and expressions: royal lands, property lands, religious fund lands, public lands, atlik lands, atayi lands, yarlikli (documented) lands.

Кириш: Хива хонлигида ер аҳолининг даромад олувчи энг асосий манбаи ҳисобланганлиги сабабли бу даврда ерга муносабатнинг ва у билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ҳаракатларнинг ўзига хос тартиб қоидалари яратилган. Айниқса, биз ўрганаётган даврда ер ва деҳқончилик билан боғлиқ масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Мақсад ва вазифа: Хива хонлигининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини тўғри англамоқ учун энг аввало, бу ҳудуддаги ерга эгалик тартибини аниқлаш;

уларни классификация қилиш зарурати туғилади.

Усуллар: Мазкур мақолани ёзиш жараёнида тарихий тадқиқотнинг ҳолислик ва тарихийлик тамойиллари ҳамда хронологик, тизимлилик, киёсий таҳлил, архив материалларини таҳлил қилиш орқали Хоразм воҳасида Хива хонлиги даврида ердан фойдаланиш тартиби, ерга эгалик муносабати ва уларнинг турлари асослаб берилган.

Натижалар ва мулоҳаза: Хива хонлигида ерга эгалик муносабатларининг куйидаги шакллари мавжуд бўлган:

1. Давлат (подшоҳлик) ерлари;
2. Мулк (хусусий мулк) ерлар;
3. Вақф мулки шакллари;
4. Жамоа ерлари (XIX аср бошларигача мавжуд бўлган).

Подшоҳлик ёки давлат ер эгаллиги Хива хонлигидаги тўқайлар, қайирлар, кумлар, қўллар жойлашган ҳудудлардаги жами ер майдонларидан ташкил топган. Давлат ерлари XIX асрнинг охирида XX асрнинг бошларида 86 минг танобни ташкил қилганлиги муаллифлар томонидан келтириб ўтилган¹. Давлат тепасига келган ҳар битта хон мазкур подшоҳлик ерларига (ер мулк бўлиб бериш, солиқ солиш) эгалик тартибини назорат қилганлар ва давлат ерларининг ўзлаштирилмаган қисмларига сув тармоқларини тортиб бориб, янги ерларга сув чиқариш йўли билан хон, хон хонадони ва унинг яқин қариндошлари ҳам мулк ерларига эга бўлиб олганлар. К.Нуржонов ва Ғ.Хўжаниёзовларнинг келтирган маълумотига кўра, рус босқинига қадар хонликда умумий ҳисобда 1 млн. 681 минг десятина ер бўлган. Шундан 324 минг десятина ер ўзлаштирилиб, экин экилган, 224 минг десятина ер аҳоли

¹ Nurjonov K., Xoʻjaniyozov Gʻ. Amudaryo. –Toshkent, 2004. – B. 85.



ва masjidларнинг вақф ерлари ҳисобланган бўлса, 100 минг десятина ер хоннинг хусусий мулки бўлган.¹ Қолган қисми эса ўзлаштирилмаган қаровсиз ерлар ҳисобланган.

Хива хонлигидаги ерга эгалик муносабатлари ҳақида кўпгина муаллифлар илмий тадқиқотларни амалга оширган бўлсаларда, аммо улар томонидан хонликдаги давлат ерлари, хоннинг давлат ерларидаги ерга эгалик тартиби ва хоннинг алоҳида мулк ерлари классификацияси масалалари батафсил ёритиб берилмасдан қолган. Жумладан, мазкур муаллифлардан М.Сазанованинг XIX асрда Хива хонлигидаги ер муносабатларига бағишланган илмий тадқиқотида этнографик ва қисман архив материаллари асосида ерга бўлган муносабатлар ҳақида маълумотлар келтирилган бўлиб, у хонликдаги жами ер давлатники ҳисобланишини, унинг энг юқори даражали эгаси эса давлат тепасида турган хон эканлигини ёзган² ва давлат ерлари ҳамда мулк ерларининг классификациясида ноаниқликларга йўл қўйган. Мамлакатдаги ерга эгалик муносабатларида давлат ерлари, мулк ерлари ва вақф ерлари шакллари мавжудлигини тўри таъкидласа – да, аммо давлат ер эгалиги ва мулк ер эгалиги муносабатлари батафсил ёритиб берилмасдан қолган.

Н.Н.Муравев хонлик ҳудудидаги ерларнинг эгалик тартибини таҳлил қилар экан, у ҳам Хива хонлигидаги жами ерларнинг ҳақиқий эгаси хоннинг ўзи эканлигини таъкидлайди³. Ҳатто, хонлик ҳудудидаги иноқларнинг қадим замонлардан бери тасарруф қилиб келаётган ерлари ҳам аслида, хоннинг мулки саналганлигини айтиб ўтади. Шунингдек, у ҳам давлатдаги жами ер майдонлари (мулк ерлар, вақф ерлар ва жамоа ерлар) хоннинг қўл остида бирлашган деган нотўғри хулосани шакллантиради. Зеро, давлат тепасига келган хон давлатдаги мавжуд жами ерларнинг эмас, балки йирик феодалларнинг ихтиёридан ва вақф ерларидан ташқари бўлган, ўзлаштирилмаган ҳудудлардаги ерларга эгалик қила олиши мумкин эди. Чунки мамлакат марказидаги ва йирик суғориш тармоқлари бошларидаги экин майдонларининг барчаси аллақачон йирик заминдорлар ва мутаваллилар қўл остида бўлган.

И.Магидовичнинг ёзишича подшоҳлик (давлат) ерлари шахсий подшоҳлик ва атоий ерларга, мулкани эса ёрликли мулк ва атоий мулк турларига бўлган, булардан ташқари подшоҳлик ерларининг шахсий ҳамда отлик ер турлари ҳам бўлганлигини ёзади.⁴ Муаллиф атоий мулк, ёрликли

¹ O'sha kitob – B. 86.

² Sazanova M. Zemelniye otnosheniya v Xivinskom xanstva v XIX veka. Kand. Diss. Arxiv institute etnografiyi AN SSR. 1945. № 21.

³ Muravyev N.N. Puteshestvie v Turkmeniyyu. chast I. – Moskva: V tipografii Avgusta Semena, 1822. – S. 80 – 81.

⁴ Magidovich I. Xorezm // Territoriya i naseleniye Buxari i Xorezma. chast 2. –Tashkent. 1926. – S. 65.



мулк ва олтиқ ер турлари давлат ерлари категориясини ташкил қилади деб ҳисоблаган ва хонликдаги давлат ва мулк ер эгаллиги шаклларини аралаштириб юборган. Бунинг натижасида давлатдаги мавжуд мулк ерлари давлат ерлари категориясига кирганлиги ва айти пайтда давлатнинг ўзи ҳам йирик ижарадор, мулк ер эгалари эгаси ерларни ижарага олган ижарачилар деган нотўри хулосанинг юзага келишига сабаб бўлади.

Таҳлил ва натижалар Атойи мулк, отлиқ ерлар ва ёрликли ерлар хонликдаги мулк ерларни ташкил қилган. Ушбу мулкларнинг ҳақиқий эгалари давлат эмас, балки йирик феодаллар бўлиб, улар бу ерларга нисбатан эгалик ҳуқуқининг барча кўринишларидан (ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш) тўлиқ фойдаланганлар ва у мерос мулк ҳисобланган. Давлат бу мулк эгаларига фақат солиқ солиш ва маълум мажбуриятларни юклаши мумкин бўлган.

Подшоҳлик ерлари бошқа ер шаклларига нисбатан кейинроқ ўзлаштирилган ерлардан ташкил топган бўлиб, ушбу ерлар ҳажми XIX асрга келиб кўпая борган ва асосан воҳанинг ғарбий қисмида Кўҳна Урганч атрофи, Қиличнӣёзбой ва жанубий қисмида Ҳазорасп атрофларида мавжуд бўлган¹. Мазкур ерларни ер эгаларининг ўзлари эмас, балки беватан батрақлар, мардикорлар ишлаб берган ва улар ерга эгалик ҳуқуқига эга бўлмаган, балки ушбу ердан вақтинча фойдаланиш ҳуқуқига эга ҳисобланганлар. Агарда подшоҳлик ерида деҳқончилик қиладиган шахс вафот этган тақдирда ушбу ердан фойдаланиш ҳуқуқи унинг фарзандларига ўтган ва шу ерда деҳқончилик қилишда давом қилганлар. Ваҳоланки, подшоҳлик ерларида деҳқончилик қилувчи шахс бу ерларнинг ҳақиқий эгаси ҳисобланмаса-да, лекин бу ерда етиштирган ҳосилнинг ва шу ерда ўзи томонидан қурилган иморатларининг тўлиқ эгаси ҳисобланган.

Демак, Хива хонлигидаги барча ерсиз деҳқонлар: ижарадор ва батрақ ёки мардикор деб аталганлар. Улар ижарага олган ер шаклига қараб эса қуйидагиларга бўлинган:

1. Беватанлар – давлат ёки подшоҳлик ерларини ижарага олган шахслар².
2. Коранда – хусусий ёки мулк ерларини ижарага олган шахслар.
3. Вақфкор – вақф ерларида ижарага ишловчи шахслар.

М.Йўлдашевнинг ёзишича, беватанлар ўртача 5 – 7 таноб ерни ижарага олганлар ва ҳар 5 таноб ерга 1 тиллодан “салғут” тўлаганлар. Давлат ихтиёридаги ерлар миқдорининг оз бўлганлиги сабабли, беватанларнинг ижарадаги ерлари хонликда жуда кам ҳиссани ташкил этган³.

¹ Shkapskiy O. Amu-Darinskiye ocherki. K agrarnomu voprosu na nijney Amu-Darye. – Tashkent: Tipo-Litografiya, 1900. – S. 104.

² Yo‘ldashev M. Xiva xonligida feodal yer egaligi va davlat tuzilishi. – Toshkent: O‘zbekiston SSR davlat nashriyoti, 1959. – B. 173.

³ Magidovich I. Xorezm // Territoriya i naselenie Buxari i Xorezma. chast 2. – Tashkent. 1926. – S. 65.



Подшоҳлик ерларида деҳқончилик қилувчи деҳқонлар 2 хил тартибда “даяк” тўлаганлар. Чиғирсиз суғориладиган ерлар учун ҳосилнинг 1/5 миқдорида, чиғир орқали суғориладиган ерлар учун эса ҳосилнинг 1/10 миқдорида солиққа тортилганлар.

XIX асрга келиб Хива хонларининг шахсий ерлари кўпая борган. Хива хонлари айни вақтда давлатнинг энг йирик феодал ер эгаси ҳисобланган. Чунки уларнинг ихтиёрида ҳам бир қанча хусусий ерлари бўлган. Хонлик ҳудудидаги энг яхши ерлар, боғлар хон ва унинг авлодлари қўлида бўлган. Қ.Мунировнинг таҳлилларига кўра, бу ерларда ерсиз деҳқонлар, мажбурий равишда кўчириб келтирилган кишилар ва қуллар меҳнатидан кенг фойдаланилган. М. Йўлдашев ўз тадқиқотида хонлар жуда катта хусусий ёки подшоҳлик ерларининг хўжайини бўлганлигини ва улар давлатнинг биринчи феодал эканлигини ёзади¹. Албатта хонларнинг катта ер майдонларига эгалик қилиш ҳолати йирик феодал ер эгалигининг яна бир кўринишидир. Демак, хонлар давлат ерларини ва улардан тушган солиқларни назорат қилганлар ҳамда уларнинг ихтиёрида шахсий манфаатларини ифодаловчи мулк ерлари ҳам бўлган. Хусусан, Огаҳий 1846 – 1847 (ҳижрий 1263 йил) йили Муҳаммад Аминхон Кўҳна Урганч ва Кўҳна Вазир ҳудудларидаги сув бормайдиган деҳқончилик қилишга қулай ҳудудларга сув чиқариш мақсадида Шарқировик дарёсининг ўнг томонидан ёп (канал) қаздирганини ёзади². [10, 21 б.]

Бу ерларга сув чиқарилгач, деҳқончилик қилишга қулай шароит яратилган ва ушбу экин майдонлари хоннинг ихтиёрига ўтган. Огаҳий ўз асарларида Хива хонларининг қайси шаҳарларда мулк ерлари мавжудлигига тўхталган, аммо ушбу мулк ерларнинг ҳажми қанчалиги борасида бирон бир маълумот келтирмаган. Хива хонларининг ихтиёридаги мулк ерлар асосан хонлик ҳудудининг деҳқончилик учун қулай унумдор ерлардан ташкил топган. Хонларнинг хусусий ерлари Амударёнинг ўнг томонидаги ҳудудларда ҳам кўпчиликни ташкил қилган. Шўраҳон ва Шайх Аббос Вали ерлари 1865 – 1866 йилларгача, яъни Саид Муҳаммадхон давригача давлат ерлари ҳисобланган³. Кейинчалик мазкур ерлар Саид Муҳаммадхоннинг ихтиёрига ўтган. Бу ерлардан тушган ғалла давлат хазинасига эмас, балки хоннинг хазинасига тушган. Оқмасжид, Қўнғирот, Довқара ва Шўраҳон ҳудудидаги корандалар ишлаган ерлари хонларнинг хусусий мулки бўлиб, у ерлардан олинган ғалла ҳисобини мазкур ҳудудларни бошқарадиган шахслар, яъни мушрифлар назорат қилиб борганлар. Хива хонлигининг

¹ Yo‘ldashev M. Xiva xonligida feodal yer egaligi va davlat tuzilishi. – Toshkent: O‘zbekiston SSR davlat nashriyoti, 1959. – B. 151.

² Ogahiy. Jome ul – voqeoti sultoniyy. Asarlar. Jild 6. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san‘at nashriyoti, 1980. – B. 21.

³ Yo‘ldashev M. Xiva xonligida feodal yer egaligi va davlat tuzilishi. – Toshkent: O‘zbekiston SSR davlat nashriyoti, 1959. – B. 195.



Муҳаммад Аминхон даврига оид ғалла кирим –чиқимлари¹ ҳақидаги дафтарда қуйидагилар келтирилган, жумладан, 1848 йилдаги Шўрохон худудидаги мулк ерларидан “*бир минг тўққиз ботмон бугдой, икки минг ети юз олтмиш беш ботмон кунжут, бир минг икки юз ўн бир ботмон мош, юз доғи беш ботмон гувоча, уч юз доғи беш ботмон тариқ, ўттиз икки ботмон зигир*” ҳосил олинганлиги қайд этилган².

Албатта тахтга янги ўтирган ҳар бир хон ўзлаштирилмаган ерларнинг энг яхши қисмига эгалик қилишга ҳаракат қилган ва улар кўпроқ хонликнинг чекка худудларидаги ўзлаштирилмаган ерларига янги сув тармоқларини қаздириш орқали сув чиқариб, мазкур экин майдонларини ўз ихтиёрларига ўтказиб борганлар. Зеро, пойтахт яқинидаги ерларнинг аксарияти шу ерлик катта заминдорлар қўлида бўлган. Демак, мамлакатдаги хоннинг ихтиёрида бўлган боғлари ва экин ерлари давлат ерлари таркибига кирмасдан балки унинг хусусий мулки саналган. Бу ерлар хоннинг алоҳида мулки ҳисобланиб, жуда кўп ариқлар билан суғорилган, бу ерларда жуда кўп куллар меҳнатидан фойдаланилган. Бу куллар асосан, қорақалпоқ қишлоқларидан ҳайдаб келинган асирлардан ташкил топган.

Мулк ерлар (Мулки-хурри-халис) 3 турга бўлинган ва турига қараб солиққа тортилган бўлиб, 1) атоий мулк, 2) ёрликли мулк, 3) отлик ерлар.

Атоий мулк мерос мулк бўлган ва хоннинг қариндошлари ва юқори давлат амалдорларига тегишли ерлар бўлиб, ери учун кам миқдорда солиқ тўлаган, баъзи жойларда эса умуман солиққа тортилмаган³. Атоий мулк эгалари мазкур ерга нисбатан эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи махсус ҳужжатга эга бўлганлар ва подшоҳлик ерларидан шу жиҳатдан фарқ қилган. Атоий мулк ёрликли мулкдан ҳуқуқий жиҳатдан деярли фарқ қилмаган, чунки мазкур ер шакли эгалари ҳам хон томонидан берилган ерга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи махсус ҳужжатга эга бўлганлар. Тадқиқотчи О.Жалилов атоий мулк шаклидаги ерлар хоннинг қариндошларига, йирик амалдорлар, айрим тоифадаги руҳонийлар, хонликка хизмат кўрсатган навкарлар (отлик навкарлар)га тегишли ерлар эканлигини, мазкур ер эгалари ҳам солиқлардан озод қилинганлигини тасдиқловчи хон томонидан берилган ёрликка эга бўлганлигини ёзади⁴.

Тадқиқотчи ана шундай ёрликка эга шахсларни эса “ёрликдор” деб атайти, бироқ у ҳам атоий мулк ва ёрликли мулкка эгалик тартибини ва уларнинг асосий фарқини батафсил ёритиб бера олмасдан, мулк ерлари ҳисобланган отлик ерлар ва атоий ерларни тавсифлаш жараёнида иккала мулк турини аралаштириб юборганлиги кўзга ташланади. Зеро, атоий ерлар

¹ O‘zMDA. FN. 125.Op. 2d. 400 - 410.

² Jalilov O. XIX-XX asr boshlarida Qoraqalpoq tarixidan. – Toshkent: Fan, 1986. – B. 41.

³ Shkapskiy O. Amu-Darinskiye ocherki. K agrarnomu voprosu na nijney Amu-Darye. – Tashkent: Tipo-Litografiya, 1900. – S. 93, 96, 107.

⁴ Jalilov O. XIX-XX asr boshlarida Qoraqalpoq tarixidan. – Toshkent: Fan, 1986. – B. 20.



хақиқатан хон қариндошларига, давлатдаги йирик амалдорларга ва руҳонийларга хон томонидан маълум хизматлари эвазига инъом этилган ерлар ҳисобланган ва бу ерлар мулкдорнинг хонга хизмати даврида солиқлардан озод қилинган. Хон хизматида бўлмаган даврларида эса бошқа мулклар қаторида солиққа тортилган. Зеро, ушбу даврда мамлакатнинг асосий даромад манбаларидан бири солиқлар ҳисобланган. Ёрликли мулклар эса хон томонидан инъом этилмасдан, балки мулкдорларга маълум маблағ эвазига берилган ерлар бўлган, аниқроқ қилиб айтганда мазкур ерга эгаликни тасдиқловчи ёрлик хужжатлари сотилган. Айрим ҳолларда ёрликларнинг баҳоси жуда юқорилигидан аҳоли ерга эгалик хужжатини сотиб олишни эмас, балки ерларни ижарага олишни ва ердан фойдаланганлик учун оддий солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган ҳолда солиқ тўлашни маъқул кўрганлар¹. Ушбу ҳолда ердан фойдаланувчиларнинг ерлари ёрликли мулк қаторига кирмаган.

Демак, атоий мулк ва ёрликли мулкларнинг фарқи ерга эгалик ҳуқуқининг қўлга киритилиши ва солиққа тортилиши билан белгиланган. Атоий мулк эгалари хон хазинасига ер солиғи (салғит, салғут-кесма) эмас, балки уй ёки ҳовли солиғини тўлашган. Бу солиқ мулкдорнинг ерига қараб эмас, балки молк – мулкининг миқдорига кўра олинган. Албатта бу даромад солиғининг бир кўриниши саналган. О.Шкапскийнинг келтирган маълумотларига кўра, хонликдаги атоий мулк эгалари 3 тоифага бўлинган. 1) адина (қуйи), 2) аулият (ўрта), 3) агля (юқори)².

Қуйи табақа ер эгалари қанча ерга эгалик қилишидан қатъий назар ҳар ҳовли учун 2 тиллодан подат тўлаганлар. Ўрта табақага мансублар 4 тиллодан, юқори табақа вакиллари эса 6 тиллодан солиқ тўлаганлар. Албатта Хива хонлигида солиқларнинг бу шаклда тўлаш 100 йилга яқин давр мобайнида қўлланилиб келинган. Зеро, шу тариқа ҳар 20 йилда хон буйруғи билан атоий мулк эгаларининг аҳволи тўғрисида маълумотлар йиғилиб борилган ва шу маълумотлар асосида ҳар бир оила паст табақадан ўрта ёки юқори тоифагача кўтарилиб борилган³. Атоий мулк шакли хонликнинг Хозарасп, Хива, Боғот, Хонқа, Кат, Гурлан, Манғит, Қипчоқ, Хўжайли, Кўнғирот, Қиёт, Шовот, Ғазавот, Кўшкўпир худудларида кенг тарқалган⁴. Демак, атоий мулк эгалари асосан, Хоразмнинг туб ўтроқ аҳолиси ҳисобланган. Аммо М.Йўлдашев⁵ бу масалага бошқача ёндашади.

¹ Magidovich I. Xorezm // Territoriya i naselenie Buxari i Xorezma. chast 2. – Tashkent. 1926. – S. 66.

² Shkapskiy O. Amu-Darinskiye ocherki. K agrarnomu voprosu na nijney Amu-Darye. –Tashkent: Tipo-Litografiya, 1900 – S. 108.

³ O'sha kitob – S. 109; Magidovich I. Xorezm // Territoriya i naselenie Buxari i Xorezma. chast 2. – Tashkent. 1926. – S. 66.

⁴ Magidovich I. Xorezm // Territoriya i naselenie Buxari i Xorezma. chast 2. – Tashkent. 1926. – S. 66.

⁵ Yuldashev M. Istorii krestyan Xivi XIX veka. – Toshkent: Fan, 1966. – S. 37.



Унинг ёзишига кўра, XIX асрнинг ўрталарида Хива хонлигида ер эгаллиги тахминан қуйидагича бўлган:

1. Бевосита ер эгалари – бу категорияга адно ва авсат тоифасидаги деҳқонлар кирган, уларнинг жами ер-майдонлари 64 минг танобни ташкил этган.

2. Мулкдорлар – бу категорияга аъло ер эгалари кирган бўлиб, уларнинг жами ер-майдонлари 70 минг танобдан иборат бўлган.

3. Давлат ва вақфга тегишли ерлар бўлиб, уларнинг жами 250 минг таноб бўлган.

Ёрлиқли мулкларнинг ўзига хос хусусияти мулк эгаси хон томонидан берилган махсус ёрлиқ орқали умрининг охиригача бу ерга тўлиқ эгалик қилган ва вафотидан сўнг эгалик ҳуқуқи унинг ворисларига мерос бўлиб ўтган. О. Шкапскийнинг “Амударё очерклари” асарида ёзилишича, вақт ўтиши билан Хива хонлари буйруғи асосида подшолик ерларидан фойдаланувчи деҳқонларга айрим имтиёзли ҳуқуқлар берилди бошланган ва айрим ер эгаларига “ёрлиқ” деб аталадиган, ердан фойдаланиш ҳуқуқини билдирувчи махсус ҳужжат ёзиб берилган. Ушбу ҳужжат ер эгаларига давлат еридан фойдаланишдаги мулк ҳуқуқини қонуний мустаҳкамлаб берган ва бу ерлар “ёрлиқли мулк” дейилган¹.

Хон томонидан берилган ёрлиқларидан фойдаланиш ҳуқуқи умрбод бўлса-да, аммо хон алмашган тақдирда мазкур ёрлиқлар ҳам янгисига алмашлаб олинган. Бу икки хил тартибда амалга оширилган, яъни ҳукмдор аввалги ёрлиқ устига ўзининг шахсий муҳрини босиб берган ёки янги ҳукмдор эски ёрлиққа қараб янги ёрлиқ ёзиб берган². И.Магидовичнинг маълумотига қараганда ёрлиқли мулк шаклидаги ерлар хонликнинг Гурлан, Амбар-Манак, Иляли, Манғит, Қипчоқ ва Хўжайли ҳудудларида бўлган³. О.Шкапскийнинг маълумотига кўра эса ёрлиқли мулклар асосан хонликнинг шарқий қисмида, яъни, Тошовуз, Анбар-Манак, Иляли, Қиличнӣёзбой, Порсу ва Кўхна Урганч атрофларидаги ерлардан иборат бўлган⁴. Мазкур ер эгаларига хон томонидан ер солиғи салғит солинган⁵.

Хон буйруғи билан деҳқонларга бўлиб берилган ёрлиқли ерларнинг умумий миқдорини О.Шкапский 400 танобга тенглигини ёзган⁶. Ваҳоланки,

¹ Shkapskiy O. Amu-Darinskiye ocherki. K agrarnomu voprosu na nijney Amu-Darye. –Tashkent: Tipo-Litografiya, 1900. – S. 13-104.

² Otetileuov Q., Xudayberganov K. Xiva Beket ota muzeyi. – Xorazm: 2014. – B. 43.

³ Magidovich I. Xorezm // Territoriya i naselenie Buxari i Xorezma. chast 2. – Tashkent. 1926. – S. 65.

⁴ Shkapskiy O. Amu-Darinskiye ocherki. K agrarnomu voprosu na nijney Amu-Darye. –Tashkent: Tipo-Litografiya, 1900. – S. 104

⁵ Magidovich I. Xorezm // Territoriya I naselenie Buxari i Xorezma. chast 2. – Tashkent. 1926. – S. 65.

⁶ Shkapskiy O. Amu-Darinskiye ocherki. K agrarnomu voprosu na nijney Amu-Darye. –Tashkent: Tipo-Litografiya, 1900. – S. 104.



хонликдаги бир ёлғиз деҳқон ўз кучи билан 5 танобдан ортиқ ерга ишлов беролмаган. Демак, 400 таноб ерда эса 80 киши меҳнат қилишига тўғри келган. Албатта бундан маълум бўладики, хонликдаги экин майдонларининг асосий қисми юқори табақа вакиллари қўлида бўлган ва уларнинг ерларида кўплаб ижарачилар меҳнат қилган. “Наши соседи вх Средней Азии. Хива и Туркмения”¹ асарида экин ерлари ҳар бир кишига ҳисоблаганда ўртача 4 танобдан тўғри келиши ёзилган. Албатта бу мамлакатдаги барча экин ерларининг хонлик аҳолисига тенг тақсимлаб чиқилгандаги тахминий ҳолат ҳисобланган. Бундай ерлар таркибига экишга яроқли ва экишга яроқсиз ерлар ҳам киритилган. Зеро, юқори табақа ер эгалари 8 – 10 таноб ерга эгалик қилганлар, лекин хонликдаги камбағаллар ҳисобидаги ерлар 1 танобга ҳам етмаган. Оддий деҳқон учун хондан ёрлик олиш жуда қимматга тушган, шунинг учун улар ёрлик олишдан кўра солиқ тўловчилар рўйхатида киришни афзал билганлар. Демак, атоийи мулк ва ёрликли мулкларнинг фарқи ерга эгалик ҳуқуқининг қўлга киритилиши ва солиққа тортилиши билан белгиланган. Албатта хон ёрлиғига эга бўлмаган мулкдорларнинг ерлари ҳам худди ёрликли мулклар билан бир хил шаклда солиққа тортилган. Бундай деҳқонлар “мулкдорлар” деб аталиб, ерлари эса хон ёрлиғига эга бўлмаган бошқа мулклар сонига киритилган. 1873 йилга келиб ёрликли ерларга ишлов беришда қуллар меҳнатидан фойдаланиш самарали бўлган. Натижада ёрликли ерларни олинган ҳосилнинг тенг ярмини солиқ тарзида тўлаш эвазига ижарага бера бошлаганлар. Бу тарзда ерлардан фойдаланувчилар эса яримчилар² деб аталган.

Хива хонлигида “отлик ерлар” ҳам мавжуд бўлган. Отлик ерлар дейилишининг асосий сабаблардан бири бу ерлар туркманларга тақсимлаб берилган ерлар бўлиб, ушбу ерлардан фойдаланганликлари учун уруш вақтида ҳар 30 таноб (5 десятина) ер эгаси битта қуролланган от билан хонга хизмат қилиб бериши керак бўлган³ ва шу тарзда хон туркманларни ўз таъсири доирасида ушлаб туришга ҳаракат қилган. Отлик ер эгаларидан ҳеч қандай солиқ тури олинмаган. Вақт ўтиши билан отлик ерлар номи шу шаклда сақланиб қолган.

XIX асрга келиб Хива хонлиги ҳудуди руслар томонидан босиб олингач, Хива хонининг туркманлардан ташкил топган отлик аскарларига эҳтиёжи қолмаган ва отлик ер эгалари бўлган туркманлар ҳам ерига қараб солиққа яъни, салғут кесмега тортила бошланган. Бу солиқ турини мулк ҳуқуқи асосида ерга эгалик қилган ва хон хизматида бўлмаган туркманлар тўлаган. Қолган ерсиз туркманларга давлат ерларидан ер берилиб, умумий асосда

¹ Nashi sosedi v Sredney Azii. Xiva i Turkmeniya. 1873. – S. 120.

² Shkapskiy O. Amu-Darinskiye ocherki. K agrarnomu voprosu na nijney Amu-Darye. – Tashkent: Tipo-Litografiya, 1900. – S. 95.

³ Magidovich I. Xorezm // Territoriya i naselenie Buxari i Xorezma. chast 2. – Tashkent. 1926. – S. 66-67.



улардан “даяк” олинган. Хонликдаги барча аҳоли эса жон бошига қараб солиққа тортилган. Фақатгина хон томонидан ёрлиқ берилган саидлар, хўжалар ёки пайғамбар авлодлари ҳисобланган шахслар барча солиқлардан озод қилинган. Хива хонлигидаги мазкур ер эгалиги шакли ер майдони ва бошқа жиҳатларига кўра Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида XVI асрда юзага келган “танҳо” деб номланувчи ер эгалиги шаклига яқинроқ бўлган. Бухоро ҳудудида хонлар томонидан ҳарбий хизматчиларга ва мамлакатнинг бошқа имтиёзли аҳолисига инъом қилинган ерлар танҳо деб номланган¹.

Хусусий ерларни ижарага олиб, деҳқончилик билан шуғулланган шахслар, мулк эгасининг ижара шартларини бажариши билан бирга, мазкур ер учун мулкдорнинг ўрнига давлатга солиқ ҳам тўлаганлар. Қазув пайтида оиласидан битта ишчи бериши ҳам талаб қилинган. Батрақлар эса мажбуриятларни бажаролмай ва солиқларни тўлай олмай, бир умр мулкдорнинг қулига айланиб қолганлар. Демак, батрақлар билан ижарадорларнинг фарқи, ижарадор ерни ижарага олиб ишлаш учун меҳнат куроли ёки уруғликка эга бўлган шахс бўлса, батрақ эса на меҳнат куролига ва на уруғликка эга бўлган шахс ҳисобланган. Батрақлар мулкдордан ер билан унга ишлов бериш учун меҳнат куроли ва экиладиган уруғликни ҳам ижарага олиб, ерда меҳнат қилганлар ҳамда ер, меҳнат куроллари ва уруғлик учун ижара ҳақини тўлашга мажбур бўлганлар.

Хива хонлигидаги оддий халқ солиқ ва мажбуриятлар оғирлигидан қарзга ботиб, ижарадорлар батрақларга, батрақлар эса бир умрга қулга айланиб қолганлар. XIX асрга келиб, айниқса ерсиз қуллар сони тез сурутда кўпая борган. Жумладан, Муҳаммад Раҳимхон даврига келиб, хонликда йирик ер эгалари томонидан қуйи табақага мансуб қатламларнинг кам сонли ерларини ҳам зўрлик асосида тортиб олиш жараёни кучайган. Бу эса XVIII – XIX асрларда ерсиз деҳқонлар томонидан норозилик ҳаракатларининг жонланишига сабаб бўлган. Бу ҳолат кейинчалик ҳам давом этган. Жумладан, 1900-1913 йилларда Хива хонларининг амалдорларидан Омонгелди ҳисобида 2000 танобдан ортиқроқ ер, Матмурод девонбегида эса 2-2,5 минг танобдан ортиқроқ экин ерлари мавжуд бўлган². Хонликнинг йирик ер эгалари, амалдорлари ихтиёрида мамлакатнинг жами экин экиладиган ҳосилдор ерларнинг асосий қисми хонликнинг йирик ер эгалари ва амалдорлар қўл остида бўлиб, улар аҳолининг 5 фоизини ташкил қилган бўлса, 30 фоизини ярим танобдан 3 танобгача ерга эгалик қиладиган деҳқон хўжаликлари, 11 фоизини эса мутлақо ерсиз аҳоли ташкил қилган³.

¹ Qo‘shjonov O. Polvonov N. Xorazmdagi ijtimoiy-siyosiy jarayonlar va harakatlar (XIX asr ikkinchi yarmi – XX asr birinchi choragi). – Toshkent: 2007. – S. 132.

² O‘sha kitob. – S. 138.

³ O‘sha kitob. – S. 138.



Хива хонлигида вақф¹ ерлар ҳам мавжуд бўлган. Ушбу ерларнинг ҳақиқий эгаси сифатида Оллоҳ назарда тутилган ва улар масжид, мадрасаларга қарашли ерлар бўлган. Аслида бу ерларга эгалик ҳуқуқи мутаваллиларга тегишли бўлиб, ушбу ерлар ҳам авлоддан -авлодга мерос шаклида ўтган². Хива хонлари вақф учун катта-катта ер майдонларини инъом қилишдан ташқари, ҳар йили масжид ва мадрасалар учун давлат ҳисобидан ғалла ҳосилидан бериб борилган³.

Вақф ер эгалари ерларини ижарага бермасдан, балки қуллар ва хонавайрон бўлиб, ерсиз қолган деҳқонларни ишлатишни маъқул кўрганлар, улар деҳқонларни ёллаб ишлатганлар ва ундирилган ғалла ҳосили ҳам мутаваллиларнинг ихтиёрида қолган. Лекин вақф мулкдорлари фақатгина ишлаш қийин бўлган ер майдонларини ижарага берганлар. Подшоҳлик ерларига қараганда вақф ва мулк ерлари кам миқдорда ижарага берилган, бунинг сабаби мазкур мулк эгаларининг ўз ерларида ижарачилардан кўра деярли текинга тушадиган батрақлар меҳнатидан фойдаланишни маъқул кўрганлар. Батрақлар мазкур ерларда ишлаганлиги учун ҳосилнинг бир қисмини эмас, балки озиқ-овқат, кийим-кечак олиш билан кифояланганлар.

Вақф ерлари сони хонларнинг мутаваллиларга инъом қилган ерларидан ташқари хонавайрон бўлган хўжаликларнинг ерларини сотиб олиш эвазига ҳам ошиб борган. Жумладан, Хива қозилик ҳужжатлари каталогига киритилган №117, 1268 рақамли ҳужжатда “*Ерни сотиб олувчи тўлаган пуллари у Дўст-Валидаги қурдирган масжиди вақфидандир*”,⁴ деб ёзилган.

Хива хонлигида XIX асргача жамоа ерлари ҳам мавжуд бўлган. Йирик заминдорлар жамоа мулки саналган ўрмонларни дарахтлардан тозалаб, яйловларни ўзлаштириб, у ерларда янги каналларни қаздириб, жамоа мулкларини зўрлик йўли билан ўзлаштирган. Улар мазкур ерларни ўзлаштириш жараёнида янги ерларда канал қаздириб, шу ерларни экин майдонларига айлантирган шахслар бу ерларга эгалик қилиш ҳуқуқига эга деб ҳисобланган мусулмон қонунларини асос қилиб олганлар. Жамоа бошлиқлари кам ерга эга бўлган, аммо экиш учун уруғликка эга бўлмаган деҳқон билан шериклик шартномасини тузиш йўли билан қарзга ботирган ва шу тариқа ҳам кам сонли ерли аҳолининг ерларини ўз ихтиёрига ўтказганлар.

Хулоса: Хонликнинг ер эгалиги ва аграр муносабатларини ўрганиш жараёнида мазкур даврда Хива хонлигининг ер фонди қай тартибда тақсимланганлигини ва ер эгаларининг турли категорияларининг ердан

¹ Do‘simov Z. Xorazm toponimlari. –Toshkent: Fan nashriyoti, 1985. – B. 31.

² Shkapskiy O. Amu-Darinskije ocherki. K agrarnomu voprosu na nijney Amu-Darye. –Tashkent: Tipo-Litografiya, 1900. – S. 114.

³ Vamberi A. Ocherki Sredney Azii. – Moskva: Vostochnaya literatura, 1868. – S. 155.

⁴ Urumbayev A., Xorikava T., Fayziyev T., Jurayeva G., Isogay K. Katalog Xivinskix kaziyiskix dokumentov XIX – nachala XX vv. Toshkent – Kioto. 2001. – S. № 117, 1268.



фойдаланиш усулларини ўрганиш ва ёритиб бериш, асосий масалалардан биридир. Материалларни синчиклаб ўрганиш жараёнида Хива хонлигидаги ерга эгаллик масалаларида шу давргача мавжуд қуйидаги концепсиялар рад этилди. Жумладан, Хива хонлиги ҳудудидаги жами ерлар (ўзлаштирилмаган ва ўзлаштирилган)нинг ва экишга яроқли ерларнинг кўпчилик қисми давлатга қарашли бўлиб, уларнинг ягона эгаси хоннинг ўзи эканлиги ҳақидаги қарашлар асоссиз бўлиб чиқди.

Хива хонлигида экишга яроқли ерларининг ўндан бир қисми майда ер эгаларига, еттидан бир қисми давлатга ва ярмидан кўпроғи йирик ер эгаларига тегишли бўлган. Хива хонлигидаги йирик феодаллар қўл остидаги ерлар XVIII – XIX асрлардаги мамлакат ичкараси ва ташқарисидаги ўзаро урушлар даврида аҳолининг ерларини зўрлик йўли билан тортиб олиш ҳисобига ва катта суғориш тармоқларини қуриш орқали янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига кенгайиб борган.



ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР // МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ // INTERNATIONAL RELATIONS

ШОЗАМОНОВ ШОАЗИМ

сиёсий фанлар номзоди, доцент, ТДШУ

ЭШНАЗАРОВА НИЛУФАР

магистрант, ТДШУ

Ўзбекистон-Туркия алоқалари

Аннотация. Ушбу мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий алоқалар, ҳозирги кунга келиб бу икки давлатнинг қўлиничилик алоқаларидаги ўзаро манфаатлар, ташиқи сиёсатидаги аҳамияти, бу давлатларнинг бир-бирига қизиқишининг орттишидаги омиллар, Анқарадаги олий даражада бўлиб ўтган саммитдаги ҳамда 2018 йил 30 апрель кuni Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон – Туркия бизнес форумидаги Президентимиз Ш.М.Мирзиёев нутқлари ҳақида сўз боради. Бундан ташқари, турк кинофилм ва сериалларининг ўзбек халқи томонидан қанчалик даражада севиб томоша қилинаётганлиги ёритилган.

Таянч сўз ва иборалар: Ўзбекистон, Туркия, ташиқи сиёсат, стратегик шериклик, турк сериаллари, кинофилмлар.

Аннотация. Данная статья посвящена анализу социально-экономических и политических связей Узбекистана и Турции в годы независимости, взаимных интересах двух государств, основных направлениях внешней политики, факторах увеличения взаимных интересов двух сторон. Автор обсуждает речи Ш.М.Мирзиёева на саммите в Анкаре, а также бизнес-форуме Узбекистан – Турция 30 апреля 2018 года в городе Ташкенте. Кроме того, констатируется, что узбекский народ с любовью смотрит турецкие кинофильмы и сериалы.

Опорные слова и выражения: Узбекистан, Турция, внешняя политика, стратегическое партнёрство, турецкие сериалы, кинофильмы.

Abstract. This article is devoted to the analysis of socio-economic and political ties between Uzbekistan and Turkey during the years of independence, mutual interests of the two states, the main directions of foreign policy, factors of increasing mutual interests of the two sides. The author discusses the speeches of Sh.M.Mirziyoyev at the Ankara summit, as well as the Uzbekistan-Turkey business forum on April 30, 2018 in Tashkent. In addition, it is stated that the Uzbek people watch Turkish films and TV series with love.

Keywords and expressions: Uzbekistan, Turkey, foreign policy, strategic partnership, Turkish TV series, movies.

Яқин пайтларгача АҚШ, Европа Иттифоқи ва Яқин Шарқдаги давлатлар билан алоқаларга урғу берган Туркия Евросиё давлатлари билан муносабатларга кенг ўрин ажратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳам биринчи навбатда Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда араб мамлакатлари билан давлатлараро муносабатлар ўрнатиш ва



ривожлантиришга киришмоқда. Негаки, Ўзбекистоннинг рухи, дини, урф-одатлари ва анъаналари Осиёдаги мамлакатларга яқиндир.

Агар мустақиллик даврларини эсга оладиган бўлсак, 1991 йил 16-19 декабрь кунлари И.Каримов бошлиқ Ўзбекистон давлат делегатсияси мамлакатимиз мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган мамлакат – Туркияда бўлди. Туркия Президенти Турғут Ўзол, Бош вазир Сулаймон Демирел ва бошқа раҳбарлар, ишбилармонлар билан амалий учрашувлар, суҳбатлар бўлиб ўтди. Сафар чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Туркия жумҳурияти ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари ва мақсадлари тўғрисида шартнома, консуллик ваколатхоналарини айирбошлаш тўғрисида Протокол, иқтисодий ва савдо соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим, маданият, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва туризм соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим, транспорт ва коммуникациялар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим, ахборот айирбошлаш, телевидение ва радио эшиттириш бўйича ҳамкорлик қилиш ҳақида протоколлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланди¹.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги муносабатлар 1 йил ичида анча кенгайди. 1992-йил 28-апрел куни Ўзбекистонда Туркия элчихонаси, Туркияда Ўзбекистон элчихонаси очилди ва фаолият кўрсатмоқда. Ҳамкорликнинг янада чуқурлаштиришда Туркия давлати раҳбарлари-Турғут Ўзол, Сулаймон Демирел, Тансу Чиллер, Месут Йилмазар Аҳмет Сезерларнинг Ўзбекистонга расмий ташрифлари чоғида имзоланган ҳужжатлар катта аҳамиятга эга бўлди. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик газлама ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қўшма корхоналар қуриш, кадрлар тайёрлаш, туризмни ривожлантириш ва бошқа соҳаларда амалий натижалар берди. Ўзбекистонда Туркия сармоядорлари иштирокида 200 дан ортиқроқ қўшма корхоналар барпо этилди. 1996 йил июнь ойида Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари ассоциацияси – “Ўзавтосаноат” Туркиянинг “КочХолдинг” концерни билан Самарқанд шаҳрида “СамКочавто” ўзбек-турк қўшма корхонасини барпо этиш тўғрисида шартнома туздилар. Тез орада бу қўшма корхона бунёд этилди ва сиғими ўртача автобуслар ҳамда 8 тоннагача юк кўтарадиган юк автомобиллар йиғиш йўлга қўйилди. Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1992 йилда 75 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1998 йилда 275 млн. АҚШ долларига кўпайди².

Ҳозирги кунга келиб эса Туркия ва Ўзбекистон алоқаларининг аҳамияти кўпчиликнинг эътиборини янада ўзига тортмоқда.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.

² Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. Т.: Ўзбекистон, 1998.



Туркия Республикаси Ўзбекистон ташқи сиёсатида алоҳида аҳамиятга эга бўлган, кучли ташқи сиёсат олиб бориш салоҳиятига эга, ҳар томонлама диверсификациялаштирилган иқтисодиёти ҳамда замонавий қуроли кучларига эга бўлган мамлакат ҳисобланади.

Бунни куйидаги бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, Туркия дунёдаги 200 дан ортиқ мамлакатлар ичида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган ва шу тариқа унинг дунё харитасида янги давлат сифатида эътироф этилиши жараёнини бошлаб берган.

Иккинчидан, ўзбек ва турк халқларини азалий дўстлик, биродарлик ва қардошлиқ ришталари ўзаро боғлаб туради. Ҳар икки халқ ҳам туркий тилда сўзлашувчи бўлиб, уларнинг маданияти, дини ва урф-одатлари бир-бирига жуда яқин. Қолаверса, Туркиянинг ривожланган саноати, транспорт коммуникациялари, денгиз йўллари, қишлоқ хўжалиги, туризм салоҳияти, улкан давлатчилик тажрибаси Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этади.

Туркия турли соҳаларда, ўрнатқ бўлса арзигулик даражада ривожланган мамлакат. У ўзининг иқтисодий қудратига кўра, дунёда кучли 20 талик гуруҳига кирган давлатлардан биридир.

Бундан атиги ярим аср олдин анча қоқоқ аграр мамлакат ҳисобланган Туркия ҳозирги кунга келиб, тобора индустриаллашиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мамлакат иқтисодиётида саноатнинг улуши 28 фоизни, қишлоқ хўжалиги 15, қурилиш 6, хизматлар 51 фоизни ташкил этади. Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида қайта ишлаш саноати энг катта улушга эга.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳам саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўзларининг салмоқли ҳиссасини кўшиб келмоқда.

Тўқимачилик, кончилик, озиқ-овқат, кимё, фармацевтика соҳалари, энергетика, металлургия, кемасозлик, автомобилсозлик ва электр маиший товарлар ишлаб чиқариш тараққий этган. Айниқса, туризм динамик тарзда ривожланаётган тармоқ ҳисобланади.

Туркиянинг мазкур жабҳалардаги ибратли ютуқларини ўрганиш, ҳозирда Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш йўлида олиб борилаётган ислохотларда ушбу мамлакатнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш ва турк тадбиркорлари ҳамда компанияларининг сармояларини Ўзбекистонда амалга оширилаётган турли, икки томонга ҳам фойдали бўлган қўшма лойиҳаларга жалб қилиш мамлакатимизнинг миллий манфаатларига тўлиқ мос тушади.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Туркиянинг минтақамиздаги ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутди. Юртимиз бугунги кунда Анқаранинг Марказий Осиёдаги энг асосий шерикларидан бири ҳисобланади. Диёримизнинг улкан бозори, тобора либераллашиб бораётган иқтисодиёти, қулай инвестициявий муҳити, тарихий шаҳарлари, муқаддас диний қадамжолари Туркияда катта қизиқиш



уйғотмоқда. Демак, ҳамкорликни мустаҳкамлашдан ҳар икки томон ҳам манфаатдор бўлиб, бу эса ўзаро муносабатларнинг истикболи порлок эканидан далолатдир.

Мамлакатимизда очиклик сиёсати бошланган кезларда турк ишбилармонлари аввалига бозоримизга кириб келишга ҳадик билан қарай бошлади. Таъбир жоиз бўлса, Туркия Президенти Ражеп Тоййиб Эрдўғоннинг Ўзбекистонга 2018 йил амалга оширган ташрифи чоғида Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг туркларга йўллаган даъвати орадаги “ишончсизлик пардалари”ни йиртиб ташлади.

“Биз Туркия Республикасига улкан сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий салоҳиятга эга бўлган, халқаро майдонда обрў-эътибори тобора ортиб бораётган йирик давлат сифатида қараймиз. Ота юртингиз – Ўзбекистоннинг эшиклари сизлар каби яқин қардошларимиз учун доимо очик”, – деди Шавкат Мирзиёев¹.

Ўзбекистон ва Туркия ўртасида Стратегик шериклик олий кенгаши тузилиши маълум қилинди. Анқарадаги олий даражада бўлиб ўтган саммитда ана шу кенгашнинг биринчи мажлиси ўтказилди.

«Мен бош вазир ўринбосари Холмуродовга ва бош вазирнинг бошқа ўринбосарларига, вазирларга Ўзбекистонда ўз бизнесини ривожлантириш истагини билдирган туркиялик барча тадбиркорларни тўлиқ қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳар томонлама ривожланишига кўмак бериш бўйича зарур кўрсатма ва топшириқларни берганман», деди Ш.Мирзиёев 2018-йил 30-апрел куни Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон – Туркия бизнес форумида.

«Бу турганларнинг ҳаммаси сизларга хизмат кўрсатади, имкон ва шароит яратади. Ана шундагина бизда натижа бўлади. Яна бир марта такрорлайман, Туркия ишбилармонларига нисбатан қилинган хиёнатни давлат сиёсатига хиёнат ўлароқ, деб баҳолайман», – деди Мирзиёев².

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Туркия давлатининг Ўзбекистонга қизиқиши кундан-кунга ортиб бормоқда. Бунга сабаб бўладиган омиллар етарли.

Биринчидан, Ўзбекистон бой табиий ва минерал хом-ашё ресурсларига эга бўлган давлатдир. Энди Ўзбекистоннинг хом-ашё ресурсларидан биргаликда ҳамкор бўлиб фойдаланиш вақти келди.

Иккинчидан, мамлакатимиз раҳбари томонидан Туркия ва бошқа қатор давлатлар фуқаролари ҳамда тадбиркорлари учун кириш визаларини бекор қилиш тўғрисида тарихий қарор қабул қилинди. Бу қарор туркиялик ҳамкорлар билан инвестиция, савдо-сотиқ ҳамда туризм соҳаларидаги алоқаларимизни янада фаоллаштиришига кўмак бермоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев нутқлари. Анқарадаги бўлиб ўтган саммит. Биринчи мажлис.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев нутқлари. 2018 йил 30 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон – Туркия бизнес-форуми.



Учинчидан, Ўзбекистон ҳукумати томонидан хорижий сармояларни рағбатлантириш ва тўлиқ ҳимоя қилиш мақсадида зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бизнес ривожига ғов бўлиб турган кўплаб тўсиқлар олиб ташланди. Туркиялик ишбилармонларнинг мамлакатимизда самарали фаолият юритиши учун ўртада мавжуд бўлган баъзи бир тушунмовчилик ва ишончсизлик кайфиятига барҳам бериш мақсадида олий даражада кўплаб учрашувлар ўтказилди.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш бўйича энг қулай шароит яратиш учун қатъий ва изчил қадамлар қўйилмоқда. Жумладан, хорижий инвесторлар даромадларини қайтариб олиб чиқиш учун ҳуқуқий асослар яратилди¹.

Минтақанинг юраги ва маркази эса Ўзбекистондир. Шу тўғрисида Туркиянинг туркий давлатлар оламига, хусусан, Марказий Осиёга эътиборни кучайтириши бежиз эмас.

Туркиянинг бу ерда энг аввало Ўзбекистон билан муносабатларда янги саҳифа очиши нафақат икки томонлама муносабатлар, балки минтақавий ва глобал баланс нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир. Минтақа тинчлиги ва барқарорлиги ҳам кўп жиҳатдан Ўзбекистон хавфсизлиги ва фаровонлигига боғлиқлигини ёддан чиқармаслик керак².

Қадим тамадунларга мезбонлик қилган ва Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистон минтақада юз бераётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги туб ўзгаришларда ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Олис ўтмиши ва давлатчилик анъаналари, Марказий Осиё нуфусининг тахминан ярмига тенг келувчи 34 миллиондан ортиқ аҳолиси, Осиёнинг юрагидаги геостратегик мавқеи, бой табиий захиралари ва баракали тупроғи билан Ўзбекистон минтақанинг энг муҳим давлати саналади³.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шунини айтиш мумкинки, ушбу мустаҳкам пойдевор узра истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб олиб борилган мустақил, қатъий, конструктив ва тинчликпарвар сиёсат Ўзбекистоннинг халқаро миқёсидаги мавқеининг ошишига, дунёда ўзининг мустаҳкам ўрнини топишига пухта замин яратди.

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, 2021 йил 17 март куни Шавкат Мирзиёевнинг “Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, 2020 йил 27 октябрда Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон ҳукумати билан Туркия ҳукумати ўртасида ҳарбий-молиявий ҳамкорлик тўғрисидаги Битм ҳамда молиявий кўмакни амалга ошириш тўғрисидаги Баённома тасдиқланди⁴.

¹ <https://uza.uz/>

² <https://interkomitet.uz/>

³ <https://ecdcenter.uz/>

⁴ <https://www.amerikaovozi.com>



Ўзбекистон-Туркия алоқалари ўртасидаги дўстликнинг яна бир кўриниши шундаки, икки халқ маданий алоқалари асоси ҳисобланган бадиий адабиётлар алмашинуви ҳамда санъат асарлари хусусан кино ва кинофилмлар алмашинуви жараёни десак муболаға бўлмайди. Мустақиллик шарофати билан дунё адабиёти намуналарини хусусан, турк миллати ижодкорлари томонидан яратилган юзлаб бадиий асарлар ўзбек тилига таржима қилинди. Биргина Р.Н. Гунтекиннинг “Чолиқуши” романи “Япрак Дөкүмү” (“Тўкилган япроқлар”), “Кадін Дüşмані” (“Хотин душмани”), “Дудактан Калбе” (“Муҳаббат Симфонияси”), “Ешил гесе” (“Яшил кеча”), “Дамга” (“Тамға”) каби асарлари ҳам бирин-кетин ўзбекчага ўгирилиб нашр этилди. Айрим асарлари асосида яратилган филмлар кино ихлосмандларига тухфа этилди¹. Мустақиллик йилларида турк адибларидан Ё.Баҳодирўғли, Р.Н.Гунтекин, С.Дарвиш романлари, У.Сайфиддин, Азиз Несин, С.Ф.Абасияник ҳикоялари ва бошқа ўнлаб туркча насрий асарлари ўзбек тилига ўгирилган. Турк тилидан ижодкор Бобоҳон Муҳаммад Шариф, Миразиз Аъзам, Хайрулла Ҳамидов ва бошқа кўплаб ижодкорлар ўзбекчалаштирган².

Халқлар, миллатлар бадиий санъат асарлари мероси сирасига замонавий санъат тури ҳисобланган кино ва сериал маҳсулотларини ҳам киритишимиз мумкин. Чунки олимлар телесериаллар орқали аҳолини тарбиялаш, жамиятни ичкиликбозлик, фаҳш, наркомания, хиёнат сингари иллатлардан тозалаш мумкин, деб ҳисоблайди. Маълумотларга кўра, юздан зиёд мамлакатда трансляция қилинган бир сериалда фильм бош қаҳрамони тикишни ўрганиб, ўз бизнесини йўлга қўйгач, тикиш машинкалари сотиб олган, тикувчилик курсларига қатнаган, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган аёллар сони дунё миқёсида кескин ошган экан.

Туркия ҳозирга келиб АҚШдан кейинги энг кўп сериал сотувчи иккинчи мамлакатга айланган. Бугунги кунда турк сериаллари нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Шарқдан Болконгача, Африкадан Марказий Осиёгача, Узоқ Шарқ ва Жанубий Америкагача бўлган жуда катта жуғрофий миқёсда намойиш этилади. Аниқроғи, турк сериалларини 146 мамлакатда 700 миллиондан зиёд инсонлар томоша қилади. Турк сериаллари энг кўп сотилган ва томоша қилинган мамлакатлар орасида эса Чили, Мексика ва Аргентина давлатлари етакчилик қилади.

¹ Güntekin R.N., Yaprak Dökümü, roman; Kadın düşmanı, roman; Dudaktan Kalbe, roman; “Eşil gece”, roman; Damga, roman, mutlukitap@hotmail.com mutlukitap@hotmail.com kitapsevenler@gmail.com

² Гунтекин Р.Н., Тўкилган япроқлар, роман, Хотин душмани, роман, туркчадан Б. М. Шариф таржимаси, Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2013; Муҳаббат симфонияси, роман, туркчадан Миразиз Аъзам таржимаси, Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент, 2011.



Турк сериаллари бугун, ҳатто, дунё сиёсатчиларини ҳам бефарқ қолдирмаётганини кўриш мумкин. Масалан, Венесуэла президенти Николас Мадуро «Эртуғрул» сериалини томоша қилганини ижтимоий тармоқдаги шахсий akkaунтида ёзиб қолдирган; Туркияга келганида эса сериал суратга олинган павилонга бориб, у ерни кўздан кечирган. Машҳур футболчи Лионел Месси эса ижтимоий тармоқдаги саҳифасида фарзандларининг «Қора пул севгиси» телесериалини томоша қилганини айтган. Иордания, Ироқ, Қатар, Мароқаш, Тунис ва Жазоир каби араб мамлакатларида энг кўп томоша қилинган киноасарлар қаторига кирувчи турк сериаллари Саудия Арабистони ва Мисрда тақиқланган. Аммо шунга қарамай, сериалларни ушбу давлатларда ҳам интернет орқали томоша қилишда давом этишмоқда.

Ўзбекистон учун ҳам бу мавзу янги эмас. 2012 йил турк сериаллари «миллий қадриятларга зид деб топилгани учун» бутунлай тўхтатиб қўйилганди. Тақиқ беш йил давом этди ва яна турк сериаллари намойишига рухсат берилди. Бироқ “Зўр ТВ” хусусий каналида намойиш этилган «Севги изтироби» («Қара Севда») сериали атрофидаги кўплаб муҳокамалар ордидан сериаллар намойиши тўхтатиб қўйилди.

Турк сериалларини ўзбеклар севиб томоша қилишининг турли объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Турклар эса бунинг сабабини икки омил – воқеаларнинг реал ҳаётдан олингани ва картиналарнинг ўзбеклар маданияти ҳамда тушунча тарзига мос экани билан изоҳлашмоқда. «Севги изтироби», «Муҳташам юз йил», «Кўсем», «Чукур», «Ичкарида», «Истанбуллик келин», «Гуллар изтироби», «Маликам, энди қара», «Абдулҳамид», «Ҳовли» каби сериаллар ўзбек томошабинлар томонидан севиб томоша қилингани бор гап. Зотан, Ўзбекистондаги давлат ва хусусий телеканаллар томонидан намойиш этилган турк сериаллари фақат мана шулар билангина чекланиб қолмаган. Айни пайтга қадар «Осиё», «Арғувонлар остида», «Аччиқ ёлғон», «Зерда», «Ишқомли уй», «Кумуш», «Қашқирлар макони», «Хинали қор» сингари кўплаб турк сериаллари эфирларимиз юзини кўриб улгурган ва халқимиз қалбидан чукур жой эгаллаган. Бизнингча, турк сериалларининг севиб томоша қилиниши икки халқ ижтимоий турмуш тарзининг, миллий анъана ва урф-одатларининг яқинлиги ҳамда диний эътиқодларимиз ҳамоҳанглиги билан боғлиқ бўлса ажаб эмас.

Турк сериалларининг дунё бўйлаб экспорт қилинишини енгиллаштирган ва айниқса, ёшлар эътиборини тортаётган асосий сабабларидан яна бири шундаки, ушбу сериалларнинг аксарияти нафақат телеканалларда, балки Ёутубе, Нетфлих ва Пуху каби муқобил томоша каналларида ҳам намойиш этилишидир. Яъни интернетдаги фильм ва сериаллар томошасига ихтисослашган платформалар, 190дан ортиқ мамлакатда 150 миллиондан зиёд обуначига эга Нетфлих ҳам турк сериалларининг янада кенг «қулоқ очиш»ида муҳим роль ўйнамоқда.



Танганинг икки томони бўлгани каби, баъзи турк сериалларининг ҳам салбий томонларига эътиборимизни қаратсак ёмон бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, айрим сериаллар ҳатто Туркиянинг ўзида ҳам кескин эътирозларга сабаб бўлмоқда. Шу боис кейинги пайтларда Туркиянинг асосий давлат цензураси турк сериалларини фаол равишда кузатишни бошлади. Кузатувлар натижасида эса бир нечта сериал ахлоқ-одоб қоидалари, диний кадриятларга зид деб топилгани учун жаримага тортилган, лойиҳа ижодкорлари эса огоҳлантирилган. Хусусан, «Тақиқланган олма» («Қора ният»), «Мўъжиза доктори», «Жаноб Хато» каби сериаллар турк жамияти оилавий тузилмаси пойдеворини бузишда айбланмоқда.

Шунингдек, турк аудиторияси шафқатсизлик акс этган саҳналар олдинги планга чиқарилган сериалларга қарши муносабат билдириш баробарида РТЎК (радио ва телевидение маҳсулотларини назорат қилувчи ташкилот)га мурожаат билан ҳам чиқишмоқда. Масалан, «Тақиқланган олма» (сериалда болалар ва ёшлар учун салбий роль моделлари яратилган, муқаддас кадриятларга ҳурматсизлик қилинган ва инсоний муносабатларнинг бузилиши одатий ҳол сифатида кўрсатилган) ва «Янги ҳаёт» сериали (унда оилавий кадриятлар яққол камситилади, турмуш қурган эркак оилани аёлни севиб қолади) жаримага тортилди. Яъни лойиҳа муддатидан олдин яқунланди. «Садоқатсиз» сериали бўйича ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Сериал бош қаҳрамонлари устидан жуда кўплаб шикоятлар келиб тушган. Назорат қилувчи ташкилот сериалнинг биринчи қисмини намойиш этмаслик шарт билан продюсерлик компаниясига мурожаат қилган. Шунга қарамай, 2020 йил 7 октябрь куни картинанинг премьераси ўтказилди. Намойиши ортидан ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ушбу сериал турк ахлоқий кадриятларига путур етказётганини айтишмоқда. Уларнинг эътирозлари РТЎК ва Шикаетвар («Шикоят бор») каби платформаларда ҳам акс-садо бермоқда. Минглаб одамлар эса сериалнинг эфирдан олиб ташланишини талаб қилмоқда¹.

Жиддий ва оғриқли масала – олдинда... Айрим турк сериалларига нисбатан ҳатто Туркиянинг ўзида ҳам эътироз ва танқидлар кучайиб бораётган бир пайтда телеканалларимизда уларда акс эттирилаётган мазмун ва ифодалаётган ижтимоий масалалар бадий кенгаш муҳокамасига тортилмасдан эфирга берилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ушбу нуқтада эса янада жиддий ва оғриқли масала – сериалларнинг мафкуравий таъсири ўртага чиқади.

Айтиш жоизки, «парда орти»даги жараёнларни яқиндан кузатиб бориш, улардан ўз вақтида воқиф бўлиш кейинчалик саҳналаштирилаётган трагик вазиятлардан бизни огоҳ этиши мумкин. Шу боис айна мана шу мавзу –

¹ <https://kun.uz>





яъни сериалларнинг мафкуравий ва ахлоқий-психологик таъсирлари хусусида ҳам бироз фикр юритсак.

Ҳамма турк серияллари таҳлил қилиниб, уларнинг сериаллари орқали ўзбекчилигимизга ҳамда ёшларимиз онгига салбий таъсири тўғрисида турли баҳс ва мунозаралар қилинмоқда. Ажабланарлиси шундаки, атиги 45 минутлик сериалда нақд 66 марта “Аллоҳ ёрлақасин”, “Аллоҳ мададкор бўлсин”, “Ин шаа Аллоҳ”, “Аллоҳга шукрлар бўлсин”, каби ҳар бир мусулмонга доимий ҳамроҳ бўлиши зарур бўлган сўзлардан фойдаланилди... Энди биз уларни кийиниш ва маданиятини қоралаётганимизда бир кунда Оллоҳга неча мартаба ҳамд айтамыз? Балки, улардан ўрганишимиз керак бўлган жиҳатлар ҳам кўпдир ҳали?

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон-Туркия алоқалари иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Турк кинофильмларига тўхталадиган бўлсак, улар ўзбек халқи томонидан жуда катта қизиқиш билан томоша қилиняпти. Сабаби, кўплаб турк сериаллари бизнинг менталитетимизга мос, ижтимоий турмуш тарзимизда, оилавий муносабатларимизда учрайдиган муаммоларимизни эстетик чиройли кадрлар орқали намойиш этиб беради.

АРИПОВ ШАВКАТ

Сиёсий фанлар номзоди, ТДШУ

Янги Ўзбекистонда, янги ёш авлод истиқболини амалга ошириш омиллари

Аннотация. Уйбу илмий мақоладаги маълумотлар ва тавсиялар ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтини ривожлантириш омиллари, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси, 2019-2023 йилларга мўлжалланган Жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси, 2020-2025 йилларга мўлжалланган Китобхонликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури доирасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳамда, ёшлар муаммолари ва уларни қийнаётган муаммоларни бевосита давлат даражасида кўриб чиқиш ва ҳал этиш имконини таъминлаётгани ҳақидадир. Шунингдек, ёшларнинг таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллаши, етук ва комил шахслар бўлиб улғайиши йўлида замонавий, қулай, илгор ва инновацион шарт-шароитларни яратиб бериш учун Ўзбекистон бор куч-имкониятларини ишига солмоқда. Мақсад – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш, мамлакатимиз дунёнинг энг тараққий этган давлатлари қаторига чиқиши учун интеллектуал ва маънавий етук, ташаббускор ёшларни янги Ўзбекистоннинг драйверига айлантиришидан иборат.

Таянч сўз ва иборалар: Янги Ўзбекистон, ташаббус, омил, таълимни ривожлантириш, комил инсон, етук шахс, маънавият, сиёсий тарбия.



Аннотация. Информация и рекомендации в данной научной статье являются факторами для развития Института изучения проблем молодежи и подготовки перспективных кадров, Концепции развития государственной молодежной политики в Узбекистане до 2025 года, Концепции физической культуры и массового спорта для молодежи. 2019-2023, Развитие и поддержка чтения на 2020-2025 годы. Усилия, предпринятые в рамках Национальной программы поддержки, дают возможность решать проблемы молодых людей и проблемы, с которыми они сталкиваются, непосредственно на государственном уровне. Кроме того, Узбекистан прилагает все усилия для создания современных, комфортных, передовых и инновационных условий для молодых людей, чтобы они могли получить образование, получить профессию, вырасти в зрелых и зрелых личностей. Цель - заложить основы Третьего Возрождения, превратить интеллектуально и духовно зрелую, предприимчивую молодежь в драйверы нового Узбекистана, чтобы наша страна могла стать одной из самых развитых стран мира

Опорные слова и выражения: Новый Узбекистан, инициатива, фактор, развитие образования, совершенный человек, зрелый человек, духовность, политическое воспитание.

Abstract. Information and recommendations in this scientific article are factors for the development of the Institute for the Study of Youth Problems and Training of Prospective Personnel, the Concept of Development of State Youth Policy in Uzbekistan until 2025, the Concept for the Development of Physical Culture and Mass Sports for 2019-2023, the Development and Support of Reading for 2020-2025. The efforts made under the National Support Program provide an opportunity to address and address the problems of young people and the problems that afflict them directly at the state level. In addition, Uzbekistan is making every effort to create modern, comfortable, advanced and innovative conditions for young people to get an education, acquire a profession, grow into mature and mature individuals. The goal is to lay the foundations of the Third Renaissance, to turn intellectually and spiritually mature, enterprising young people into the drivers of a new Uzbekistan, so that our country could become one of the most developed countries in the world.

Keywords and expressions: New Uzbekistan, initiative, factor, development of education, perfect person, mature person, spirituality, political education.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг келажаги ёш авлоднинг комил тарбияси ва изчил тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. Айнан шунинг учун ҳам, ёшлар сиёсати давлат тараққиётининг давомийлигини таъминлашга қаратилган барча стратегияларда намоён бўлади. Бу эса, мамлакат ёшларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратиш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширишни тақозо этади. Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам бу борада самарали сиёсат олиб борилмоқда. Жорий йилнинг номини мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилингани, бу йўналишда кенг қамровли Давлат дастури қабул қилиниб, барча саъй-ҳаракатлар ёш авлод камолига қаратилаётгани ҳам фикримиз далилидир. Бу борада Ўзбекистон томонидан қатор халқаро ташаббусларнинг илгари сурилаётгани ва уларнинг ҳаётга жорий этилаётгани эса, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон жами



аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этади. Шунинг учун, Ўзбекистонда ёшларнинг ҳаётий мақсадларини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган барча шароитлар яратилиб, уларнинг муаммолари давлат сиёсати даражасида ҳал этилмоқда. Айти дамда ёшларнинг ҳар томонлама кучли, салоҳиятли, илм-маърифатли, ватанпарвар шахслар сифатида униб-ўсишлари йўлида қатор тузилмалар самарали фаолият юритиб келмоқда. Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар масалалари бўйича комиссия, Қуйи ва Юқори палата қошидаги “Ёшлар парламентлари”, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти, Инновацион ривожланиш вазирлиги қошидаги Ёшлар академияси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси, 2019-2023 йилларга мўлжалланган Жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси, 2020-2025 йилларга мўлжалланган Китобхонликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури доирасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар эса, ёшлар муаммолари ва уларни қийнаётган муаммоларни бевосита давлат даражасида кўриб чиқиш ва ҳал этиш имконини таъминламоқда. Ана шу каби мислсиз имконият ва шарт-шароитлардан бугун ёшларимиз ўз орзу-умидлари, интилишлари ва мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида ҳеч иккиланмай фойдаланишаётгани, ғайрат-шижоатли, фидойи ва ташаббускор йигит-қизлар сафи тобора кенгайиб бораётгани қувонарлидир.

Яна бир омил. Бугун барча ҳар куни, ҳар соатда ёш авлоднинг дарду ташвиши, қайғуси билан яшамоғи, бу борада Давлат раҳбаридан ибрат олмоғи даркор. Зеро, Президент ташаббуси билан Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари тажрибаси асосида барча туман-шаҳарларда ёшлар билан ишлаш бўйича янги тизим жорий этилиб, шаҳар-туманлар кесимида ҳаётга жорий этилаётган “Ёшлар дастурлари” кўрсатаётган натижалар мунтазам таҳлил этиб борилмоқда.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда, босқичма босқич, комплекс чора-тадбирларга таяниб изчил давом эттирилмоқда. Бу борада Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги саъй-ҳаракатларни тизимли равишда йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббуснинг илгари сурилиши янги Ўзбекистоннинг янги тарихида яна бир инқилобий босқичга асос солди.

Биринчи ташаббус – ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.



Иккинчи ташаббус – ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

Учинчи ташаббус – аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

Тўртинчи ташаббус – ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Бешинчи ташаббус – хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутди.

Давлат раҳбарининг бу эзгу ғояси Ўзбекистон халқи, айниқса, ёшлари томонидан катта қизиқиш билан қарши олиниб, қисқа вақт ичида мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёзди.

Дарҳақиқат, ҳар қандай давлатнинг юксак тараққий этиши, халқининг фаровонлиги ёшларга яратиб бериладиган имконият ва қулайликлар билан баҳоланади. Яъни, мамлакат тараққиётига киритилладиган юқори самарали сармоя ёшлар таълим-тарбиясига йўналтирилган инвестиция экани тарих исботлаган ҳақиқат. Шу маънода, янги Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессансга дадил қадам қўйиши замонавий инновацион билимларни эгаллаган, ҳар томонлама етук ва баркамол, инсон капитали соҳиби бўлган ёш авлоднинг эртанги кучли интеллектуал салоҳияти, иқтидори ва қобилиятига боғлиқ. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, шахснинг 3 ёшидан 22 ёшигача бўлган даврида унга сарфланадиган инвестиция келгусида 19-22 баробар кўп фойда берар экан.

Шу боис, Ўзбекистондаги барча ўзгаришларнинг негизи ҳисобланган таълим-тарбия тизимида ҳам туб ислохотлар олиб борилмоқда. Айни вақтда таълим, шу жумладан, ижтимоий соҳа учун сарфланаётган харажатлар миқдори давлат бюджети харажатлари умумий қийматининг ярмидан кўпини ташкил этмоқда. Табиийки, бундай катта харажатларни ҳар қандай давлат ҳам кўтара олмайди, аммо қанчалик оғир бўлмасин, мамлакатимизда бунинг учун зарур маблағ ва ресурслар излаб топилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев мазкур харажатларни харажат эмас, балки келажак учун қўйилган сармоя деб ҳисоблаб, таълим даражаси ва сифати давлатнинг истиқболини белгилаб берадиган муҳим омил эканини таъкидламоқда.

Бир сўз билан айтганда, ёшларнинг таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллаши, етук ва комил шахслар бўлиб улғайиши йўлида замонавий, қулай, илғор ва инновацион шарт-шароитларни яратиб бериш учун Ўзбекистон бор куч-имкониятларини ишга солмоқда. Мақсад – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш, мамлакатимиз дунёнинг энг тараққий этган давлатлари қаторига чиқиши учун интеллектуал ва маънавий етук,



ташаббускор ёшларни янги Ўзбекистоннинг драйверига айлантиришдан иборат.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда жамиятнинг энг фаол қатлами сифатида эътироф этилувчи ёш авлодга “муаммо” деб эмас, балки эртанги тараққиётни таъминловчи катта куч, давлатнинг стратегик ресурси, деб қаралмоқда. Натижада, юксак билимли, ғайрат-шижоатли, замонавий фикрлайдиган, мустақил, қатъий позицияга эга ёшлар ҳал қилувчи кучга айланиб бормоқда.

Маълумки, юртимиз доимо кенг имкониятлар бешиги бўлиб келган. Шу боис тарихда мустабид тузум барпо этган босқинчилар албатта масаланинг ана шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратишган. Мусаффо сув ва ҳаво, унумдор тупроққа эга бўлган заминда яшаш, унинг ноз-неъматларидан баҳраманд бўлиш буюк миллатимиз душманларининг бирламчи орзуси бўлган. Яратганга шукрлар бўлсинким, мустақиллик туфайли бугун бу неъматлар тўлиғича халққа қайтарилди. Истибдод йилларида топталган тарихимиз, миллий ва диний кадриятларимиз қайта тикланиб, жаҳон жамоатчилиги эътирофига сазовор бўлди. Бир пайтлар дунё халқлари маданияти, илму фани ривожига салмоқли ҳисса қўшган маърифатпарвар алломаларимиз Уйғониш даврига ҳам асос солишган. Улар тарбия топган юртда кейинги беш йилда амалга оширилган ислохотлар самараси туфайли «Янги Ўзбекистон» ва «Учинчи Ренессанс» даври бошланди. Албатта бу жараёнлар суҳбатда тўлиқ ва мукамал баён этилганлиги билан ҳам катта аҳамиятга эга.

Ҳар бир мамлакатнинг тараққиётини, келажагини билимли ва ақлли одамлар таъминлайди. Барча соҳаларда ўз олдига катта мақсадлар қўйган Ўзбекистонда таълим сифатига, билимли кадрларни тарбиялашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Барча ҳудудларда Президент мактаблари ва ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилди. Бу ёшларнинг билим ва салоҳиятини аниқлаш, уларни тўғри йўналтириш билан бирга халқимиз орасида катта интилиш тўлқинини ҳам пайдо қилди.

Давлат раҳбари билимли ёшларни мамлакатимизнинг “олтин фонди” деб атаган эди. Бу йил ана шундай ёшларнинг янги авлоди мактабларни битирмоқда. Энди уларни юртимизда ўқитиш, ёшлар учун энг замонавий шароитлар яратиш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан Янги Ўзбекистон университетига асос солинмоқда.

Мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбияси, ҳуқуқ ва манфаатларига устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу борада алоҳида давлат ташкилоти – Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилган. Бундан ташқари, Ёшлар иттифоқи, унинг ҳузурида ўттиздан ортиқ нодавлат ташкилотлар фаолият юритмоқда. Барча шаҳар ва туманларда “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури, турли соҳаларни қамраб олган “Беш ташаббус” амалга оширилмоқда. Жорий йил мамлакатимизда Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва



аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили, деб эълон қилингани ҳам ёшларга эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Президентимизнинг ёшларга оид сиёсатида иккита энг муҳим йўналиш бор: биринчиси – уларга замонавий билим бериш, иккинчиси – ёшлар бандлигини таъминлаш. Кейинги йиллардаги ислохотлар, ташаббус ва янги тизимлар замирида ана шу мақсад мужассам. Хусусан, ёшларнинг билим ва иқтидорини ривожлантириш мақсадида янгича шакл ва мазмундаги Президент мактаблари, ижод ва ихтисослашган мактаблар тизими яратилди. Умуман, барча мактабларга эътибор, ўқитувчиларга рағбат ва ҳурмат ошди. Ёш авлодда билимга интилиш кучайди.

Ўсиб келаётган билимга чанқоқ ёшларнинг талабига мос равишда олий таълим муассасалари сони 127 тага етказилди, 26 та хорижий университетнинг филиаллари очилди. Охириги 5 йилда олий таълимга қабул квотаси 3 баробар оширилиб, жорий йилда 182 мингтага етказилди. Бу – умумий қамров 28 фоиз бўлади, деганидир. 4 йил илгари бу кўрсаткич атиги 9 фоиз эди. Давлат грантлари 21 мингтадан 47 мингтага кўпайтирилгани, эҳтиёжманд оилаларга мансуб 2 минг нафар қизларга олий ўқув юртларига кириш учун алоҳида грантлар ажратилгани минглаб оилаларга қувонч олиб кирди.

Хулоса қилиб айтганда, мана шундай мураккаб шароитда ёшларимиз сезгир ва огоҳ бўлиши, ҳар бир масалада, аввало Ватан манфаатларини ўйлаб иш тутиши зарур. Илм-маърифат ва касб-ҳунарга интилиш, оилани муқаддас билиш, маънавий поклик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, қадриятларимизга садоқат каби эзгу фазилатлар азалдан халқимиз, миллатимизнинг қонида бўлиб келган. Биз мана шундай бебаҳо меросимизни нафақат асрашимиз, балки уни янада бойитишимиз, келгуси авлодларга безавол етказишимиз кераклиги энг долзарб омиллардан биридир.

Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга масала бўлиб келган. Биз яшаётган XXI асрда эса у ҳақиқатан ҳам ё ҳаёт, ё мамот масаласига айланиб бормоқда. “Тарбия қанчалик мукамал бўлса, халқ шунчалик бахтли яшайди”, деган ҳикмат бор. Тарбия мукамал бўлиши учун эса мазкур соҳада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилиқ ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзод асрлар давомида амал қилиб келган бебаҳо маънавий эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда.

Шу боисдан ҳам мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати қандай амалга ошириляпти, бу соҳада қандай муаммолар бор, уларни қандай ҳал



қилишимиз керак, деган саволлар доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда.

Ёшлар иштирокида ҳуқуқбузарлик, жиноят содир этилаётгани, ёш оилалар ўртасида ажралиш ҳолатларининг қайд этилаётгани барчамизни жиддий ташвишга солиши керак. Ёшлар ўртасида жиноят содир этиш, диний экстремистик оқимларга, террорчи гуруҳларга қўшилиб қолиш ҳолатлари учрамоқда. Албатта, бу борада ҳамма айбни у ёки бу идорага, ташкилотга юклаб қўйиш адолатдан эмас. Бу масалада ҳаммамиз жавобгармиз.

Ҳеч кимнинг бу жараёнлардан четда туришга ҳаққи йўқ. Биз ёшларга беписанд, лоқайд муносабатда бўлсак, оқибати нима бўлиши аниқ — улар ҳам биздан бегоналашади. Ўқишдан, ишдан, жамиятдан, давлатдан, боринги, ҳаётдан кўнгли совиб, қўлини ювиб, қўлтиғига уради. Шунинг учун дабдабали, баландпарвоз тадбирлар ўтказиш эмас, балки ёшлар билан бевосита ишлаш, улар билан амалий мулоқот қилиш, уларни ўйлантираётган ҳаётгий муаммоларни ҳал этишга эътибор қаратишимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан, кейинги пайтда турли мамлакатларда содир этилаётган террорчилик ҳаракатларининг ижрочилари қаторида миллатимизга мансуб кимсалар ҳам борлиги халқимизда афсус ва надомат уйғотмоқда. Тинчлик ва осойишталикни, инсонийликни ҳамма нарсадан устун қўядиган халқимиз бундай кимсаларнинг қилмишларини кескин қоралайди. Уларни ўзбек деган номга номуносиб ҳисоблайди.

Ҳозирги вақтда ёшлар, айниқса, чет элда ишлаб, ҳалол меҳнат билан даромад топаман, деб юрган фуқароларимиз терроризм ва экстремизм чангалига тушиб қолмаслиги учун давлатимиз барча чораларни кўряпти. Бу йўлда авваламбор, қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бермоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига давлат ташрифи чоғида меҳнат миграцияси бўйича муҳим келишувга эришилди. Мамлакатимизнинг бу борадаги позицияси аниқ: одам қаерда бўлса ҳам ишлаши, оиласи, бола-чақасини боқиши керак. Лекин у ҳалол меҳнат қилиши, қонуний йўл билан даромад топиши лозим. Бугунги кунда ижтимоий-маънавий муҳитни ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, ёшларни турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан асраш масаласи барчамиз учун асосий масала бўлиб турибди. Республикамизда жаҳолатга қарши маърифат ташаббуси билан амалий ишлар олиб бориляпти. Шунинг учун йўлдан адашган ўсмирни дарров душманга чиқармасдан, уни ўзимизнинг фарзандимиз, деб билишимиз керак. Унга бутун қалбимиз, юрагимиз билан ачинаётганимизни шу бола билсин. Зора, шунда унинг ҳам қалб кўзи очилса, тўғри йўлга қадам қўйса... Бир боланинг йўлдан адашиши — бу нафақат бир оила, балки бутун жамият бошига тушган кулфат. Бундан, аввало, унинг ота-онаси, ака-укалари, яқинлари жабр кўради. Бундай пайтда



уларга ёрдам бериш керак. Биз эса, афсуски, улардан ўзимизни олиб қочамиз. Тўйга, маросимга чақирмаймиз, у фалончининг акаси ёки ўғли, деб уларнинг нафратини баттар авж олдирамиз. Натижада нима бўлади? Кулфат камайиш ўрнига кўпаяди. Бошқа оилалар ҳаётига ҳам кириб боради. Минг афсуски, зарарли диний оқимга кирган болани «Бу — кўшнининг боласи, бошқа қишлоқ ёки туманнинг боласи», деб лоқайд бўлаётганлар ҳам орамизда йўқ эмас.

Ахир, кечагина шу ёшлар, ўзимизнинг қоракўзлар, биримизнинг маҳалладошимиз, биримизнинг ўғлимиз, биримизнинг қизимиз ёки жиянимиз эди-ку! Улар қачон адашди, қачон нотўғри йўлга кириб кетди? Биз нега ғафлатда қолдик? Қачон, қаерда хатога йўл қўйдик? Фарзандларимиз қачон бегоналарнинг кўлига ўтиб кетди? Нима жин урдию улар ўз ота-онаси, ўз юртининг душманига айланиб қолди? Бугун бу мудҳиш бало-қазонинг олдини олмасак, бор кучимизни шунга сафарбар этмасак, эртага кеч бўлади. Биз кўпинча болам мактабда, ўқишда ёки чет элда ишлаяпти, деб хотиржам юрамиз. Лекин бизнинг бундай соддалигимиз, бепарволигимиздан душманлар маккорлик билан фойдаланмоқда. Жону жаҳонимиз бўлган фарзандимиз улар кўлида қуролга айланиб қолса, бунинг учун ким айбдор? Ўзимиз эмасми? Шунинг учун мактаб, лицей ва коллежлардаги, олий ўқув юртларидаги таълим-тарбия, биринчи навбатда, давомат масаласига ниҳоятда жиддий эътибор беришимиз шарт. Биронта ўқувчи ёки талаба узрсиз ўқишга келмай қўйса, таълим маскани ҳам, оила ҳам, маҳалла, ҳокимият идоралари ҳам бу борада сергак тортиши, буни фавқулудда ҳолат деб баҳолаши керак. Ана шундай назорат тизими самарали ва ўзаро боғлиқликда ишлайдиган бўлса, албатта, биз вазиятни кўлга олиб, уни ижобий томонга ўзгартира оламиз.

Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, жойларда махсус ҳисобга олинган фуқароларнинг турмуш шароити, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, муаммоларини ўрганиш, ушбу тоифа шахслар нега радикаллашиб кетганининг сабабларини ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш лозим. Ана шу ишларнинг натижалари бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятида қўллаш учун аниқ тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Агар биз шу йўналишдаги ишларни аввалгидек давом эттирадиган бўлсак, яъни умумий профилактика ишларини ёшлар радикал диний оқим аъзосига айланганидан сўнг ўтказадиган бўлсак, бундай хавф-хатарга қарши самарали кураша олмаймиз.

Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, профилактика инспекторлари, имом-хатиблар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тегишли ходимлари учун малака ошириш ўқувлари ташкил этилаётгани ва унинг самарадорлигини ошириш ҳам самарали усуллардан. Бу ўқувларда уларни диний экстремистик ва



террорчи гуруҳларнинг иш усули, ғаразли ғоя ва мақсадлари билан таништириб бориш мақсадга мувофиқ.

Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди. Демак, унга доимо маънавий озик керак. Агар шу озикни ўзи яшаётган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни қониқтирмаса, нима бўлади? Бундай озикни у аста-секин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак. Бунинг учун ўзини жамиятимиз, ёшларимиз маънавияти, ғоявий-мафкуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар — бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар бўладими — уларнинг барчаси фаол бўлиши лозим. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Таълим ва тарбия ҳисобидан. Лекин тарбия дегани фақат мактаб тарбиясидан иборат эмас. Маҳалла, оила, кенг жамоатчилик ҳам бу тарбияда марказий ўрин эгаллаши лозим.

Ёдингизда бўлса, давлатимиз раҳбари томонидан маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бугунги таҳликали даврда ёшларнинг маънавий тарбиясига эътибор ва масъулият масалалари бўйича зиёлилар олдига аниқ вазифалар қўйилганди. Халқимиз асрлар давомида дунё тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшган комил фарзандлари, уларнинг илмий-маънавий мероси билан ҳам бошқа халқлар орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиб келган. Шарқона таълим-тарбияда ор-номус, одоб-ахлоқ, сабр-қаноат, бағрикенглик, илм-маърифатга интилиш, ўзидан яхши ном, яхши амаллар қолдириш каби фазилатлар бундан минг йиллар аввал ҳам бугунгидек муҳим аҳамият касб этган.

Қалблари илм-маърифат нуридан мунаввар бўлган кишилар ғайриахлоқий хатти-ҳаракатлардан тийилиб, кибрга, ҳою ҳавасга берилмай, белларига камтаринлик белбоғини боғлаб яшаган. Улуғ алломаларимизнинг бизларга қолдирган маънавий меросида бу борада кўп ҳикматли ҳикоятлар бор. Саховатпешалик, бағрикенглик, савобли хайрия ишлари, ҳар қандай ҳолатда ҳам маънавий комилликка интилиш, фарзандларни имон-эътиқодли қилиб тарбиялаш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Шу боис, эл-юртимиз не-не босқину истилоларга, оғир йўқотишларга қарамай, ўзлигини, дину диёнатини сақлаб қолган.

Маърифатли, зиёли кишиларнинг ибратли ҳаёти, илмий хазинаси дунё тамаддуни саҳифаларини ҳамон машғала янглиғ ёритиб келади. Халқимизнинг табиати ва тарихий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, маънавий тарбия ва маънавий комиллик миллий истиқлол ғоясининг муҳим талабига айланди. Бу ғоя янги озод ва эркин жамиятимиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг бугун ҳам устуворлиги, оила,



маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги, ота-онага, миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат, ҳаёт адабийлигининг рамзи бўлмиш аёл зотига эҳтиром, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, меҳр-оқибат каби фазилатларни ўзида тўла акс эттиради. Айни чоғда, бу ғоя қонун устуворлиги, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурфикрлилик, турли миллат ва элат вакилларига, уларнинг миллий туйғулари ва диний эътиқодига ҳурмат каби умуминсоний кадриятларни ҳам юксак даражада эътироф этади.

Бугун дунёнинг у ёки бу мамлакати, у ёки бу қитъаси эмас, бутун ер юзи турли талатўплар гирдобиди қолаётган, қонли можаролар, босқинчилик ҳаракатлари ва, ниҳоят, жумлаи жаҳонни титраган коронавирус пандемияси пайтида умумтирикликни, тинч-тотув ҳаётни, иқтисодий барқарорликни, эртанги кунимизни сақлаб қолишнинг ягона нажот йўли — маънавий асрашдир. Фақат шу фазилат билангина омон қолиш мумкин. Оптимиздан келаётган ёш авлод тарбиясига бир кунлик эътиборсизлик, талабчанликнинг бир зум сусайиши ҳам жиддий муаммоларга олиб келади. Бу сабоқ, айниқса, бугун — ёшлар онги ва қалбини эгаллаш учун кураш дунё миқёсида кучаяётган бир пайтда янада муҳим аҳамият касб этади. Бундай тарбия наинки ота-онанинг, устоз-мураббийнинг, жамият тақдирига, тинчлик-тотувликка бефарқ бўлмаган ҳар бир кишининг, давлат ва жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар, фаол зиёлилар, маҳалла оқсоқоллари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг ҳам муштарак вазифаси ҳисобланади. Тарбия қаерда суст бўлса, шу ерда турли нохуш иллатлар урчий бошлайди, ёш, ҳаётнинг тажрибаси кам ёшлар турли ғаразли оқимларнинг таъсирига тушиб қолади. Социолог олимлар узоқ кузатув ва таҳлиллардан сўнг, жинсий хатти-ҳаракатлар миллий-маънавий тафаккур заифлашган, миллий анъаналарга риоя қилиш сустлашган, тарихий хотира унутила бошлаган ҳамда она тилининг қўлланилиши камайган ҳудудларда кўпроқ содир бўлади, деган хулосага аллақачон келган. Буюк файласуф олим Абу Наср Форобий ўз асарларида тарбия таълимдан устун турадиган ва таълимга нисбатан эрта бошланадиган жараён эканини исботлаб берган.

Инсоннинг покиза туйғулари, дастлабки ҳаётнинг тасаввурлари оила бағрида, она алласи ва миллий-маънавий муҳит шароитида шаклланади. Жамият таълим ва тарбияга эътибор берар экан, бу билан у, аввало, ўзининг маънавий-ахлоқий пойдеворини мустаҳкамлайди, ўсиб-улғаяётган ёш авлод дунёқарашининг тўғри шаклланишини, илм-маърифатга ҳавас қўйишларини таъминлайди. Буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий: “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур”, деганида қанчалик ҳақ эканини бугунги ёш авлоднинг халқаро майдонда эришаётган ютуқларидан ҳам билиб турибмиз. Мустабид тузум улғу аждодлардан мерос бўлиб қолган кўплаб кадриятларни феодал ўтмиш сарқити, дея ҳаётимиздан ажратиб қўйди, онг-шууримизга, турмуш тарзимизга ўзининг ғайриахлоқий, маънан пуч ғоя ва



“кадрият”ларини сингдирди, шу йўл билан миллий туйғу ва ғурурни заифлаштиришга, тарихимизни сохталаштиришга, хотирамизни сустлаштиришга эришди. Бу йўқотишларни жой-жойига қўйиш осон кечаётгани йўқ. Бош Қомусимизда инсон шаъни, ғурури, кадр-қиммати, бошқа дахлсиз ҳақ-ҳуқуқлари ҳаётимиздаги олий кадрият даражасига кўтарилди. Ўқиш, меҳнат қилиш, илм-фан, маданият ва санъат ютуқларидан баҳраманд бўлиш, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандларнинг ўз оналарига ғамхўрлик қилиши, ота-оналар фарзандларини вояга етгунга қадар тарбиялашлари каби талаблар миллий кадрият сифатида конституциявий бурчимизга айланди.

